



Илмий-услубий,  
маънавий-маърифий журнал.  
Таъсисчи:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Тошкент давлат шарқшунослик  
институтини  
1992 йилдан чиқа бошлаган

Журнал Ўзбекистон Республикаси  
Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот  
бошқармаси рўйхатидан кайта ўтган  
(№ 02-0055 26 сентябрь 2014 йил)

Бош муҳаррир:  
Г. РИХСИЕВА (доц., ф.ф.н.)

**Таҳрир хайъати:**

**Қ. ОМОНОВ** (проф., ф.ф.д.) (бош  
муҳаррир ўринбосари)  
**Қ. СОДИҚОВ** (проф., ф.ф.д.) (масъул  
котиб)  
**А. МАННОНОВ** (проф., ф.ф.д.)  
**А. КУРОНБЕКОВ** (проф., ф.ф.д.)  
**Ш. ШОМУСАРОВ** (проф., ф.ф.д.)  
**МУҲАММАД АЛИ** (Ўзбекистон Халқ  
ёзувчиси)  
**С. КАРИМОВА** (т.ф.д.)  
**М. ИСҲОҚОВ** (проф., т.ф.д.)  
**А. ДОНИЁРОВ** (проф., т.ф.д.)  
**Н. КАРИМОВА** (проф., т.ф.д.)  
**У. ИДИРОВ** (с.ф.д.)  
**У. МУҲИБОВА** (доц., ф.ф.д.)  
**Д. ПЎЛАТОВА** (доц., фал.ф.н.)  
**А. АЛИМБЕКОВ** (доц., ф.ф.н.)  
**ГРЕГОРИ ГЛИЗОН** ("New Mexico"  
унив., проф.)  
**ОНО МАСАКИ** (Цукуба унив., проф.)  
**ЛИ ДЖИ ИН** (Ханкук чет тиллар  
унив., проф.)  
**В. И. МЕСАМЕД** (Исроилнинг Қуддус  
унив., проф.)  
**А. ГУРЕР** (Туркиянинг Анкара унив.,  
проф.)

**Нашрга тайёрловчилар:**

**З. АЛИМОВ**  
**Ш. ГАИПОВА**  
**Н. АРИПДЖАНОВА**  
**Ш. ТҮЙЧИБАЕВА**

Журнал Ўзбекистон Республикаси  
Олий Атгестация Комиссияси  
томонидан филология ва тарих  
йўналиши бўйича илмий мақолалар  
чоп этиладиган илмий нашрлар  
рўйхатига киритилган.

Журнал оригинал-макет асосида  
босилди.  
Sharq mash'ali, 2019 йил 3-сон.  
e-mail: nashriyot@tashgiv.uz  
web-site: www.tashgiv.uz  
Босишга рухсат этилди 25.09.2019.  
Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> Шартли б.т. 11  
100 нусхада босилди. Буюртма №  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

© Тошкент давлат шарқшунослик  
институтини, 2019 йил

Муаллиф фикри таҳририят нуктаи  
назаридан фарқланиши мумкин.

# SHARQ MASH'ALI

ISSN 2010-9709

МУНДАРИЖА № 3, 2019 йил

<b>Адабиётшунослик ва тилишунослик</b>	<p><b>Сайдазимова У.</b> Ким Манжун романида новаторлик ..... 3</p> <p><b>Рузматова Д.</b> Холид Хусайний романларидаги диаспора хусусияти ..... 13</p> <p><b>Акимов Т.</b> Хитой тилидаги иборалар ва уларни классификация қилиш ..... 21</p> <p><b>Ҳасанова Ф.</b> К становлению понятия «байхуа» в рамках литературного китайского языка <i>веньянь</i> ..... 29</p> <p><b>Бакаева Б.</b> Хитой тилида морфемали контракциянинг “tong kuo” умумлаштириш усули ..... 36</p> <p><b>Мирзаалиев И.</b> Қадимги туркий мақоллар тузилишида аллегория ва тазоднинг ўрни ..... 46</p> <p><b>Турдиева Ҳ.</b> Нутқий этикет бирликларининг илмий назарий асослари ва принциплари (ғарб назарияси) ..... 54</p>
<b>Манбашунослик ва матншунослик</b>	<p><b>Каримов Н.</b> Чет эл олимларининг ҳадисшунослик масаласидаги баъзи тадқиқотлари таҳлили ..... 68</p> <p><b>Тўраев Л.</b> Махмуд Замахшарийнинг “Робийъ ул-аброр” асари қўлёзмаси ва унинг Тошкент нусхалари ..... 80</p> <p><b>Назирова Х.</b> Сайфиддин Бохарзий фаолияти чет эллик олимлар тадқиқотларида ..... 85</p>
<b>Таржимашунослик</b>	<p><b>Назруллаева Г.</b> Персонажлар нутқи таржимасида қўлланган фразеологизмлар ..... 92</p>
<b>Тарихшунослик</b>	<p><b>Абдуваҳобова М.</b> Вобкент туманининг маъмурий-худудий тузилиши (XIX-XX аср бошлари) ..... 101</p> <p><b>Кариева Н.</b> Аҳмад Дониш асарларида табиий фанларга оид қарашлар ..... 110</p>
<b>Халқаро муносабатлар</b>	<p><b>Jumaev R., Akhunov T.</b> On some management concepts in world politics ..... 118</p> <p><b>Муҳаммадсидиқов М.</b> Замонавий босқичда Япония ташқи сиёсатида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ..... 124</p> <p><b>Хўжанов Б.</b> Халқаро сиёсатда геомафкура феномени ..... 136</p> <p><b>Сайфуллаев Д.</b> ШХТ доирасида Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама маданий дипломатияси ..... 145</p>

		<i>Пулатходжаев З.</i> Процессы регионализации в Центральной Азии..... 157
	<i>Такриз</i>	<i>Каримов А.</i> Рецензия на книгу Н.Н.Воропаева «Китай: имена на все времена. Прецедентные персонажи» ..... 169 <i>Замалева Э.</i> Рецензия на статью Ившиной Т.П. «Риторический потенциал наречия в публицистическом тексте»..... 171 <i>Хегай Г.</i> Рецензия на статью Унароковой Г.Ш. «Фразеологическая репрезентация концепта <i>насыт</i> «счастье» в адыгейской языковой картине мира»..... 173



## КИМ МАНЖУН РОМАНИДА НОВАТОРЛИК

САЙДАЗИМОВА УМИДА

филология фанлари доктори, ТДШИ

**Аннотация.** XVII–XVIII аср корейс адабиётининг энг муҳим бадиий ютуқларидан бири янги насрий жанрнинг, аниқроғи, нафақат инсонни бадиий аке эттиришига янгича ёндашув билан фарқ қилувчи, балки ижтимоий фош қилувчи тенденциялари билан алоҳида ажралиб турувчи роман жанрининг юзага келиши ҳисобланади.

Корейс тадқиқотчиси Чо Донил таъкидлаганидек: «Ким Манжун томонидан яратилган асарлар корейс адабиёти тарихида янги босқичга асос солди, унга янги муаммоларни олиб кирди ва корейс адабиётининг ривожланиши жараёнида муҳим роль ўйнади».

«Са хонимнинг жануб бўйлаб сарсон-саргардонликлари» романи оилавий романлар учун ўзига хос андоза бўлиб хизмат қилган. Бу асар подшоҳнинг оила бошлиғи сифатидаги роли ҳақидаги конфуцийчилик тасаввури нуқтаи назаридан ёзилган. Бунда подшоҳга мавжуд конфуцийчилик меъёрлари ва қоидаларига риоя этиши, шу тариқа мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш вазифаси юкланади. Оила ва давлат ишлари бир-бири билан боғланган, чунки давлат – катта оила, агар оилада тартиб бўлмаса, бу ўз-ўзидан давлатда ҳам тартибсизликларга олиб келади, деган гоя асарда етакчилик қилади.

«Са хонимнинг жануб бўйлаб сарсон-саргардонликлари» романида Лю оиласи ҳақида батафсил ҳикоя қилинади. Са хонимнинг фарзанди бўлмагани туфайли ҳукмдор хотини устига бир жорья олади.

Романда уйғунликнинг бузилиши сюжетни белгилайдиган воқеалар ривожининг умумий шартидир. Оилада юзага келган зиддият қаҳрамоннинг душман устидан шахсий галабаси сифатида эмас, балки ушбу қарама-қаршилик юзага келган оиладан ташқарида бартараф этилади. «Са хонимнинг жануб бўйлаб сарсон-саргардонликлари» романи учун «қаҳрамон-душман»ни шахсий қарама-қарши қўйиши эмас, балки Самовий қарама-қаршилик – «уйғунлик–ноуйғунлик» хос.

Ким Манжун бу ерда давлат миқёсида ҳал этилиши керак бўлган муаммоларни кўтаради. Асарда жамиятдаги икки қутб кучлари орасидаги зиддият муаммосининг кўтарилгани давлатдаги аҳволга нисбатан ёзувчининг муносабати, нуқтаи назаридан далолатдир. Ким Манжуннинг муаммоларни пардаланган услубда бўлса-да, жасорат билан кўтариб чиқиши, илгор гояларни илгари суриши унинг ўз асарида адолатли ва инсонпарварликка асосланган жамиятга фаол бўлиш тенденциясини тасвирлай олганидан далолат беради.

Бу ерда ёзувчининг давлатда зарур тартиб-интизомни ўрнатиши йўлини танлаш ва инсоннинг ижтимоий фаоллиги ҳақидаги нуқтаи назар хатолиги яққол кўриниб туради. Муаллифнинг қуйидаги хулосаси романинг бутун тўқимаси бўйлаб ўтади: оиладаги кўнгилсиз зиддият кичик жамият ҳисобланган оила ва хонадоннинг тинчлиги, барқарорлигини таъминловчи «катта ёшли шахс»нинг роли ҳақидаги анъанавий тасаввурларга мувофиқ ахлоқий тикланиши орқали ҳал этилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** корейс насри, роман, Ким Манжун, оилавий зиддиятлар, давлат аҳамиятига молик муаммолар, уйғунлик, қаҳрамон.

**Аннотация.** XVII век стал периодом появления корейского средневекового романа, родоначальником которого был Ким Манджун. Корейский роман – это многоплановое сюжетное произ-

ведение, в котором герои, пройдя серию приключений, испытаний и переживаний приходят к счастливому концу.

По мнению корейского исследователя Чо Дон'гиля, «произведения, созданные Ким Манджуном, стали новой вехой в истории литературы Кореи, привнеся с собой нечто новое, и сыграли важную роль в деле развития корейской литературы в целом».

Роман «Скитания госпожи Са по югу» Ким Манджуна может служить образцом «семейных романов». Через все произведение проходит идея автора о том, что семейные и государственные дела связаны между собой, поскольку государство – это большая семья, а хаос в семье неминуемо влечет за собой беспорядки в государстве.

В романе прослеживается история семьи Лю, когда в дом пришла наложница. Утрата равновесия-гармонии вызывает противопоставление: герой и окружающий мир, в котором он постоянно подвергается испытаниям. Характерным для писателя является отрицание борьбы с врагом. Добродетельные герои терпеливо переносят невзгоды, их поступки справедливы и гуманны, а отношения – гармоничны: принципы ян (светлое) и инь (темное) уравновешены. Следовательно, для романа «Скитания госпожи Са по югу» важно не личное противопоставление «герой – враг», а космическое – «гармония – дисгармония».

Ким Манджун поднимает в романе проблему, решение которой необходимо в масштабах государства. Именно этим объясняется оправданный им прием раскрытия действий враждебных персонажей не как личных врагов добродетельных героев. Придерживаясь конфуцианских догм, касающихся установления гармонии во всем, писатель отображает добродетельных героев, стремящимися к образцовости, а не к поиску истинных нарушителей порядка в стране и не к борьбе с этими враждебными силами.

Роман «Скитания госпожи Са по югу» своей социальной проблематикой оказал существенное воздействие на последующую корейскую прозу. Ким Манджун впервые в таком жанре, как роман, сумел раскрыть взаимосвязь частного семейного конфликта с государственными проблемами. Писатель убедительно показал важность предпринимаемых каждым человеком шагов и необходимость предусматривания каждым исключения тяжких последствий от них для государства в целом и его народа.

Роман Ким Манджуна «Скитания госпожи Са по югу» занимает особое место в истории развития корейской средневековой литературы, так как тема семьи в художественных произведениях впервые приобрела столь важное значение. Заслуга автора состояла в том, что он изобразил частный, семейный конфликт в связи с государственными неурядицами, показав, таким образом, что человек не может иметь личных дел.

**Опорные слова и выражения:** корейская проза, роман, Ким Манджун, семейный конфликт, государственные проблемы, гармония, герои.

**Abstract.** XVII century became a period of emergence of the Korean middle-aged novel, whose founder was Kim Mandjun. The Korean novel is a multiple planned gist based work in which the heroes moving through the series of adventures and sufferings reach the happy end.

According to the opinion of the Korean researcher Cho Don'il, created by Kim Mandjun became as a new stage in the literature of Korea, they brought with themselves something new, and played a great role in the Korean literature in the whole.

The novel «The wanderings of Ms. Sa throughout the South» of Kim Mandjun may serve as a sample of the «family novels». The idea of the author goes through the family and state affairs, the things which are connected with each other, due to the fact that the state is a large family, and the chaos in the family leads to a mess in the state.

The novel deeply analyzes the history of the family Lu, when the concubine comes to their home. The loss of the equality-harmony causes a contradiction, the hero and the surroundings, in which he constantly deals with the sufferings. The denial of the struggle with the enemy is seen as a primary characteristics, the virtue creators go through the difficulties, their deeds are fair and nice, their attitude is harmonious,





тамоийларини белгилайдиган асосий манба бўлиб хизмат қилади. У олий табақа вакиллари учун ханмунда ёзилган юксак наср намуналари билан бир қаторда, халқ учун, она тилида ёзилган романларнинг ҳам тузилишини белгилайди.

Романлар, одатда, юксак насрдан ўзлаштирилган ўз белгиларига эга бўлган: *ки*– ёзувлар, *нок* – кўрган-кечирганлар. Кўпгина романларнинг номларига шу икки белгидан бири қўйилади. Номларнинг бошқа бир қисмида эса ҳеч қандай белгилар бўлмайди.

Романларнинг аксариятида улар яратилган сана ва муаллиф кўрсатилмаган. Фақат икки асар учун муаллиф исмини ва роман яратилган санани айтиш мумкин. Булар – «*Са хонимнинг жануб бўйлаб сарсон-саргардонликлари*» ва «*Тўққиз кишининг булутли туши*». Мазкур романлар Ким Манжун томонидан XVII асрнинг охирида яратилган. Корейс филологик анъанасида бу икки роман Кореяда яратилган катта ҳажмдаги илк сюжетли асарлар сифатида эътироф этилади.

Корейс тадқиқотчиси Чо Донил таъкидлаганидек: «*Ким Манжун томонидан яратилган асарлар корейс адабиёти тарихида янги босқичга асос солди, унга янги муаммоларни олиб кирди ва корейс адабиётининг ривожланиши жараёнида муҳим роль ўйнади*»<sup>1</sup>.

Ким Манжуннинг икки романи корейс сюжетли насрига икки асосий масалани – ақли инсон ва ижтимоий ҳаётни рад этиш муаммоларини олиб кирди. Бунга мувофиқ корейс романларининг барчасини икки катта типга ажратиш мумкин: ижтимоий романлар ва ноижтимоий романлар (роман-тушлар).

Икки муаммо – жамиятда уйғунликка эришиш ва ижтимоий ҳаётни бутунлай инкор этишга бағишланган романлар умуман олганда илк бор Ким Манжун томонидан таъриф қилинди. Корейс адабиётида ёзувчи биринчи бўлиб одатда «юксак» адабиётда акс этирилган мавжуд муаммоларни «ножиддий наср» мавзулари билан боғлади. Биринчи ҳолатда бу инсоннинг жамоа олдидаги мажбуриятлари масаласи бўлиб, одатда у ҳақида тарихий асарларда сўз юритилади. Иккинчи бир ҳолатда эса, бу ўзини ўзи назорат қилиш, майлларини жиловлаш ва қалбини тинчлантириш, сўнг мазкур тушунчаларга мутлақо зид бўлган уч қилмишни содир этган одамнинг хулқ-атвори билан солиштирилади.

Оилалар тарихига бағишланган романларда бош қаҳрамонлар юксак ва олижаноб фазилатлар эгаси сифатида намоён бўлади. Уларнинг асосий вазифаси – ҳар қандай вазиятда, ҳатто ўлим таҳдиди остида ҳам ўз ахлоқий қоидаларига содиқ қолиш. Мансаб пиллапояларидан кўтарилиш ва моддий фаровонлик каби ҳолатлар уларни қизиқтирмайди. Бундай муаммолар умуман кўриб чиқилмайди, бу асарларда энг муҳими – цзюньцзи хулқ-атвор намунасини кўрсатишдир. Айни вақтда, қаҳрамонлар цзюньцзи фазилатларига қай тарзда эга бўлганлари романларда тавсифланмайди, намунавий хулқ-атвор услуби улар учун олдиндан белгиланган, шу сабабли асарда баён этилган барча воқеаларда намунали инсоннинг камол топиш жараёни эмас, балки турли вазиятларда унинг табиий фазилатлари қай тарзда намоён бўлиши кўрсатилади.

«*Са хонимнинг жануб бўйлаб сарсон-саргардонликлари*» романида оила бошлиғининг хулқ-атвори оилани ҳалокатга олиб келиши кўрсатилган ва бу оилавий романлар учун ўзига хос андоза бўлиб хизмат қилган. Бу асар подшоҳнинг оила бошлиғи сифатидаги роли ҳақидаги конфуцийчилик тасавури нуқтаи назаридан ёзилган. Бунда подшоҳга мавжуд конфуцийчилик меъёрлари ва қоидаларига риоя этиш, шу тариқа мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш вазифаси юкланади. Оила ва давлат ишлари бир-бири билан

<sup>1</sup> Cho Ton Il. Hankuk munhak tonsa. Seoul, 3 kwon. 1989. 353 p. (In Korean).

боғланган, чунки давлат – катта оила, агар оилада тартиб бўлмаса, бу ўз-ўзидан давлатда ҳам тартибсизликларга олиб келади, деган ғоя асарда етакчилик қилади.

Ким Манжун 1689 йили сарой тўнтаришидан сўнг мамлакатдан бўлиб ўтган воқеаларга жавобан ўзининг «*Са хонимнинг жануб бўйлаб сарсон- саргардонликлари*» романини ёзди. Бир беҳаё найрангбоз жориянинг тухмати туфайли ота уйдан қувғин қилинган аёл қисмати орқали ёзувчи ўз асарида ҳукмдорнинг рафиқаси бўлган – Инхённинг тақдирини акс эттирди.

Ҳукмдор саройи ва оиласида рўй бераётган кўнгилсиз воқеа-ҳодисалар конфуцийчи олимларда норозилик уйғонишига сабаб бўлади. Улар ҳукмдор номига мактуб ва расмий маълумотлар йўллаб, уларда қадимги Хитой тарихидан мисоллар келтириб, ҳукмдорнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларини муҳокама қилишга тушадилар. Бу воқеа-ҳодисалар ҳукмдорга содиқ бўлган адиб – Ким Манжуннинг романида ўз аксини топган. Таниқли корейс-шунос олим А.Ф.Троцевич таъкидлаганидек, «*Са хонимнинг жануб бўйлаб сарсон-саргардонликлари*» номли биринчи корейс романи киноя, қочиримли панд-насиҳат характеридаги асар бўлиб, унда ҳукмдорнинг содиқ хизматкори ўз ҳукмдорида қабул қилган фармон ва қарорларининг хато эканлигини айтади»<sup>1</sup>.

«*Са хонимнинг жануб бўйлаб сарсон-саргардонликлари*» романида Лю оиласи ҳақида батафсил ҳикоя қилинади. Асардаги воқеалар Хитойда уч асосий образ: оила бошлиғи бўлган Лю Ёнсу ва икки аёл – унинг рафиқаси Са хоним ва жорияси Кё атрофида бўлиб ўтади.

Таъкидланганидек, Са хонимнинг фарзанди бўлмагани туфайли ҳукмдор хотини устига бир жория олади. Бу жория хўжайинига ўғил фарзанд ҳадя қилади. Айёр жория тухмат қилиб Са хонимни бадном этади. Канизак риёкор бош вазирнинг ҳомийлигидан фойдаланувчи одам билан дон олишади ва мазкур вазир охир-оқибат Дю Ёнсунни сургун қилади. Са хонимнинг бошига жуда кўп мусибатлар тушади, аммо у охири ўз ҳомийси – буддавий роҳибани учратади. Роҳиба Дю Ёнсунни кутқаради ва эр-хотин қайта топишиши учун имконият яратади. Шу билан бир вақтда, саройда бош вазирнинг кирдикорлари фош бўлади ва унинг ҳомийлигидан фойдаланган одамларнинг барчаси жазога тортилади. Шу тариқа Лю оиласи «ёвуз душманлар»дан халос бўлади<sup>2</sup>.

Лю Ёнсуга тухмат ёғдирган шахслар ҳукмдор томонидан қаттиқ жазоланадилар, қаҳрамоннинг ўзи эса пойтахтга қайтиб, ўз оиласида тартибни тиклайди: ҳийлакор жория қатл қилинади, хонадонга янги, одоб-ахлоқли янги жория олинади, оилага яна хузур-ҳаловат қайтади. Бу ерда ёзувчи қуйидаги фикрни асарнинг лейтмотиви сифатида келтиради: беномус, айёр жориянинг алдовларига учиб, оила бошлиғи сифатида ўз мажбуриятларини унутиб қўйган уй соҳибининг ахлоқсизлиги хонадонни пароканда этади ва бегуноҳ инсонларнинг бадном бўлишига сабаб бўлади.

Асарда воқеалар ривожини учун замин яратган вазият тавсифланади: уйга аёлга хос бўлган салбий фазилатлар – «маст қилувчи чирой», маккорлик ва виждонсизлик билан тавсифланадиган канизак келади. Канизакнинг пайдо бўлиши уйдаги уйғунликни – *ин* (аёл) ва *ян* (эркак) кучлари уйғунлигини бузади. Уй эгаси канизакнинг чиройи ва макри таъсирида ўзининг оила бошлиғи сифатидаги мажбуриятларини унутади. «*Ян кучи*»нинг пасайиши «ёвуз кучлар»нинг устунлигига олиб келади. Роман сюжетида бу канизакнинг душманлик ҳаракатлари фаоллашувида ифодаланган бўлиб, улар «майда найранглар»дан – уй эгасини

<sup>1</sup> Cho Ton Il. Hankuk munhak tonsa. Seoul, 3 kwon. 1989. 178 p. (In Korean).

<sup>2</sup> Троцевич А.Ф. История корейской традиционной литературы (до XX в.), [Trosevich A.F. The history of Korean traditional literature (until XX c.). – СПб.:Санкт-Петербург, 2004, С. 178.

ўзига махлиё қилиш йўллари йўлаб топишдан бошланади. Натижада оила вайрон бўлади, бош қахрамонлар ҳалокат ёқасида қолади.

Романда уйғунликнинг бузилиши сюжетни белгилайдиган воқеалар ривожининг умумий шартидир. Мувозанатнинг бузилиши қахрамон билан уни қуршаган муҳит ўртасида қарама-қаршилиқни вужудга келтиради. Бу муҳитда қахрамон доимий равишда синовлардан ўтади. Оилага ташқи ёвуз кучлар суқилиб кирган ва уй хотиржамлигини бузган канизак образида мужассамлашади.

Шу нарса диққатга сазоворки, романда ижобий образлар салбий персонажларнинг кирдикорлари натижасида азоб-уқубатларга дуч келар экан, ҳеч қачон улар билан очикдан-очик курашга киришмайди. Шу тарзда, оилада юзага келган зиддият қахрамоннинг душман устидан шахсий ғалабаси сифатида эмас, балки ушбу қарама-қаршилиқ юзага келган оиладан ташқарида бартараф этилади.

Уйдан қувиб чиқарилган Са хоним доимий равишда бир жойдан бошқа жойга кўчиб юради ва ҳар сафар янги мусибат ҳамда азоб-уқубатларга дуч келаверади. Бу жиҳатдан «*Са хонимнинг жануб бўйлаб сарсон-саргардонликлари*» асарининг персонажлари бир жойдан бошқа жойга доим кўчиб юрадиган, мусибатлардан халос бўлишга уринишига қарамасдан ҳар сафар яна янги хавfli вазиятга тушиб қоладиган «ҳаракатчан қахрамон» ҳақидаги қиссани эслатади. Улар кўп сонли синовлардан ўтади ва қисса бошида юзага келган, қахрамоннинг қувғин қилинишига сабаб бўлган «камомад» асар охирида барҳам топади, асар қахрамони ўз яхши номи ва мавқеини қайта тиклашга муваффақ бўлади.

Роман кўп персонажли, унда ўндан ортиқ персонаж иштирок этади, улардан асосий учта образ сюжет марказида туради: Са хоним, Лю Ёнсу ва канизак Кё. Бош персонажларнинг ҳар бири романда алоҳида ўз сюжет чизиғига эга. Аввал романда Са хонимнинг тақдири, яъни, унинг уйдан қувилиши, бир жойдан бошқа жойга кўчиб юриши, охири буддавийлар ибодатхонасидан паноҳ топиши кабилар ҳақида ҳикоя қилинади. Шундан кейин воқеалар баёни Лю Ёнсунинг уйига қайтади.

Фитналар натижасида Лю Ёнсу сургун қилинади. Романда қахрамон бошига тушган кўпгина мусибатлар тавсифи келтирилади. Бу мусибатлар душманлари уни ўлдириш учун келган пайтида тугайди: роҳиба кампир пайдо бўлади ва уни қутқариб, қайиқда Са хоним паноҳ топган ибодатхонага олиб кетади.

Романнинг учинчи сюжет чизиғи канизак Кё образи билан боғлиқ. У сургун қилинган Лю Ёнсунинг уйида яшайди, сўнг Люнинг собиқ мирзасига турмушга чиқади, мирза қатл қилинганидан кейин эса унинг дўсти билан топишади. Бу дўст ҳам қатл этилгач, канизак «яшил кулба»да кўшиқчилик билан шуғулланади. Роман якунида бу сюжет чизиқлари бирлашади: қахрамонлар яна битта маконга – Люнинг уйига қайтадилар. Оила дастлабки ҳолатда қайта тикланади, канизак эса қатл этилади.

Романдаги иккинчи даражали образлар тақдирида туб бурилиш юз берган пайтларда олдинги планга чиқади. Хусусан, хизматкор аёл Кёнинг ўғлини ўлдиради ва бунинг учун Са хонимни уйдан қувғин қилишади. Лю Ёнсунинг мирзаси канизак Кё билан дон олиша бошлайди ва уй эгаси сургун қилинишига эришади. Мирзанинг дўсти Са хонимни ўғирлаб, уни ўз канизагига айлантирмоқчи бўлади. Са хоним жанубга қараб қочишдан бошқа чора топа олмайди. Қишлоқ қизи ўз уйида Са хонимга бошпана беради ва шундан кейин у ўз саёҳатини давом эттириш имкониятига эга бўлади. Шу қишлоқ қизи Са хонимнинг ўғлини ҳам қутқаради. Натижада роман охирида бутун оила бирлашади ва бахтли ҳаёт кечира бошлайди.



Романдаги образлар галареясини икки тоифага ажратиш мумкин: эзгулик йўлидаги ижобий қахрамонлар ва ёвуз кучлар. Биринчи тоифага икки бош қахрамон ва уларнинг халоскорлари киради. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, қахрамонлар ҳеч қачон ўз душманларига қарши очиқ курашмайдилар, ўзларини оқлашга, ўзларининг айбсизлигини исботлаш ва ёвуз кучларни фош қилишга уринмайдилар. Аксинча, улар барча мусибатларга сабр-тоқат билан чидайдилар, оғир синовлардан ўтайдилар ва ўз фазилатларини сақлаб қоладилар. Ижобий қахрамонлар пассив. Улар ўз ихтиёрига кўра бирон-бир чора кўрмайдилар, уларнинг ўрнига ёрдамчилари ишлайди.

Ёзувчи аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ижобий образларга эзгу хулқ-атворли қахрамонлар ва ёвузлик тимсоли сифатида зулмкор, бадфеъл ва ахлоқсизликни ўзида мужассам этган кимсаларни салбий персонажлар тарзида шакллантиради. Ким Манжун ҳаётининг энг оғир дамларида ҳам синовлардан сабр-бардош билан ўтиб, ўзининг ижобий фазилатлари ва ўзлигини йўқотмаган одоб-ахлоқли, оқила аёл образини акс эттирган. Шунингдек, асарда китобхон кўз ўнгида давлат арбоби, беномус шахсларнинг хийлаю найрангларида хузур-ҳаловатини йўқотган, бироқ бунга қарши ҳеч қандай кескин чора кўрмаган ҳукмдор, ҳатто ўзининг бегуноҳ эканини исботлашга уринмаган содиқ хизматкор образлари гавдаланади. Асар қахрамони ўзининг софлиги ва юксак ахлоқий сифатлари туфайли бало-қазолардан кутулиб қолганини ёзувчи ўқувчига етказишга ҳаракат қилган<sup>1</sup>. Бундан ташқари, қахрамоннинг ўзи давлатга хизмат қилувчи амалдор сифатида барча душманларни жазолайди: қонунбузарларнинг барчасига лойиқ жазо беради ва тартиб-интизомни тиклайди, бунда инсоннинг хатти-ҳаракатлари ижобий фазилатлар ёки салбий хусусиятлар сифатида акс эттирилади.

Душманга қарши курашишни инкор қилиш ёзувчи поэтик тафаккурига хос жуда муҳим адабий тамойил ҳисобланади. Ижобий қахрамонларнинг барчаси ўз рақибига қарши курашга киришмайди, амалга оширган хатти-ҳаракатларини оқлаш, ўзининг бегуноҳ эканини исботлаш, зулм, ёмонликларни фош қилишга урилиб ҳам кўрмайди. Улар ўзларининг эзгу ниятларининг амалга ошишини кутиб, барча кўнгилсизликларни сабр-қаноат билан енгишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг бутун фаолиятлари адолат, инсонпарварликка асосланган, муносабатлари – мувозанат ва уйғунликда<sup>2</sup>.

Асарнинг ижобий қахрамонлари фаоллик кўрсатмайдилар, улар учун ҳамдард бўлган бошқа оддий кишилар куйиб-пишадилар. Жумладан, Са хонимни бало-қазолардан кутқарган дарё ёқасидаги қишлоқнинг содда бир қизи, ёки иродаси кучли Будда роҳибаси кабилар шулар жумласига киради. Бундан ташқари, оддий кишиларни гавдалантируви персонажлар ҳаққоний ёрдам кўрсатадилар, бошқалари эса ҳар доим – тушларида хавф-хатар босиб келаётганлиги ҳақида огоҳлантирадилар.

Романда ёрдамчи образлар сифатида оддий одамлар ёки ғайриоддий хислатларга эга инсонлар иштирок этади. Бунга мисол сифатида Са хонимга бошпана берган, унинг ўғлини ҳам кутқарган қишлоқ қизи ёки ғайриоддий кучлар қахрамонга ўзини қандай тутиш ҳақида тушда кўрсатмалар берилиши, марҳум қайнота ва қайнонанинг Са хонимнинг тушида хавфли жойдан дарҳол қочиши кераклигини айтиши, қадимги хитой императори Шуннинг икки аёли қахрамоннинг тушига кириб, уни ўз жонига қасд қилишдан қайтариши, тушда

<sup>1</sup> Koreys adabiyoti (qadimgi davrdan - XX asrning 1950-yillarigacha bo'lgan davr). Tuzuvchilar: Saydazimova U., Choy So Yong, Kim V.N. va boshq [Korean Literature (from ancient times to the 1950 of the XX century// Saydazimova U., Choy So Yong, Kim V.N.). – T.: Istiqlol, 2015. B.154.

<sup>2</sup> Троцевич А.Ф. История корейской традиционной литературы (до XX в.), [Trosevich A.F. The history of Korean traditional literature (until XX c.). – СПб.: Санкт-Петербург, 2004, С.178.

қишлоқ қизига қирғоққа чиқиш ва ғайриоддий болани қутқариш ҳақида самодан кўрсатма келиши, ғайриоддий қобилиятга эга роҳиба кампир Мёхенинг Са хонимни хавфли вазиятдан қутқариши, Лю Ёнсунинг тушида оби ҳаёт ёрдамида бедаво касалликдан даволаниши каби эпизодларни тилга олиш мумкин. Асарда Қирол риёкор вазирнинг кирдикорларини фош қилиб, унинг малайларини қатл этади ва у ноҳақ ҳукм қилган содиқ фуқароларни сургундан қайтаради. Шундай қилиб, Люга тухмат қилган ва уни таъқиб этган душманлар жазоланади, қаҳрамоннинг ўзи эса пойтахтга қайтарилади ва унга янги лавозим берилади, иззат-икром кўрсатилади.

Ёвуз кучларни гавдалантирувчи асар персонажлари, аксинча, ўзлари ёмон кўрган кишилардан ўч олиш учун фаоллик ва ғайрат-шижоат кўрсатадилар. Масалан, айёр жория Кё турли хийла-найранглар билан ўз манфаатлари йўлида хонадон соҳиби бўлган Лю Ёнсудан фойдаланади. Кейин ҳукмдорни ўзига ром этади ҳамда Са хонимни саройдан қувғин қилишни уюштиради, кейинроқ, худди шу тарзда хийла-найрангларини ишга солиб, Лю Ёнсунни сургун қилдиради, бир сафар унинг жонига қасд ҳам этмоқчи бўлади. Ёзувчи Кё образида ўз мақсади йўлида ҳеч қандай қабихликдан тап тортмайдиган асосий душманни, унинг тарафдорларида эса бу аёлнинг барча қабих режаларини оғишмай амалга оширувчи ижрочиларни кўради.

Зеро, тубан мақсад ва манфаатлар йўлида бир жойга жамланадиган кимсаларнинг ёвуз ниятлари устидан ҳамиша эзгулик, адолат ва тўғрилиқ ғолиб келади.

Душман кучларнинг хатти-ҳаракатлари, турли ғайриахлоқий фитналари ва юмушлари инсонлар ўртасидаги уйғун, барқарор муносабатларни бузиш, унга путур етказишга йўналтирилади. Улар ўзларининг жинойий ҳаракатларида тартиб-интизом, барқарорликка интилувчи кишиларга қарши бирлашадилар. Жория Кё ва унинг янги жазмани, хонадон бошлиғининг котиби давлатнинг кўзга кўринган вакили – биринчи вазири билан давлатнинг қонун-қоидалари, низомига хилоф тарзда иш тутиб, фитна уюштиради, хийла-найранглар қўллайди. Бу ерда ёзувчи бир параллел ўтказди: оиланинг барбод бўлиши давлатнинг ахлоқ меъёрлари, қонун-қоидаларнинг бузилиши, ҳатто тартибсизликлар юз беришига олиб келишини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, ижобий қаҳрамонлар тоифасига кирувчиларнинг хатти-ҳаракатлари адолат ва инсонпарварлик, ёмонликка қаршилик кўрсатмаслик билан тавсифланади. Уларнинг ўзаро муносабатлар уйғун – *ян* (ёруғлик) ва *ин* (зулмат) тамойиллари мутаносиб келади.

Салбий персонажлар – ёвузлик кучлари одамлар ўртасидаги муносабатларда зарур уйғунликни бузадилар. Булар – сотқин амалдорлар, оилани бузувчи аёллар, риёкор одамлар. Ўша давр Узоқ Шарқ маданий тасаввурларига кўра бу персонажларнинг барчаси айна ҳолда уйғунликнинг бузилишига олиб келадиган *ин* тоифасига қиради. Бинобарин, ёвуз канизак ва унинг ёрдамчилари айрим шахслар сифатида эмас, балки дунёдаги тартибни – микрокосмос сифатида тасаввур қилинадиган оиладаги мақбул муносабатларни бузувчилар сифатида қаралади. Шу туфайли ҳам бош қаҳрамон – Са хоним ўзини оқлаш, ҳақиқий жинойятчини фош қилиш ва ундан ўч олиш ҳақида ўйламайди. У фақат фазилатли аёлга хос намунали хулқ-атворни намойиш этади. Воқеаларга қиролнинг аралашувигина қаҳрамонларга ўз юртига қайтиб келиш, оила бошлиғига канизакни қатл этиш ва уйда уйғунликни қайта тиклаш имконини беради. Шундай қилиб, барча жабҳада тартибни сақлашга интилиш охир-оқибат

---

<sup>1</sup> Троцевич А.Ф. История корейской традиционной литературы (до XX в.), [Trosevich A.F. The history of Korean traditional literature (until XX c.). – СПб.:Санкт-Петербург, 2004, С. 179.

уйғунликнинг қайта юзага чиқишига олиб келади ва буни қаҳрамоннинг ўзи эмас, балки Само хукмини бажарувчи қирол амалга оширади.

Бинобарин, «*Са хонимнинг жануб бўйлаб сарсон-саргардонликлари*» романи учун «қаҳрамон-душман»ни шахсий қарама-қарши қўйиш эмас, балки Самовий қарама-қаршилиқ – «уйғунлик–ноуйғунлик» хос.

Ким Манжун бу ерда давлат микёсида ҳал этилиши керак бўлган муаммоларни кўтаради. Айнан шу нарса муаллифнинг асардаги салбий персонажларнинг хатти-ҳаракатларини очиб бериш усулини қўлаганида яққол кўзга ташланади. Бунда салбий персонажлар ижобий қаҳрамонларнинг шахсий душманлари сифатида тасвирланмайди. Ёзувчи дунёда ҳамма нарсада мувозанат, уйғунлик бўлишини ёқлаб чиқувчи конфуцийчилик ақидаларига амал қилган ҳолда, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни бузувчи шахсларни қидириб топиш ва бундай душман кучларга қарши кураш олиб боришга эмас, намунали бўлишга интилувчи ижобий қаҳрамонларни тасвирлайди. Бироқ асарда жамиятдаги икки кутб кучлари орасидаги зиддият муаммосининг кўтарилгани давлатдаги аҳволга нисбатан ёзувчининг муносабати, нуқтаи назаридан далолатдир. Ким Манжуннинг муаммоларни пардаланган услубда бўлса-да, жасорат билан кўтариб чиқиши, илғор ғояларни илгари суриши унинг ўз асарида адолатли ва инсонпарварликка асосланган жамиятга фаол бўлиш тенденциясини тасвирлай олганидан далолат беради. Унинг ижобий қаҳрамонлари давлатнинг ҳақиқий душманлари билан кураш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар, аксинча, лозим бўлган одоб, хатти-ҳаракат қоидаларига амал қилишга уринадилар. Уларнинг фикрича, бу нарса давлатда, оилада, инсонга алоқадор барча нарсада мувозанат, барқарорликнинг таъминланиши учун кифоядир.

Бу ерда ёзувчининг давлатда зарур тартиб-интизомни ўрнатиш йўлини танлаш ва инсоннинг ижтимоий фаоллиги ҳақидаги нуқтаи назар хатолиги яққол кўриниб турибди. Муаллифнинг қуйидаги хулосаси романнинг бутун тўқимаси бўйлаб ўтади: оиладаги кўнгилсиз зиддият (коллизия) кичик жамият ҳисобланган оила ва хонадоннинг тинчлиги, барқарорлигини таъминловчи «катта ёшли шахс»нинг роли ҳақидаги анъанавий тасаввурларга мувофиқ ахлоқий тикланиш орқали ҳал этилади.

«*Са хонимнинг жануб бўйлаб сарсон-саргардонликлари*» романи корейс насрининг кейинги тараққиётига жиддий таъсир кўрсатди. Ким Манжун илк бор роман жанрида хусусий, яъни оила конфликти билан давлат муаммолари орасидаги ўзаро муносабатни очиб берди. Дарҳақиқат, оила инсон ҳаётига тўқислик бағишлаб, бахт келтирувчи, давлат аҳамиятига эга энг қутлуғ неъматлардандир. Жамиятнинг кичик бир бўлаги бўлган оиланинг жипслиги бутун бир инсоният жамиятининг дахлсизлигини таъминлайди.

Оила ва жамият муносабати барча халқларнинг барча даврлардаги адабиёти учун жуда муҳим саналади. Жадид адиби Фитрат «Оила» деган махсус асар ёзгани маълум. Ёки Абдулла Авлоний «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарида кўркам тарбия обод жамият учун асос бўлишига доир улкан ғояни илгари суради.

Бугунги кунда мамлакатимизда оила масаласига катта аҳамият берилмоқда. Катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхўрлик, одамийлик, ҳалоллик, меҳр-муҳаббат сингари асл инсоний фазилатлар энг аввало оила муҳитида шаклланади ва мустаҳкамланади. Оилалардаги тотувлик, хулқ-одоб, фароғат ҳатто миллат шарафини олий мақомга кўтаради ва ҳар қандай мушкул, қийин ишларни бартараф қилишга ёрдам беради<sup>1</sup>. Адиб ҳар бир инсон томонидан қўйилган қадамнинг қанчалик муҳим эканлиги, ҳар бир кишининг ножўя қўйган қадами

<sup>1</sup> Gulomov E. O'zlikni anglash. [Gulomov E. Self-knowledge].– Toshkent, "Istiklol", 2010. 120 b. (In Uzbek).



давлат ва халқ учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигига доир талқинлари роман моҳиятини бугунги кун билан боғлаб тушунтиришга имкон беради.

**Хулоса** ўрнида шунга айтиш мумкинки, Ким Манжуннинг «*Са хонимнинг жануб бўйлаб сарсон-саргардонликлари*» ижтимоий романини оила мавзуга бағишланган ўрта аср намуна асари деб ҳисоблаш мумкин, асар сюжети солномачи конфуцийчилар белгиланган андозалар ва барқарор жамият куриш тамойиллари билан мос келади.

Оила бошлиғи сифатида ўз мажбуриятларини унутиб қўйган уй соҳибининг ахлоқсизлиги хонадонни пароканда этиши ва бегуноҳ инсонларнинг бадном бўлишига сабаб бўлгани асарнинг лейтмотиви сифатида келтирилади. Уйдаги уйғунлик – *ян* (ёруғлик) ва *ин* (зулмат) принциплари мутаносиблигининг бузилиши оқибатида юзага келади.

Ёзувчи томонидан *Са хоним* образи жуда ҳам ишонарли тарзда тасвирланган: фаросатли, меҳрибон аёл, бошига кулфат тушганида ҳам ўзининг яхши фазилат ва инсонпарварлигини йўқотмаган. Ёмонликка қарши курашмаслик ва тақдирга тан бериш яшаш, эзгулик – буларнинг барчаси оилавий муносабатларда уйғунликнинг тикланишига сабаб бўлади.

Муаллиф сотқин амалдорлар, андишасиз аёллар, риёкор одамларга эзгу мақсадли қаҳрамонларни қарама-қарши қўяди ва уларни инсонлар ўртасидаги муносабатларда зарур уйғунликни бузувчиликда айблайди. «*Са хонимнинг жануб бўйлаб сарсон-саргардонликлари*» романи учун «Самовий қарама-қаршилиқ – «уйғунлик-ноуйғунлик» хос. Ёзувчи дунёда ҳамма нарсада мувозанат, уйғунлик бўлишини ёқлаб чиқувчи конфуцийчилик ақидаларига амал қилган ҳолда, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни бузувчи шахсларни қидириб топиш ва бундай душман кучларига қарши кураш олиб боришни тасвирламайди.

Ким Манжуннинг «*Са хонимнинг жануб бўйлаб сарсон-саргардонликлари*» романида кўтарилган ижтимоий муаммолар корейс насрининг ундан кейинги тараққиётига жиддий таъсир кўрсатди. Ким Манжун илк бор роман жанрида хусусий, яъни оила конфликти билан давлат муаммолари орасидаги ўзаро муносабатни очиб берди. Адиб ҳар бир инсон томонидан қўйилган қадамнинг қанчалик муҳим эканлиги, ҳар бир кишининг ноҳўя қўйган қадами давлат ва халқ учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ишончли акс эттира олди.





## ХОЛИД ХУСАЙНИЙ РОМАНЛАРИДАГИ ДИАСПОРА ХУСУСИЯТИ

**РУЗМАТОВА ДИЛНОЗА**

таянч докторант, ЎДЖТУ

**Аннотация.** Диаспора адабиёти замонавий адабиётишуносликнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб, мазкур йўналишида ёзилган асарлар ўзига хос спецификалар асосида таҳлил қилиниши заруратини кўрсатади. Мазкур тадқиқотда диаспорада ижод қилувчи ёзувчиларнинг бадиий асарлари ўрганилиб, уларнинг умумий жиҳатлари тадқиқ қилинди. Тил ва маданият тўқнашуви, биографик метод тамойиллари ҳамда замон ва макон мутаносиблиги диаспора адабиётининг учта асосий хусусияти ҳисобланади. Илмий манбаларда “диаспора” ва “экспатриант” синоним тушунчалар сифатида келтирилади, аммо мазкур терминлар моҳияти жиҳатидан бир-биридан фарқ қилиши мисоллар ёрдамида изоҳланган. Афғонистонда туғилган америкалик ёзувчи Холид Хусайний ижодини айнан мазкур диаспора адабиёти спецификаси нуқтаи назаридан таҳлил қилинса, ёзувчи асарларининг бадиий ўзига хослиги намоён бўлади. Тадқиқот объекти сифатида ёзувчининг “Шамол ортидан югуриб”, “Минг кўёш шуъласи” ва “Тоғлар ҳам садо беради” романлари танланган бўлиб, ушбу романлар тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган диаспора адабиётининг учта асосий хусусиятлари асосида таҳлил қилинади. Шу билан биргаликда диаспора адабиётида тил бирламчи хусусият эканлигини назарда тутган ҳолда, бошқа тадқиқотлардан фарқли ўлароқ Афғон диаспора адабиёти ёзувчилари икки категорияга яъни инглиз тилида ва форсийда ижод қилувчиларга ажратилди. Инглиз тилида ижод қилувчи Холид Хусайний асарларида тасниф этилган диаспора хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ёзувчи миллати ва ватанининг муаммоларини умумбашарий даражада тасвирлайди ҳамда афғонлар ҳам бошқа миллат вакиллари сингари тинчлик ва фаравонлик истаишларини бадиий чизгилар асосида исботлайди. Шунингдек, ёзувчи ижодда шарққа хослик етакчилик қилишини инглиз тилида ёзилган асарларида араб, форс ва туркий тил намуналарини салмоқли қўллаши билан баҳолаш мумкин. Эътиборли тамони шундаки, ёзувчи шарқ алломаларининг фикрлари ва шоирларининг байтларини қўллаши билан асар руҳиятини шарқона пафосга кўтара олади, бу ўз ўрнида инглиз тилини била туриб ўз маданиятидан бебаҳра вояга етаётган диаспора вакиллари оғибоболари қандай буюк тамаддун иштирокчилари эканлигига ишора қилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** диаспора, тил, маданият, биографик, метод, замон, макон, категория, хусусият, роман, Афғонистон.

**Аннотация.** Литература диаспоры является одним из актуальных вопросов современного литературоведения и показывает необходимость анализа с точки зрения особых характеристик. Произведения авторов, которые вносят вклад в литературу по диаспоре, анализируются, и исследователь отмечает общие черты этой тенденции. Столкновение языков и культур, применение биографических методов, соотношение времени и пространства – основные черты литературы диаспоры. В научных публикациях термины «диаспора» и «экспатриант» используются как синонимы, но это исследование показывает, что они имеют отличительные особенности, основанные на примерах. Художественные особенности работ американского писателя афганского происхождения, Халеда Хоссейни, можно увидеть, если проанализировать и интерпретировать его романы в соответствии с основными чертами литературы диаспоры, анализируемой исследователем. Объектом исследования являются романы Хоссейни «Бегающий за ветром», «Тысяча сияющих солнц», «И эхо летит по горам», и они анализируются с акцентом на три основные характеристики литературы диаспоры. Рассматривая язык как основной фактор этой тенденции и отличаясь от других исследований, писатели афганской диаспоры делятся на две категории: писатели, которые пишут свои произведения на английском языке, и писатели, которые пишут свои произведения на персидском языке. Что касается основных характеристик, обнаруженных в



этом исследовании, очевидно, что Хоссейни в глобальном масштабе описывает проблемы своей нации и страны, более того, пытается доказать тот факт, что афганский народ также хочет иметь мир и богатство так же, как и другие люди. Кроме того, писатель использует арабские, персидские и тюркские слова в своих английских текстах, чтобы изобразить ориентализм в своих произведениях.

**Опорные слова и выражения:** диаспора, язык, культура, биография, метод, время, место, категория, характеристики, роман, Афганистан.

**Abstract.** *Diaspora literature is one of the topical issues of contemporary literary studies and it shows the necessity for analyzing in terms of special characteristics. The works by the writers who contribute into diaspora literature are analyzed and the general features of this tendency are pointed by the researcher. Languages and cultures collision, biographic method application, time and space correlation are the major features of diaspora literature. In scholarly publications the terms "diaspora" and "expatriate" are used synonymously, but this research suggests that they have distinctive features based on the examples. The artistic peculiarities of the works by Afghan born American writer Khaled Hosseini can be seen obviously if his novels are analyzed and interpreted in line with the major features of Diaspora literature investigated by the researcher. The object of this research is the novels "The Kite Runner", "A Thousand Splendid Suns", "And the Mountains Echoed" by Hosseini and they are analyzed focusing on the three major characteristics of Diaspora literature. Considering the language as a main factor of this trend and being different from other researches Afghan Diaspora writers are divided into two categories: writers who write their works in English and writers who write their works in Persian. Concerning the major characteristics found in this research it is obvious that Hosseini globally depicts the problems of his nation and country, moreover tries to prove the fact that Afghan people also want to have peace and wealth the same as other human beings. Moreover, the writer uses Arabian, Persian and Turkic words in his English texts to depict Orientalism in his works.*

**Keywords and expressions:** diaspora, language, culture, biographic, method, time, place, category, characteristics, novel, Afghanistan.

**Кириш.** Диаспора грекча сўз бўлиб, “тарқатиш”, “қочиш”, “хар томонга сочиш” маъноларини англатади ва диаспора адабиёти ўзи туғилиб вояга етган юртидан бошқа давлатга кўчиб борган ва ўша худудда ижод қилган ёзувчилар асарларини ўрганеди. Диаспора атамаси орқали асосан *уруш, босим, очлик, ночорлик* сабаб туғилиб ўсган юртини тарк этишга мажбур бўлган иммигрант, муҳожир, ишчилар, қочоқларнинг ўзга юртларда яшаши тушунилади.

Афғон диаспораси 1970 йилларнинг бошларидаги очарчилик ва иқтисодий танглик сабаб юзага келди, асосан Эрон ва Покистон орқали Европа ва Америка худудларига Афғонистонлик иммигрантларнинг келиб ўрнашиши бешта асосий даврда кузатилди:

- 1) 1971–1973-йилларда ишчиларнинг Эрон ва Ўрта Шарққа кириб келиши;
- 2) 1978–1979-йилларда Афғонистоннинг олий насаб вакиллари, уларни кўллаб-қувватловчилар ва сиёсий иттифоқчилар гуруҳининг Покистон ва Эронга келиши;
- 3) 1980-йилларда деҳқон ва чўпонларнинг Афғонистондан Покистонга кириб келиши;
- 4) 1990-йилларда зиёлилар, юқори лавозимдаги масъуллар ва ишчилар гуруҳи иммиграцияси, 1996 йилда малакали техник ва мутахассисларнинг Покистонга келиши;
- 5) 1999–2001-йиллардаги сўнгги миграция аҳолининг барча қатламларида Афғонистондаги очарчилик сабаб содир бўлди.

2001–2005-йилларда айрим афғонларнинг ўз ватанларига қайтиши кузатилса-да, дунё бўйлаб афғон иммигрантларнинг сони ҳалигача салмоқлидир. Ота-онаси афғон миллатига мансуб бўлса-да, аммо уларнинг фарзандлари на афғон, на америкалик ва на европалик бўла олмасдилар. Шу боис муҳожирларни Афғонистондаги юртдошлари оддийгина “*чет*

эллик афғонлар” (*Afghan-e khareejeh*)<sup>1</sup> деб аташарди. Эрон ва Покистон орқали афғонлар Америка ва Европа давлатларига йўл олишди ва ўша ҳудудларда муқим ўрнашишди. Афғон иммигрантларининг кўпчилиги Покистон, Эрон, Ҳиндистон, Германия, Голландия, Россия, Канада, АҚШ ҳудудларида истиқомат қилишади. Олий маълумотли, юқори лавозимларда фаолият юритган муҳандислар, шифокорлар, дипломатлар ватанидан ташқарида оддий ҳайдовчилик, бозор расталарида ҳаммоллик ва ёки мезбон юртнинг ижтимоий ҳимоясидан умидвор “ёрдам пули” кутиб навбатларда туришарди. Лекин улар учун бу энг даҳшатли фожиа эмас эди. Америкага 80-йилларнинг бошларида кириб келган афғонларни биринчи авлод деб атасак, уларнинг фарзандлари *иккинчи авлодга*<sup>2</sup> мансубдирлар. Бу авлод вакиллари ота-оналаридан фарқли ўлароқ инглиз тилида равон гапиришар, аммо афсуски уйда инглиз-пуштун ёки инглиз-дарий тиллари қоришуvidан ташкил топган оғзаки нутқда мулоқот қилишади. Энг ачинарлиси, улар форсийда ёзишни ҳам, ўқишни ҳам билмайдилар ва бу афғонлар учун том маънодаги маданий таназул ҳисобланади.

2001 йил 11 сентябрь воқеалари башариятнинг афғон миллатига қўрқув билан қарашга, афғон деганда “террор” сўзини беихтиёр эслашларига сабаб бўлди. Бундай фожиани бутун бир миллат вакиллари билан боғлаш, уларни бесабаб айблаш, инсониятнинг энг катта хатоси эканлиги, аслида афғонлар бетакрор маданий тамаддуннинг яратувчилари ва иштирокчилари эканликлари Холид Ҳусайний асарларида бетакрор ифодасини топди. Ёзувчи таъкидлашча, “*Турли урушлар, гиёҳванд моддалар савдоси, терроризм билан боғлиқ воқеаларда Афғонистон бош мавзу бўлиб келмоқда. Афғонлар, уларнинг маданияти, анъаналари, ўз юртларида қандай шароитда яшаганликлари-ю ва нима сабаб ватандан чиқиб кетганликлари ҳақида жуда ҳам кам мунозара қилинади*”.<sup>3</sup> Муаллиф ёзган асарлари воситасида афғонларга инсон сифатида қараш ва уларнинг ҳам тинч юртда яшаш истаги бошқаларникидан кам эмаслигини исботлай олишига ишонади.

Холид Ҳусайний 1965 йил Афғонистоннинг Қобул шаҳрида туғилган, онаси қизлар мактабида форс тили ва тарихдан дарс берган ва отаси Афғонистоннинг ташқи ишлар вазирлигида дипломат сифатида фаолият олиб борган. Оилавий муҳит Ҳусайнийнинг ёзувчи сифатида шаклланишида ва ўз юртининг аянчли тақдирига бефарқ қарамасликка туртки бўлди. Ҳусайнийлар бир муддат Техронда ва ундан кейин Парижда отасининг дипломатик миссияси сабабли истиқомат қилишган. Афғонистондаги сиёсий беқарорлик ва доимий кўпоровчилик ҳаракатлари сабаб, америкалик дўстларининг ёрдами туфайли Франциядан Калифорнияга кўчиб кетишади ва у ердаги мухожирлар жамиятига қўшилишади. Сан Хосе шаҳри Ҳусайний вояга етган ва таълим олган маскан бўлиб, у бу ерда дастлаб биологиядан, кейин тиббиётдан ҳам амалий, ҳам назарий билим ва кўникмаларни эгаллади.

Серқирра иқтидор эгаси Холид Ҳусайнийнинг ёшлигиданоқ ҳикоялар ёзишга ихлоси баланд эди, ёзувчи бу ҳақида Washington Postга берган интервьюсида укалари ва жиянларидан ўзи ёзган кичик драмаларини ижро этишлари учун уларга совғалар улашганини кулиб таъкидлайди. Ёзувчининг нашр этилган ҳар учала романи ҳам дунё китобхонлари томонидан юксак даражадаги адабий қизиқиш билан қабул қилинди. Муаллифнинг “Шамол ортидан югуриб” (“*The Kite Runner*”), “Минг қуёш шуъласи” (“*A Thousand Splendid Suns*”)

<sup>1</sup> Mir Hekmatullah Sadat. “The Afghan Experience: An Exploratory Study of Societal Realities Through the Lenses of Afghan Diasporic Literary Works.” PhD diss., Claremont Graduate University and San Diego State University, 2006. p143

<sup>2</sup> Ibid. p. 150.

<sup>3</sup> Ibid. p. 151.

ва “Тоғлар ҳам садо беради” (“And the Mountains Echoed”) романлари дунёнинг қирқдан ортиқ тилларига таржима қилинганлиги Холид Хусайний ижодига бўлган юксак даражадаги эътирофни намоён этади.

Холид Хусайний асарларида инсоний муносабатларни ўзига хос адабий чизгилар ёрдамида тасвирлайди ва ўз адабий аҳолиси орқали бутунги куннинг глобал муаммоларини очиб беради. Хусайний “Шамол ортидан югуриб”, “Минг қуёш шуъласи”, “Тоғлар ҳам садо беради” романлари билан том маънода диаспора адабиётининг ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Афғон тарихи ва маданияти бўйича Навал олий мактаби маърузачиси Мир Ҳекматуллоҳ Садат Афғон диаспора ёзувчиларини уч категорияга ажратади:

- 1) *Афғонистонда туғилиб, ўрта ёшларида юртини тарк этган муҳожир ёзувчилар;*
- 2) *болалигиданоқ Афғонистондан кетган муҳожир ёзувчилар;*
- 3) *Афғонистондан бошқа юртда таваллуд топган муҳожир ёзувчилар;<sup>1</sup>*

Садат биринчи категорияга Ақром Осман, Раҳнавард Зарияб, Спозмаи Зариябларни; иккинчи категорияга Холид Хусайний, Муҳаммад Хусейн Муҳаммадий, Атиқ Раҳимий ва Асеф Султонзодаларни киритади, аммо ханузгача учинчи категория вакиллари шаклланмаганлигини таъкидлайди. Маданий таназзул, яъни кейинги авлод ёшларининг афғон маданиятидан бебаҳра вояга етаётганлиги бунинг асосий омили деб ҳисоблаймиз. Садат афғон ёзувчиларини замон-макон нуқтаи назаридан таснифласа, ундан фарқли ўлароқ тил хусусиятларининг бирламчи ҳодиса эканлигини назарда тутган ҳолда, афғон диаспора адабиёти ёзувчиларини куйидагича гуруҳладик:

- 1) *форсий (форсий-пуштун, форсий-дарий) тилида ижод қилувчи афғон диаспора ёзувчилари;*
- 2) *инглиз тилида ижод қилувчи афғон диаспора ёзувчилари.*

*Биринчи туркумга мансуб ёзувчилар:* Ақром Осман, Раҳнавард Зарияб, Спозмаи Зарияб, Атиқ Раҳимий ва Асеф Султонзода. (Akram Osman “Our Alley”, “Real Men Keep Their Word: Tales from Kabul, Afghanistan”; Rahnoward Zariab “Qalandar Nama”, “The Beauty Sleeping under Earth”, “The Purse Thief”, “Shama-e-dar shabistane”, “Gulnar-o-abina”; Spojmai Zariab “The man from Kabul”, “Babylon reconquered”, “When Cats Turn Human”; Atiq Rahimi “Earth and Ashes”, “The Patience Stone”; Asef Soltanzadeh “Inan Denmark”, “Dar Goriz Gom Mishawim”, “Nowroz Faqat Dar Kabul Ba Safa Ast”)

*Иккинчи туркумга мансуб ёзувчилар:* Холид Хусайний, Мир Тамим Ансарий, Фарука Гавҳарий (биринчи Афғон-Америка адабиёти аёл ёзувчиси) (2,6), Саид Ҳайдар Акбар, Марям Қудрат Асил, Нилуфар Пазира, Масуда Султан. (Khaled Hosseini “The Kite Runner”, “A Thousand Splendid Suns”, “And the Mountains Echoed”; Mir Tamim Ansary “West of Kabul, East of New York”, “Road Trips, Becoming an American in the Vapor Trail of the Sixties”, “Games without Rules: the Often Interrupted History of Afghanistan”; Farooka Gauhari “An Afghan Woman’s Odyssey”, “Searching for Saleem”; Said Hyder Akbar “Come Back to Afghanistan: A California Teenager’s Story”; Maryam Qudrat Aseel “Torn between Two Cultures: an Afghan American Woman Speaks out”; Nilofar Pazira “A Bed of Red Flowers: In Search of My Afghanistan”; Masuda Sultan “My War at Home”.)

---

<sup>1</sup> Mir Hekmatullah Sadat. “The Afghan Experience: An Exploratory Study of Societal Realities Through the Lenses of Afghan Diasporic Literary Works.” PhD diss., Claremont Graduate University and San Diego State University, 2006. p154

**Мақсад ва вазифалар.** Диаспора адабиёти замонавий адабиётшуносликда қизиқиш билдирилаётган соҳалардан бири бўлиб, у уруш, нотинчлик, очарчилик каби муаммолар сабабли пайдо бўлган демографик кўчишлар натижасида ўз юртини тарк этган ёзувчилар ижодини ўрганади. Ўз навбатида диаспора адабиётида ижод қилувчи ёзувчиларнинг асарлари, бошқа турдаги асарлардан тил ва мавзу жиҳатидан фарқ қилади. Мазкур тадқиқотнинг мақсади ҳам айнан диаспора адабиётининг ўзига хос хусусиятларини Америкадаги Афғон диаспораси мисолида аниқлаш ва бу мақсадга эришиш учун илмий ишнинг вазифаларига Афғонистондан туғилган Америкалик ёзувчи Холид Ҳусайний асарларини тадқиқ қилинган диаспора адабиётининг уч асосий хусусияти: тиллар ва маданиятлараро тўқнашув, биографик метод истеъмоли, замон ва макон мутаносиблиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиш киради.

**Усуллар.** Холид Ҳусайнийнинг “Шамол ортидан югуриб”, “Минг қуёш шуъласи” ва “Тоғлар ҳам садо беради” романлари *контекстуал ва қиёсий* усулларида фойдаланилган ҳолда таҳлил қилинади ва шунигдек мазкур методлар диаспоранинг учта асосий хусусияти яъни *тил ва маданият тўқнашуви, биографик метод тамойиллари* ҳамда *замон ва макон мутаносиблигининг* ёзувчи ижодида тутган ўрнини кўрсатишда етакчи ўринни эгаллайди.

**Натижалар ва мулоҳазалар.** Форсийда ёзилган ҳикоя, романлар Европа ва Осиё тилларига, инглиз тилида ёзилган асарларнинг кўпчилиги Осиё тилларига, асосан, форсийга таржима қилинган. Нафақат Америкадаги афғон диаспораси, балки барча ҳудудлардаги диаспора адабиётига мансуб асарлардаги умумий жиҳатларни назарда тутган ҳолда, диаспора адабиётининг учта муҳим хусусияти аниқланди:

1. Тиллар ва маданиятлараро тўқнашув.
2. Биографик метод тамойиллари.
3. Замон ва макон мутаносиблиги.

**4.1. Тиллар ва маданиятлараро тўқнашув.** Диаспора адабиётининг асосий хусусияти бўлиб, бу йўналишда ижод қилувчилар “экспатриант” (expatriate – муҳожир, қочоқ) ёзувчилар саналади ва туғилиб ўсган юртига нисбатан уларда ижобий муносабат кузатилмайди. Шу боис диаспора тушунчаси “экспатриант”га қараганда ижобий маъно англатади. Диаспора асарларида ҳар иккала географик ҳудуд, яъни ёзувчи туғилган ва ёзувчи ижод қилаётган макон истиқболи етакчи ўринни эгаллайди. Муаллиф ўз ватанини соғинади, уни ҳар томонлама тараққий этишини хоҳлайди ва шу билан биргаликда унга бошпана берган юртдан ҳам миннатдор. Ҳар бир асарида ёзувчи ҳар иккала тил ва маданият унсурларини қўллайдиги, “гибридлаш” жараёни юзага келади. Гарчи Холид Ҳусайний асарлари инглиз тилида ёзилган бўлса ҳам, афғон фарзанди сифатида *Allah-u-akbar, naan, agha, saratan, zakat, hadj, namaz, qiyamat, chapandaz, mast, padar, bachem, zendagi migzara, Baba jan, sherjangi* каби бир қатор сўзларни маҳорат билан қўллайдиги, бу адабий техника асар таъсирчанлигини янада оширади. Тил ва маданият ўзаро чамбарчас ҳолатда асардаги афғонларга хослик, яъни миллий калоритни шакллантиради. Айниқса Фирдавсий “Шоҳнома”-сидан келтирилган парчалар, Саъдий Шерозий, Соиб Табризий сатрлари китобхонга шарққа хосликни таъкидлаб тургандек туйилади:

*Чўлгонур ҳар томи беҳад моҳитоб анворида,  
 Минг қуёшнинг шуъласи порлайди ҳар деворида!<sup>1</sup> (Соиб Табризий)  
 Э воҳ! Ке Эиқ осон намуд аввал, вале афтод мушиқилҳол!*

<sup>1</sup> Минг қуёш шуъласи: роман. Холид Ҳусайний/Таржимонлар Рустам Жабборов, Мунира Норова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 110-бет.



*(Кўринди аввал ишқ осон-у, сўнгра тушиди мушкуллар!<sup>1</sup> (Шерозий)*

*Кўруб бўйла бозуйи пайвастини,*

*Шукуҳи қавий, қомат-у бастини,*

*Дуосида тилни санохон этиб,*

*Тамошо ҳамул сунъи яздон этиб...<sup>2</sup> (Фирдавсий)*

*И. Тен бадиий асарга ёндашишида "ирқий" асосларга таяниши кераклиги гоёсини ҳам ил-гари суради. Бу ёндашув тарзига кўра, бадиий таҳлил учун бирор бадиий асарда муайян миллатнинг тугма **темпераменти**, яъни психологик ўзига хослиги, ўша халқ ҳаёт кечи-раётган жуғрофий **муҳит**, яъни табиий иқлими, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳолати, тараққиёт **босқичи**, яъни этнос эришган маданий даража ва таянадиган ижодий **анъана-лари**, бошқача айтганда, шу вақтга қадар юзага келган бадиий тажрибаларга хос хусу-сиятлар қандайлиги ҳам жуда муҳим деб қаралган.<sup>3</sup>*

Диаспора адабиётида бўлса, И. Тен таъкидлаган миллат темпераменти, жуғрофий муҳит, тараққиёт босқичи ва ижодий анъаналарда ёзувчи туғилган, вояга етган ва у ижод қилган маконларнинг таъсир доираси кузатилади.

Реалистик принциплардан келиб чикувчи миллийлик қаҳрамонни ҳаққоний, индиви-дуаллашган ҳолда кўрсатишга имкон беради. У умуминсонийлик билан ҳам боғлиқ ва образнинг ички ҳамда ташқи шахсий маданиятини кўрсатишни талаб этади, миллийлик тур-муш тарзи, одат, хулқ характерда кўринади. Ғарб адабиётида аниқлик кучли, аксинча, Шарқ адабиётида бадиий тўқима, муболаға, декоративлик, ўткир ва нозик дидлилик, шаклий гўзалликка ишқибозлик рўйи рост сезилиб туради. Лекин Ғарб адабиётида ҳам, Шарқ адабиётида ҳам ўзига хос ғалатилик бор. Бошқа адабиёт миллий адабиётга ҳар бир асардаги мазмун ва шаклнинг муайян бириккан тарзи сифатида кириб келади.

**4.2. Биографик метод истеъмоли.** Муайян асарни ёзаётган пайтдаги муаллиф шахси билан уни ёзгунча ёки ёзиб бўлгандан кейинги шахсни бир-бирининг ўрнини тўла боса оладиган шахс деб қараб бўлмайди. Негаки, айна асарни ёзаётган пайтда илҳом ва яратиш жўшқинлиги оғушида бўлган муаллиф шахси шундай ҳолга келгунча ёки ундан чиқиб кетгандан кейин тамомила бошқа шахсга – ижодкорга эмас, ҳамма қатори одамга айланади. *“Бадиий ижод моҳиятини, ижодкор психологиясини, бадиий асар илдизларини очишида муҳимдир аммо, уни таржимаи ҳолдан иборат деб тушунмаслик керак. ... Биографик метод ёзувчи ва бадиий асар жуфтлигига асосланади. Ижодкорнинг шахсий ҳаётига, яшаган муҳитига, руҳий-психологик ҳолатига, шахсий қизиқишларига, асарни ёзишига турт-ки берган илҳом факторларига, ижодкор лабораториясига ва шу каби қатор тарихий-индивидуал масалаларга жиддий эътибор беради. Биографик метод адабиётни шундай ўрганиш усулики, бунда ёзувчи биографияси ва шахсиятига бадиий ижодининг асосий белгиловчи моменти тарзида қаралади.<sup>4</sup>*

Ҳар бир асарни ёзган реал ҳаётдаги одам – бир муаллиф, айна асарнинг концепциясини белгилаб, унга ўзидаги маънавий, руҳий, интеллектуал сифатларни кўчирган ижодкор шахс – бошқа бир муаллиф, баъзи асарлардагина бўй кўрсатиб, бевосита ўз номидан гапириб,

<sup>1</sup> Минг куёш шуъласи: роман. Холид Хусайний/Таржимонлар Рустам Жабборов, Мунира Норова. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 400-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар – 294-бет.

<sup>3</sup> Йўлдош Қ., Йўлдош М. Бадиий таҳлил асослари. –Тошкент: «Камалак», 2016. – 352- бет.

<sup>4</sup> Баходир Карим. Руҳият алифбоси. –Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 166- бет.



ўқирман билан юзма-юз дардлашадиган киши образи –учинчи бир муаллиф бўлиши мумкин экани ҳисобга олингандагина бадий асар тўғри тушунилади ва тадқиқ қилинади.<sup>1</sup>

Хусайний ҳам ёзувчи, ҳам фарзанд сифатида ўз ватани ҳақида, афғонларнинг ҳам тинчлик истабини ўз интервьюларида бир неча бор таъкидлайди. Романида ҳам буни шундай эслатиб ўтади: “Бизнинг шўрлик халқимиз, бечора Ватанимизнинг, унинг бошига тушган кулфатларни ҳам ёзгин, ўғлим!”<sup>2</sup>

Биографик метод нуқтаи назаридан ёзувчи асосан ўзини ёзади, бадий образларига ўз қарашларини, эстетик идеалларини жойлаштиради. Абдулла Қодирий фикрича “Ёзувчининг, гарчи шахсан танилмаса ҳам, асарларини ўқиб, қандай табиатли шахс эканини гойибона билиши, тасаввур қилиши мумкин. Чунки у асарларида асосан ўз табиатини, руҳини тасвирлайди”.<sup>3</sup>

**Замон ва макон мутаносиблиги.** Диаспора адабиётининг яна бир хусусияти бу замон ва макон мутаносиблигидир. Афғонлар гарчи ватанда ё ватандан ташқарида бўлишмасин, уларни ватанпарварлик туйғуси бирлаштириб туради. Лекин, уларнинг қон-қонига сингиб кетган табақалаштириш афғон тарихидаги энг кечирилмас хато эди. “Адабиётда бадий ўзлаштирилган замон ва макон муносабатларининг ўзаро муҳим алоқасини биз **хронотоп (замон макон)** деймиз, – деб таърифлайди М.М.Бахтин. – ... Хронотопни биз адабиётнинг шакл-мазмун категорияси, деб тушунамиз. Адабий-бадий хронотопда замон ва макон белгилари англаган ва аниқ яхлитликда уйғунлашуви кўзга ташланади. Бунда замон тигизлашади, зичлашади, бадий сезиларли бўлади, макон эса замон, сюжет, тарих ҳаракатларига интенсификацияланади, тортилади. Замоннинг кўриниши белги-аломатлари маконда намоён бўлади, макон эса замон орқали англанади ва ўлчанади”. Айнан шу сабабдан ҳам бадий асарда замонни макондан ёки аксинча, маконни замондан, гарчи улар алоҳида-алоҳида мустақил адабий-эстетик ҳодиса-категориялар ҳисобланса-да, устуворликда қараши мумкин эмас. Чунки бадий асарда замон ва маконнинг ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан аҳамиятлари бир хил. Яхлит макон оламида замонни кўриши қобилиятини М.М. Бахтин ҳақиқий сўз санъаткорининг энг қимматли фазилатларидан бири ҳисоблайди. Бадий асар замонининг ўзига хослиги унга воқеликдаги ўзгаришларни, шаклланиши, ривожланиши жараёнларини бериши имконини тўғдиради.<sup>4</sup>

Тарихийлик нуқтаи назаридан Хусайний романларининг эътиборли томони шундаки, ёзувчи ҳатто афғон тарихчилари унутган ва ёки истамаган “ҳазоралар” ҳақидаги маълумотларни келтирадики, афғон этник манзараси ёрқин намоён бўлади. Ёзувчи “Шамол ортидан югуриб” романи ҳақида шундай ёзади: “Мен мавзунини танламадим, тарихини танладим. Бироқ ҳикоя ҳаёлимда айнан шу каби муаммолар билан етилган эди. Назаримда бадий асардан кўзланадиган мақсад ҳам ўқиганда китобхонни ларзага соладиган ва уларни уйғота оладиган тарзда ёза олишдир. Ҳеч ким бахтли одамларнинг тинч ҳаёти ҳақидаги китобларни ўқимайди. Бадий асар одамлар бемалол муҳокама қила олмайдиган мавзуларни муҳокама қилиши керак.”<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Баҳодир Карим. Руҳият алифбоси. –Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 50-51- бетлар.

<sup>2</sup> Минг кўёш шуъласи:роман. Холид Хусайний/Таржимонлар Рустам Жабборов, Мунира Норова. – Тошкент:Янги аср авлоди, 2017. –350-бет.

<sup>3</sup> Баҳодир Карим. Руҳият алифбоси. –Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 170- бет.

<sup>4</sup> Тўраева Б.Б. Тарихий романларда бадий замон муаммоси (О.Ёкубов ва П.Қодиоров романлари мисолида): Филол. фан. ...фалсафа д-ри дисс. – Тошкент, 2018. – 15-16- бетлар.

<sup>5</sup> Mir Nekmatullah Sadat. “The Afghan Experience: An Exploratory Study of Societal Realities Through the Lenses of Afghan Diasporic Literary Works.” PhD diss., Claremont Graduate University and San Diego State University, 2006. p193

Муаллиф “Шамол ортидан югуриб” романида ретроспекция қонунларига таянган ҳолда ривоячи Амир ўтмишини эслаб, биринчи шахс тилидан гапиради ва унинг болалигига қайтади. Аҳамиятли томони шундаки, ҳар учала “Шамол ортидан югуриб”, “Минг қуёш шуъласи”, “Тоғлар ҳам садо беради” романларида урушдан олдинги фаровон Афғонистон уруш даври ва урушдан сўнгги ракурсда тасвирланади ва башариятнинг энг фожиавий саҳнасига айланиши очиб берилади. Мазкур романлар ёзучининг олам ва одам, замон ва макон ҳақидаги фалсафаси, ижодкор борлигида роса етилган тафаккур, дунёни англаш концепцияси ёки ёзувчининг рухий-маънавий-интеллектуал даражаси ифодасидир. Асарларда тахминан 1973-2001 йиллар оралигидаги воқеалар бадиий тўқималар ёрдамида баён етилган.

Макон хусусида ёзувчи фақат Афғонистон билан чегараланмайди, “Шамол ортидан югуриб”да Афғонистон, Эрон, Покистон, Америка, “Минг қуёш шуъласи” асарида Афғонистон, Эрон, Покистон ва “Тоғлар ҳам садо беради” романида Афғонистон, Эрон, Покистон, Франция, Америка масофавий йўналишида ҳаракатланади. Ҳар бир давлат ҳудудида ёзувчи реалистик оқим тарафдори сифатида гавдаланади ва мезбон мамлакатларга хос белгиларга ҳам тўхталиб ўтади. “Тоғлар ҳам садо беради” асарида Парининг исмини французлар *Paris* (Пағи), яъни ўзларининг пойтахт шаҳрининг номи сифатида тушунишади ва шу тарзда талаффуз қилишади. Лекин бу сўз аслида Франция пойтахти Париж эмас, балки “фаришта, малак, пари” эканлиги Пари ва уни асраб олган онаси Нила Ваҳдати томонидан тушунтирилади.

“Тоғлар ҳам садо беради” романидаги Парининг қуйидаги ҳолати: *“Бироз ўтиб, Пари ёмғир нўшини эгнига илиб, Шапел булвари томон яёв юриб кетди. Ҳаво рутубатли бўлиб, ёмғир томчилари деразалар ва йўлкаларни аямай саваларди. Ёдида, болалигида турган-битгани савол эди: “Ойи, Қобулда амакиваччаларим борми? Бобом, бувам-чи? Нега улар бизникига меҳмон бўлиб келишмайди? Уларга хат ёза оламизми? Уларникига борсак билмайдимми?”*; <sup>1</sup> ёки “Минг қуёш шуъласи”даги Лайлонинг тинч Покистондан эндигина осойишталик қарор топаётган Афғонистонга интилишини акс эттирувчи *“Қачонлардир отаси айтган эди: “Сен ким бўлишни истасанг, албатта бўла оласан. Ишонаман. Қачондир бу беъмани урушлар тугайди ва сен ана шунда Ватанга керак бўласан!”* Гоҳида онасининг бир гапи ҳам тез-тез қулоғига чалинади: *Ватанимиз озодликка. Тинчликка эришган кунни ўз кўзим билан, болаларимнинг кўзлари билан кўраман*”<sup>2</sup>, -деган нолалари ҳамда “Шамол ортидан югуриб” асаридаги *“Айтиши жоизки, Америкада эски буюмлар савдоси муҳожир афгонлар учун энг сердаромад иш саналардию Шу боис, ушбу бозорнинг асосий сотувчилари ҳам афгонлар эди. Савдо сусайган пайтда сотувчилар бир пиёла чой устида бири-бири билан ўтмиши ҳақида кўрган-кечирганлари ҳақида, бу ердаги таниши-билишларнинг шахсий ҳаёти ҳақида (афгонлар гийбатни ёқтиришади) гурунглашиб ўтиришарди. Бу “эскифурушлар” орасида чилангар ва тикувчиларни ҳам, собиқ элчилар, жарроҳлар ва профессорларни ҳам учратиши мумкин эди*”<sup>3</sup> каби бир қатор эпизодларда Ҳусайний бадиий асарда замон ва макон мутаносиблиги аҳамиятини очиб беради.

**Хулоса.** Диаспора адабиёти ёзувчи туғилиб вояга етган ва ҳозирда истиқомат қилаётган ҳудудларнинг тил ва маданиятини биографик метод асосида макон ва замон мутаносиб-

<sup>1</sup> Минг қуёш шуъласи:роман. Холид Ҳусайний/Таржимонлар Рустам Жабборов, Мунира Норова. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 580-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар – 254-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар – 350-бет.



лигида акс эттирувчи бадий асарларни ўрганеди. Диаспора ёзувчилари ўз асарларида она юртини кўмсайдилар ва ватанига ҳамда унга бошпана берган юртга тенг равишда тинчлик ва фаровонлик тилайдилар. Афғон диаспора адабиётининг ёрқин намоёндаси Холид Хусайний “Шамол ортидан югуриб”, “Минг қуёш шуъласи” ва “Тоғлар ҳам садо беради” романига тадқиқот давомида аниқланган диаспора адабиётининг уч асосий хусусияти тиллар ва маданиятлар аро тўқнашув, биографик меътод истеъмоли ҳамда макон ва замон мутаносиблигини шундай мужассамлаштириши мутолаа давомида муаллифнинг ҳар икки давлатга, ҳар икки миллатга ва ҳар икки маданиятга мансублигини намоён этади.

Ҳақиқий ижодкорларнинг руҳи, табиати, идеаллари ўз қаҳрамонлари ортига яширинган бўлади. Бадий асар ижодкор шахсида бутунлашади. Бадий асардан ёзувчи табиатига хос хусусиятларни англаш, ҳис этиш ижодкор яшаган ижтимоий ва оилавий муҳитни, маънавий-руҳий, эътиқодий дунёқарашини англаш орқали юзага келади. Гарчи аччиқ ҳақиқат бўлса-да, афғон диаспорасининг бутун дунё бўйлаб тарқалишига, бетакрор асарларнинг яралишига Афғонистондаги нотинчлик, террор ҳужумлар оқибатида ватанни тарк этиш сабаб бўлган.



## ХИТОЙ ТИЛИДАГИ ИБОРАЛАР ВА УЛАРНИ КЛАССИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ

**АКИМОВ ТАИР**

ўқитувчи, ТошДШИ

**Аннотация.** Фразеологик иборалар халқ оғзаки ижодиётининг маҳсули бўлиб, халқнинг асрий ҳаёти, дунёқарашини, ўткир фикрлари, панд –насиҳатлари асрдан-асрга сайқаллашиб, авлоддан - авлодга мерос бўлиб келмоқда. Фразеологик ибораларда нутқ таъсири кучайтирилиб халқ томондан ўзлаштирилиб, инсонлар онгига чуқур сингиб кетган бўлиб, халқнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти ва тарихи акс этирилгандир.

Халқ кундалик ҳаётида фразеологик ибораларни ҳам кўп қўллайди, айниқса ёзувчилар, адабиётшунослар, шоирлар ибораларни ўз ўрнида ишлатиб, ўз асарлари билан ўқувчиларни ўзларига жалб қилиб келмоқда.

Доно фикрни, ўткир ҳақиқатни, теран мазмунни ўзида мужассам этган фразеологик иборалар нутқимизнинг экспрессив (яъни, таъсир этувчи, ҳис-ҳаяжон уйғотувчи) воситалари орасида энг таъсирчан, кишини уйлашга, фикр мулоҳаза юритишга беихтиёр мажбур қилувчи кучга эгадур.

Хитой тилидаги 熟语 shuyu фразеологик ибораларга - 成语 chengyu-турғун бирикмалар; 谚语 yanyu-мақоллар; 俗语 suyu(俗话 suhua)-маталлар; 格言 geyan-ҳикматли сўзларлар; 歇后语 xiehouyu-ишора, охиргача айтилмаган сўз, яъни топшимоқ шаклида келади (盲人骑瞎马 mang ren qi xia ma-кўр сўқир отга мингандек ; хатарлик); 惯用语 guanongyu-кўп қўлланиладиган сўз бирикмалари, уч иероглифдан ташкил топган, одатда оғзаки нутқда кўпроқ ишлатилади (走后门 zou hou men –орқа эшикдан чиқмоқ; пора олмоқ, 吹牛皮 chui niu pi лоф урмоқ; катта гапирмоқ) лар киради.

成语 chengyu- тилдан-тилга ўтиб сайқал топган панд-насиҳат руҳидаги чуқур мазмун, ихчам шакл, таъсирчан ифодага эга бўлган халқ ҳикматидир.

Хитой тилидаги турғун иборалар ёзувда асосан 96% тўрт иероглифдан ташкил топган, 4% эса 3-14 та иероглифлардан ташкил топган бўлади.

Хитой тили фразеологизмлари келиб чиқиши, тузилиши, семантик ва функционал ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Шунинг учун фразеологизмларни қийинчилик билан классификация қилинади.

Мақолада хитой тили фразеологик ибораларини қандай классификация қилишни ўрганилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** 熟语 shuyu - фразеологик; 成语 chengyu-турғун ибора; 谚语 yanpu – мақол; 俗语 suhua – матал; 惯用语 guanongyu- кўп қўлланиладиган сўз бирикмалари, уч иероглифдан ташкил топган; 歇后语 xiehouyu-ишора, охиргача айтилмаган сўз, яъни топшимоқ шаклида келади.

**Аннотация.** Фразеологические выражения являются ярким примером устного народного творчества, отражающими вековую жизнь народа, его мировоззрение, наставления и нравоучения, которые совершенствуются от века к веку и передаются от поколения к поколению. В фразеологических выражениях воздействие речи усиливается, принимается народом, глубоко укореняется в сознании людей, отражает обычаи и привычки народа, его традиции, культуру и историю.

В повседневной жизни народа часто применяются фразеологические выражения, особенно к месту их употребляют писатели, литературоведы, поэты, привлекая таким образом внимание читателей к своим произведениям.

Фразеологические выражения, воплотившие в себя мудрые мысли, глубокое содержание, являются наиболее действенными экспрессивными (то есть побуждающими эмоции) средствами нашей речи, что произвольно заставляют человека задуматься и размышлять.

В китайском языке в 熟语 shuyu к фразеологическим выражениям относятся: -成语 chengyu-устойчивые словосочетания; 谚语 yanpu – пословицы; 俗语 suyu(俗语 suhua) – поговорки; 格言 geyan – мудрые слова, афоризмы; 歇后语 xiehouyu – намёк, недосказанность, то есть загадка (盲人骑瞎马 mang ren qi xia ma – словно слепец на безглазой лошади; опасный); 惯用语 guanongyu – часто применяемые словосочетания, состоят из трех иероглифов, чаще применяются в устной речи. (走后门] zou hou men – выходить с черного хода; получать взятку, 吹牛皮 chui niu pi преувеличивать; бахвальство).

成语 chengyu – это народная мудрость в духе нравоучения, которая передаётся из уст в уста, имеет сжатую форму и эффективное действенное выражение.

В китайском языке устойчивые словосочетания в написании на 96% состоят из четырех иероглифов, остальные 4% состоят из 3-14 иероглифов.

Фразеологизмы китайского языка отличаются происхождением, структурой, семантическим и функциональным разнообразием. Поэтому фразеологизмы классифицируются с трудом.

В статье изучается, каким образом классифицируются фразеологические выражения китайского языка.

**Опорные слова и выражения:** 熟语 shuyu – фразеология; 成语 chengyu – устойчивые словосочетания; 谚语 yanpu – пословица; 俗语 suhua – поговорка; 惯用语 guanongyu – часто используемые словосочетания, состоит из трёх иероглифов; 歇后语 xiehouyu – намёк; недосказанность, то есть загадка;

**Abstract.** Phraseological expressions are a vivid example of folklore, reflecting the centuries-old life of the people, their worldview, precepts and moral teachings, which are improved from century to century and transmitted from one generation to another. In phraseological expressions, the influence of speech is amplified, accepted by the people, deeply rooted in the minds of people, reflects the customs and habits of the people, their traditions, culture and history.

The phraseological expressions are often used, in daily life of people, especially by writers, literary critics, poets to attract the attention of readers to their works.

Phraseological expressions, embodying wise thoughts, deep content, are the most effective expressive (that is stimulating emotions) means of our speech, which involuntarily make a person think and reflect.

The set phrases in Chinese language as 熟语 shuyu consists of 成语 chengyu—the set expressions; 谚语 yanpu—proverbs; 俗语 suyu (俗语 suhua)— sayings; 格言 geyan—words of wisdom; 歇后语 xiehouyu—hints, vagueness, in other words riddle (盲人骑瞎马 mang ren qi xia ma—as if blind man on eyeless horse; dangerous;



惯用语 *guanyongyu*—often used phrases consisting of three hieroglyphs that are used in spoken language (走后门 *zou hou men*—leave the back door; take a bribe, 吹牛皮 *chui niu pi*—overstate; proud boast).

成语 *chengyu* is a folk wisdom in the spirit of moralizing, which is passed from mouth to mouth, has a concise form and effective expression.

In the Chinese language, phraseological phrases in writing are 96% composed of four characters, the remaining 4% consist of 3-14 characters.

Phraseologisms of the Chinese language are distinguished by origin, structure, semantic and functional diversification. Therefore, phraseological expressions are classified with difficulties.

The article explores how the phraseological expressions of the Chinese language are classified.

**Keywords and expressions:** 熟语 *shuyu*—phraseology; 成语 *chengyu*—the set expressions; 谚语 *yanyu*—proverbs; 俗语 *suhua*—sayings; 惯用语 *guanyongyu*—frequently used phrases, consists of three hieroglyphs; 格言 *geyan*—words of wisdom, 歇后语 *xiehouyu*—the hint comes in the form of a riddle that has not been said to the end.

Ибора халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган бўлиб, у авлод-аждодларнинг асрлар тажрибасидан ўтган ҳаётий кузатишлари натижасида вужудга келган, тилдан-тилга ўтиб сайқал топган панд-насихат руҳидаги чуқур мазмун, ихчам шакл, таъсирчан ифодага эга бўлган халқ ҳикматидир. Муайян фикрни тез, осон, аниқ, тушунарли, таъсирчан ифодалаш асосий ўрин тутгани учун мақолларда образлилик, мажозийлик кучли бўлади, қофия, бадий тасвир воситаларидан кенг фойдаланилади, ўткир киноя, нозик қочиримлар қўлланилади. Натижада, у манتيкий тугал маъноли, ҳикматли иборага, чуқур мазмунли панд характеридаги гапга айланади. Ўзига хос содда ва ихчам бадий шакл, ритм ва оҳангга эга бўлади.

Иборалар ҳамма халқларда ўзига хос бой мукамал тузилишга эга бўлиб, авлоддан авлодга ўтиб келаётган халқ тилининг бебаҳо бойлигидир. Ибораларни оғзаки энциклопедия, ўзига хос бадий тарихий солнома дейиш мумкин. Улар инсонларнинг ақлини ўткирлаб, нутқини равшан ва таъсирли қилиб ифодалашга катта ёрдам қилади ҳамда ҳаётий жумбоқлар ва муаммоларни тўғри ечишга ўргатади, турмушнинг жамики катта-кичик масалалари хусусида қимматли маслаҳатлар беради. Умуман, инсоният яратган ибораларнинг тематикаси кенг ва ранг-баранг бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг энг мураккаб муаммоларидан тортиб, оилавий ҳаётнинг энг кичик урф-одатларигача, кишилар ҳаракатидаги майда-чуйда нуқсонларигача ўз аксини топган. Ибораларни яратган халқнинг асрий ҳаёти, дунёқараши, урф-одати сингиб кетган. Модомики шундай экан, ибораларнинг тарихий илдизларини аниқлаш, уларнинг ғоявий-тематик мазмунини очиб бериш кўп изланиш, узок йиллар мобайнида сабр тоқатлик билан иш олиб боришни талаб қилади.<sup>1</sup>

Хитой тилидаги фразеологик иборалар келиб чиқиши, тузилиши, семантик ва функционал ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Шунинг учун фразеологизмларни қийинчилик билан классификация қилинади.

Бизнинг турғун ибора деб атаётганимиз хитой тилида 成语 *chengyu* бўлиб, хитойча “辞海 *Cihai* номли изоҳли луғатда шундай изоҳлаган:

熟语的一种. 习用的固定词组, 在汉语中多数由四个字组成. 组织多样, 来源不一. 有些可从字面理解, 如 “万紫千红”, “百闻不如一见”; 有些要知道来源才懂, 如 “守株待兔”<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Sh.Shomaqsudov, Sh.Shorahmedov. Hikmatnoma. Toshkent: 1990 y. 5-bet

<sup>2</sup> 辞海, 北京: 2009年 154页(Cihai, Beijing: 2009. P.154)





*Таржимаси:*

成语 chengyu- «熟语 shuyu фразеологик ибора» нинг бир бўлаги бўлиб, турғун иборалардан ташкил топгандир. У тўртта иероглифдан ташкил топган сўз бирикмаси бўлиб, келиб чиқиш манбаи ҳар хилдир. Баъзиларини иероглифларнинг маъносидан тушуниб олса бўлади.

Мисол: “万紫千红” “ранг-баранг, ҳар хил” . сўзма сўз таржимаси - “10 000та сиёҳ ранг , 1000та қизил ранг”.

“百闻不如一见” юз марта эшитгандан , бир марта кўрган яхшироқ.

Бу иборани иероглифларнинг маъносига қараб нима маънода ёзилганлигини билиш қийин эмас. Баъзи бир ибораларнинг келиб чиқиш манбаини билгандагина маъносини тушунишимиз мумкин.

“守株待兔” shou zhu dai tu- узум пиш огзимга туш

宋国有农夫，一天在田里耕作，忽然看到有只野兔从远处奔来。只见它狂奔乱闯，竟撞在田边突出地面的一个树根上，顿时折断脖子死去。

农夫喜出望外，赶紧跑过去把死兔拣起来带回家，美美地吃了一顿。

自从拣到这个便宜后，农夫再也不下田耕作了。他放下农具，坐在那个树根旁，希望再有野兔撞死在树根上，可以轻而易举地得到实惠。

一天，两天过去了，十天半月过去了，农夫再也没有得到第二只撞树的野兔，但他地理的庄稼却荒芜了。人们都取笑他这种行为，并且很快传遍了宋国。

后来，人们用“守株待兔”这个成语来比喻光凭老经验，不灵活办事，也用来讽刺安想不劳而获的侥幸心理<sup>1</sup>。

Сунг давлатида бир деҳқон далада ишлаётган вақтида, бир ёввойи қуённинг узоқдан сакраб келаётганини кўриб қолибди. Қуён ўқдек отилиб, чопиб келиб ер устига чиқиб турган дарахт илдизига келиб урилди-ю, бир пастда жон берди. Деҳқон хурсанд бўлиб, чопиб бориб ўлган қуённи олиб уйга қайтиб мазали овқат пишириб ебди. Шу кундан бошлаб деҳқон далада ишламай, иш қуруллари ташлаб қўйиб, ўша дарахтнинг ёнида ўтириб яна қуённинг дарахт илдизига урилиб ўлишини пойлабди. Деҳқон осонлик билан ўлжага эришмоқчи бўлибди.

Бир кун ўтибди, икки кун ўтибди, ўн кун, ярим ой ўтибди ..деҳқон пойлабди-пойлабди, яна дарахтга урилиб ҳалок бўладиган иккинчи қуённи кўрмабди. Шундай қилиб, даладаги экинлари қуриб, чўлга айланибди. Одамлар бунинг қилган ахмоқона ишининг устидан кулишибди, бу воқеа Сунг давлатига тезда тарқалиб кетибди.

Шундан кейин одамлар “守株待兔” shou zhu dai tu- дарахт тагида ўтириб қуённинг келишини пойламоқ (узум пиш огзимга туш) ибораси ҳаёт тажрибаларидан келиб чиққан бўлиб, иш ёқмас, дангаса, хом-хаёлларга бериладиганларга қарата айтиладиган ибора бўлиб қолибди.

“现代汉语词典” хозирги замон хитой тили луғатида эса бундай ёзилган:

人民长期以来习用的,形式简洁而意思精辟的,定型的词组或短句.汉语的成语大多由四个字组成,一般都有出处.有些成语从字面上不难理解,如“小题大做”,“后来居上”等.有些成语必须知道来源或典故才能懂得意思,如“朝三暮四”,“杯弓蛇影”<sup>1</sup>

<sup>1</sup> 中国成语故事大观 上海:上海市印刷三厂印刷 1996 年, 545 页(Zhongguo chengyu gushi daguan Shanghai: Shanghaishi yinshua sanchang yinshua) China's idiom story, Shanghai: Shanghai Printing Third Factory Printing 1996, 545 pages



*Таржимаси:*

Халқ ичида ишлатилиб мукамал маънога эга бўлган қисқа сўз бирикмасидир. Хитой тилида иборалар асосан тўртта иероглифдан ташкил топган бўлиб, баъзиларини иероглифга қараб маъносини билиш мумкин. Баъзиларининг келиб чиқишини тарихий манбадан билиш мумкин.

小題大做 xiao ti da zuo -пашшадан фил ясамок; кичиккина ишни катта қилиб кўрсатмоқ.

朝三暮四 zhao san mu si- васиқаси йўқ одам (тез ўзгарувчан).

杯弓蛇影 bei gong she ying - кўркқанга қўш кўринар. Ўз соясидан кўркмоқ.

Бу иккита луғатда хитойча турғун ибораларнинг луғат маъноси берилган бўлиб, ибораларнинг узоқ муддат халқ ичида ишлатилиб, муайян шаклда турғунлашганини кўрсатиб берган. Албатта одамларнинг билиш ва қарашлари ҳар хил бўлганлиги учун истеъмомда ҳам бир қанча муаммолар мавжуд.

Баъзилари кенг маънода тушуниб, 熟语 shuyu ибораларга- 成语 chengyu-турғун бирикмалар, 谚语 yanyu-мақол, 歇后语 xiehouyu-ишора, охиргача айтилмаган сўз, яъни топишмоқ шаклида келади. (盲人骑瞎马 mang ren qi xia ma-кўр сўкир отга мингандек; хатарли.)

惯用语 guanyongyu-кўп қўлланиладиган сўз бирикмалари, уч иероглифдан ташкил топган, одатда оғзаки нутқда кўпроқ ишлатилади.

(走后门 zou hou men –орқа эшикдан чиқмоқ; пора олмоқ, 吹牛皮 chui niu pi лоф урмоқ; катта гапирмоқ) ҳикматли сўзларни фразеологизм таркибига киритади. Баъзилар эса тор маънода тушунилиб, фақат муқим манбаси бўлган ибораларни 成语 chengyu деб қарайди. Бу ҳол 成语 chengyu ларни тушуниш ва таржима қилишни қийинлаштиради. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “фразеология бирор тилдаги турғун сўз бирикмалари ва иборалар йиғиндаси дейилган”. “Идиомани” эса “маъноси ўз таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ бўлмаган, умумий маъно берувчи ихчам ибора дейилган”. Лекин 成语 chengyu бўлсин, фразеологик бирикмалар бўлсин, мақол ва маталлар ёки идиомалар бўлсин, уларнинг ҳаммаси ҳар қайси тилда ўзига хос алоҳидаликка эгадир. 成语 chengyu хитой тилида узоқ вақт ишлатилиб, ҳамма эътироф қилган, муқим қурилма шаклга эга бўлган, аниқ маъно берадиган, иероглифни ўқиганда дарҳол тушуниб бўлмайдиган сўз бирикмасидир. Хитой тилидаги иборалар- афсоналар, ривоятлар, тарихий воқеялар, шоир ва ёзувчиларнинг шеър ва асарларида келган. Иборалар одамларнинг характери, обрўини, орзу-армонларини, яхшилик ва ёмонлигини акс эттирган.

成语 chengyu лар асосан тўртта иероглифдан ташкил топган, лекин ундан кўп иероглифлардан ташкил топганлари ҳам бор, улар кам миқдорда. Бундай бўлиши хитой тили ва ёзувининг хусусияти, шунингдек, 成语 chengyu ларнинг алоҳидалигига боғлиқ. Хитой тили хусусияти бўйича тўрт иероглифли ибора энг яхши шакл ҳисобланади. Бир иероглиф бир маъно бирлиги бўлиб, тўрт маъно бирлиги ўзаро мослашиб, турли маъноларни ифодалайди. Хитойча турғун ибораларда тўрт иероглифлиси асосий ўринда туради, лекин ҳамма хитойча ибораларнинг шакли шундай дегани эмас, албатта, яна бир қанча турғун иборалар бошқа шаклда ҳам тузилган. 成语 chengyu ибораларига эътибор берилса, улар 3, 4, 5, 6, 7, 8, ҳатто 14 та иероглифдан ташкил топганларини ҳам учратиш мумкин.

<sup>1</sup>现代汉语词典 北京：高等教育出版社 1986 年，289 页 (Xiandai hanyu cidian Beijing: Gaodeng jiaoyu chubanshe 1986. P.289) Modern Chinese Dictionary, Beijing: Higher Education Press, 1986, page 289

Тўрт иероглифли иборалар аслида кўп иероглифдан ташкил топган бўлиб, аста-секин қисқариб тўрт иероглифли шаклга келиб қолган.

Тўрт иероглифли ибораларни, тузилиши жиҳатдан, бир қанча турга ажратиш мумкин.

1. Бир турғун ибора икки қисмдан ташкил топган бўлиб, бунда қуйидаги кўринишлар учрайди.

А) Олдинги қисми билан кейинги қисмининг маъноси ўхшаш бўлиб, бир маънонинг такрорланиши орқали маъно жуда кучаяди.

胡言-乱语 *hu yan-luan yu* йўқ гап, маъносиз гап;

并驾-齐驱 *bing jia-qi qu* баравар юрмоқ, бир-биридан қолмаслик;

奇谈-怪论 *qi tan-guai lun* ғалати гаплар;

胆战-心惊 *dan zhan-xin jing* кўркиб кетмоқ, ўлгидай кўркмоқ.

Кўриниб турибдики, бундай турғун ибораларда биринчи иероглиф билан учинчи иероглиф, иккинчи иероглиф билан тўртинчи иероглиф маънодош бўлади.

Б) Бир-бирига қарама-қарши бўлган икки қисмдан тузилган бўлиб, якка бир қисмнинг ўзи тўлиқ маъно билдирмайди.

名存-实亡 *ming cun- shi wang* номда бор, амалда йук (номи улуғ супраси куруқ);

口是-心非 *kou shi – xin fei* тили бошқа, дили бошқа;

口蜜-腹剑 *kou mi- fu jian* тили шакар, дили заҳар.

Бундай турғун ибораларда биринчи иероглиф билан учинчи иероглиф, иккинчи билан тўртинчи иероглиф қарама-қарши маънони англатади.

С) Баъзи ибораларнинг айрим иероглифларигина қарама-қарши маъноли бўлади.

假公-济私 *jia gong –ji si* давлатнинг номини сотиб, ўзи манфаатини кўзламоқ. Бегим учун хизмат, ўзим учун овкат;

顾此-失彼 *gu ci- shi bi* уни деб, бундан куруқ қолмоқ (икки куённинг кетидан қувсанг, биттасини ҳам тутолмайсан);

惩前-毖后 *cheng qian-bi hou* ўтмишдан сабоқ олиб, қолганларга ибрат бўлмоқ (қилган хатолик, кейинга сабоқ бўлмоқ);

声东-击西 *sheng dong-ji xi* шарқда тўполон қилиб, ғарбдан хужум қилмоқ.

Бу ибораларда иккинчи иероглиф билан тўртинчи иероглиф қарама-қарши маънони ифодалайди.

Д) Турғун ибора ичидаги бир иероглиф олдинги қисми билан кейинги қисмида такрорланиб келади.

同心-同德 *tong xin- tong de* бир ният, бир мақсадда бўлмоқ. Тили бир, дили бир;

作威-作福 *zuo wei- zuo fu* бебошлик, ўзбошимчалик;

不三-不四 *bu san-bu si* на дон, на сомон;

风言-风语 *feng yan- fengyu* миш-миш гап.

Г) Баъзи ибораларда бўлишли сўзлар бўлишсиз сўзлар билан кучайтирилиб келади:

大公-无私 *da gong- wu si* халқ манфаатини кўзлаб, ўз манфаатини кўзламаслик;

长生-不老 *chang sheng- bu lao* мангу ёш турмоқ, абадий қаримаслик;

哑口-无言 *ya kou-wu yan* оғзи ёпилиб қолмоқ, гапиролмай қолмоқ;

厚颜-无耻 *hou yan- wu chi* юзи қалин.



2. Баъзи бир ибораларнинг таркибида «如», «若» иероглифлари бўлиб, ўхшатиш маъносида келади. Бу ўзбек тилидаги “дек”, “каби” га тўғри келади:

心如刀割 xin ru dao ge қаттиқ қайғурмоқ, юракни пичоқ билан кескандай бўлмоқ;

如坐针毡 ru zuo zhen zhan кўнгли паришон бўлмоқ, оёғи куйган товукдек. Игнанинг учида тургандай.

3. Орасига сонлар кўйилиб, маънони кучайтиради ёки кўплик маънони билдиради.

一清二白 yi qing er bai пок, тоза;

百孔千疮 bai kong qian chuang вайрон бўлмоқ;

千秋万岁 qian qiu wan sui узоқ йиллар;

七嘴八舌 qi zui ba she бир-бирига сўз бермай.

4. Иероглифлар такрорланиб, маънони кучайтиради ёки кўплик маънони англатади:

口口声声 kou kou sheng sheng лаб-лабига тегмай гапирмоқ; чакаги тинмай;

日日夜夜 ri ri ye ye кеча кундуз; ҳар куни;

空空洞洞 kong kong dong dong қурук; ҳеч нарса йук;

堂堂正正 tang tang zheng zheng очиқ ошкора; одилона.

5. Кам сондаги ибораларда битта иероглиф такрорланиб келади:

文质彬彬 wen zhi lin lin назокатли; одоб-ахлоқли; латофатли.

6. Кам сондаги иборалар алоҳида-алоҳида маънога эга сўзлар бўлиб, ўз маъносини сақлаб қолади:

古今中外 gu jin zhong wai қадимги замонда ҳам, ҳозирги замонда ҳам;

脚忙手乱 jiao mang shou luan қўл-оёғи ерга тегмай, шошилмоқ.

7. Одам исми билан келадиган иборалар:

愚公移山 yu gong yi shan Югонгнинг тоғни суриши; сабр қилсанг гўрадан ҳолва битар;

叶公好龙 ye gong hao long Йегонг оғзида аждорҳони яхши кўради; ёлғон хушторлик.

8. Афсона, ривоят, тарихий воқеялардан келиб чиққан иборалар:

守株待兔 shou zhu dai tu- дарахт тагида ўтириб қуённинг келишини пойламоқ (узум пиш озгимга туш);

负荆请罪 fu jing qing zui узр сўрамоқ.

9. Параллел икки қисмдан ташкил топган иборалар алмаштирилиб ҳам ишлатилади:

惊心动魄-动魄惊心 jing xin dong po-dong po jing xin ҳаяжонланмоқ; хайрон бўлмоқ;

同工异曲-异曲同工 tong gong yi qu- yi qu tong gong ҳар хил йўллар билан бир хил натижага эришмоқ;

龙钟老态-老态龙钟 long zhong lao tai -lao tai long zhong қариб ҳолсизланмоқ;

海角天涯-天涯海角 hai jiao tian ya-tian ya hai jiao <sup>1</sup> оламнинг у чеки, жуда узоқ жой.

10. Бундан ташқари, баъзи ибораларнинг иероглифларини маънодош иероглифлар билан алмаштириб ишлатадиган ҳоллар ҳам учрайди. Бу кам учрайдиган иборалар бўлиб, турғун ибораларнинг турғунлигига нуқсон етказмайди:

自行其是—独行其是 zi hang qi shi-du hang qi shi ўз билганини қилмоқ;

<sup>1</sup>汉俄词典 北京: 商务印书馆 1990年, 897页 (Han e cidian Beijing: Shangwu yin shuguan 1990 . P .897)  
Chinese-Russian Dictionary, Beijing: The Commercial Press 1990, 897 pages



一木难支—独木难支 yi mu nan zhi-du mu nan zhi ёлғиз отнинг чанги чикмас;

莫名其妙—莫明其妙 mo ming qi miao-mo ming qi shao ҳеч тушуниб бўлмас, тагига етолмаслик;

闭口不谈—闭口不言 bi kou bu tan- bi kou bu yan оғиз очмаслик, без бўлиб турмоқ;

高枕无忧—高枕而卧 gao zhen wu you дунёни сув босса, ўрдакка нима ғам.

11. Тўрт иероглифли турғун иборалардан ташқари 3, 6, 8, 10, 12 ҳатто 14 иероглифли иборалар ҳам учрайди.

马大哈 ma da ha бепарво;

马后炮 ma hou pao тўйдан кейин ноғора чалмоқ;

五十步笑百步 wu shi bu xiao bai bu ўзиникини кўрмай, бошқаларнинг устидан кулмоқ; иштони йук тиззаси йиртиққа кулибди;

一退六二五 yi tui liu er wu ўзини олиб қочмоқ; бош тортмоқ;

三下五除二 san xia wu chu er тетик ва чаққон бўлмоқ;

跳到黄河洗不清 tiao dao Huanghe xi bu qing<sup>1</sup> тухматдан қутилиш осон эмас.

知之为知之,不知为不知 zhi zhi wei zhi zhi ,bu zhi wei bu zhi билганни биламан, билмаганни билмайман демак;

先天下之忧而忧,后天下之乐而乐 xian tian xia zhi you er you, hou tian xia zhi le er le бировнинг ғам-қайғусидан роҳатланмоқ.

Хитой халқи неча минг йиллар мобайнида ўз тилининг луғат таркиби ва фразеологик жамғармасини яратди ва такомиллаштирди.

Грамматик тузилишининг барқарорлиги, лексик таркибининг мустаҳкамлиги фразеологизмларнинг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади. Бироқ бу аломатлар катта аҳамият касб этмайди.

Баъзи фразеологизмлар зарур ҳолларда ҳар қалай лексик алмашувларга ва оз бўлса-да, бирламчи грамматик тузилишлар бузилишига ҳам йўл қўяди. Бу эса фразеологик бирликлар қисмларининг шакллари янгиланишига ва унинг тузилишига ўзгаришлар киритишга имкон беради.

和睦相处 hemuxiangchu, 和睦共处 hemugongchu, тинч-аҳил яшаш;

五光十色 wuguang shise, 十色五光 shisewuguang ранг-баранг.

Фразеологизмлар соҳаси хитой тилшунослигида анча кенг ўрганилган . Wang pin , Hu lian , Wang tongwei, Wang liqun лар томонидан чуқур ўрганилган ва ўрганилмоқда. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, хитойликлар билан бемалол мулоқот қилишда, хитой тилида ёзилган асарларни мутолаа қилиш ва уларнинг мазмунини чуқурроқ тушунишда

成语 chengyu ларнинг ўрни бекиёсдир.



<sup>1</sup>成语大词典 北京：商务印书馆国际有限公司 2018年，439页 (Chengyu da cidian Beijing: Shangwu yin shuguan guoji youxian gongsi 2018. P. 439)

Idiom Dictionary Beijing: Commercial Press International Co., Ltd. 2018, 439 pages





## К СТАНОВЛЕНИЮ ПОНЯТИЯ «БАЙХУА» В РАМКАХ ЛИТЕРАТУРНОГО КИТАЙСКОГО ЯЗЫКА ВЭНЬЯНЬ

ХАСАНОВА ФЕРУЗА

преподаватель, ТГИВ

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются понятия «байхуа» и «вэньянь», их сходства и различия, а также хронология употребления этих двух реалий китайского языка. Отмечены грамматические и лексико-семантические особенности классического китайского языка и байхуа, а также их взаимовлияние.

Как известно, в китайском языке до объявления путунхуа стандартным китайским языком параллельно существовали две реалии, это классический китайский язык – вэньянь, который был актуальным в Китае до конца XX века, и байхуа «разговорный язык». Лаконичные изречения на вэньяне, тексты классических произведений китайской литературы содержат примерно вдвое меньше иероглифов, чем тот же текст на байхуа. В вэньяне преобладают односложные слова (записываемые одним иероглифом), в то время как в байхуа преобладают двусложные (записываемые двумя иероглифами); в текстах на вэньяне транспозиция частое явление, когда многие слова-иероглифы в разных ситуациях могут быть разными частями речи; используется опора на контекст, позволяющая, в частности, избежать лишних прономинализаций (употребления местоимений), частое неупотребление подлежащих вообще; отсутствие знаков препинания; отсутствие аффиксации.

Как утверждают китайские лингвисты, первые произведения на байхуа появились в период династий Сун (960-1279) и Юань (1271-1368). Расцвет прозы на байхуа приходится на эпохи Сун—Юань (X—XIV вв.), когда в общественной и культурной жизни происходят значительные перемены, отразившиеся и в литературе. Одной из важнейших особенностей духовной жизни является развитие народных форм культуры: народный театр, разные виды фольклора (песенно-повествовательные жанры, сказы). Проза на байхуа, т.е. на литературном языке, приближенном к разговорной речи (байхуа сяошо), — один из важнейших видов литературы китайского средневековья и одно из главных направлений творческой деятельности литераторов начиная с XI в. В XX в. этот вид литературы стал основой современной прозы (роман, повесть, рассказ). Название «байхуа сяошо» — понятие позднего времени, когда в китайской культуре были четко обозначены различия между двумя литературными языками: классическим «вэньянем» и разговорным «байхуа».

**Опорные слова и выражения:** байхуа, вэньянь, классический китайский язык, гуоюй, путунхуа, движение «4 мая».

**Аннотация.** Ушбу мақолада «баихуа» ва «венян» тушунчалари, уларнинг ўхшашликлари ва фарқлари, шунингдек, хитой тилининг ушбу икки жабҳасини қўлланилиши хронологияси кўриб чиқилади. Классик Хитой тили “венян” ва “баихуа” грамматикаси ва лексик-семантик хусусиятлари ҳамда уларнинг ўзаро таъсири таҳлил қилинган.

Маълумки, XX асрнинг охирига қадар Хитойда аҳамиятга эга бўлган классик хитой тили - венян ва баихуа "огзаки тил" деган икки жабҳа бор эди, шунга ўхшаш Хитойда стандарт хитой тили Путунг-хуа эълон қилинганга қадар Хитойда велоқот тили сифатида қўлланилган. Венянадаги ёзилган матнлар, баихуа-даги матнларга қараганда иероглифлар сонининг камлиги билан аҳамиятлидир. Венянда моносиллабис сўзлар (бир иероглиф билан ифодаланган сўзлар) анъанавий бўлган, баихуа эса икки иероглифдан иборат (икки иероглиф билан ёзилган) устунлик қилади; венян матнларида транспозитсия ҳодисаси кўп кузатилади. Шунингдек, Веняндаги матнларда тиниш белгилари йўқлиги билан ўз аҳамиятига эгадир;

Хитой тилишуносларининг фикрича, баихуада битилган биринчи асарлар Сонг сулоласи (960-1279) ва Юан (1271-1368) сулоласи даврида пайдо бўлган. Баихуа насрининг тараққиёти Сонг-Юан даврига (XIV-XIV асрларга) тўғри келади ва ижтимоий ва маданий ҳаётда сезиларли ўзгаришлар

рўй бериб, бадиий адабиётда акс этган. Бахуадаги асарлар маънавий ҳаётнинг энг муҳим жиҳатларидан бири халқ маданиятининг шаклланишида: халқ театри, турли хил фолклор турлари (ҳикоя жанрлари, ҳикоялар)да ўз аксини топган. Бахуа наири, яъни (бахуа хиаошо) адабиётининг энг муҳим турлари ва ёзувчилар ижодий фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. XX асрга келиб, адабиётнинг бу тури замонавий насрнинг (роман, ҳикоя) жанрларга асоси бўлди. Бахуа хиаошо номи кейинги давр контсептсияси бўлиб, Хитой маданиятида икки адабий тил ўртасидаги фарқлар аниқ кўрсатилган: мумтоз хитой тили "венян" ва "бахуа".

**Таянч сўз ва иборалар:** бахуа, венян, мумтоз хитой тили, гуоюй, путунгхуа, "4 май" ҳаракати.

**Abstract.** Annotation. This article discusses the concepts of "baihua" and "wenyan", their similarities and differences, as well as the burial language of these two realities of the Chinese language. The grammatical and lexical-semantic features of classical Chinese and Baihua, as well as their mutual influence are noted.

As it is known, in Chinese before the declaration of putung-hua in standard Chinese, in parallel, there were two realities, this is the classical Chinese language - wenyan, which was relevant in China until the end of the twentieth century, and baihua "spoken language". Laconic sayings on wenyana, texts of classical works of Chinese literature contain about half the number of hieroglyphs than the same text on baihua. In wenyang, monosyllabic words (written in one hieroglyph) predominate, while in baihua, disyllabic words (written in two hieroglyphs) dominate; in the Wanyan texts, transposition is a frequent phenomenon, when many hieroglyphic words in different situations can be different parts of speech; reliance on context is used, in particular, to avoid unnecessary pronominalization (use of pronouns), frequent non-use of subjects in general; no punctuation; no affixation.

According to Chinese linguists, the first works on baihua appeared in the period of the Song dynasties (960-1279) and the Yuan (1271-1368). The flourishing of Baihua prose falls on the Song-Yuan epoch (10th-14th centuries), when significant changes took place in social and cultural life, reflected in literature as well. One of the most important features of spiritual life is the development of folk forms of culture: folk theater, different types of folklore (narrative genres, narratives). Prose on baihua, i.e. in the literary language, which is close to the conversational speech (baihua xiaoshu), is one of the most important types of Chinese literature of the Middle Ages and one of the main directions of the creative activity of writers since the XI century. In the twentieth century. This type of literature became the basis of modern prose (novel, story, story). The name baihua xiaoshu is a concept of a late period, when in Chinese culture the distinctions between two literary languages were clearly designated: the classical "wenyan" and the colloquial "baihua".

**Keywords and expressions:** baihua, wenyan, classical Chinese, guoyu, putunghua, 4th May movement.

Китайский язык имеет более чем трехтысячелетнюю историю. В ней выделяют обычно три периода: древнекитайский, среднекитайский и современный. Уже в древнекитайский период, примерно во II в. до н.э., различают стандарты письменного литературного и устного китайского языка. Эти стандарты стали основой становления классического литературного китайского языка, за которым закрепилось название – вэньянь. Классический вэньянь стал главной причиной выделения письменного и устного языков. Поскольку устный китайский язык со временем начал претерпевать определенные изменения.

Письменный язык сравнительно медленно подвергался изменениям, например в административных органах Китая вплоть до XX в. употреблялся классический письменный язык - вэньянь. По сведениям исследователей древнекитайского языка, период древнего устного разговорного языка заканчивается VI в. н.э, то есть эта древняя разговорная речь, не включавшая служебные слова и местоимения, которые употреблялись только в письменной речи. Это связано с тем что, во-первых, в VI— VII вв. появляется ряд служебных слов и местоимений, характерных для среднекитайского и современного китайского языка. Во-вторых, в VII в. впервые становится ясным разрыв между литературным и разговорным языком, и писатели сознательно стремятся подражать языку памятников, написанных на несколько столетий раньше<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> S.Ye.Yahontov. Drevnekitayskiy yazik. (Ancient Chinese language) Moscow., " Nauka" Publ, 1965. 7 p.

Вэньянь – литературный древнекитайский язык, который сложился на основе живых диалектов, существовавших в 1-й половине 1-го тысячелетия до н.э. Существовал только в письменной форме. Уже в 1-м тысячелетии н.э. разошелся с языком устного общения и стал непонятным на слух. Классический китайский отличается лаконичностью — текст на вэньяне содержал примерно вдвое меньше иероглифов, чем тот же текст на современном китайском языке.

Вэньянь считается языком трудным для усвоения, и труден он именно потому, что оставался мертвым на протяжении нескольких веков. Но точно так же, как средневековая латынь восходит к живому разговорному языку древних римлян, так и вэньянь возник на основе живого древнекитайского языка. Современные исследования свидетельствуют, что в древнем Китае язык литературы не отличался сколько-нибудь значительно от разговорного. Полагают, что изречения Конфуция, зафиксированные в трактате “论语” были вполне понятны на слух. Первые признаки наметившегося разрыва между письменным и разговорным языком начинают проследиваться во II–III вв. Разговорный язык продолжал развиваться, его лексика и грамматика претерпевали определенные изменения, когда как письменный язык оказался законсервированным<sup>1</sup>.

Что же такое байхуа и какое место он занимает в истории развития китайского языка?! Как утверждает китайский ученый 徐时仪 Сюй Ши и (Xú Shíyí), байхуа возник на основе устной речи в период 秦汉 Цинь Хань (Qín Hàn III век до н.э. – III век н.э.)<sup>2</sup>. Начиная с эпохи Сун (960–1279) параллельно существовали два литературных языка: вэньянь и байхуа. Вэньянь был языком философской прозы (古文) и новелл (传奇). Кроме этого, вэньянь использовался в сфере науки и техники, политики, администрации, на вэньяне написаны династийные истории, медицинская, даосская и буддийская литература. Байхуа в свою очередь, служил языком живого общения между людьми, а также языком городской повести (话本), рассказа (短篇小说), драмы (据本) и романа (小说)<sup>3</sup>.

Точнее, с эпохи Сун (960-1279), когда разговорный язык – байхуа – становится письменным и в дальнейшем существует в литературе параллельно вэньяню, и вплоть до начала XX в., когда байхуа одержал победу над вэньянем и стал единственным литературным языком. Правда, это коснулось в первую очередь художественной литературы, тогда как во многих сферах официальной коммуникации влияние вэньяня продолжало сохраняться и в последующее время<sup>4</sup>.

Параллельное существование двух форм одного языка не составляло никаких неудобств в плане общения и письменной речи, так как вэньянь и байхуа имели свои четкие стилистические и синтаксические разграничения.

Как отмечает в своем научном исследовании по древнему китайскому языку Зограф И.Т., в настоящее время в китайском языке осталось многое, что свойственно вэньяню. Одновременное функционирование вэньяня с байхуа привело к межъязыковой интерференции этих двух языков, т.е. к их взаимовлиянию. Байхуа сознательно подражал вэньяню, в

<sup>1</sup> M.V. Kryukov, Huang-Shuin. Drevnekitayskiy yazik. (Ancient Chinese language). Moscow. The main editors of Eastern literature. 1978. .6p.

<sup>2</sup> Xu Shiyi (徐时仪). Nanyu baihuashi. (Chinese vernacular history). Peking University Press. Publ. 2015. 21 p. (Russ. ed.: Xu Shiyi. Istoriya baihua. Peking . Izdatelstvo Pekinskogo universiteta. 2015 . 21 p.)

<sup>3</sup> I.T.Zograf. Ofitsialniy wenyan. (Official Wenian). Moscow. “Nauka”. Publ. 1990. 4 p.

<sup>4</sup> I.T.Zograf. Wenyan I Baihua ( Wenyan and Baihua: the interaction of two forms of isolating language). “Research” Publ. Moscow. 2008. 125 p.

первую очередь его лаконичности и точности, в то время как вэньянь оставался более предпочтителен в научно-технических и политико-административных документах. Можно также отметить, что вэньянь всегда оставался главным источником влияния на байхуа. Эти два языка создали грамматическую синонимию – многие грамматические конструкции вэньяня перешли в байхуа.

4 мая 1919 года прошло общественное движение с требованием отменить вэньянь и ввести новый литературный язык байхуа повсеместно. В период с 30-х по 55-ые годы прошлого века шла активная работа по выработке «национального языка» или иначе говоря, общегосударственного языка гоюй (国语), которая являлась основной целью культурной революции. В 1955 г. отменен термин «гоюй» и официально утвержден общепонятный язык путунхуа. Но в деловой и официальной переписке, в некоторых научных и литературных газетах и журналах, в телеграммах, в медицине продолжал использоваться вэньянь.

В настоящее время отдельные элементы вэньяня (вэньянизмы) можно встретить во всех письменно – книжных стилях, в том числе и в публицистическом.

Вэньянизмы (文言词语) – заимствования из старого литературного языка вэньянь, встречаются в современном китайском языке в форме старых, малоупотребимых слов, фразеологизмов и грамматических конструкций.

Вэньянизмы в качестве составной части входят в лексическую и синтаксическую систему китайского языка. Будучи лаконичным средством обозначения понятий, они сохраняют в современном языке определенную степень активности. В отличие от слов основного лексического фонда, нейтральных с точки зрения стилистической отнесенности и, следовательно, представляющих собой межстилевую лексику, вэньянизмы характерны главным образом для письменно-книжных стилей китайского языка.

Все вэньянизмы делятся на два основных типа:

- 1) лексика, пришедшая из вэньяня (слова, в том числе служебные, фразеологизмы);
- 2) синтаксические фигуры – особые синтаксические конструкции, построенные на лексических и грамматических нормах языка вэньянь.

В публицистическом стиле присутствуют оба типа вэньянизмов. Для описания стилистических средств, использующих элементы вэньяня, рубриками могут выступить и лексика и синтаксис, так как для стилистики соотношение языковых уровней не является существенным, поскольку ее категории имеют семантический, содержательный характер (в нашем случае книжность)<sup>1</sup>.

Часть исконно китайской лексики, вошедшая в современный язык из старого литературного языка вэньянь, довольно часто встречается на практике и отмечены китайскими лингвистами. Приведем примеры из работы Чжоу Цзы юй (Zhou Zuyu) «Лексика китайского языка».<sup>2</sup>

宏伟 – hongwei – *величественный, гигантский*

驱逐 – quzhu – *прогнать, изгнать*

畏惧 – weiju – *страх, боязнь*

未必 – weibi – *вряд ли, едва ли*

<sup>1</sup> Lemeshko Yu.G., Nikitina T.N. [Wenanism in the journalistic style of the Chinese language]. Part I.: Youth and scientific and technical progress. Proceedings of the regional scientific conference. Vladivostok, FESTU, 1998. - pp.65-66 (in Russian).

<sup>2</sup> Zhou Zuyu. Chinese vocabulary. Beijing, Beijing university press. Publ. 195. 23 p. (Russ.ed.: Zhou Zuyu (周祖谟) Leksika kitayskogo yazika. Pekin, Izdatelstvo Pekinskogo universiteta .1959. 23p.



Немало вэньнянизмов бытует также и среди служебных слов современного китайского языка. Они нередко сочетаются и взаимодействуют с формальными словами языка байхуа<sup>1</sup>.

Например:

而且 – *erqie* – но и, к тому же

由于 – *youyu* – так как; благодаря тому, что

与其 – *yuqi* – чем

宁可 – *ningke* – лучше уж

况且 – *Kuangqie* – тем более, к тому же

Предлог 于 в современном языке употребляется только в письменном стиле, соответствует предлогу 在 в путунхуа. Употребляется как во временном, так и пространственном значениях. Может предшествовать глаголу или стоять после него. Например:

科威特国位于西亚阿拉伯半岛东北部。 – *Государство Кувейт находится в Западной Азии на северо-востоке Аравийского полуострова.*

斯洛伐克属于温带气候。 – *Словакия расположена в умеренном климатическом поясе.*

Сочинительную связь выражает не только служебное слово 与, обычное в древнекитайском языке, но и 及, употребительное в доклассическом языке и в исторических памятниках литературы. Эти союзы часто употребляются в общественно-политической тематике публицистического стиля СКЯ и соответствует предлогам и союзам 跟, 同, 和.

斯洛伐克是一个典型的内陆国家，他的西部与捷克的摩拉维亚地区接壤，东部同乌克兰交接，北部和波兰毗邻。 *Словакия – типичное континентальное государство, с запада граничит с чешской Моравией, на востоке – с Украиной, на севере – с Польшей.*

中国与科威特于 1971 年 3 月正式建立外交关系。 *Китай и Кувейт официально установили дипломатические отношения в марте 1971 года.*

Кроме союза 若 *ruo* «если, как будто», свойственного памятникам исторического содержания, употребляется союз 如 *ru* «если, подобно, согласно», обычный в текстах политической тематики. Союз 如 вводит придаточное условия, стоящее перед главным предложением, полным его соответствием в путунхуа является 如果.

如果议会通过对内阁的不信任案，内阁必须总辞职，另选总理重新组阁。 *Если парламент выражает вотум недоверия правительству, кабинет министров должен уйти в отставку в полном составе, должны быть проведены новые выборы премьера и заново сформирован кабинет министров*<sup>2</sup>.

Из слов, указывающих на временную или логическую последовательность действий, употребляется и 乃 *nai*, возникшее в архаическом древнекитайском языке, и 即 *ji*, которое появилось в классическом языке. Этот список можно было бы еще продолжить<sup>3</sup>.

Еще до перехода Китая на «разговорный язык» байхуа, он сильно влиял на вэньнянь. Это воздействие имело вполне естественный характер: живой язык всегда, так или иначе, влияет на письменный язык. «Во всяком случае, сравнение вэньняня с древнекитайским показывает, что эта форма языка, взаимодействуя с разговорным, претерпевала изменения самого разного характера и не оставалась абсолютно стабильной...»<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Gorelov V.I. *Lexsikologiya kitayskogo yazika. (Lexicology of Chinese)* Moscow, "Education" Publ., 1984. 216 p.

<sup>2</sup> Zograf I.T. *Ofitsialniy wenyan (Official Wenian)* Moscow, "Science" Publ. 1990. 340p

<sup>3</sup> Ibid. 341p

<sup>4</sup> Zograf I.T. *Ofitsialniy wenyan (Official Wenian)* Moscow, "Science" Publ. 1990. 345p



Вэньянь активно использовался в качестве литературного языка вплоть до начала XX в. и являлся главным средством письменного общекитайского общения, так как служил связующим звеном между различными китайскими диалектами. Это подобно ситуации с латинским языком в средневековой Европе – везде его знали, почти одинаково на нём писали, но говорили на различных языках. Как латынь на Западе, вэньянь был языком культуры на Дальнем Востоке. Национальные модификации этого языка известны в Японии, Корее, Вьетнаме, где он также функционировал как язык канонических книг, изящной словесности. Человек, владеющий вэньянем, мог читать произведения, написанные на нём в любой из этих стран.

В самом Китае вплоть до начала XX в. существовал разрыв между разговорным и письменным языком. Вэньянь – китайская латынь – был мертвым языком и почти не изменялся на протяжении столетий. Поэтому одним из основных направлений демократического движения, охватившего Китай во втором десятилетии XX в. и получившего название «литературной революции», была борьба за приближение литературного языка к живой разговорной норме, за ликвидацию монополии вэньянь в сфере литературы<sup>1</sup>.

Самое важное различие вэньяня от байхуа заключается в односложности большинства его лексических единиц, в то время как в байхуа большинство слов записываются двумя иероглифами, семантические значения которых передают общий смысл сочетания. Стоит отметить, что значения лексических единиц в вэньяне обладают большой широтой значений. «Набор значений, как правило, связывается в одно «сверхзначение», и лишь в сравнительно редких случаях удобнее признать, что данный иероглиф действительно имеет более одного значения»<sup>2</sup>. Так, иероглиф 弓, имеющий значение «натягивать лук», также имеет переносные значения «тянуть, вести», «втянуть» и «вытягивать». Ещё одно отличие этих литературных форм китайского языка, байхуа и вэньяня, заключается в построении синтаксических конструкций. Например, в байхуа счет действию в предложении ставится после самого действия, в то время как в вэньяне все наоборот: количественные характеристики глагола ставятся перед ним.

Ещё одно отличие байхуа от вэньяня заключается в употреблении счетных слов. Хронологически именные счетные слова в вэньяне начали употребляться с династии 周 Zhou (1122–246 гг. до н.э.), но они не имели широкого применения вплоть до династии 秦 Qin (247–206 гг. до н.э.), к тому же это были в основном счетные слова, означающие меры длины и веса<sup>3</sup>. Что касается байхуа, то счетные слова в нем употреблялись довольно широко.

В Китае вэньянь утратил своё привилегированное положение после студенческого Движения 4 мая 1919 года, одним из требований участников которого была отмена вэньяня и переход на байхуа. Таким образом, байхуа стал единственным литературным языком, в первую очередь, в художественной литературе, тогда как в официально-деловой сфере вэньянь ещё некоторое время оставался в употреблении.

С тех пор как в 1840 г. опиумная война открыла двери в самоизолировавшуюся Цинскую империю, год от года множатся взаимодействия культур Китая и Запада, обмен товарами.

---

<sup>1</sup> M.V. Kryukov, Huang-Shuin. Drevnekитайский язык. (Ancient Chinese language). Moscow. The main editors of Eastern literature. 1978. .5 p.

<sup>2</sup> Karapetyants A.M., Tan Aoshuang. Klassicheskiy kitayskiy yazik wenyany.. (Classical chinese wenyany) Moscow “Ant” publ., 2001. 42p.

<sup>3</sup> Karimov A.A. Xitoy tilidagi hisob so'zlar. (Measure words in Chinese language) Tashkent. “Fan va texnologiyalar” publ. 2003. 24 p.

Вначале в Китае узнали о смертоносности западного оружия, затем поняли, что для обновления оружия необходимо новые технологии в производстве. Наконец, узнали и то, что коренная проблема заключается в обновлении системы образования. «Движение 4 Мая» 1919 г. стало кульминацией просветительского движения в Китае. Так же как и в просветительских движениях на Западе, обновлению системы образования в Китае предшествовало обновление языка и письменности. На Западе национальные языки пришли на смену латинскому языку. В Китае байхуа пришел на смену вэньяню<sup>1</sup>.

Общекитайский язык вначале назывался "гуаньхуа"<sup>2</sup> (буквально имеющий значение «язык чиновников», иногда под гуаньхуа понимают северные диалекты Китая), затем был переименован в "гоюй", а в 1955 г. – в "путунхуа". На Тайване он по-прежнему носит название "гоюй". Термин "путунхуа" существовал уже в конце династии Цин и первоначально обозначал общий язык, который могут понимать все; жесткий стандарт отсутствовал. В 1955 г. путунхуа было дано определение: "Общий язык китайской нации, основой которого являются северные диалекты, стандартным произношением – пекинское произношение, грамматической нормой – образцовые произведения на байхуа"<sup>3</sup>.

Помимо этого, вплоть до наших дней вэньянь не выходит из употребления. К примеру, на вэньяне из-за его лаконичности до сих пор используются в рекламных банерах, а также праздничные надписи на дверях. Кроме прочего, вэньянь – письменный язык, на котором создавались литературные произведения вплоть до XX в., отказ от него означал бы отказ от культурного наследия, накопившегося за несколько тысячелетий. До сих пор по-настоящему грамотным человеком в Китае считается тот, кто владеет вэньянем и употребляет в речи фразеологизмы, устойчивые идиоматические выражения, состоящие из четырех иероглифов-слов, широко употреблявшихся в древнекитайском языке. И даже после того, как байхуа стал официальным письменным языком, в наше время можно найти переводы европейских современных произведений на вэньяне.

Исходя из вышеизложенного, следует отметить, что в китайском языке до появления или до объявления 普通话 *putonghua* параллельно существовало две реалии: вэньянь и байхуа, которые никак не притесняли друг друга. Литературный язык вэньянь основан на нормах древнекитайского языка и долгое время оставался единственным письменным языком, непонятным на слух и сложным в употреблении. Следует заметить, что вэньянь – это не просто древнекитайский язык, впитавший в себя элементы средневекового классического китайского языка. Это язык, грамматический строй которого характеризуется рядом своих, только ему присущих черт, сильно отличающих его от грамматического строя более позднего языка байхуа (白话 *baihua*) и современного путунхуа (普通话 *putonghua*). Для вэньяня характерны односложные слова; отсутствие в них второго компонента обуславливает предельно широкое значение слов, что ведет к различному толкованию написанного.

Заемствования из старого литературного языка вэньянь большую роль играют в научных, технических, медицинских, публицистических текстах, в официальных документах, в литературных произведениях и т. д. То есть и в наше время существует потребность в изучении старого литературного языка.

<sup>1</sup> Zhou Yuiguan. [Modernization of Chinese language and writing]. New in foreign linguistics. Vol XXII. Linguistics in China. Moscow. "Progress" publ. 1989. 376 p 376 p.

<sup>2</sup> Термин *гуаньхуа* обычно употреблялся для обозначения северо-китайских диалектов.

<sup>3</sup> Там же.



## ХИТОЙ ТИЛИДА МОРФЕМАЛИ КОНТРАКЦИЯНИНГ “TONG KUO” УМУМЛАШТИРИШ УСУЛИ

**БАКАЕВА БАРНО**

таянч докторант, ТДШИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада морфемали контракциянинг “умумлаштириши” усулига оид ўзига хусусиятлар ҳақида маълумот берилиб, мазкур усулнинг турлари ва ясалиши мисоллар ёрдамида таҳлил этилади. Илмий-тадқиқот иши мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди: хитой тилишунослигидаги назарий қарашларни таҳлил этиши; “умумлаштириши” усулининг турларига оид ифодаланиши хусусиятларни ўрганиши; морфемали контракция усулларини хитой тилидаги ижтимоий-сиёсий матнлардаги мисоллар орқали таҳлил этиши. Ҳар бир усул доирасида ўхшаш ва фарқли хусусиятларга таяниб бир неча турларга ажратилди. Морфемали контракция усуллари ўрганилиб, турли мисоллар орқали таҳлил этилди. Замонавий хитой тили морфемали контракциясида компонентлараро муносабатнинг фақатгина тўрт хил модели кузатилди: копулятив, феъл-объектли, атрибутив, субъект-предикатив моделлари. Мазкур усулда қисқартмалар “миқдор сон+компонент” кўринишига эга бўлади. Қисқартма сўз неча сўз асосида ҳосил бўлгани миқдор сон билан ифодаланади ҳамда сўзлар учун умумий ҳисобланувчи, барча сўзларни англатувчи маъновий компонент миқдор соннинг олдида қўйилади.

Ушбу усулда қисқарувчи бирликлар иккига бўлинади: сўзнинг қисқариши, сўз бирикмасининг қисқариши. “Миқдор сон” ўзининг қатъий жойлаиши ўрнига эга. Икки компонентли мураккаб қисқартма сўзларда “миқдор сон” сўзнинг бошланғич қисмида, яъни бошида келади, уч компонентли мураккаб қисқартма сўзларда биринчи, иккинчи бўғинда келади, тўрт компонентлиларда иккинчи, тўртинчи бўғинларда келади. “Умумлаштириши” усули юзасидан икки хил қараш мавжуд. Мазкур ишда биринчи қараш маъқулланди, чунки “миқдор сон+компонент”даги “компонент”, албатта, ҳар бир сўздаги умумий компонент бўлиши шарт эмас, у умумий маънони ифодаловчи алоҳида сўз бўлиши ҳам мумкин.

**Таянч сўз ва иборалар:** морфема, контракция, ўзлашма, термин, ўзак, қисқартма сўз, сўз бирикмаси, компонент.

**Аннотация.** В данной статье анализируется способ словообразования при помощи “обобщающего способа” морфемной контракции в китайском языке, приводятся соответствующие примеры. С этой целью в статье поставлены следующие задачи: проанализировать теоретические подходы на китайской лингвистике; изучение особенностей выражения видов “обобщающего способа” морфемной контракции; проанализировать способов морфемной контракции на примерах из китайских социальных и политических текстов. В рамках каждого метода они были сгруппированы в несколько видов на основе сходных и различных характеристик. Способы морфемной контракции были изучены и проанализированы на различных примерах.

В морфемной контракции современного китайского языка наблюдались только четыре модели словообразования: копулятивные, глагол-объектные, атрибутивные и субъект-предикативные. В этом способе сложносокращенное слово будет выглядеть как «число + компонент (слово / морфема)». Количество сокращаемых слов выражается числом, основной компонент обобщает или означает значение всех сокращаемых слов.

В способе «обобщение» единицы сокращения делятся на два: сокращение слов и словосочетаний. «Количественное число» имеет фиксированную позицию. В двухсложных сложносокращенных словах «количественное число» встречается в начале слова, то есть в первом слоге, в трехсложных сложносокращенных словах в первом или во втором слогах, в четырехсложных сложносокращенных словах во втором и четвертом слогах. Существует два разных мнения к подходу «обобщения». В этой работе приветствуется первое мнение, поскольку «компонент» в «число + компонент» не обязательно должен быть общим компонентом в каждом слове, но он также может быть отдельным словом, представляющим общее значение

**Опорные слова и выражения:** морфема, контракция, заимствованное слово, термин, корень слова, сокращенное слово, словосочетание, компонент.

**Abstract.** This article analyzes the method of word formation using the “generalizing method” of morphemic contraction in the Chinese language, and relevant examples are given. To this end, the article sets the following tasks: analyze theoretical approaches to Chinese linguistics; studying the features of the expression of the types of “generalizing method” of morphemic contraction; analyze the methods of morphemic contraction using examples from Chinese social and political texts. Within each method, they were grouped into several species based on similar and different characteristics. Methods of morphemic contraction have been studied and analyzed with various examples.

In the morphemic contraction of the modern Chinese language, only four word-formation models were observed: copulative, object-verb, attributive, and subject-predicative. In this method, a compound word will look like “quantity + component (word / morpheme)”. The number of abbreviated words is expressed by the number and the main component, which summarizes or means the meaning of all abbreviated words.

In the “generalization” method, reduction units are divided into two: reduction of words and phrases. The “quantitative number” has a fixed position. In two-compound complicated words, “quantitative number” occurs at the beginning of the word, that is, in the first syllable, in three-complex compound words in the first or second syllables, in four-complex compound words in the second and fourth syllables. There are two different opinions on the “generalization” approach. In this work, the first opinion is welcomed, since the “component” in “number + component” does not have to be a common component in each equal word, but it can also be a separate word representing a common meaning.

**Keywords and expressions:** morpheme, contraction, loan word, the term, the root of the word, phrase, component, abbreviated word.

**Кириш:** Ушбу мақолада морфемали контракциянинг “умумлаштириш” усулига оид ўзига хусусиятлар ҳақида маълумот берилди ва усулнинг турлари ва ясаши мисоллар ёрдамида таҳлил этилди. Санок қадимдан хитой маданиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Хитой халқи нарса ва ҳодисаларни ўзаро боғлаб, асосий тушунчаларини миқдор сонлар ёрдамида умумлаштирган. Мазкур усулда мураккаб қисқартма сўз “миқдор сон+компонент” кўринишига эга бўлади. Қисқартма неча сўз асосида ҳосил бўлгани миқдор сон билан ифодаланади ҳамда сўзлар учун умумий бўлган асосий компонент ёки барча сўзларни англатувчи маъновий компонентдан иборат бўлади.

**Мақсад ва вазифа:** Илмий мақоладан кўзланган мақсад хитой тилида морфемали контракция “умумлаштириш” усулининг ифодаланиш хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат. Илмий-тадқиқот иши мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди: Хитой тилшунослигида назарий қарашларни таҳлил этиш; “умумлаштириш” усули турларининг ифодаланиш хусусиятларини ўрганиш; морфемали контракция усуллари хитой тилидаги ижтимоий-сиёсий матнлардаги мисоллар орқали таҳлил этиш.

**Усуллар:** Мавзуга оид материаллар тавсифий, таснифий, таҳлилий методлар ёрдамида таҳлил этилди. Мазкур илмий тадқиқот ишида морфемали контракциянинг турли усуллари тавсифий метод ёрдамида тавсифланди. Ҳар бир усул доирасида ўхшаш ва фарқли хусусиятларга таяниб бир неча турларга ажратилди. Морфемали контракция усуллари ўрганилиб, турли мисоллар орқали таҳлил этилди, структур моделлари мураккаб қисқартма сўзлар таркибидаги бўғинлар сонига кўра таҳлил этилди.

**Муҳокама:** Хитой тилшуносларидан Чен Вангдао<sup>1</sup>, Лю Шусианг ва Джу Деси<sup>1</sup>, Чен Жианмин<sup>2</sup>, Ли Сизун, Сун Лианфен<sup>3</sup>, Сю Яомин<sup>4</sup>, Ян Джипинг<sup>5</sup>, Дженг Яншоу<sup>6</sup>, рус

<sup>1</sup> 陈望道. 修辞学发凡. –上海人民出版社, 2009. – 143 页.



олимларидан И.Д.Кленин<sup>7</sup>, В.И.Горелов<sup>8</sup>, О.П.Фролова<sup>9</sup>, А.Л.Семенас<sup>10</sup>, А.А.Хаматова<sup>11</sup> кабилар хитой тилида сўз ясалиши, хусусан, морфемали контракция ҳодисаси хусусида ўз фикр ва қарашларини билдирган.

Контракция янги сўз ясалишининг асосий жараёнларидан бири бўлиб, хитой тилида бўғинлар қисқариши талабига мувофиқ рўёбга чиқади<sup>12</sup>. Динг Сиужу контракция ўзининг ясалиш усулларига эга, қисқариши, бўғин тушиб қолиши, миқдор сонлар ёрдамида умумлашиш, шу билан бирга ҳар бир ясалиш усули ўзига қатор моделларни мужассамлаштиради<sup>13</sup>, деб изоҳлаган. Морфемали контракция ҳодисаси рус тилшуносларидан дастлаб И.Д.Кленин томонидан ўрганилган. И.Д.Кленин фикрича, замонавий хитой тилида кўп бўғинли бирликларни қисқартириш, контракция жараёни бўғин таркибидаги ундош ва унли фонемаларга таъсир ўтказмайди ва қисқартирмайди, яъни инициал аббревиатураларни (акроним) ҳосил қилмайди, чунки бу фонетик-морфологик тузилиши хитой тилидан фарқланувчи тилларга хос ҳолат. Иероглифик ёзувда ҳар бир белги – иероглиф бир бўғинли сўз ёки морфемани англатади, шунингдек, ёзма нутқда ҳам инициал аббревиатуралар ясалмайди. Кўп бўғинли (кўп морфемали) сўз ёки сўз бирикмаси таркибидан муайян маъноли компонентнинг (морфема) туширилиши морфемали контракция деб аталади. “Бўғинли контракция” термини “морфемали контракция”га ўзгаришининг сабаби биринчиси ҳодисанинг фонетик жиҳатини ифодалайди, ўз навбатида, контракция (қисқариш) моҳиятига кўра семантик-морфологик жараён демакдир<sup>14</sup>.

Морфемали контракциянинг “умумлаштириш” усулида қисқарувчи бирликларнинг умумий компоненти ажратилади ва контракция қилинувчи бирликларнинг миқдорини билдирувчи сон қўйилади. Бир неча тенг ҳуқуқли сўзларни “миқдор сон+ компонент” тарзида умумлаштириш мумкин, шу турдаги қисқартмалар юзасидан икки хил қараш мавжуд. Биринчи, “сон+умумий компонент”даги “умумий компонент” айнан ҳар бир тенг ҳуқуқли сўзга тегишли компонент бўлиши шарт эмас, у барча компонентларнинг маъноларини умумлаштириб келиши ҳам мумкин. Бу қарашнинг тарафдорлари сифатида Чен Жиан Мин, Ли Сизонг, Сун Лианфен, Ян Джипинг, Ронг Пеи, Гуо Фулианг, Юй Фулин, Вей Джиченг каби олимларни келтиришимиз мумкин. Масалан: 四季 “sìjì” “тўрт фасл” деб таржима

<sup>1</sup> 吕叔湘, 朱德熙. 语法修辞讲话. – 开明书店出版社, 1951. – 156 页.

<sup>2</sup> 陈建民. 现代汉语里的简称 – 附论统称和词语减缩. 中国语文, 1963. – 291 页.

<sup>3</sup> 李熙宗, 孙连芬. 略语手册-论略语. – 知识出版社, 上海, 1986. – 520 页.

<sup>4</sup> 张志毅, 张庆云. 汉语缩略语的特点. 烟台师范学院学报, 1995. – 56 页.

<sup>5</sup> 殷志平. 构造缩略语的方法和原则. 页语言教学与研究, 1999. – 73-82 页.

<sup>6</sup> 郑阳寿. 缩略语简论. 山东教育学院学报, 2000. – 44-45 页.

<sup>7</sup> Кленин И.Д. Морфемная контракция и ее типы в современном китайском языке // Вопросы языкознания. – М.: Наука, 1975. – С. 89-100.

<sup>8</sup> Горелов В.И. Лексикология современного китайского языка. – М.: Просвещение, 1984. – 216 с.

<sup>9</sup> Фролова О.П. Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. – Новосибирск: Наука. 2011. – 168 с.

<sup>10</sup> Семенас А.Л. Лексика китайского языка. – М.: АСТ: Восток Запад, 2005. – 310 с.

<sup>11</sup> Хаматова А.А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003. – 233 с.

<sup>12</sup> 郑阳寿. 缩略语简论. 山东教育学院学报, 2000. – 44-45 页.

<sup>13</sup> 丁秀菊. 缩略语产生探析. 山东大学学报, 2003. – 90-93 页.

<sup>14</sup> Кленин И.Д. Морфемная контракция и ее типы в современном китайском языке // Вопросы языкознания. – М.: Наука, 1975. – С. 90.



қилинади, бунда йилнинг тўрт фасли учун умумий бўлган сўз бу 季 jì “фасл” бўлиб, 四 sì “тўрт” сони 春 “chun” “бахор”, 夏 “xia” “ёз”, 秋 “qiu” “куз”, 冬 “dong” “қиш” умумлашувчи сўзларнинг миқдорини билдиради. Чен Жианмин сонли умумлаштириш усулини миқдор сондан сўнг келувчи компонент қисқартма сўзда қайси позицияни эгаллашига кўра уч турга ажратган<sup>1</sup>. Ли Сизонг ва Сун Лианфен мураккаб қисқартмаларни контракция хусусиятига кўра уч турга ажратишди: 1) қисқарувчи сўзлар таркибидаги умумий компонентни олиб умумлаштириш; 2) маънони умумлаштириш; 3) комплекс умумлаштириш усули. Бугунги кунда миқдор сон ёрдамида умумлаштириш орқали қисқартириш усулини таснифлашда ягона стандартга эга бўлинмаган. Баъзи бир олимларнинг фикрлари мутлақо фарқланади.

Бошқа қарашга кўра “умумий компонент” муайян бир неча тенг ҳуқуқли сўзларнинг барида мавжуд бўлиши шарт дейилган, шундагина у миқдор сон орқали контракция деб ҳисобланади. Бу қараш тарафдорлари сифатида биз Сю Гуочинг, Ян Джипинг ва ҳ.к.ларни келтиришимиз мумкин. Бу фикрга мисол тариқасида қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: 三好 “sanhao” “уч яхши” маъносига эга бўлиб, бунда 身体好 “shenti hao” “яхши соғлиққа эга бўлмоқ”, 学习好 “xuexi hao” “яхши ўқимоқ”, 思想好 “sixiang hao” “яхши фикрга эга бўлмоқ” маъноларини билдиради. “Миқдор сон+умумий компонент”даги “умумий компонент” нафақат ҳар бир тенг ҳуқуқли сўзлардаги умумий компонент бўлиши мумкин, шу билан бирга у умумий маънони ифодаловчи алоҳида сўз бўлиши ҳам мумкин.

Бошқа бир мисол: 四美 “simei” “тўрт гўзаллик” деб таржима қилинади, бунда 心灵美 “xingling mei” гўзал қалб”, 行为美 “xingwei mei” “гўзал амал”, 语言美 “yuyan mei” “гўзал нутқ”, 环境美 “huanjing mei” “гўзал атроф-муҳит”ни билдиради. Юқоридаги мисолларда “好” hao ва “美” mei ҳар бир сўз таркибида мавжуд.

*Морфемали контракциянинг “умумлаштириш” усули қуйидаги турларга ажратилган ҳолда таснифланади<sup>2</sup>:*

1. Умумлаштириш орқали қисқартириш турида бир неча сўзлар учун умумий бўлган компонент ажратиб олинади. Сўзлардаги бошланғич, сўнгги ёки ўрта позициядаги компонент ажратиб олиниб, олдига миқдор сон қўйилади ва умумлаштирилади:

1) бошланғич компонент ажратиб олинувчи усулда ҳар бир сўзнинг биринчи компоненти олинади, масалан: 两河 “lianghe” “иккита вилоят” маъносини билдиради, мазкур сўз иккита 河南 “Henan” “Хэнан” ва 河北 “Hebei” “Хэбэй” сўзидан морфемали контракциянинг мазкур тури орқали ташкил топган.

二陕 “ershan” “Икки Шан вилояти” деб таржима қилинади: 陕东 “Shandong” Шандонг ва 陕西 “Shanxi” Шанси вилоятларидан ташкил топган, бунда сўзлардаги “shan” морфемаси олинган.

三超 “sanchao” “уч оширмоқ” маъносини билдиради: 超车 “chaoche” “машинадан ўзиб кетмоқ”, 超速 “chaosu” “тезликни оширмоқ”, 超载 chaozai “ортиқча юк ортмоқ” сўзларидан 超 “chao” морфемаси олинган.

五爱 “wuai” “беш муҳаббат” деб таржима қилинади: 爱祖国 “ai zuguo” “ватанга муҳаббат”, 爱人民 “ai renmin” “халққа муҳаббат”, 爱劳动 “ai laodong” “меҳнатни севиш”, 爱科学 “ai kexue” “илм-фанга муҳаббат” “爱护公共财物” “aihu gonggong caihu” “халқ

<sup>1</sup> Chen Jianmin. Xiandai hanyulide jiancheg [ Abbreviations in chinese language]. Zhongguo yuwen, 1963. 291 p.

<sup>2</sup> Yan Zhiping. Shuzi shi suolve yude tedian [Features of numeral abbreviations]. Hanyuxuexi, 2002. No 2, p 27.



мулкига бўлган муҳаббат” – 五爱 Wuai “беш муҳаббат” сўзи 五 “Wu” ва 爱 “ai” морфемаларидан иборат.

2) сўнги компонент ажратиб олинувчи усулда ҳар бир сўзнинг охириги компоненти олинади, масалан:

三北 “sanbei” “уч Бей (шимол) вилояти”: 西北 “Xibei” Сибей худуди”, 华北 “Huabei” Хуабей худуди”, 东北 “Dongbei” “Донгбей худуди”. Бунда сўнги морфема “北” bei олинган.

3) ўрта компонент ажратиб олинувчи усулда ҳар бир сўзнинг ўртасидаги компоненти олинади, масалан:

双佳 “shuangjia” “Икки яхши” деб таржима қилинади: 最佳商店 “zuijia shangdian” “энг яхши дўкон” ва 最佳营业员 “zuijia yingyueyuan” “энг яхши сотувчи” сўз бирикмаларидаги 佳 “jia” морфемаси олинади.

4) Ажратиб олинувчи компонент турли позицияларни эгаллайди: 四同一通 “sitongyitong” “Тўрттасини биргаликда ўтказиш” деб таржима қилинади: 同吃 “tongchi” “халқ билан бирга овқатланиш”, 同住 “tongzhu” “бирга яшаш”, 同劳动 “tong laodong” “бирга меҳнат қилиш”, 同商量 “tong shangliang” “бирга муҳокама қилиш”, 把政策同到底 “bazhengce tongdaodi” “қуйи қатламларда сиёсат олиб бориш” каби маъноларини англатади. 四 “si” “тўрт” ва “同” “бирга” морфемаларидан иборат.

2. Маъновий умумлаштириш. Маънони олиб умумлаштиришнинг ясашиш усули қуйидагича: унда сўзларнинг ҳар бир ташкил этувчи компонентларининг маънолари умумлаштирилиб, тўғри ва маъно жиҳатидан яқин, сўзларнинг умумлашган маъносини ифодалаб келувчи сўз танланиб, унинг олд қисмига компонентлар микдорига тенг бўлган сонлар қўйиш орқали ясалади Бу ҳар бир ташкил этувчи бирликлар ўртасида умумий компонент мавжуд бўлмаган, аммо уларнинг умумий ёки ўхшаш хусусиятларининг йиғиндисидан умумий маъно олинган умумийлаштириш туридир, 五味 “wu wei” “беш таъм” деб таржима қилинади: ва 酸 “suan” “нордон”, 甜 “tian” “ширин”, 苦 “ku” “тахир”, 辣 “la” “аччиқ”, 咸 “xian” “шўр” каби маънолар назарда тутилади. Ушбу мисолдан аёнки, сўзларнинг умумий хусусияти таъм беришидир. Бундан ташқари улар умумийликда беш хил таъмини ташкил этади, шунинг учун “五味” “wuwei” “беш таъм” деб юритилади. Бу турдаги қисқартмалар ҳам бисёр, масалан:

四苦 “siku” “тўрт қийинчилик” деб таржима қилинади: 生 “sheng” “туғилмоқ”, 老 “lao” “қаримоқ”, 病 “bing” “касал бўлмоқ”, 死 “si” “ўлиш” маъноларини қамраб олади.

四方 “sifang” “тўрт қутб” деб таржима қилинади ва 东 “dong шарқ”, 南 “nan” “жануб”, 西 “xi” “ғарб”, 北 “bei” “шимол” каби маъноларни умумлаштиради.

Шуни эсда тутиш керакки, қисқартиришларда – умумлаштиришда 两 “liang” – “икки” микдор сони кўп ҳолларда 双 “shuang” – “жуфт” сўзига алмаштирилади, масалан, 双百方针 “shuangbai fangzhen” – “икки юзликлар курси” деб таржима қилинади. Ушбу қисқартма 百花齐放 “baihua qifang” “юзта гуллар очилсин” ва 百家争鸣 “baijia zhengming” “юзта мактаблар рақобатлашсин” сўз бирикмаларидан иборат.

*Морфемали контракциянинг “умумлаштириши” усулида қисқарувчи бирликлар<sup>1</sup>:*

Сўзнинг қисқариши, масалан: 两伊 “liangyi” “Ироқ ва Эрон” деб таржима қилинади, бунда икки 伊 “Yi” 伊朗 Yilang “Эрон” ва 伊拉克 Yilake “Ироқ” сўзларидан иборат; 三雕

<sup>1</sup> Yan Zhiping. Shuzi shi suolve yude tedian [Features of numeral abbreviations]. Hanyuxuexi, 2002. No 2, p 27.



“sandiao” “уч ўймакорлик” деб таржима қилинади. Бунда 木雕 “mudiao” “ёғоч ўймакорлиги”, 竹雕 “zhudiao” “бамбук ўймакорлиги”, 石雕 “shidiao” “тош ўймакорлиги” каби сўзлар умумлаштирилади.

Сўз бирикмасининг қисқариши, масалан: 三同时 “santongshi” “бир вақтда уч нарса” деб таржима қилинади: 同时设计 “tongshizheji” “бир вақтда лойиҳалаштириш”, 同时施工 “tongshi shigong” “бир вақтда қуриш”, 同时投产 “tongshi touchan” “бир вақтда сармоя киритиш” каби сўз бирикмаларидан иборат.

*Икки, уч ва тўрт компонентли қисқартмалар.* Икки компонентли сонли қисқартмалар нисбатан кучли умумлаштирувчи характерга эга бўлиб, асосан, сон ва мураккаб сўзларнинг барча қисмларида мавжуд бўлган умумий ном, характер ва ҳолатдан ташкил топади. Соннинг ўрни аниқ бўлади, яъни у тургунликка эга ва фақатгина бошланғич қисмда келади. Сондан сўнг феъл, от ёки сифат морфемалари келиши мумкин.

Уч компонентли қисқартмаларда сонлар, асосан, биринчи ёки иккинчи позицияда жойлашади. Уч компонентли сонли қисқартмалар нафақат отли, сифатли, феълли морфемаларни, балки от, феъл ва сифат сўз туркумларига кирувчи сўзларни ҳам ўз ичига олади. Бундан ташқари баъзи бир сонли қисқартмаларда ҳисоб сўзлар ҳам учрайди, одатда, улар иккинчи бўғинда бўлади. Яна баъзи иккинчи бўғиндаги сондан олдин “老” lao (эски), “小” xiao (кичик), “新” xin (янги), “黑” hei (қора), “红” hong (қизил) каби сўзлар келади, бундай шакл тўрт компонентли сонли қисқартмаларда кузатилмайди.

Тўрт компонентли сонли қисқартмаларда сон, одатда, биринчи ва учинчи бўғинда жойлашади, фонетик қисмларга икки модел асосида бўлинади. Баъзи бир тўрт компонентли сонли қисқартмалардаги фонетик тўлиқликни таъминлаш учун “个” ge (дона), “大” da (катта) қўшилади.

#### **Сўзнинг қисқариши:**

*Икки компонентли мураккаб қисқартмалар, масалан:*

*(Атрибутив модел)*

“сон+от”

三伏 “sanfu” “ёзнинг уч даражаси”, яъни ёз фасли иссиғининг максимал даражалари деб таржима қилинади, 初伏 “chufu” “ёзнинг боши”, 中伏 “zhongfu” ёзнинг ўртаси, 末伏 “mofu” ёзнинг охиридан иборат.

五行 “wuxing” “беш унсур” деб таржима қилинади: 木 “mu” ёғоч, 火 “huo” “олов”, 水 “shui” “сув”, 金 “jin” “метал”, 土 “tu” “туپроқ” маъноларининг умумлаштириш орқали қисқартирилган кўринишидир.

“сон+боғловчи/олд кўмакчи”

三边 “sanbian” uch “bian”, яъни бир вақтнинг ўзида уч ишни амалга оширмақ деб таржима қилинади, 边设计 “bian sheji” “ҳам лойиҳалаштирмақ”, 边施工 “bian shigong” “ҳам қурмақ”, 边修改 “bian xiugai” “ҳам ўзгартирмақ” сўзларидан иборат. “边..., 边...” “bian..., bian...” “ҳам..., ҳам...” боғловчиси ҳисобланади.

*Уч компонентли қисқартмалар, масалан:*

“сон+сифат+от”

四大洋 “si da yang” “тўрт катта океан” деб таржима қилинади. Бунда 大西洋 “Daxiyang” “Атлантика океани”, 太平洋 “Taipingyang” “Тинч океани”, 印度洋 “Yinduyang” “Ҳинд океани”, 北冰洋 “Beibingyang” “Шимолий муз океани” маънолари умумлаштирилган.



“сон+ҳисоб сўз+от”

四家诗 “sijiashi” “тўрт нафар шоир” деб таржима қилинади. Бунда 鲁诗 “Lushi” “Луши”, 齐诗 “Qishi” “Чиши”, 韩诗 “Hanshi” “Ханши”, 毛诗 “Maoshi” “Маоши” назарда тутилади.

“сифат+сон+от”

黑五类 “heiwulei” “беш категория вакиллари” деб таржима қилинади. Бунда 地 “di” “ер эгалари”, 富 “fu” “бойлар”, 反 “fan” “жиноятчилар”, 坏 “huai” “инқилобга қаршилар”, 右 “you” “ўнлар” умумлаштирилади.

“от+сон+от”

东三省 “dongsansheng” “уч шарқий провинция” деб таржима қилинади. Бунда 黑龙江 “Heilongjiang” “Хейлунгианг”, 辽宁 “Liaoning” “Лиаонинг”, 吉林 “Jilin” “Жилин” провинциялари назарда тутилади.

**Тўрт компонентли қисқартмалар, масалан:**

(Копулятив модел)

“(сон+от)+(сон+от)”

两报一刊 “liangbao yikan” “икки газета ва бир журнал” дея таржима қилинади. «人民日报» “renmin ribao” “Ренмин рибao” газетаси, «解放军报» “jiefang junbao” “Халоскор армия” газетаси, «红旗»杂志 “Hongqi zazhi” “Қизил байроқ” журнали сўзларин ўз ичига олади.

**Беш ва ундан ортиқ компонентли қисқартмалар, масалан:**

三用机 “sanyongji” “уч техника воситаси” деб таржима қилинади. 收音 “shouyin” “радио”, 扩音 “kuoyin” “микрофон”, 对讲 “рация” сўзларининг қисқартирилган кўриниши ҳисобланади.

**Сўз бирикмасининг қисқариши:**

**Икки компонентли қисқартмалар, масалан:**

(Атрибутив модел)

“сон+сифат”

四旧 “sijiu” “тўрт эскилик” деган маънони билдиради: 旧思想 “jiu sixiang” “эски мафкура”, 旧文化 “jiu wenhua” “эски маданият”, 旧风俗 “jiu fengsu” “эски анъана”, 旧习惯 “jiu xiguan” “эски одатлар” маъноларини қамраб олади.

五小 “wuxiao” “беш кичик нарса” маъносини англатади. 小发明 “xiaofaming” “кичик ихтиро”, 小革新 “xiaogexin” “кичик янгиланиш”, 小改造 “xiaogaizao” “кичик ўзгартириш”, 小设计 xiaosheji “кичик лойиҳа”, 小建议 xiaojianyi “кичик маслаҳат” кабиларни ўз ичига олади олади.

**Уч компонентли қисқартмалар, масалан:**

“сон+равиш+от”

三连冠 “sanliangyan” “уч карра чемпион” деган маънони билдиради: 连续获得世界锦标赛冠军 “lianhu huode shijiejinbiaosai” “кетма-кет жаҳон биринчилигида чемпион”, 世界杯赛冠军 “shijie beisai” “жаҳон кубогида чемпион”, 奥运会决赛冠军 “aouyun hui juesai guanjun” “олимпия ўйинлари финалида ғолиб чиққан одам” сўз бирикмаларининг қисқартмаси ҳисобланади.

**Тўрт компонентли қисқартмалар, масалан:**

“сон+ҳисоб сўз+феъл”

三个面向 “san ge mianxiang” “уч юзланиш” деб таржима қилинади, бунда “面向现代化” “mianxiang xiandaihua” “модернизацияга юзланмоқ”, 面向世界 “mianxiang shijie” “жаҳонга

юзланмоқ”, 面向未来 “mianxiang weilai” “келажакка юзланмоқ” сўз бирикмаларидаги 面向 “mianxiang” “юзланмоқ” компоненти орқали умумлаштирилади.

Кўриш мумкинки, “умумлаштириш” орқали ҳосил қилинган қисқартмалар хитой тили лексикасини икки бўғинлаштириш ва тўрт бўғинлаштириш талабига жавоб бериш учун пайдо бўлган. Қисқартмаларнинг маънолари аниқ белгиланган, иккиламчи маъноларга эга эмас. Аксарият қисқартмалар турғунлашган сўз ва ибораларга айланган, масалан: “四化” “sihua” “тўрт модернизация”, “一国两制” “yiguo liangzhi” “бир мамлакатда икки сиёсат”, “两用人才” “liangyong rencai” “икки хусусиятга эга кадрлар” ва ҳ.к. Қисқартмалар жамиятнинг ривожланиши билан тўхтовсиз кўпайиб бораверади, аммо маълум бир қисми луғатга киритилмасидан олдин йўқолиб кетади. Бунга нисбатан типик мисол тариқасида маданий инқилоб пайтидаги бир-бирига қарши партиялар шиорларида қўлланилган қисқартмаларни келтиришимиз мумкин, бундай қисқартмалар сиёсий тусга эга бўлган, унинг тарқалиш тезлиги жуда тез, қўлланиш даражаси нисбатан юқори бўлган, масалан: “红五类” “hongwulei” “Қизил бешлик”, “三忠于” “sanzhongyu” “уч содиқ инсон”, “三突出” “santuchu” “уч тўсатдан пайдо бўлган нарса”, “四无限” “siwuxian” “тўрт чексизлик”, “三支两军”, “两报一刊” liangbao yikan (икки газета ва битта журнал) ва ҳ.к. Аммо янги ясалган қисқартмаларнинг катта қисми маданий инқилобнинг тугатилиши билан йўқолиб кетди, фақатгина оз миқдордаги қисқартмалар турғунлашган сўзларга айланган.

Шунингдек аффиксал морфема қисқартма таркибига кира олади, масалан, “化” “hua” (四化 “sihua” – революция “geminghua” (инқилоблаштириш), 年轻化 “nianqinghua” (ёшартириш), 知识化 “zhishihua” (интеллектуаллаштириш), 现代化 “xiandaihua” (модернизациялаш)), “性” “xing” (三性 “san xing” – 思想性 “sixiangxing” (ғоявийлик), 科学性 kexuexing (илмийлик), 通俗性 tongsuxing (оммабоплик)) ва ҳ.к. Улар маънони ифодалаш ва структуравий жиҳатдан нисбатан мустақилликка эга. Сўзларда алоҳида айтиб ва қўллаб бўлмайдиган компонентларни қисқартмаларда алоҳида айтиб ва қўлласа бўлади; Талаффуз жиҳатидан сўздаги энгил оҳанг бошқа оҳангга ўзгаради; Маъно жиҳатидан сўзнинг маъноси сустроқ бўлса, қисқартмада нисбатан кучлига айланади; Структуравий жиҳатдан марказий бўлмаган компонент миқдор сонни қабул қилиб марказий компонентга айланади.

Равиш, сон ва бошқалар грамматика қоидаларидан чиқиб бир неча махсус қўлланиш усулларини ҳосил қилади, масалан: “сон+равиш”, “сон+равиш+от” ва ҳ.к.

“Умумлаштириш” усулида миқдор сонининг махсус қўлланиши. Ҳисоб сўзларни қўллаш замонавий хитой тилининг катта хусусиятларидан биридир. қисқартманинг “сон+асосий компонент” шаклида “асосий компонент” чеклашланишларни қабул этмайди, “марказий сўз”нинг таркибига от, феъл, сифат, равиш, ҳаттоки сон, кўмакчи ва аффикс ҳам кириши мумкин, масалан “五讲” “wujiang” (“беш қоидага риоя қилмоқ”), “四美” “simei” (тўрт гўзаллик), “四化” “sihua” (тўрт модернизация) ва ҳ.к. 讲 “гапирмоқ” (феъл), 美 “mei” “гўзаллик” (сифат), “化” “hua” (аффикс).

Бошланғич Син сулоласи даврида хитой тилида буюмларнинг миқдорини ифодалаш шакли “сон+от” бўлган, масалан, “三纲五常” “sangang wuchang” (уч қонун ва уч қоида), “三姑六婆” “sangu liupo” (момолар ва бувилар), “五代十国” “wudai shiguo” (беш сулола ва ўн давлат даври) ва ҳ.к.лар. Қадимги хитой тилида, миқдор сонлар ва санок сонларнинг фарқи



бўлмаган<sup>1</sup>. Масалан, “六月” liu yue (июн) ҳам олти ойлик вақт муддатини, ҳам олтинчи ой, яъни июнни ифодалаб келган. Син ва Хан сулолаларидан сўнг от ҳисоб сўзлари ривожланди, аммо нисбатан узоқ муддат давомида, айниқса, адабий ёзма тилда отларнинг микдорини кўрсатаётганда ҳисоб сўз қўлланмаган эди, ҳаттоки бугунги кунда замонавий хитой тилида ҳам шу усул қўлланмоқда, масалан: “三人” “sanren” (уч шахс), “五天” “wutian” (беш кун) ва ҳ.к. Контракциянинг “умумлаштириш” усулида ҳам бу анъанани қўллаш давом этмоқда: “三维” “sanwei” (уч ўлчамли), “两极” “liangji” (икки қутб) ва ҳ.к. Замонавий хитой тилида кузатиладиган “сон+от” шакли қадимги хитой тилида пайдо бўлиб, бугунги кунгача қўлланиб келинмоқда.

“Сон+сифат” шаклида сондан сўнг келувчи сифат феъл хусусиятларига эга. Баъзи феъл ва сифатлар сонлар билан бирикиб ҳаракатнинг бир неча объектни ифодалаб келмасдан ҳаракат ёки хусусият билан боғлиқ бир қанча объектни ифодалайди. Ю Лиминг фикрича, структура ва маъно ифодалаш жиҳатидан қаралса, марказий сўз вазифасида келган микдорий бирликлар қадимги хитой тили билан таққослаганда катта ўзгаришга учрамаган. У кесимнинг сон билан алоқаси юзасидан қисқартмаларни тушунтирган, масалан, “五讲四美三热爱” “wu jiang simei san reai”, яъни “讲究五个方面的行为” “jiangjiu wuge fang miande xingwei” (бешта амалга аҳамият бермок), “做到四个方面的美好” “zuodao sige fangmianmeihao” (тўрт эзгу иш қилмок), “热爱三件事物” “re'ai san jian shiwu” (уч нарсага меҳр бермок)<sup>2</sup>. Қисқартмалардаги микдор сондан кейинги кесим объектни ифодаловчи мантикка эга. Ҳисоб сўзнинг мавжуд бўлмаган ҳолатида феъл ва сифат маъно ва структура занжирларидан ҳалос бўлади. Бу “умумлаштириш” орқали ҳосил бўлган қисқартмаларнинг хусусиятидир.

“Умумлаштириш”да ёрдамчи сўзлар ҳам сонлар билан қўлланиши мумкин, масалан: “从一大” “sancong yida” (қийинчиликдан, реалликдан келиб чиқиб кўп микдорда илмий машқлар бажармок)даги “从” “cong” олд кўмакчи; “三边” “sanbian” (ҳам лойиҳалаштирмок, ҳам қурмок, ҳам ўзгартирмок)даги “边” “bian” боғловчи. Бундан ташқари аффикс, одатда, ёрдамчи компонент сифатида марказий сўз бўла олмайди, аммо сонли қисқартмаларда марказий сўз сифатида микдор сон билан қўлланади, масалан: “四化” sihua ва ҳ.к.

Ян Джипинг фикрича, қисқартмаларда микдор сон билан қўлланган ҳар бир мавҳум сўз, ёрдамчи сўз, аффикслар аввалги референт маъносини, грамматик маъносини йўқотади, компонентлар, яъни от ифодалаб келаётган нарсаларни, феъл ифодалаётган ҳаракатни ҳамда сифат ифодалаётган хусусиятни ифодалаб келмайди. У кўрсатиб келаётган сўз (сўз, ибора ва гап) белги вазифасида келади. Бундай белгилар олдидан келувчи микдор сон белгилар ифодалаб келаётган иш-ҳаракат, хусусиятни ифодалаб келмайди, балки шу белгиларни ўзини кўрсатиб келади, чунки белги бўлиб келган компонент хоҳ от бўлсин, хоҳ феъл, сифат ёки кўмакчи бўлсин барчасини умумий микдор сон билан ифодаласа бўлади<sup>3</sup>.

У “三难” “sannan” (уч қийинчилик) мисоли ёрдамида тушунтирадики, “三难” “sannan” (уч қийинчилик)даги “难” nan (қийин) “易” yi (енгил/осон)нинг антонимини ифодаламайди, балки “难” nan (қийин) белгисининг ўзини ифодалаб келади. “三” san (уч) “难” nan (қийин) хусусиятининг микдорини ифодаламайди, балки “难” nan (қийин) белгисининг микдорини ифодалаб келади. Ян Джипинг яна бир бор таъкидлайдики, юқорида кўрсатилган сабаблар

<sup>1</sup> Yu Liming. Hanyu solve yude yanjiu. – Sichuan daxue, 2002. P. 97.

<sup>3</sup> Yan Zhiping. Shuzi shi solve yude tedian [Features of numeral abbreviations]. Hanyuxuexi, 2002. No 2, p 27.

туфайли морфемалар қисқартмаларда предметли сўз хусусиятига эга бўлган морфема функциясига эга бўлади. а) феъл-кесим вазифасини бажармайди, бошқарувчи компонентга эга бўлмайди, вақт категориясига кирувчи компонентга эга бўлмайди; сифат ҳам кесим вазифасини бажармайди, аниқловчи компонент ҳам бўлолмайди; равиш феълнинг ҳолатини ифодаловчи компонент бўла олмайди; б) боғловчи, кўмакчи ва бошқа ёрдамчи сўзлар грамматик сўзлар вазифасида хизмат қилмайди, балки марказий сўзлар вазифасида хизмат қилади, мустақил маънога эга бўлган сўзларнинг грамматик хусусиятини қабул қилишган; с) аффикслар сўз ясовчи қўшимча компонент вазифасини бажармайди, балки марказий сўз компоненти вазифасини бажаради, сўз ўзагининг грамматик хусусиятини қабул қилган бўлади.

“микдор сон+(个 “ge” (дона) /大 “da” (катта))+марказий сўз” модели. “三个” “san gè” (учта), “四个” “sì gè” (тўртта) микдор сонлар феъл ва сифатга нисбатан қўлланмайди, лекин қисқартмалар орасида бундай композиция кузатилади. “面向” “miànxiàng” (юзланиш), “不变” “bùbiàn” (ўзгармаслик), “伟大” “wēidà” (буюк) сўзлари “个” “gè” (дона) сўзи ёрдамида қурилмайди, лекин тўрт компонентли шаклини таъминлаш учун қисқартиришларда “个” ge (дона) ни қўллаш мумкин бўлди.

Ҳисоб сўз хусусиятига эга бўлмаган “大” da (катта) сифати ҳам қисқартма таркибида ҳисоб сўз хусусиятига эга бўлади, масалан: “十大文明” “shí dà wénmíng” (тўрт катта маданият), “四大自由” “sì dà zìyóu” (тўрт эркинлик), “十大关系” “shí dà guānxi” (ўн катта алоқа) ва ҳ.к. Бундан ташқари “大” “dà” (катта) худди “个” “gè” (дона) сингари уч компонентли қисқартмалар орасига қўшилганда бўғинлар ўртасидаги муносабатни сақлаш вазифасини бажаради.

**Хулоса:** Хитой тилида қисқартма сўзлар ясалиш қонуниятлари ҳамда грамматик хусусиятларга эга. Замонавий хитой тили морфемали контракциясида компонентлараро муносабатнинг фақатгина тўрт хил модели кузатилди: копулятив, феъл-обектли, атрибутив, субъект-предикатив моделлари.

Хитой тилида мураккаб қисқартма сўзлар отлашган, феъллашган, сифатлашган турдаги гап бўлақларига бўлинади. Атрибутив моделда: “сон+от/сифат/феъл/равиш+(от)”, “сон+сифат/равиш/феъл”, “сон+ҳисоб сўз+от/феъл” каби турларидан ташқари “сон+(ҳисоб сўз)+ боғловчи/олд кўмакчи”, “(от)+ҳисоб сўз+аффикс(префикс/суффикс)” ва “сифат / феъл/от+сон+от” шаклидаги моделлар аниқланди.

“Умумлаштириш” усули юзасидан икки хил қараш мавжуд. Мазкур ишда биринчи қараш маъқулланди, чунки “сон+ компонент”даги “компонент” умумий маънони ифода-лаши ҳам мумкин.

Морфемали контракциянинг “умумлаштириш” усулида қисқарувчи бирликлар сифатида сўзнинг қисқариши, сўз бирикмасининг қисқариши кузатилди. Ушбу усулда сон ўзининг қатъий жойлашиш ўрнига эга. Икки компонентли қисқартма сўзларда сон сўзнинг бошланғич қисмида, яъни бошида келади, уч компонентли сонли мураккаб қисқартма сўзларда сон биринчи, иккинчи позицияда келади, тўрт компонентлиларда сон иккинчи, тўртинчи позицияларда келади.





## ҚАДИМГИ ТУРКИЙ МАҚОЛЛАР ТУЗИЛИШИДА АЛЛЕГОРИЯ ВА ТАЗОДНИНГ ЎРНИ

**МИРЗААЛИЕВ ИҚБОЛЖОН**

мустақил тадқиқотчи, ТДШИ

**Аннотация.** Халқ оғзаки ижодининг ўзига хос жанрларидан бири бу мақолдир. Мақоллар бирор халқнинг асрлар, йиллар оша ўз кўрган-кечирган ҳаётий тажрибалари асосида шакланган, сайқаланган қисқа шаклдаги асар намуналаридир. Халқ орасидаги бирор фикрнинг мақол бўлиши, унинг ихчам шаклга келиши учун йиллар керак бўлади. Бунда мақол бўлмоқчи бўлган фикрнинг хулосага эгаллиги ҳам аҳамиятлидир. Чунки ҳар бир айтилган фикр мақол бўла олмайди. Мақол бўлиши учун бирор воқеа-ҳодисага ҳукм чиқарилган, хулосаланган бўлиши талаб этилади.

Кунимизгача йирик ҳажмдаги ёзма шаклда етиб келган мақоллар XI аср тилишунос, фольклоршунос олими Маҳмуд Қашгарий қаламига мансуб “Девону лугати-т-турк” асаридан ўрин олган. Асарда мақоллар бирор туркий сўзнинг маъно-мазмунини ифодалаши, очиши учун фойдаланилган. Адиб ўз асаридан уч юзга яқин мақоллардан фойдаланган бўлиб, уларнинг баъзилари такрорланган ҳолда, баъзилари эса қисқарган шаклларда келади.

Қадимги туркий мақоллар ўз тузилишига эга. Уларнинг тузилишида бадиият билан бирга тил ҳодисалари, услуби ҳам ўзгачадир. Айниқса, тил ва бадиият уйғунлиги, уларнинг мақол маъно-мазмунига таъсир ўрни каттадир. Бундай тасвир воситалари орасидаги аллегория ва тазод қадимги туркий мақолларнинг катта қисмида учрайди. Мазкур мақолада айни икки ҳодисанинг қадимги туркий мақолларда қўлланиши ўрни, мақол маъно-мазмунига таъсири масаласи ёритилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** халқ оғзаки ижоди, мақол, Маҳмуд Қашгарий, “Девону лугати-т-турк”, аллегория, тазод.

**Аннотация.** Одним из уникальных жанров фольклора является пословица. Притчи являются примерами краткой, отточенной работы, основанной на опыте людей на протяжении многих веков. Общественному мнению понадобятся годы, чтобы стать общеизвестным, и оно будет компактным. Также важно, чтобы идея, которую вы хотите процитировать, была убедительной. Потому что не каждая мысль – это пословица. Чтобы стать общеизвестным, событие должно быть оценено и обобщено.

Пословицы, написанные в больших количествах до сегодняшнего дня, были впервые даны в «Дивану лугати-т-турк», произведении лингвиста и фольклора 11-го века Махмуда Кашгари. В работе пословицы используются для выражения значения и значения тюркского слова. Автор использует около трехсот пословиц в своей работе, некоторые из которых повторяются, а некоторые приходят в сокращенной форме.

Древнетюркские пословицы имеют свою структуру. По своей структуре, наряду с художественной литературой, языковые явления и стили различны. В частности, сочетание языка и искусства играет важную роль в влиянии на смысл пословицы. Аллегория и тазод (противоположность) среди таких наглядных пособий встречаются во многих древнетюркских пословицах. В этой статье исследуется роль этих двух событий в древнетюркских пословицах и их значение для значения пословиц.

**Опорные слова и выражения:** фольклор, пословица, Махмуд Кашгари, «Дивану лугати-т-турк», аллегория, тазод (противоположность).

**Abstract.** One of the unique genres of folklore is the proverb. The proverbs are examples of a brief, polished work that is based on the experiences of a nation over many centuries. It would take years for a public opinion to be proverbial, and it would be compact. It is also important that the idea you want to quote is conclusive. Because not every single thought is a proverb. To be proverbial, an event must be judged and summarized.

Articles written in large volumes to date have been published in the “Devonu Lughati-t-Turk”, a work of the 11th century linguist and folklore scholar Mahmud Kashgari. In the work proverbs are used to

*express the meaning and meaning of a Turkic word. The author uses about three hundred proverbs in his work, some of which are repeated and some come in abbreviated form.*

*Ancient Turkic proverbs have their own structure. In their structure, along with fiction, language phenomena and style are different. Especially, the combination of language and art plays an important role in influencing the meaning of the article. The allegory and confusion among such visual aids is found in many of the ancient Turkic proverbs. This article explores the role of these two events in ancient Turkic proverbs and their impact on the meaning of the article.*

**Keywords and expressions:** *folklore, proverb, Mahmud Kashgari, "Devonu Lughati-t-Turk", allegory, the art of contrasting.*

**Кириш.** Ҳозирги кунга қадар яратилган адабиётларда ўзбек халқ мақолларининг пайдо бўлиш жараёни хусусида шундай фикр билдирилади: «Халқнинг қалбида ибратли фикр, ҳаёт ҳақидаги хулосалар пишиб, етилиб турган бўлади. Кўпни кўрган, зукко ва гапга чечан бир одам уни бир неча сўз воситасида юзага чиқаради. Шу тариқа мақол пайдо бўлади, – деб изоҳлайди. Ҳақиқатан ҳам, аслида аввал оғзаки нутқда пайдо бўлувчи мақоллар оғзаки нутқимизда кенг қўлланилади. Улар нутқимизни ихчам ва равон, теран ва мазмунли баён қилишга ёрдам беради»<sup>1</sup>.

Қадимги халқ мақолларининг пайдо бўлиши тўғрисида мутахассис олимлар турлича фикрларни билдирганлар. Жумладан, профессор Қ.Содиқов қадимги туркий мақолларнинг пайдо бўлиши тўғрисида қуйидагиларни айтиб ўтади: «Қадимги туркий мақолларнинг яратилган даври аниқ эмас. Машҳур алломаларимиз уларни минг йил бурун қоғозга туширган бўлса-да, ушбу мақоллар асрлар қаърига илдиз отган. Уларнинг баъзиларида яратилган даврининг илдизларини ҳам сезамиз. Жумладан, «Савобли ишлар қилувчи киши бурхон билан баробар, Диёнатсиз киши мис танга билан баробар» мақоли буддизм муҳитида яратилгани тайин. Мақолда келган «бурхон» – буддизм динида буддадир. Ушбу мақолда «хайрли ишлар қилувчи инсон будда билан баробардир, диёнатсиз кишининг эса қадри йўқдир», деган маъно мужассамлашган. Ёки «Фазилатли киши жавоҳирга тенгдир, фазилатсиз киши этик ичидаги патакка тенгдир» мақоли ҳам айни муҳитнинг ҳосили. Бунинг сабаби, буддизмда учлик: будда, унинг таълимоти ва жамоа муқаддас саналган»<sup>2</sup>. Кўринадики, мақолларда келган айрим сўз ва атамалар қадим туркларнинг ишонч-эътиқодларида қўлланилса, уларнинг яратилган даврини ўша муҳитга боғласа бўлади. Аммо шуни ҳам айтиш керак-ки, бундай сўзлар ҳар доим ҳам мақолларда қўлланавермайди.

**Асосий қисм.** Мақолларнинг халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлиги уларнинг миллий ўзига хослигини, айни пайтда, умумбашарий характери билан белгилаб беради. Бу икки жиҳат қадимги турк халқ мақолларининг тематикасида, воқеликни акс эттириш тарзида, бадиий-тасвирий воситаларида ва ниҳоят, тилда ўз ифодасини топган.

Мутахассисларнинг фикрича, мақоллар асрлар оша янгилашиб турган. Ҳар бир даврнинг ўз мақоли амалда бўлган. Жумладан, ўрта асрларда, зулмкор золимлар зулмидан келиб чиққан мақоллар ҳам учрайди. Масалан: «Камбағалнинг оғзи ошга етганда, бурни қонайди», «Аминнинг ошидан фақирнинг мушти яхши», «Ҳолвани ҳоким ер, калтакни етим ер», «Қийшиқ арава йўл бузар, Қози, мулла эл бузар» каби<sup>3</sup>.

Профессор Қ.Содиқов халқ мақолларига қуйидагича таъриф беради: «Мақол – халқнинг юз йил кузатиб, бир айтган сўзи. Уларда халқнинг фалсафий мушоҳадаси, олам, ҳаёт ва жамият ҳақидаги қарашлари, уларга муносабати акс этган. Мақолнинг қудрати – у кишини тарбиялайди,

<sup>1</sup> Qo'shoqov M. So'z ko'rki maqol (Word citation is proverb). – Toshkent, 1963. – B. 4.

<sup>2</sup> Sodiqov Q. Turkiy yozma yodgorliklar tili: adabiy tilning yuzaga keligi va tiklanishi (Language of Turkish written monuments: the emergence and revival of literary language). – Toshkent. 2006. – B. 78.

<sup>3</sup> O'zbek xalq og'zaki poetik ijodi (Folklore). Toshkent. O'qituvchi. 1980. – B. 110-111.



хаётнинг паст-баланди, оқ-қораси ҳақида сабоқ беради. Ота сўзларида бор нарсага парда ортидан қараш, нокасининг айбини яшириш, хушомад, кўзбўямачилик тушунчаси йўқ. Улар кишини тетик ва иродали қилади, ҳаётга тўғри кўз билан қарашни ўргатади. Халқнинг бу доно фикрлари лўнда ва аниқ жумлаларда берилиши билан ҳам ажралиб туради. Мақоллар услубий ва бадиий жиҳатдан мукамал бўлиб, халқ бадиий тафаккурининг олий маҳсулидир. ... Мақол киши нутқининг бегадидир. Мақолни ўрнида ишлата билганнинг сўзи таъсирли бўлади. Сўзамол киши сўз орасида келтирган ажойиб отасўзи билан кўпнинг эътиборини ўзига торта олади»<sup>1</sup>.

Мақолларнинг яна бир хусусиятларидан бири уларнинг топишмоққа ўхшаш тузилишидадир. Бундай мақолларда, асосан икки ҳодиса бир-бирига ўхшатилади. Ана шу ўхшатиш орқали мақолнинг маъноси келиб чиқади. Масалан, «Ёз ёмғири лой бўлмас, ўғри асло бой бўлмас»<sup>2</sup>. Мазкур мақолда икки ҳодиса бир-бирига таққосланмоқда: биринчиси ёз ёмғири, иккинчиси эса ўғрининг ҳеч қачон бой бўлмаслиги. Мақолнинг иккинчи ҳодисаси хулоса, ҳукмдир. Уни англаш учун мақолдаги биринчи хулосани аввал англаш керак. Биринчи гапда ёзнинг ёмғири лой бўлмас, дейилмоқда. Бундан ёзда ёққан ёмғир ерни баҳорда ёққан ёмғирчаллик лой қила олмаслиги назарда тутилмоқда. Яъни, иккинчи гапга айнан шу мазмунни сингдирсак, ўғри ўғрилигини қилавергани билан бой бўлиб қолмайди, дейилмоқда.

Қадимги туркий мақолларининг илк ёзма шакллари Турфон харобаларидан топилган ёдгорликларда учратиш мумкин. Ҳозирда мазкур манбалар Берлиндаги Бранденбург музейи фондида сақланмоқда. Т.П.Ҳ.19 рақамли қўлёзмада жами ўн тўрт мақол берилган<sup>3</sup>. Уларнинг баъзиларида буддизмга оид сўз-тушунчалар қўлланган бўлиб, уларнинг яратилган даврини турк-будда муҳитига тақаш мумкин.

Йирик ҳажмда кунимизгача ёзма шаклда етиб келган мақоллар Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида учрайди. Адибнинг ушбу асари адабий қиммати юксак бўлган дурдона манбалардан биридир. Шеъринг парчалар орасида бадиий жиҳатдан юксак қимматга эга бўлганлари ҳам учрайдики, олим яшаган даврда шеърят анча раванқ топганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам XI асрда мавжуд бўлган тил вазияти ва жонли тил намуналарини ўрганишда асарнинг қиймати юқори ҳисобланади. Адиб китобнинг кириш қисмида куйидагича фикр айтади: «Мен бу китобни махсус алифбо тартибида ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, қўшиқлар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан бегадим»<sup>4</sup>.

«Девону луғати-т-турк» – ўз даври адабий ва умумхалқ тилининг бутун бир кўринишини акс эттирган, қонун-қоидаларини маълум қолипга туширган илмий тадқиқот асаридир.

Муаллиф буюк тилшунос вазифасини бажариш билан чекланмай, адабиётшунос ва фольклоршунос сифатида масалага ёндашиб, ҳар бир сўз қўлланган ашёвий мисолларни замониғача ва ўзига яратилган адабий манбалардан келтиради. Агар мутахассис нигоҳи билан қаралса, Маҳмуд Кошғарий бадиий асар намуналарини шунчаки келтириб қолмаган, уларни жанр жиҳатидан келиб чиқиб тасниф ҳам қилган. Таснифдаги ҳар бир асарга жанр тавсифини берган, уларни қўлланган асарлар, бу асар мансуб қабилалар ва айрим ўринларда уларнинг муаллифларини ҳам тилга олган.

Маҳмуд Кошғарий юқоридаги тамойиллар асосида туркий халқларнинг жонли тил намуналарини мукамал изоҳлаб берар экан, улар «Девону луғати-т-турк» асари асосида ўз тиллари қайси қабилга тили асосида тараққий этиб камолга етганини аниқлай оладилар<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Sodiqov Q. Turkiy yozma yodgorliklar tili: adabiy tilning yuzaga keligi va tiklanishi (Language of Turkish written monuments: the emergence and revival of literary language). – Toshkent. 2006. – B. 78.

<sup>2</sup> O'zbek xalq og'zaki poetik ijodi (Folklore). Toshkent. O'qituvchi. 1980. – B. 114.

<sup>3</sup> Arat R.R. Eski türk şiiri (Old Turkic poetry). – Ankara: Türk tarih kurumu basımevi. 1991. – S. 272-275.

<sup>4</sup> Mahmud Koshg'ariy. Devonu lug'ati-t-turk. Nashrga tayyorlovchi: Q.P.Sodiqov. – Toshkent: G'afur G'ulom, 2017. – B. 15.

<sup>5</sup> Usmon Turon. Turkiy xalqlar mafkurasi (The ideology of Turkic peoples). – Toshkent: Cho'lpon, 1995. – B. 78.



«Қадимги халқ мақоллари, халқ дostonлари ва қўшиқларидан олинган парчалар, иборалар, кўплаб мисоллар, шунингдек, шева материаллари асар учун манба бўлиб хизмат қилган»<sup>1</sup>.

XI асрда шаҳар ва қабилалар ўртасидаги муносабат кучайди. Лекин тилда хилма-хил шаклларни қўллаш ҳукмронлик қилиб, ана шу давр тилида маълум меъёрларни яратишга эҳтиёж пайдо бўлган эди. Шу эҳтиёж Маҳмуд Кошғарийни «Девону луғати-т-турк» асарини ёзишга даъват этди. Бу асар туркологиянинг дастлабки намунаси сифатида ўша давр маданий ҳаётида ва тилшунослик тарихида алоҳида саҳифа очди<sup>2</sup>.

Асар саҳифаларидан туркий халқлар тарихига оид қадимий афсона ва ривоятлар, 400 га яқин мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар, 250 га яқин шеърий парчалар ўрин олган. Шеърий парчаларнинг кўп қисми туркий халқлар оғзаки ижодига хос тўртликлардан иборат.

Қадимги доноларнинг ўнгитлари оталар сўзидир. Маҳмуд Кошғарий қадимги адабий жанрлар ҳақида маълумот берар экан, *saw* ўзагига *-laşdi* қўшимчасини қўшиш орқали туркий халқлар оғзаки ижодида мавжуд бўлган яна бир жанр тўғрисида маълумот беради. «*Sawlaşdi* – масал айтишди. *Ol meniñ birlä sawlaşdi* – у мен билан масал айтишди, у менга масал айтди. Шунингдек, хабарлар, сўзлар, ҳикоялар айтишга ҳам бу сўз қўлланилади» (ДЛТ, 273<sup>3</sup>). Демак, *saw* – кейинги давр адабиётида мақол (арабча) номи билан ифодаланган жанр мазмунини ҳам қамраб олади.

Бундан ташқари, «Девону луғати-т-турк»да *bilig* (*bil-* – ўзак, *-(i)g* – феълдан от ясовчи қўшимча) сўзига «билим», «ҳикмат» ва «ақл» деб изоҳ берилган. *Bilgü* (*bil* – ўзак, *-gä* – феълдан от ясовчи қўшимча) ҳикмат айтувчи, ҳикматшунос, оқил, доно, ақлли, олим кишига нисбатан қўлланади. Демак, *bilig* сўзи ҳам маълум маънода ҳозирги ўзбек тили луғат бойлигидаги мақол жанрининг мазмунини ифодалайди. Девонда берилган *bitig* – мақоллар орасида ихчам масаллар ҳам учрайди. Шу сабабли ҳам *bitig*лар таркибидаги *saw* – масалларни ажратиб ўрганиш ўзига хос илмий-амалий аҳамиятга эгадир. Қуйидаги битигни *saw* – масал деб аташ учун масал жанри талаби тақозо этади.

*Eşiç ayur: túbüm altun.*

*Qamiç ayur: men qayda-men / qanda-men?*

Мазмуни:

«Қозон айтур: тубим олтин,

Чўмич айтур: мен қайдаман?» (ДЛТ, 35)

«Девону луғати-т-турк» асари ҳозирги кунга қадар тилшуносликнинг муҳим манбаларидан бири бўлиб келмоқда. У тил тарихини ёритишда ўз қимматини сақлаб қолмоқда ва қадимги адабий ёдгорликлар тилини ўрганишга хизмат қилмоқда. «Девону луғати-т-турк»нинг вужудга келиши туркий тилларнинг тарихий такомилли, уларнинг маданий ҳаётида, жумладан, илм-фанда кенг ўрин эгаллаганини кўрсатувчи ва далилловчи катта бир манбадир.

«Мақол» сўзи асли арабча (*maqal* - *مقال*) бўлиб, унинг туркча эквиваленти «отасўзи» дейилади<sup>4</sup>. Ҳозирда ушбу атама замонавий турк тилида «мақол» сўзи ўрнида қўлланади. ««Мақол»ни қадимги турклар *saw*, *ögüt*, *qutaru söz* деган»<sup>5</sup>. Юсуф Хос Ҳожиб мақолларга

<sup>1</sup> Mahmud Koshg'ariy. Devonu lug'ati-t-turk. Nashrga tayyorlovchi: Q.P.Sodiqov. – Toshkent: G'afur G'ulom, 2017. – B. 4.

<sup>2</sup> O'rinboev B., Aliev A. O'zbek adabiy tili tarixi (History of Uzbek literary language). – Toshkent: O'qituvchi, 1995. – B. 66.

<sup>3</sup> ДЛТ - Mahmud Koshg'ariy. Devonu lug'ati-t-turk. Nashrga tayyorlovchi: Q.P.Sodiqov. – Toshkent: G'afur G'ulom, 2017. Мақоллар ушбу нашрдан олинди.

<sup>4</sup> Бу ҳақида қаранг: Türk dünyası edebiyat kavramları ve terimleri ansiklopedik sözlüğü (Turkish world literature concepts and terms encyclopedic dictionary). Türk dünyası ortak edebiyatı. Cilt 1. Ankara. Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı. 2001. S. 250-257.

<sup>5</sup> Sodiqov Q. İlk o'rta asrlarda Markaziy Osiyoda kechgan etno-lingvistik jarayonlar (Ethno-linguistic processes in Central Asia in the early Middle Ages). – Toshkent. Akademnashr. 2018. – B. 11.

нисбатан *öt-saw, ögüt, qumaru söz* атамалари билан бир қаторда *ma&al* атамасини ҳам қўллаган<sup>1</sup>. «Алишер Навоий ижодида мақол атамаси «масал» тарзида берилади: «масалдурким – уйқу ўлимдир». «Масал» атамасининг XX аср бошларигача қўлланиб келингани маълум. Ўтган асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб мақол сўзи тез-тез учрай бошлайди. XX аср ярмидан эса фақат мақол тарзида қўлланди»<sup>2</sup>.

Ҳозирги кунда мақол туркий халқларда турли атамалар билан аталиб келинмоқда<sup>3</sup>.

Баъзи манбаларда мақол ва маталлар парема/паремология атамаси билан ҳам қўлланади. «Паремология коинот қонуниятларини кузатиш, турмуш тажрибаларига суяниш асосида чиқарилган хулосаларни ифодаловчи, халқнинг жамиятга муносабати, рухий ҳолати, этик ва эстетик туйғулари, ижобий фазилатларини мужассамлаштирган, авлоддан-авлодга оғзаки формада кўчиб юривчи, ихчам ва содда, қисқа ва мазмундор мантикий умумлашма сифатида пайдо бўлган мақол, матал, афоризм каби ҳикматли ибораларни – паремаларни ўрганеди»<sup>4</sup>. Манбаларда таъкидланишича, мақол тушунчасини ифодалаш учун йигирмадан ортиқ терминлар қўлланади<sup>5</sup>.

Маълумки, «бадий адабиёт воқеликни қандай формада акс эттиришига кўра бир неча турга бўлинади»<sup>6</sup>. Биз кўриб чиқаётган мақоллар насрий ҳам лирик турга киради. «Лирик турга кировчи асарлар, одатда, кичик ҳажмли бўлишига қарамай, турмушни бадий, образли акс эттиришнинг барча хусусият ва белгиларига эга. Лирик турга кировчи асарларда конкрет индивидуал кечинмалар орқали типик кечинмалар ифодаланади. Шу орқали лирик асарда бадий умумлаштириш вужудга келади. Яъни лирикада ҳам кечинма ва туйғулар типиклаштирилади... Эпик асарларда қахрамонлар бошидан кечирган воқеа-ҳодисалар батафсил тасвирланса, лирикада инсон қалбида рўй бераётган бир лаҳзали туйғулар, мулоҳазалар ифодаланади. Шунинг учун ҳам вазн ва қофияга солинган ҳар қандай байт ёки банд лирика бўлавермайди»<sup>7</sup>. Юқорида айтилган фикрлар асосида мақолларнинг маъно ва мазмун қурилиши ихчам ҳамда пишиқ-пухта ўйланган бўлмоғи керак. Бунда у худди мумтоз адабиётимиздаги тўртлик шаклидаги шеърий жанрлардан рубойи, қитъа, туюққа ўхшайди. Чунки уларда ҳам шакл ва мазмун ўзаро мутаносиб, уйғун ҳолда қўлланилади. Насрий шаклдаги мақолларнинг яратилишида ҳам юқоридаги қоидаларга тўлиқ амал қилинади. Буларнинг барини мақол жанрининг тузилишдаги жанр хусусияти сифатида баҳолаш мумкин.

Ҳозирги кунда туркий мақолларнинг ҳурматли ифодаловчи жиҳатлари ҳам тадқиқот доирасига тортилган<sup>8</sup>. Турли тил оиласига кировчи тиллардаги мақолларда вақтни ифодаланиши

<sup>1</sup> Sodiqov Q. *Ilk o'rta asrlarda Markaziy Osiyoda kechgan etno-lingvistik jarayonlar (Ethno-linguistic processes in Central Asia in the early Middle Ages)*. – Toshkent. Akademnashr. 2018. – B. 11.

<sup>2</sup> Xalq og'zaki poetik ijodi. O.Madayev, T.Sobitova. Toshkent. Sharq. 2003. 34-b.

<sup>3</sup> *Бу ҳақида қаранг: Türk dünyası edebiyat kavramları ve terimleri ansiklopedik sözlüğü (Turkish world literature concepts and terms encyclopedic dictionary)*. Türk dünyası ortak edebiyatı. Cilt 1. Ankara. Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı. 2001. – S. 250.

<sup>4</sup> *O'zbek tilining paremiologik lug'ati (Paremiological dictionary of the Uzbek language)*. H.Berdiyev, R.Rasulov. Toshkent. O'qituvchi. 1984. – B. 5-6.

<sup>5</sup> *Қаранг: O'zbek tilining paremiologik lug'ati (Paremiological dictionary of the Uzbek language)*. H.Berdiyev, R.Rasulov. Toshkent. O'qituvchi. 1984. – B. 6-7.

<sup>6</sup> *Adabiyotshunoslikka kirish (Introduction to Literary Studies)*. N.Shukurov, N.Hotamov, Sh.Xolmatov, M.Mahmudov. Toshkent. O'qituvchi. 1979. – B. 164.

<sup>7</sup> *O'sha asar* – B. 179-180.

<sup>8</sup> Imamova X.K. *Türk tilida hurmat kategoriyasi (Honor category in Turkish)*. Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati. Toshkent. 2017. – B. 16-17.

бўйича диссертация ҳам ёқланган<sup>1</sup>. Шу билан бирга, зооним компонентли паремаларнинг изоҳли луғати яратилган<sup>2</sup>.

Проф. Б.Саримсоқов мақоллардаги кенг мазмун ҳақида гапирар экан, ўзининг «Бадийлик асослари ва мезонлари» асарида бир мақол мисолида изоҳлаб шундай дейди: «*Бугдой нонинг бўлмасин, бугдой сўзинг бўлсин*» мақолини олинг. Биргина мақолда ширин сўзлик, одамийлик, лутф-эхсон, меҳмондўстлик ҳақидаги халқнинг кўп асрлик тажрибаларида жамланган хулоса мужассамлашган. Агар биргина шу мақол мавзусида, унда таъкидланган ғояни ифодаловчи эпик, лирик ва драматик асарлар яратилмоқчи бўлса, ўнлаб роман, юзлаб хикоя, юзлаб шеър ёки дoston, кўплаб драмалар ёзиш мумкин. Шунда ҳам мавзу ва ғоя мақолдагидек аниқ, лўнда ва ёрқин ифодаланмайди»<sup>3</sup>. Бу фикр ихчам шакл, кенг мазмун учун билдирилган энг аниқ хулосадир.

«Йиллараро, даврлараро уларнинг янгилари яратилиб турган, эскиларининг – жонли муомалада, тилда мавжудларининг маъно доираси кенгайиб ёки торайиб борган. Ҳатто уларнинг муайян қисми унутулиб кетган»<sup>4</sup>.

«Аллегория [*юн. Allegoria* – ўзгача ифодалаш] – Мавҳум тушунча ёки ғояларни аниқ бир образ воситаси билан ифодалаш; мажоз. Масалан, *бўри сўзининг ёмонлик (ёвузлик), тулки сўзининг айёрлик ифодаси* учун қўлланиши»<sup>5</sup>га айтилади. бўлиб, «Девону луғати-т-турк»да келган мақолларнинг кўпчилигида қўлланган. Бу ҳодиса қадимги туркий мақолларнинг яратилиш ўрни билан боғлиқ. Профессор Қ.Содиқов ўзининг «Қадимги туркий халқларда шаҳарчилик, ўтроқ деҳқончилик маданияти ва яйлов турмуш тарзи» монографиясида «яйлов адабиёти»да халқ оғзаки ижодига хос жанрдаги асарлар яратилганини айтиб ўтади<sup>6</sup>. Булар орасида мақолларнинг мавжудлиги, уларда ҳайвонларнинг кўплаб қўллангани мақолларнинг яратилиш ўрни ва шароити тўғрисида сўзлайди. Ҳақиқатда ҳам девондаги мақолларда ҳайвонлар тимсолининг қўлланиши бежизга эмас. Мажоз орқали айтилаётган фикр ўқувчи онгига тез ва образли қилиб етказилади. Тингловчи ўз онгида буларни тезда ёдда сақлаб қолади. Адабиёт намуналарининг вазифаси ўқувчи онгида бирор воқеа-ҳодисага берилган баҳонинг образлар орқали акс эттирилиши экан, мақолда, айниқса мажоз ишлатилган мақолда бу яққол ўз тасдиғини топади. Масалан, *Tilkü öz inikâ ürsä, uduz bolur* – «Тулки ўз инига қараб улиса [ирилласа, хурса], кўтир бўлади». Бу мақол ўз элини, уруғини ва мамлакатини ёмонловчиларга қарата айтилади (ДЛТ,36). Бу ерда турки – кўрнамак, ўз юртига сотқинлик қиладиган хоин сифатида гавдалдантирилган. Мажозий маънода қўлланилган мақолда тулки образи. Адабиётда тулки айёр, муғомбир маънода қўлланиши ҳам бежиз эмас. Мазкур мақолда ҳам унинг салбий хислати бўрттириб ишлатилган.

Яна бир мисол: *Öküz adaqı bolğınca, buzağü başi bolsa yeg* – «Хўкизнинг оёғи бўлгунча, бузоғнинг боши бўлган яхшироқ». Бу мақол «мустақиллик – бўйсунушдан яхши» деган

<sup>1</sup> Paizbekova A.D. Ingliz, rus, o'zbek va qozoq tillari maqollaridagi vaqt reprezentatsiyasining lingvokognitiv aspekti (Linguocognitive aspect of time representation in English, Russian, Uzbek and Kazakh proverbs). Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati. Toshkent. 2019. – B. 52.

<sup>2</sup> Zoonim komponentli paremalarning izohli lug'ati (o'zbek, ingliz, rus tili materiallari misolida) (Explanatory glossary of zoonim components (for example Uzbek, English, Russian). Z.Xolmanova, D.Tosheva. Toshkent. 2016. – B. 360.

<sup>3</sup> Sarimsoqov B. Badiiylik asoslari va mezonlari. – Toshkent, 2004. – B. 89.

<sup>4</sup> O'zbek xalq maqollari (Proverbs of Uzbek nation). Tuzuvchilar: T.Mirzayev, A.Musoqulov, B.Sarimsoqov. Toshkent, Sharq. 2005. 3- b.

<sup>5</sup> Zoonim komponentli paremalarning izohli lug'ati (o'zbek, ingliz, rus tili materiallari misolida) (Explanatory glossary of zoonim components (for example Uzbek, English, Russian). Z.Xolmanova, D.Tosheva. Toshkent. 2016. – B. 72.

<sup>6</sup> Қаранг: Sodiqov Q. Qadimgi turkiy xalqlarda shaharchilik, o'troq dehqonchilik madaniyati va yaylov turmush tarzi (The ancient Turkic peoples, urbanization, the culture of agriculture and the way of pasture life). Toshkent. 2017. – B. 86-88.

маънода қўлланилади (ДЛТ,37). Бу мақолда хўкиз рамзий маъно. Хўкизнинг орқа оёғи қанчалик кир эканлиги барчага маълум. Мақолда айнан хўкизнинг орқа оёғи бўлгунча, янги туғилган бузқнинг боши бўлган яхши, чунки у хўкизнинг орқа оёғидан тоза, яъни мустақил ҳаракатлана олади, деган англашилмоқда.

**Qaz qopsa, ördäk kölig igänür** – «Ғоз (сувдан) кўтарилса, кўлни ўрдак эгаллайди». Бу мақол халқ орасидан бирор улуғ киши кетганидан кейин унинг ўрнига тубан бир кишининг кўтарилганига ишора қилиб айтилади (ДЛТ,54). Мазкур мақолда ҳам ўрдак ва ғоз муносабатлари остида мажозий маъно бор. Ғоз сувда яшовчи қушлигини барча билади. Ўрдак ҳам сув қуши. Лекин ғоз билан ўрдакнинг фарқи бор: ғоз ўрдакка нисбатан балчиқда яшамайди, унга лойли сув шарт эмас. Ўрдак эса балчиқли кўлмакни яхши кўради. Мақолдан англашилладиган маъно шуки, бирор ердан (ўриндан) яхши киши кетса, унинг ўрнига худди шундай яхши киши эмас, балки ўрдак каби фазилатга эга бўлган инсон келиши мумкин, деган фикрни англаш мумкин.

**Baliq suwda, közi taştin** – “балиқнинг ўзи сувда, кўзи ташда” (ДЛТ,152). Мақолдан балиқ сув ичида бўлиб, ташқарини кузатиб тургани айтилмоқда. Ушбу мақол бирор воқеа-ҳодисанинг ичида туриб, уни тушуна олмаётганлар тўғрисидадир. Чунки улар бирор вазиятда бўлсаларда, нима воқеабўлаётганини билмай турадилар. Бу ҳол худди оломон ичида туриб, нима бўлаётганини билмаётган кишига ўхшаганларга нисбатан айтилади.

Яна бир мисол: **alimčī – arslan, berimčī – sičġan** – “олимчи [яъни қарз берган] – арслон, беримчи [яъни қарз тўловчи] – сичқон” (ДЛТ,164). Ушбу мақолни аллегориянинг жуда гўзал намунаси сифатида қараш мумкин. қарз олган киши арслонга, қарз берадиган киши эса сичқонга ўхшатишмоқда. Матндаги **alimčī** ва **berimčī, arslan** ва **sičġan** ўзаро зид маънони ҳосил қиляпти. Ушбу мақолда ҳам аллегория, ҳам тазод қўлланилмоқда.

Хулоса шуки, мақолларда аксарият ҳолларда тавзеъ – товуш такрори, ташбеҳ – ўхшатиш, ташхис – жонлантириш, интоқ, сифатлаш, тазод – қаршилантириш сингари лафзий ва маънавий санъатлар қўлланган. Биз бу борада дастлабки уриниш сифатида уммондан қатра олиб, сизга тақдим этиямиз. Албатта, буюк тафаккур соҳиби бўлмиш ижодкор халқнинг минг йиллардан бери яшаб келаётган мақолларининг ҳар биридан кўплаб бадиий санъат намуналарини топиш мумкин.

Айтиш мумкинки, кейинчалик мумтоз адабиётимизда акс этган санъатлар айна «Девону луғати-т-турк»да ўзининг дастлабки ифодасини топган. Ўзбек мумтоз бадиий сўзининг энг ихчам, ёмбидек қуйма шеърлари – мақоллар халқимизнинг бадиий тафаккури нечоғлиқ қадимий ва кўламли эканлигидан далолатдир.

Тазод – сўзларнинг гапдаги маъносига кўра қарама-қарши маънони англашидир. Бу мақолларнинг кутбийлик белгисига асосланиб, мақол тематикасига кўра икки қарама-қарши шахс, нарса-предмет, воқеа-ҳодиса, хатти-ҳаракат кабилар ўзаро зидланиб, қиёсий хулоса берилади. Бунда бир-бирига зидланган воқеа-ҳодисалар тингловчига маълум бўлгани учун мақолдан хулоса чиқариш осон кечади. Ушбу санъат мақоллар матнида энг кўп қўлланадиган бадиий тасвир воситасидир.

Тазод қадимги туркий мақолларнинг катта қисмини ташкил этади. Халқ кўп ҳолларда икки жиҳатни қарама-қарши қўйиш орқали чоғиштиришга, фикрлашга ундаган. Чунки улар тузилишига кўра икки воқеа-ҳодисанинг ўзаро солиштирилиши устига қурилгандир. Масалан: **Alp yaġida, alčaq čoġida** – “Ботир ёв билан тўқнашганда (олишганда), ювош тиришишда sinalади» (ДЛТ,31). Бу мақолда «алп» (ботир) – «алчак» (ювош)қа маъно жиҳатидан матн маъносидан келиб чиққан ҳолда қарши қўйиляпти.

**Alimčī – arslan, berimčī – sičġan** – “Олимчи [яъни қарз берган] – арслон, беримчи [яъни қарз тўловчи] – сичқон» (ДЛТ,164). Ушбу мақлдаги ҳар тўртала сўз маъносига кўра антонимдир.



Масалан, мақол матнидаги *alimči* билан *berimči* ўзаро матн мазмунига кўра қарама-қарши бўлса, *arслан* билан *sichgan* ҳам ўзаро зиддир. Солиштирилаётган нарсаларнинг биринчиси инсонлар бўлса, иккинчиси ҳайвонлардир. Шу бир мақолнинг ўзида тазод билан бирга ташбех/истиора<sup>1</sup> (қарз олганни сичқонга, қарз берганни эса арслонга), аллегория (арслон ва сичқоннинг иштироки) ҳам қўлланилмоқда.

*A:č ne yemäs, toq ne temäs* – “Оч нималар емайди, тўқ нималар демайди» (ДЛТ,44). Оч қолган одам олдиға нима қўйилса ҳам очлигини қондириш мақсадида ейди. Тўқ одам эса оғзига келганини гапиради, чунки унинг ғамини ейдиган қорни тўқдир. Мақолдаги *a:č* ва *toq* сўзлари қарама-қаршилиқни ҳосил қилмоқда.

*Erig irini yağliğ, ermägü başi qanlığ* – “Тиришқоқнинг лаби ёғли, эринчоқнинг боши қонли» (ДЛТ,41). Мақолда ким кўп меҳнат қилса, у яхши яшаши, қорни тўқ, лаби ёғлиқ бўлиши уқтирилмоқда. Лекин дангасалиқ фойда келтирмаслиғи, унинг ортидан инсон камбағал бўлиб қолиши, ялқов бўлиб, охир оқибат барча ундан қочиши айтилмоқда. Бу ерда *erig* – тиришқоқ *ermägü* – эринчоқ, дангасаға зид қўйилмоқда. Мақол давомидаги *yağliğ* ва *qanlığ* сўзлари шу икки қарама-қарши қўйилган шахснинг хос сифатлари бўлиб, улар ҳам матн контекстида ўзаро зиддир.

*Kiši alası içtin, yilqı alası taştın* – “Кишининг оласи (бузук фикри) ичида; йилқиники ташида, сиртида» (ДЛТ,49). Мақолда келган *içtin* ва *taştın* сўзлар антонимдир. Бу ерда ҳам икки нарса: инсон ва ҳайвон характери солиштирилмоқда. Инсон ўз характери яширса, ташқарисига чиқармаса, ҳайвон эса бунда ўз характери ташқарисига чиқариши айтилмоқда. Инсоннинг ўз характери (хоҳ у яхши, хоҳ ёмон бўлсин) бошқаларға кўрсатиши одобдан эмас. Ҳайвонларға эса бунинг фарқи йўқ: улар хоҳлаган ерларида қилиқларини кўрсатаверадилар.

*Tüzün birlä uruş, utun birlä üstärmä* – “Ўвош одам билан уриш, чунки сен уни босишинг мумкин. Уятсиз, юзсиз одам билан уришма, чунки у сени шарманда қилади» (ДЛТ,98-99). Ушбу мақолда *tüzün* – “ювош» ва *utun* “уятсиз (уришқоқ)» сўзлари ўзаро зид. Мақолда ювош одам билан уятсиз, юзсиз одам солиштирилмоқда. Уларнинг характери бир-бириға зид эканлиғи кўрсатиб берилмоқда. Бу билан инсонларға ким билан дўст бўлиш (яхши инсон), кимлар билан бўлмаслик (ёмон инсон) ҳам уқтирилмоқда.

*Tünlä yurup kündüz sewnür,*

*Kičigdü ewlänip, ulğadu sewnür* – “Кеч билан юриб кундуз севинади, чунки у йўлни кўрмасдан босади. Ёшлиқда уйланган киши қариганда севинади, чунки болалари унга ёрдам берадилар, у роҳат кўради» (ДЛТ,353).

Оғзаки ва ёзма нутқда *туну кун, каттаю кичик* сўзлари жуфт ҳолда қўлланади. Ушбу мақолда эса *tün* ва *kün* ҳамда *kičig* ва *uluğ* сўзлари маъно жиҳатидан ўзаро зидланиб, қиёсланиб хулосаға асос бўлмоқда. Шу тариқа мақолнинг услуб равланиғи таъминланмоқда.

*Qırq yilqa tegin bay čığay tüzlinür* – “Қирқ йилгача бой билан камбағал тенглашади» (ДЛТ,142). Мақолдаги *tüz* сўзи «тўғри, текис» маъносини англатади. Ушбу мақолда *bay* – бой ва *čığay* – камбағал сўзлари тазодни ҳосил қилган.

*Bar – baqir, yoq – altun* – “Бор – мис (қадрсиз), йўқ – олтин (қадрли)» (ДЛТ,145). Қўлда бор бўлган нарса мисдек қадрсиз, қўлда бўлмаган нарса олтиндек қадрли бўлади. Бу «олдингда оққан сувнинг қадри йўқ» мақолини эслатади. Бу мақол яқинлар орасида хўрланиб юрган киши, кейин йўқлиғида қадри билиниши маъносида қўлланади. Мақолдаги *bar* ва *yoq* сўзлари антоним бўлса, *baqir* ва *altun* сўзлари мақол мазмунидан тазодни ҳосил қилмоқда.

<sup>1</sup> Hojjahmedov A. Mumtoz badiiyat lugʻati (Glossary of Classical Art). Toshkent, 2008. – B. 29-30.





*Kiçig uluğqa turuřmas, qirğuy soñqurqa qarışmas* – “Кичик чақон, шижоатли бўлса ҳам, катта билан олишишга қудратсиздир. Чунки каттанинг ҳийла ва зийраклиги бор. Шунга ўхшаш оқ лочин қирғий билан олишишдан ожиздир» (ДЛТ,235). Қирғий шунқордан ожиз деган шакли ҳам бор. Мақолда кичик – улуғ, қирғий – шунқор қарама-қарши қўйилган.

**Хулоса.** Қадимги туркий мақолларнинг балоғат даражасига келишида фақат тил ҳодисаларининг ўзигина кифоя қилмаган. Бунда уларга бадиий тасвир воситалари ҳам қўмаклашган. Қадимги туркий мақолларда бадиий тасвир воситаларидан тазод, ташбех, ташхис, тарду акс, муболаға, мажоз каби кабилардан фойдаланилган. Мақолларнинг баъзиларида бир эмас, бир неча бадиий санъатларни учратамиз. Бу ҳам мақолларнинг бадиияти юксак даражада эканлигини, семантик жиҳатидан ҳамда ҳажм жиҳатидан балоғат даражасида эканлигидан далолат беради. “Девон»даги баъзи мақолларда келтирилган персонажлар эса инсонлар эмас, балки ҳайвонлар бўлиб, улар аллегория санъатининг гўзал намунасига мисол бўла олади. Улар орқали инсонлардаги ёмон иллатлар, хислатлар қораланган, ўхшатишлар орқали айтилмоқчи бўлган фикр ўқувчига етказилган. Бундай мақоллар халқнинг эстетик жиҳатидан ўй-фикрлари юқори даражадалигини англатади.

Айтиш мумкинки, кейинчалик мумтоз адабиётимизда акс этган санъатлар айти «Девону луғати-т-турк»да ўзининг дастлабки ифодасини топган. Ўзбек мумтоз бадиий сўзининг энг ихчам, ёмбидек қуйма шеърлари – мақоллар халқимизнинг бадиий тафаккури нечоғлиқ қадимий ва қўламли эканлигидан далолатдир.



## НУТҚИЙ ЭТИКЕТ БИРЛИКЛАРИНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ (ҒАРБ НАЗАРИЯСИ)

**ТУРДИЕВА ҲУЛКАР**

*тадқиқотчи, ТДЎТАУ*

**Аннотация.** Мақолада нутқий этикет бирликларининг ғарб олимлари томонидан ўрганилганлиги тадқиқ қилинади. Тадқиқотдан мақсад ғарб тилишунослари томонидан тадқиқ қилинган нутқий этикет бирликлари масаласини ўрганишидир. Натижаларга кўра уларни ўзаро солиштириши, таҳлил қилиши, умумий фикрларни баён қилиши вазифалари белгиланди. Мавзу тавсифий, таҳлилий, қиёсий услубда тадқиқ қилинди.

Ғарб тилишунослигида мазкур мавзу биринчи тадқиқотчилари бўлмиши калифорниялик Лакофф, америкалик Браун ва британиялик Левинсон ҳамда британиялик Лич назариялари батафсил ўрганилиб, кейинги авлод изланувчиларнинг уларга бўлган муносабатлари ҳам кўриб чиқилди. Нутқий этикет масалалари жаҳон миқёсида долзарблиги, тадқиқот натижалари амалий самарадорлиги асослаб берилди. Ғарб тилишунослигида Америка, Европа ва Россия илмий манбалари таҳлил этилди. Хулосага кўра, Ғарб маданиятида (АҚШ, Италия, Испания, Франция каби давлатларда нутқ этикети негатив (босим ўтказмаслик) ҳамда сайқаллашларсиз тўғридан-тўғри фикрни ифода этиши тамойиллари етакчи эканлиги аниқланди. Россияда носамимий нутқий этикет бирликларини қўллаш нутқий этикет қоидаларига зид бўлиб, позитив ҳурмат (face) ифодаланиши белгиланди. Британияда эса нутқни сайқаллаш, фикрни аниқ ифода этмаслик (мавҳумлик), босим ўтказмаслик тамойиллари етакчи бўлиб, негатив ҳурмат (face) ифодаси салмоқли даражада кузатилди.

**Таянч сўз ва иборалар:** Нутқий этикет бирликлари, позитив ва негатив феис, прагматика, мулоқот.

**Аннотация.** В этой статье представлены «единицы речевого этикета», усвоенные учёными стран Запада. Целью исследования является широкое и глубокое изучение области «единиц речевого этикета». Для этого были выполнены задачи сравнения, анализа, обобщения общего подхода к теориям. Метод исследования имеет обзорный, сравнительный, эмпирический характер. В западной лингвистике были изучены первые работы первых исследователей и отношение исследователей следующего поколения к ним также было принято во внимание. Актуальность и практическая эффективность изучения этой темы была подтверждена конкретными фактами. Были изучены американские, европейские и российские научные источники из западных исследований. В заключение, в западной культуре (США, Италия, Испания, Франция и т. д.) люди предпочитают не давить на кого-либо и не подвергаться давлению. Это относится к негативной вежливости, которая является без каких-либо поддельных искусств вежливости. Мнение выражено непосредственно западными людьми. В России не принято использование поддельных этикетных единиц. В Британии важны принципы декорирования речи, недостаточно четкого выражения идеи, не давления, а их культура общения относится к негативному лицу.

**Опорные слова и выражения:** единицы речевого этикета, позитивное и негативное лицо, прагматика, общение.

**Abstract.** In this article “Speech etiquette units” learned by Western and Eastern countries’ scholars will be discussed. The aim of the research is to study the area of “Speech etiquette units” widely and deeply. For this, the tasks of comparing, analyzing, summarising the general approach of the theories were accomplished. Method of research has theoretical and empiric character such as reviewing, analyzing, comparing and empiric observing method is used to conduct an observation over live and virtual mass-media, also daily life communications. The first works of the initial researchers were studied and the next generation researchers’ attitude towards them is was also taken into consideration. The actuality and practice effectivity of learning this topic was proved via particular facts. American, European and Russian scientific sources were studied. In conclusion, in Western culture (USA, Italy, Spain, France, and etc.) people prefer not to pressure on somebody and not be under pressure. It refers to negative politeness which is without some fake arts of politeness. The opinion is expressed directly by the western people. In Russia using fake etiquette units is not accepted. In Britain, the principles of decorating the speech, not expressing the idea clearly, not making pressure are important and their communication culture refers to negative face.

**Keywords and expressions:** Speech etiquette units, positive and negative face, pragmatic, communication.

**Кириш.** Тил ва унинг ҳосиласи бўлган нутқ кишилиқ жамиятининг муҳим алоқа воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Нутқда инсоннинг маданияти, одоби, билим доираси, хулқ-атвори акс этади. Бу инъикос тилшуносликда “Нутқий этикет” (“Politeness”) тушунчаси орқали ифодаланади. Инглиз тилида “Politeness” атамаси ўрта аср латин тилидаги “силлиқлаштирмак, сайқал бермак” (to smooth, to polish) маъносини англатувчи “politus” сўзидан олинган. Мазкур атама XVII аср охирилари ва XVIII аср бошларида Англия илмий доирасида кенг тарқалди.

Нутқий этикет индивидуал маданиятга, қадриятларга кўра англашилувчи тушунчадир. Инсонда нутқий этикет атроф муҳит, оила ва жамиятдаги вазият ҳамда бошқа омиллар таъсирида болалиқдан шакллана боради. Турли миллатларда нутқий этикет шу миллатнинг ўзига хосликларидан келиб чиққан ҳолда турлича бўлиши табиий. Нутқий этикетнинг турли қирралари нафақат тилшунослар, балки социологлар ва маданиятшунослар томонидан ўрганилган ва турли концепциялар илгари сурилган. Айниқса, сўнгги йилларда бу

масалага қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Чунки нутқ этикети турли давлатлар, халқлар ўртасидаги ўзаро алоқаларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган омиллардан бирига айланмоқда. Хусусан, инглиз, япон, хитой, рус олимларнинг бу борадаги изланишлари фикри-мизнинг тасдиғидир.

**Мақсад ва вазифа.** Ғарб тилшунослари томонидан тадқиқ қилинган нутқий этикет бирликлари масаласини ўрганиш ва натижаларга кўра уларни ўзаро солиштириш, таҳлил қилиш.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот тавсифий, таҳлилий, киёсий, эмпирик услубда таҳлил қилинди.

Нутқий этикет ҳодиса сифатида анча қадимдан мавжуд бўлсада, унинг илмий назарий жиҳатдан ўрганилиши нисбатан анча кейин - XX асрга бориб тақалади. Шарқ тилшунослигида, хусусан, япон, хитойда ўтган асрнинг йигирманчи йилларидан, ғарб тилшунослигида эса XX асрнинг иккинчи ярмидан бу масалага эътибор қаратила бошланган.

“Нутқий этикет” яъни “Politeness” илмий атама сифатида Ғарб тилшунослигида 1960 йиллардан қўлланила бошланди ва алоҳида соҳа сифатида шаклланди. Бу соҳадаги илк тадқиқотлар калифорниялик Робин Лакофф<sup>1</sup>, америкалик П.Браун ва британиялик С.Левинсон<sup>2</sup> ва Г. Лич<sup>3</sup>ларга тегишлидир. Аммо, атама сифатида Ирвинг Гоффман (1967) илк бор “фейс” (face) - юзни йўқотиш”, “юзни сақлаб қолиш” ва “уятли/ҳижолатли юзли бўлиш” каби ибораларни фанга киритди. Олим “Face”-“Юз” (хурмат)га қуйидагича таъриф беради: “Face” (юз) биз ўзимизни бошқаларга қандай кўрсатишимиз инъикосидир”<sup>4</sup>. И.Гоффман мурожаат сўз ва ибораларини тўғри қўллаш; шахсларга уларнинг жамиятдаги мавқеи ва яқинлик даражасига қараб муомала қилиш; расмий ёки норасмий нутқни тўғри ва жойида қўллаш; муайян вазиятларга боғлиқ тил анъаналарини тўғри тушуниш (таклифни қабул қилиш ёки рад этиш, суҳбатни бошлаш ва тугатиш ва ҳ. з. ) кабиларни нутқий этикет қоидалари деб таъкидлайди ва фикрларини мисоллар билан далиллайди.<sup>5</sup> Унингча, “Маъқулланган хусусиятлар ва уларнинг феис (face)га нисбатан муносабатлар ҳар бир кишининг ўз маҳбусидир. Шундай бўлсада, инсонлар ўз камераларини қанчалик яхши кўрмасинлар, фундаментал ижтимоий чегараланишларга бўйсунушга мажбурдирлар.”<sup>6</sup>

Нутқий этикет назариётчиларидан бири бўлган Р. Лакофф (1973) нутқий этикетни “жамиятда ривожланган яхши хулқ-атвор шакли”<sup>7</sup> деб таърифлайди ҳамда “инсонлар ўзаро мулоқотидаги зиддиятларни камайтириш мақсадида ўрганилиши зарур мавзу”<sup>8</sup> деб билади. У ўзининг “What you can do with words: politeness, pragmatics and performatives (Сўз нималарга кодир: нутқий этикет, прагматика ва унинг ижрочилари) асарида нутқий этикетнинг қуйидаги уч принципини таклиф этади: 1) Босим ўтказманг ва масофа сақланг; 2) Суҳбатдошга танлов имкониятини беринг ва хурмат кўрсатинг; 3) Тингловчиларингизни

<sup>1</sup> LAKOFF, R., The logic of politeness: or minding your p's and q's. Papers from the Ninth Regional Meeting of the Chicago Linguistic Society, 1973, pp. 292-305.

<sup>2</sup> BROWN, P. & LEVINSON, S., Universals in Language usage: Politeness phenomena. London: Cambridge University Press. 1978.

<sup>3</sup> LEECH G., Principles of Pragmatics. London, Longman Publ., 1983.

<sup>4</sup> Goffman, E., International ritual: Essays in face-to-face behavior. New York: Pantheon Books. 1967, pp. 9-10.

<sup>5</sup> Goffman, E., On face-work: an analysis of ritual elements in social interaction in Laver and Hutcheson (eds) 1972, p. 319.

<sup>6</sup> Ўша манба.

<sup>7</sup> LAKOFF, R., The logic of politeness: or minding your p's and q's. Papers from the Ninth Regional Meeting of the Chicago Linguistic Society, 1973, pp. 292-305.

<sup>8</sup> Ўша манба.

эркин ҳис қилишларини таъминланг ва дўстона кайфият беринг.<sup>1</sup> Лакоффнинг нутқий этикет принциплари фанда “Прагматик маҳорат” (Pragmatic competence) деб номланиб, унда қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда суҳбатга киришиш муҳимдир: Ким билан гаплашяпмиз (тенор/персонаж); нима ҳақида гаплашяпмиз (мавзу, соҳа), қандай тарзда гаплашяпмиз (услуг).<sup>2</sup> Лакофф илгари сурган баъзи принциплар умуминсоний хусусиятга эга бўлиб нафақат Ғарб, Европа жамияти, балки шарқликлар учун ҳам аҳамиятлидир. Хусусан, “Тингловчиларингизни эркин ҳис қилишларини таъминланг ва дўстона кайфият беринг” принципи, эронликлар ва ўзбекларнинг нутқ этикетига ҳам хосдир. Олимнинг фикрини давом эттирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, бу принципга номлари зикр этилган миллатларда нафақат дўстона ёки норасмий муносабатларда, балки расмий муносабатларда ҳам амал қилинади. Бошқа баъзи маданиятларда, масалан, корейс ёки япон маданияти учун Лакоффнинг “Босим ўтказманг ва масофа сақланг” принципи мос келади. Ваҳоланки, Эрон ёки Ўзбекистоннинг “яқин муносабатлар ўрнатиш” мақсадларига мазкур қоида қарши келади. Бир сўз билан айтганда, Лакоффнинг уч принципи алоҳида олиб қаралганда турли халқлар нутқ этикетига турли даражада намоён бўлади.

Яна бир назариётчи олим Паул Грайс нутқий этикет масаласига сўзловчининг (нутқ эгасининг) ҳуқуқлари нуқтаи назардан ёндашади. У “суҳбатдошлар мақсади суҳбат чоғида ҳамкорликга интилишдан иборат”<sup>3</sup>, деб таъкидлайди. Ҳамкорлик ҳар бир сўзловчининг сўзи бошқаларнинг шахсий ҳуқуқларига, мустақил фикрига ва хоҳишларига даҳл қилиш билан белгилаланди ва бу махсус “face threatening acts” (хурматга таҳдид солувчи ҳаракатлар) атамаси билан ифодаланади. Сўзлашув шаклини тўғри йўлга қўйиш учун П.Грайс тўртта қоидани таклиф қилади:

1. Сифат қоидаси (ростгўй бўлинг) - Maxim of Quality (Be true);
2. Микдор қоидаси (қисқароқ сўзланг) - Maxim of Quantity (Be brief);
3. Муносабат қоидаси (мувофик/алоқадор бўлинг) - Maxim of Relation (Be relevant);
4. Одоб қоидаси (аниқ бўлинг) - Maxim of Manner (Be clear).<sup>4</sup>

Мазкур тавсиялар “Нутқий этикет қоидалари” мавзуси доирасида ўрганилган бўлса-да, П.Грайс бу қоидаларни ўз жамияти принципларидан келиб чиқиб ёритганлигини, ёки универсал нутқий этикетни назарда тутганлигини аниқ келтирмаган.

Ж.Томас ўзининг “Cross-cultural Pragmatic Failure” (Ўзаро маданий прагматик хатолар) номли мақоласида турли маданиятларга эга, аммо бир тилда гаплашаётган кишилар мулоқотидаги прагматик англашилмовчиликлар ҳақида сўз юритади.<sup>5</sup> Дарҳақиқат, инсонларнинг фикрлаш тарзлари, сўзлашиш қоидалари, ижтимоий ва миллий қадриятлари, лексик коннотациялар ва бошқа қатор факторлардаги прагматик фарқлар мулоқотда хатоларни келтириб чиқариш мумкин. Маданий хато лингвистик хатодан ёмонроқ ва хавфлироқ бўлиб, икки ҳар хил тил вакилларида ёқимсиз ҳиссиёт уйғотади. Олим илгари сурган фикрлар бизнинг кузатишларимизда ҳам ўз тасдиғини топди. Мисол тариқасида улардан баъзиларини келтирамиз. “Қаерга кетяпсиз?” деб танишидан сўраш ўзбекларда саломлашишнинг қисқа давоми учун айтиладиган нутқий этикет фразаси ўрнида қабул қилинса,

<sup>1</sup> LAKOFF, R., What you can do with words: politeness, pragmatics and performatives. California: Berkeley Studies in Syntax and Semantics I: XVI-1-XVI-55. 1974.

<sup>2</sup> Ўша манба.

<sup>3</sup> Grice, P., Studies in the Way of Words. London: Cambridge Massachusetts: Harvard University Press, 1989.

<sup>4</sup> Ўша манба.

<sup>5</sup> Thomas, J., Cross-cultural Pragmatic Failure. London: Applied Linguistics, 4(2), 1983, p.112.

Европа ёки Узоқ Шарқ, жумладан япон халқида шахсий дахлсизликга путур етказиш сифатида қаралади. Индонезлардаги “Sudah mandi?” – “Бугун чўмилдингизми?” саволи индонез халқида саломлашишнинг тури, суҳбатдошни ўзига яқин олинishi назарда тутилса, бу савол кўпгина хорижий халқ вакиллари хижолатли аҳволга қўйиши, ўзи ҳақидаги “Менда ифор билан муаммо бор эканми?! ” деган ёқимсиз шубҳаларга олиб келиш эҳти-моли баланддир. Вьетнам халқлари “Яхшимисиз?” маъносини ифодалаш учун “Бугун гуруч едингизми?” деб ўзаро саломлашишлари хорижликларнинг прагматик хато тушунчага эга бўлишларига олиб келади. Асосан Жанубий Хитой, Филиппин, Тайландда ҳам шунга ўхшаш ибора “Овқатландингизми?” деб сўрашишларини манбалардан кузатдик.<sup>1</sup> Бунда юқорида таъкидланган иборалар мазмунида специфик менталитет тушунчалари ётади. Индонез халқи учун “чўмилган бўлиш” – яхши кайфият, аҳволининг ёқимлилигини билдир-гани учун, мазкур савол орқали суҳбатни бошлар эканлар. Хитой, Филиппин, Тайланд ва Вьетнам халқларида ҳам “қорни тўқлик” – ҳолатнинг яхшилигини ифодалгани учун “Яхшимисиз? / Аҳволингиз қандай? / Қалайсиз?” маъноларида тушунилади.

Ўзбек халқи кундалик мулоқотида ишлатадиган “Қалайсиз? (Аҳволингиз қандай?)”, “Турмушга чиққанмисиз?/Оилалимисиз?”, “Неча ёшсиз?”, “Фарзандларингиз борми?” каби одатий саволлар бошқа маданиятларда ҳурматсизликни ифодаловчи шахсий саволлар, ёки аксинча, айрим хорижликларнинг ўзбеклар томонидан келтирилган мақтовни инкор қилавериши, масалан, “Бугун очилиб кетибсиз!”, “Инглиз тилида жуда яхши гапирар экансиз!”, “Кийимингиз жуда чиройли!” каби хушомад ёки мақтовларга хорижликлар томо-нидан “Йўғ-эй, нималар деяпсиз!”, “Ундай ҳолатнинг ўзи йўқ.” каби мақтовни инкор қилувчи жавоблар бериши ҳар доим ҳам “Жуда камтар экан...” деган тассавурни эмас, “Бунча ўзини пастга уради.”, “Менинг фикримни нотўғрига чиқармоқда!” (Ўта камтарлик - манманликдир) деган ўйлар бўлиши турли миллат вакиллари ва ўзбеклар билан ўтказилган интервьюлар ёрдамида аниқланди.<sup>2</sup>

Хитойлик олим Йонглианг Хуанг ўзининг “Politeness Principle in Cross-Culture Commu- nication” (“Ўзаро маданий мулоқотда Politeness – нутқий этикет принципи”) номли мақола-сида нутқий этикет принциплари ҳақидаги қарашларини далиллаш учун қуйидаги мисол-ларни келтиради: “Катталарга транспортда жой бериш бу яхши хулқ намунаси; кимдир гапирётган пайт унинг гапини бўлиш кўполлик кўриниши; эрта тонгда учратган таниш кишига биринчи бўлиб салом бериш нутқий этикет белгиси бўлса, турган ҳолда дастур-хондаги таомга қўл чўзиш беҳурматликни ифодалайди”<sup>3</sup>.

Гувоҳ бўламизки, юқорида саналган нутқий этикет ёки кўполлик кўринишлари ҳар бир миллат маданияти учун бирдек тўғри келадими. Кўп миллатларда яхши хулқ белгиси саналган жой бериш (транспортда) – масалан, Японияда тушунмовчиликни келтириб чиқа-ради. “Мен шунчалик қари кўринаманми? Ожиз кўринаманми?” деган пессимистик ҳаёлга тортувчи босим ўтказиб қўймаслик учун ҳам японларда ўзидан катталарга жой бериш

<sup>1</sup> [www.quora.com](http://www.quora.com), <https://www.cnnindonesia.com/tv>, VIETLIVE.TV, [https://www.youtube.com/channel/UCI8U\\_NB23FbKPly8gIEdLmA](https://www.youtube.com/channel/UCI8U_NB23FbKPly8gIEdLmA)

<sup>2</sup>Биз томонидан жами 100 нафар эронлик ва 100 нафар ўзбекистонлик фуқаролар ҳамда кўшимча манба учун 12 нафар япониялик, 10 нафар индонезиялик, 2 нафар германиялик билан интервью ташкил этилди. Эронликлар билан суҳбатлар интернетдаги ижтимоий вебсайтлар ва ёзма тарқатмалар орқали амалга оширилди. Ёзма тарқатмалар ишга илова қилинади.

<sup>3</sup> Yongliang Huang. Politeness Principle in Cross-Culture Comparison. English language teaching journal, Vol.1, No.1. [www.ccsenet.org/journal.html](http://www.ccsenet.org/journal.html)



камроқ учрайдиган ҳолатдир. Таъкидлаш жоизки, нутқий этикет – ижтимоий феномен сифатида ҳамда кузатувчанлик асосида ўрганилиши ва тушунилиши мумкин. Бундан келиб чиқадики, нутқий этикетларни билиш ҳар бир миллат кундалик ҳаётини, турмуш тарзини билишда катта аҳамиятга эга.

П.Браун ва С.Левинсонлар Э.Гоффманнинг назариясидаги “фейс”(face) – тушунчасини ривожлантириб, илк марта “позитив ва негатив фейс” атамасини фанга киритадилар.<sup>1</sup> Уларнинг фикрича, нутқий этикет (politeness) икки эҳтиёжни ўз ичига олади. Негатив ўз-ўзини ҳурмат қилиш эҳтиёжи (negative self-respect needs) деганда босим ўтказилмасликка бўлган эҳтиёж тушунилади. Позитив ўз-ўзини ҳурмат қилиш эҳтиёжи (positive self-respect needs) деганда маъқулланишга бўлган эҳтиёж тушунилади<sup>2</sup>. П.Браун ва С.Левинсон Америка маданияти бўйича олиб борган тадқиқотларида позитив фейсдан кўра негатив фейсга тегишли натижалар анча салмоқли даражада эканлиги кўринади. Чунки АҚШ маданиятида негатив фейс – яъни босим ўтказмаслик принципи суҳбатдошга бўлган ҳурматни ифода этиши аниқланди.

Позитив фейс (Positive face) – суҳбатдошда яхши тасаввур қолдиришга интилиш, маъқулланиш иштиёқи ва суҳбатдошнинг ҳам маъқулланаётганини кўрсатишни англатади. Масалан:

- Суҳбатдошга хушомад қилиш (“What a lovely dress!” – “Кўйлагингиз бунча чиройли!”);
- Суҳбатдошнинг аҳволи ҳақида қизиқиш (“How are you?” – “Қалайсиз?”);
- Суҳбатдош билан ўтаётган вақтдан завқланаётганингизни кўрсатиш (“This is nice!” – “Маза қилдим сиз билан гаплашиб!”);
- Дўстона имо-ишоралар қилиш (новербал усул);
- Суҳбатдошга қизиқиш билдириш (қизиқиш, ҳамдардлик, ҳамфикрлик);
- Умумий мавзулардан келишувни қидириш (ҳар иккала томонга маъқул бўладиган, ҳавфсиз суҳбат мавзуси танлаш);
- Келишмовчиликлардан қочиш (рози бўлгандек ўзини кўрсатиш, келишув учун ёлғондан фойдаланиш);
- Ҳазил-мутойиба қилиш;
- Ҳар икки томон тенгликни ҳис қилиши учун оддий оғзаки суҳбат усулида гаплашиш.

Негатив фейс (Negative face) – босим остида қолмасликга бўлган хоҳиш ва бошқаларни ҳам босим остида қолдирмаслик, ўзгаларнинг ҳаётига аралашмаслик ва уларнинг ҳам аралашшига йўл қўймаслик, муносабатларда эркинликни ҳис қилиш иштиёқи. Бунда тил билвосита, узр сўраш атамалари қўлланган ҳолда ва эҳтиром билан ифода этилади. Масалан:

- Бирор нарса сўрашдан олдин узр сўраш;
- Пессимистик руҳиятни кўрсатиш: (“I know this is a stupid idea...” – “биламан бу аҳмоқона фикр, ...”);
- Улуғлаш: (“Yes Sir!” - “Хўп бўлади, жаноб!”);
- Узр сўраб гап бошлаш: (“sorry to bother you, but...” - “безовта қилаётганим учун узр, лекин...”);
- Билвосита гапириш, фикрни тўғридан-тўғри ифодаласлик: (“I don’t seem to have a pen with me.” - “Менда ручка йўққа ўхшайди.”).

<sup>1</sup> BROWN, P. & LEVINSON, S., *Universals in Language usage: Politeness phenomena*. London: Cambridge University Press. 1978.

<sup>2</sup> Ўша манба.

Сухбат чоғида позитив ёки негатив фејс ифодасини қўллаб гапириш миллат менталитети, анъаналари, қадриятларига боғлиқ бўлади. Масалан, оила муносабатларида ўзбекларда оила аъзолар ёш ва даражага қараб ўзаро сизлаб гапириш ҳолатида негатив фејс етакчилик қилса, эронликлар ва японияликларда яқин қариндошлар бир-бирини сенсираб мулоқот қилиш ҳолатида позитив фејс намоён бўлади.

П. Браун ва С.Левинсоннинг<sup>1</sup> негатив фејс борасидаги назариялари бир қатор тадқиқотчиларнинг танқидига учради. Жумладан, С.Иде<sup>2</sup>, Б.Ҳилл ва бошқалар,<sup>3</sup> Й.Мацумото,<sup>4</sup> А.Вьерзбика,<sup>5</sup> О.Нвойе,<sup>6</sup> Л.Мао,<sup>7</sup> М.Сифиану<sup>8</sup> каби изланувчилар П. Браун ва С.Левинсон Жанубий тиллардаги (Жанубий Ҳиндистон, Тамил тили, Тзелтал тили ва б.) манбалардан фойдаланган бўлсалар-да, негатив фејс назарияси айнан Ғарб маданиятига таяниб таҳлил қилингани, шарқий маданиятлар нутқий этикет принципларига тўғри келмаганлиги боис, уларнинг тадқиқот натижалари универсал қўлланма бўла олмаслигини таъкидлайдилар.

Британия тилшуноси Г.Лич Инглиз маданиятига асосланиб нутқий этикетнинг 6 та принципини келтиради<sup>9</sup>. Биз бу принципларни тушунишни енгиллаштириш мақсадида жадвал шаклида берамиз:

<b>N</b>	<b>Қоида</b>	<b>Максималлаштиринг</b>	<b>Минималлаштиринг</b>
<b>1</b>	<b><i>Одоб</i></b>	Бошқалар учун фойда	Бошқалар учун захмат
<b>2</b>	<b><i>Олийжаноблик</i></b>	Ўзингиз учун захмат	Ўзингиз учун фойда
<b>3</b>	<b><i>Маъқулланиш</i></b>	Бошқаларга қаратилган мақтов	Бошқаларга қаратилган танқид
<b>4</b>	<b><i>Камтарлик</i></b>	Ўзингизни танқид қилиш	Ўзингизни мақташ
<b>5</b>	<b><i>Келишув</i></b>	Келишув	Келишмовчилик
<b>6</b>	<b><i>Ғамхўрлик</i></b>	Ғамхўрлик	Лоқайдлик

Фразер “Perspective on Politeness” (“Нутқий этикет истиқболлари”) мавзусидаги тадқиқотида П.Браун ва С.Левинсон томонидан илгари сурилган нутқий этикет принципларига танқидий ёндашди. Унинг фикрича, нутқий этикетни тушуниш учун қуйидаги саволларга жавоб бера олиш керак: “Нутқий этикет қандай қўлланилади? Сўзловчининг танлови хушмуомала бўлиб эшитилишига қандай факторлар таъсир қилади? Қайси қоида максимал самарадорликка эга?”<sup>10</sup> Олим ўз тадқиқот ишида “хушмуомала бўлиш - тингловчини яхши

<sup>1</sup> BROWN, P. & LEVINSON, S., Universals in Language usage: Politeness phenomena. London: Cambridge University Press. 1978.

<sup>2</sup> Ide, S., Formal forms and discernment: Two neglected aspects of linguistic politeness. *Multilingua*, 8(2/3). Sydney: 1989, pp. 223-248.

<sup>3</sup> Hill, B., Ide, S., Ikuta, S., Kawasaki, A., & Ogino, T. Universals of linguistics politeness: Quantitative evidence from Japanese and American English. *Journal of Pragmatics*, 10(3). Amsterdam: 1986. pp. 347-371.

<sup>4</sup> Matsumoto, Y., Re-examination of the universality of face: Politeness phenomena in Japanese. *Journal of Pragmatics*, 12. Amsterdam: 1988. pp. 403-426.

<sup>5</sup> WIERZBICKA, A., Different cultures, different languages, different speech acts: Polish vs. English. *Journal of Pragmatics* 9. 1985. pp. 145-178

<sup>6</sup> NWOYE, O., Linguistic politeness and sociocultural variations of the notion of face. *Journal of Pragmatics* 18. 1992. pp. 309-328.

<sup>7</sup> MAO, L., Beyond politeness theory: `Face' revisited and renewed. *Journal of Pragmatics*, 21. 1994. pp. 451-486.

<sup>8</sup> SIFIANOU, M., Politeness phenomena in Greece and England. Oxford University Press Oxford: 1992.

<sup>9</sup> LEECH G., Principles of Pragmatics. London, Longman Publ., 1983.

<sup>10</sup> FRASER, B., Perspectives on Politeness. *Journal of Pragmatics*, 14. 1990. pp. 219-236.

ҳис қилишига имконият яратиш ёки уни ҳижолат тортмаслигини таъминлаш дегани эмас”<sup>1</sup> deb келтиради. Аммо, ўз фикрини далиллар, манбалар билан асосламайди.

Америкалик олим М.Жус Америка нутқий этикетини ўрганар экан, мулоқот вазиятини 5 турга бўлиб таҳлил қилади. 1. Музлаган мулоқот -Frozen (расмий услуб, тингловчидан жавоб талаб қилинмайди, сўзловчи чиройли сўзлар ва равон грамматикани қўллаб, узун гаплар тузиб гапирди. Маросимлар, тўйлар, расмий тадбирлардаги нутқ, қасамёд ва ҳ. з. ларда қўлланилади.); 2. Расмий мулоқот -Formal (Лавозими баланд, ёши катта инсонларга нисбатан мазкур услуб билан муурожаат этилади. Суд, интервью, мажлислардаги нутқларда қўлланилади.); 3. Маслаҳатли -Consultative (семи- формал, икки томонлама суҳбат, муҳокама, мунозара); 4. Кундалик – Casual (норасмий, эркин. Дўстлар, оила аъзолари, танишлар билан жонли ёки виртуал суҳбатда қўлланилади); 5. Яқин – Intimate (жуда яқин муносабатдаги кишиларнинг ўзаро тил кодларини ишлатиб мулоқотга киришишлари).<sup>2</sup> Жус Мартиннинг мазкур назарияси инглиз тили нутқига асосланган бўлиб, мулоқот вазиятларини бу гуруҳларга бўлиб ўрганиш нафақат она тили вакиллари учун, балки хорижий тил ўрганувчилари учун ҳам нутқий этикет бирликларини ўрнида қўллаш кўникмасини олишга ёрдам беради. Аммо бу ҳар бир тилга ҳам мос келавермаслиги ва бироз чегараланганлигини сезилади.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ва XXI аср бошларида олимлар эътибори кўпроқ нутқий этикет мавзуси доирасида “беҳурматлик ва қўпол муомала” масаласига қаратилди. Улар инсонлар мулоқотидаги ўзаро тил аспектларини назарий жиҳатдан ўрганиб, “face-maintaining” (хурматни сақлаш), “face-enhancing” (хурматни ошириш) ва “face-damaging” (хурматга зарар етказиш) хулқ-атворини таҳлил қиладилар.<sup>3</sup>

XXI асрнинг дастлабки йилларда эса тилшуносликда ижтимоий билиш/тушуниш (social cognition) ва нутқий этикет (politeness) мавзуларидаги тадқиқотлар салмоқли ўринларни эгалламоқда.<sup>4</sup> Бу тадқиқотларда “Фейс назарияси” мавзуларида изланишлар олиб бордилар, аммо у қадар чуқур таҳлиллар кузатилмади.

Нутқий этикет масаласи россиялик олимлар томонидан ўтган асрнинг 80-йилларида ўрганила бошланди. Т. В. Ларина, Е.А.<sup>5</sup>, И. А. Романова<sup>6</sup>, Е.А. Руднева,<sup>7</sup> Р.Ратмайр,<sup>8</sup>

<sup>1</sup> FRASER, B., Perspectives on Politeness. Journal of Pragmatics, 14. 1990. pp. 219-236.

<sup>2</sup> Joos, Martin. The Five Clocks. Bloomington: Indiana University Research Center. 1962.

<sup>3</sup> Culpeper, J., Impoliteness and entertainment in the television quiz show: The Weakest Link. Journal of Politeness Research. Language, Behaviour, Culture, 1(1). London: 2005. pp. 35-72; Culpeper, Jonathan. (Im)politeness in dramatic dialogue. In Jonathan Culpeper, Mick Short & Peter Verdonk (eds.), Exploring the language of drama: From text to context. London: 1998. pp. 83-95. Lachenicht, Lance, G., Aggravating language. A study of abusive and insulting language. Papers in Linguistics: International Journal in Human Communication 13(4). 1980. Pp. 607-687; Bousfield, Derek, Researching impoliteness and rudeness: Issues and definitions. In Miriam A. Locher & Sage L. Graham (eds.), Interpersonal pragmatics, 102-134. Berlin: 2010.

<sup>4</sup> Oatey, H., Culturally Speaking: Culture, Communication and Politeness Theory, (2nd ed.), London: Continuum, 2008, pp. 20-27.

<sup>5</sup> Ларина, Т. В. Категория вежливости и стиль коммуникации: Сопоставление английских и русских лингвокультурных традиций [Текст] / Т. В. Ларина. – М.: Рукописные памятники Древней Руси, 2009. – 512 с.

<sup>6</sup> Романова, И. А. Словарь. Культура речевого общения: этика, прагматика, психология [Текст] / И. А. Романова, А. В. Филиппов. – М.: Флинта: Наука, 2009. – 304 с.

<sup>7</sup> Е.А. Руднева. Стратегии лингвистической вежливости в спонтанном речевом взаимодействии. Институт лингвистических исследований российской академии наук. Санкт-Петербург, 2018.

[https://iling-ran.ru/theses/rudneva\\_full.pdf](https://iling-ran.ru/theses/rudneva_full.pdf)

<sup>8</sup> Ратмайр 2013 – Ратмайр Р. Вежливость в русском языке и культуре / Русская речь и рынок: традиции и инновации в деловом и повседневном общении. М.: Языки славянской культуры, 2013. С. 140-220.

Н.Формановская<sup>1</sup> каби олимлар ўз ишларини бевосита нутқий этикет масаласига бағишлаган. Булар орасида И. А. Романова ва Т.В.Лариналарнинг ишлари нисбатан мукамал эканлиги билан эътиборимизни тортди. И.А.Романова ўзининг “Словарь. Культура речевого общения: этика, прагматика, психология” (Нутқий мулоқот маданияти: этика, прагматика, психология) номли илмий луғат китобида “нутқ этикети муайян маданиятда ўрнатилган формулалар ва муносабат қоидалари доирасидаги нутқ хушмуомалалиги билан ифодаланади,<sup>2</sup> - деб таъкидлайди. Т. В. Ларина “Категория вежливости и стиль коммуникации: Сопоставление английских и русских лингвокультурных традиций” (Мулойимлик категорияси ва мулоқот услуги: Инглиз ва рус лингвомаданий анъаналарнинг чоғиштирма тадқиқи) номли илмий асарида рус халқига хос этикет ҳақида фикр юритар экан, руслар учун бу “ички муносабат эканлиги, у ҳаммага ҳам эмас, фақат унга лойиқ кишиларгагина қўлланилиши лозим”лигига урғу беради.<sup>3</sup> Бу жиҳатдан ҳам рус ва ўзбек ва бошқа Шарқ халқлари этикети тубдан фарқли қилади. Бу халқларда суҳбатдош сўзловчига ёқмаса ҳам, ёки улардаги ўзаро муносабат зиддиятли бўлса ҳам, мулойимлик, нутқий этикетга амал қилиб суҳбатлаши шарт. Рус маданиятида бундай нутқий этикетга салбий қаралади, “иккиюзламачилик” деб тушунилади. Нутқий этикет қатъий қоида ёки цензура даражасигача кўтарилган давлатларда у “расмийлик ва ритуал характер”ни ифодаласа, рус халқида “самимийлик, тўғридан-тўғрилик, тўғрисиўзлик, муносабатнинг чин юракдан чиқиши кўпроқ қадрланади. Русларда “вежливость – сердечность” (мулойимлик/нутқий этикет –чин қалбдан) ибораси ҳам бежиз қўлланилмайди.

А.Н.Шукиннинг “Методика обучения речевому общению на иностранном языке”<sup>4</sup> (Хорижий тилда нутқий мулоқотни ўқитиш методикаси) номли ўқув қўлланмасида келтирилишича, саломлашишда ҳам руслардаги “Как мама? Как жена?” каби саволлар нутқий этикет белгиси бўлса, бу баъзи мусулмон халқларда, жумладан Эронда (жанубий Эрондан ташқари) аксинча беҳурматлик саналади. Зеро, аёллар ҳақида ўзининг қариндошларидан бошқа одам сўраши мусулмончилик қоидаларига тўғри келмайди деб биладилар. Нутқий этикет (носамимий ёки самимий) нутқда катта ўрин эгаллайдиган тил вакилларида объектга йўналтирилса, рус маданиятида бу субъектга йўналтирилувчи тушунчадир ва у албатта самимий бўлиши шарт.

Инглиз халқларида нутқий этикет бирликларининг қўлланилишининг маълум бир жиҳатлари ўзбек халқига яқин. Инглиз этикаси қоидаларида шундай таъкидланади: “Агар сиз мулойим бўлсангиз, инсонлар сизни ҳар қандай ҳолатда ҳам эшитади ва сизнинг фикрингизга жиддий ёндошади”.<sup>5</sup> Мулойимлик ва ҳалимлик хислати ўзбек ва кўпгина шарқ халқларига хос бўлган энг муҳим хусусият бўлиб диний қадриятларда ҳам акс этади.

<sup>1</sup> Формановская 2003 – Формановская Н. И. Ритуалы вежливости и толерантность // Философские и лингвокультурологические проблемы толерантности: сборник статей / отв. ред. Н. А. Купина, М. Б. Хомяков. Екатеринбург: Изд-во Урал. гос. ун-та, 2003. С. 345–362.

<sup>2</sup> Романова, И. А. Словарь. Культура речевого общения: этика, прагматика, психология [Текст] / И. А. Романова, А. В. Филиппов. – М.: Флинта: Наука, 2009. – 304 с.

<sup>3</sup> Ларина, Т. В. Категория вежливости и стиль коммуникации: Сопоставление английских и русских лингвокультурных традиций [Текст] / Т. В. Ларина. – М.: Рукописные памятники Древней Руси, 2009. – 512 с.

<sup>4</sup> Шукин, А. Н. Методика обучения речевому общению на иностранном языке: учеб. пособие для преподавателей и студентов языковых вузов [Текст] / А. Н. Шукин. – М.: Икар, 2011. – 454 с.

<sup>5</sup> Баймуратова С. М. Teaching speech etiquette in English lessons // Молодой ученый. — 2018. — №24. — С. 302-303. — URL <https://moluch.ru/archive/210/51551/> (дата обращения: 20.10.2019).

Масалан, Қуръони Каримнинг Исро сураси, 53-оятида келтирилади:

قُلْ لِعِبَادِي يَقُولُوا الَّتِي هِيَ أَحْسَنُ إِنَّ الشَّيْطَانَ يَنْزِعُ بَيْنَهُمْ إِنَّ الشَّيْطَانَ كَانَ لِلْإِنْسَانِ عَدُوًّا مُّبِينًا

Бандаларимга айтгин, улар энг гўзал бўлган нарсани айтсинлар. Албатта, шайтон ораларини бузиб турадир. Албатта, шайтон инсон учун очиқ-ойдин душмандир.<sup>1</sup>

Инглиз халқларида Р.Лакофф<sup>2</sup> назариясида ҳам келтирилган нуткий этикетнинг 3 та олтин қоидасига қатъий амал қилиш муҳим ҳисобланади: 1) Босим ўтказманг: Инсонлар ўзларининг шахсий муҳитларига эгадирлар. Улар шахсий муҳитларига ихтилоф қилинишини истамайдилар. Улар истамаган ишларини бошқа одам томондан босим ўтказилиб, мажбуран қилишни хоҳламайдилар. Инсонларнинг ҳар бири ўзларига нисбатан индивидуал шахс сифатида муносабат билдиришларини кутадилар. Бу қоидада буйруқ бериш ҳам қораланади. 2) Имконият беринг: агар сиз кимдирдан бирор иш бажаришларини сўрасангиз ёки маслаҳат берсангиз уларга розилик ёки рад этиш имкониятини қолдиринг. 3) Эркинлик беринг: Бу инсонларни хурсанд қилишингиз шарт керак дегани эмас. Лекин бошқа кишиларга позитив кайфият бериш, ўзларини эркин ҳис қилишларини таъминлаш муҳим қоидадир. Кишилар ўз фикрларини ҳурмат қилинишини ва махсус муносабат билдирилишини кутадилар.

Инглиз халқининг нуткий этикет бирликлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар турлича концептуал назарияларни илгари суради. Масалан, Сифиану Англияда 27 та британиялик вакил билан тадқиқот ўтказди ва қўлга киритган натижалар хулосаси ўрнида инглиз нуткий этикетига “жамият қоидаларига амал қилган ҳолда, бошқаларнинг ҳиссиётларини ҳисобга олиш” деган таърифни қўллайди.<sup>3</sup>

Япон олимлари Обана ва Томода Австралиялик инглизлар билан суҳбатлар ва изланишлар ўтказиб, нуткий этикет – меҳрибонлик, дўстона муносабат, зийраклик, камтарлик, ҳурмат кўрсатиш каби тушунчаларни ўзида мужассам этган концепция эканлигини таъкидлайдилар.<sup>4</sup> Айнан шу жиҳатлари инглиз нуткий этикетларнинг ўзбек нуткий этикетлари билан ўхшашлигини таъминловчи яна бир жиҳат эканлиги ойдинлашади. Изланишларимиз шуни кўрсатдики, Инглиз нутқидаги узр сўраш нуткий этикет бирликлари бир неча хил ифодаланади.

1. “Excuse me” – суҳбатни бошлаш, бошқа кишини эътиборини жалб этиш учун айтилади.

2. “Pardon” – суҳбат жараёнида бирор нарсани эшитмай ёки англамай қолганда, суҳбатдошидан уни яна такрорлашни сўраганда ва аниқлаштириш учун қўлланилади.

3. “I am sorry” – бирор хато иш қилганда, ёки вазият ёқимсиз бўлганда айтилади. “I am sorry”нинг иккинчи маъноси ҳамдардлик ва ачиниш бўлиб, ўзбек тилига “афсусдаман”, “ҳамдардман” маъносида таржима қилинади. (I am sorry you didn't pass the exam- Афсус, имтиҳондан ўта олмадингиз.)<sup>5</sup>

Гап компонентларини ёки структурасини ўзгартириш ёки лексик бойитиш орқали ҳам нуткий этикет бирликларини ифодалаш мумкин.

<sup>1</sup> <http://www.quran.uz/tarjima/quran/17>

<sup>2</sup> LAKOFF, R., What you can do with words: politeness, pragmatics and performatives. California: Berkeley Studies in Syntax and Semantics I: XVI-1-XVI-55. 1974.

<sup>3</sup> SIFIANOU, M., Politeness phenomena in Greece and England. Oxford University Press Oxford: 1992.

<sup>4</sup> Obana, Yasuko and Takako Tomoda, The sociological significance of “politeness” in English and Japanese languages. Report from a pilot study. Japanese Studies Bulletin 14 (2). 1994. pp.37-49.

<sup>5</sup> <https://www.oxfordlearnersdictionaries.com/>



Оддий нутқ	Эҳтиромли нутқ
He is hard to deal with ... У билан келишиш қийин...	He is <i>a bit</i> hard to deal with... У билан келишиш <i>бироз</i> қийин.
We must stop working together. Бирга ишлашни тўхтатишимиз керак.	I <i>am afraid</i> we <i>will have to</i> stop working together. <i>Кўрқаманки</i> , биз бирга ишлашни тўхтатишимизга <i>тўғри келади</i> .
There has been a mistake. Бу ерда хато бўлибди.	<i>It looks like</i> there has been <i>some</i> mistake. Бу ерда <i>бироз</i> хато бўлганга <i>ўхшайпти</i> . <sup>1</sup>

Британиянинг типик этикети “ўта такаллуфли” кўринса-да ҳақиқий ҳиссиётлардан узок, кўпроқ сохта характерга эга”<sup>2</sup> деб ҳисобланади. “Мулозамат қилиш” кўпроқ инглиз савдогарларининг мулоқот беазаги ва Британияликлар маданиятининг муҳим қисмидир. Инглиз нутқий этикетида “Илтимос” (Please), “Раҳмат” (Thank you) ва “Узр” (Sorry) сўзлари мунтазам қўлланилади.

**1. Сайқаллаш этикети:** “Инглизларда қалб йўқ, унинг ўрнига “юмшатиш, сайқал бериш” (understatement) бор<sup>3</sup> деган тушунча мавжуд. Охириги 50 йиллар ичида мулоқот маданияти бироз ўзгарган бўлса-да, британияликлар ҳамон “юмшатиш услуби”га амал қиладилар. Инглизларда бирор бир фожеали, ҳалокатли вазиятлар содир бўлганда ҳам бунга ўта босиқлик билан муносабат билдириш ҳолати кузатилади. Масалан, табиий офат ҳисобланган бўрон содир бўлиб, уй-жойлар, бино ва дарахтларга жиддий зарар ёки шикаст етганида ҳам, улар бунга “a bit blowy” – “озгина шамол турди” деб изоҳ берадилар. Инглизлар билан мулоқотга киришганда, жуда зийрак бўлиш талаб этилади. Фикримизни Жорж Майкс<sup>4</sup> таъбири билан ифодалайдиган бўлсак, инглиз кишиси “It’s a bit wet out there, I might join you later” – “Бугун бироз ёмғирли, сал кечроқ олдингизга борарман.” деб айтса, аслида “It’s absolutely pissing it down, consequentially i’m not leaving the house today unless it’s on fire!” – “Даҳшат бўронли жала ёғяпти, мен бугун уйдан ҳеч қаерга чиқмоқчи эмасман, чиқишим мумкин, қачонки уйимга ўт кетиб қолса” деган маънога тўғри келади. “Your english is somewhat unorthodox”- (“Сизнинг инглиз тилингиз бироз ноодатий экан”) жумласи аслида “Сизнинг инглиз тили даражангиз бир тийинга қиммат экан” маъносида қўлланилади.<sup>5</sup>

### 2. Айбламаслик этикети:

Бу этикетнинг моҳиятини қуйидаги ҳаётий вазиятдаги ҳолат билан изоҳлаш мумкин: Кимнингдир оёғини босиб олиб узр сўралганда, “No harm done!” (Зарари йўқ), “I am sure it’s my fault” (Албатта бу менинг айбим.) деб жавоб берадилар. Бу такаллуфли жавобнинг асл коннотатив маъноси қуйидагича: “Бу сизнинг айбингиз, буни иккимиз ҳам биламиз.”<sup>6</sup>

### 3. Даҳлсизлик этикети:

Бу этикет инглизлар томонидан жуда кенг қўлланиладиган ва машҳур ҳодиса ҳисобланади. Бунинг асосида “Minding one’s own business” – “Бир бирининг ҳаётига/танловига аралашмаслик” тушунчаси туради. Фикримизча, бировнинг шахсий ҳаётига даҳл қилмаслик

<sup>1</sup> Daria Storozhilova. Communication Hacks: Polite English. 2017. <https://www.stordar.com/polite-english/>

<sup>2</sup> <http://british-culture.wikidot.com/public-politeness-formality>

<sup>3</sup> Mikes George. How To Be An Alien. Wingate, London / NY, 1946 <http://f2.org/humour/howalien.html>

<sup>4</sup> Mikes George. How To Be An Alien. Wingate, London / NY, 1946 <http://f2.org/humour/howalien.html>

<sup>5</sup> Mikes George. How to be a Brit. Google Books <https://books.google.co.uz/books>

<sup>6</sup> <https://prezi.com/m/hs1zhrhqewvc/british-politeness/> British Politeness

ҳолати европаликларнинг кўпчилигига хос жиҳат бўлиб, ўзбек халқида аксинча, бировнинг ҳаётига бефарқ бўлмаслик, лоқайдликка йўл қўмаслик, аксинча, кўни-кўшни, маҳалладош инсонларнинг яхши ва ёмон кунларида уларни қўллаб қувватлаш тамойили кучли. Фикри-мизни кундалик ҳаётда учрайдиган бир вазият билан далиллаймиз. Масалан, инглиз кишининг кўшниси ярим тунда пианинони баланд чалса, у бунга ҳеч эътироз билдирмайди. Чунки бу кўшнининг шахсий танлови, хоҳишидир. Аммо ўзбек халқида бундай ҳолатда кўшнининг ҳаловатини бузиш деб қаралади ва ўрни келганда танбех берилади.

#### 4. *Ички ҳиссиётни яшириш этикети*

Туб британияликлар ҳеч қачон асл ҳиссиётларини ошкор этмайдилар. Масалан, “Ишлар қандай кетяпти?” деган саволга “I’m in a bit of a pickle” - “Vaziyat ozgina jiddiy” deb жавоб берилади. Аслида, вазият ўта қийин ва жиддий эканлиги англашилади.<sup>1</sup> Аксарият ҳолатларда инсонлар черков каби ибодатхоналарга бориб ўз ҳақиқий аҳволини роҳибларга сўзлашлари кузатилади. Ўзбек ва эрон халқларида эса бу саволга жавоб тингловчи ва сўзловчининг яқинлик даражасидан келиб чиқиб берилади.

#### 5. *Носамимий (назарда тутилмаган) меҳмондўстлик этикети*

Меҳмондўстлик анъанаси итальянлар, испанлар, америкаликлар ва баъзи бошқа халқлар маданиятида ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у ўзбек ва шарқ халқлари маданияти<sup>2</sup> дан тубдан фарқ қилади. Хусусан, “You must come for dinner” – “Кечки овқатга келишингиз керак” деган таклиф мазкур халқларда тўғри таклиф (яъни юзаки, кўнгил учун эмас – Т.Х) деб қабул қилинади. Британияда эса бундай таклиф шунчаки мулозамат учун билдирилади.

Қуйидаги жадвалда кўп қўлланиладиган, нутқий этикет акс этган инглизча жумлалар ва уларнинг когнитив маъноларини келтамирамиз.<sup>3</sup>

WHAT THE BRITISH SAY <i>Британиялик айтади:</i>	WHAT THE BRITISH MEAN <i>Британиялик назарда туттади:</i>	WHAT FOREIGNERS UNDERSTAND <i>Хорижлик қандай тушунади:</i>
She is very clever! У жуда ақлли!	She is very sly! У жуда айёр!	A compliment to (her) Мақтов
I hear what you say. Нима деяётганингизни эшитяпман.	I disagree and do not want to discuss it further. Мен сенга қаршиман, буни ортиқ муҳокама қилишни хоҳламайман.	He accepts my point of view. У менинг фикрларимни қабул қияпти.
That’s not bad! Бу ёмон эмас!	That’s good! Бу яхши!	That’s poor! Бу ёмон!
That is a very brave proposal. Бу жуда дадил таклиф.	You are insane. Сиз жиннисиз.	He thinks I have courage. У мени жасур деб ўйлаяпти.
Quite good! Етарли даражада яхши!	A bit disappointing! Унча яхши эмас!	Quite good! Етарли даражада яхши!
Oh, incidentally/ by the way Шунчаки / Айтганча	The primary purpose of our discussion is..... Гапиришимдан асосий мақсад.....	That is not very important. Муҳим гап эмас.
Very interesting! Жуда қизик!	That is clearly nonsense! Сафсата!	They are impressed. Уларда таассурот қолди.

<sup>1</sup> [www.quora.com/Whyare-british-people-so-polite?](http://www.quora.com/Whyare-british-people-so-polite?)

<sup>2</sup> Изоҳ: Ўзбек ва эрон халқлари меҳмондўстлик этикети 3-бобда батафсил келтирилади

<sup>3</sup> <https://www.angmohdan.com/48-things-british-people-say-and-what-they-actually-mean/>

I'll bear it in mind. Ёдда тутаман.	I've forgotten it already. Унутиб бўлдим.	They will probably do it. Улар бажарадилар.
I'm sure it's my fault. Бу менинг айбим билан бўлди.	It's your fault! Бу сизнинг айбингиз!	Why do they think it was their fault? Нима учун улар буни ўзларининг айблари деб ўйлаптилар?
You must come for dinner! Кечки овқатга келишингиз керак!	It's not an invitation, I'm just being polite. Бу таклиф эмас, шунчаки мулозамат.	I got an invitation. Мени таклиф қилишди.
I almost agree. Деярли розиман.	I don't agree at all. Умуман норозиман.	He's not far from agreement. У билан деярли келишдик.
I only have a few minor comments. Менда озгина кичик изоҳлар бор.	You have a lot of mistakes. Сизда жуда кўп хатолар бор.	He has found a few typos У озгина хатолар топибди.
Could we consider some other options? Бу томонларни ҳам кўриб чиқа оламизми?	I don't like your idea. Менга фикрингиз ёқмади.	They have not yet decided. Улар ҳали бир тўхтамга келмадилар.
I might join you later... Сизлар билан кечроқ учрашсам керак.	I'm not joining Учрашмайман.	He's probably going to join me later Кечроқ учрашсак керак.
Just whenever you get a minute... Қачон бўлса ҳам, вақтингиз бўлганда	Now Ҳозир	When you get the time... Вақтингиз бўлганда...

Инглиз нутқий этикет бирликлари борасидаги назарий фикрлар ва мисолларни ўрганиш асносида нутқий вазиятларни FTA (face threatening acts- фейсга таҳдид солувчи ҳаракатлар) ва FSA (Face saving acts- фейсни сақловчи ҳаракатлар) гуруҳларига бўлиш мумкин:

• **FSA ифодалаган нутқий этикет бирликлари:**

**Келишувга интилиш:** Сўзловчи тингловчининг розилигини олиш, ўз фикрига қўшилишга ундаш ҳолатида акс этади. Мисол: “We are meeting at 3pm on Saturday, aren't we?” – “Биз шанба куни кундузи соат 3 да учрашамиз, шундай эмасми?” “Try not to miss the chance. Okay?” – “Имкониятни қўлдан бой бермасликка ҳаракат қилинг, хўпми?”

**Норозиликдан қочиш:** Сўзловчи ва тингловчи яқдиллик билан бир қарорга келганларидан кейин қўлланиладиган бирликларда ўз ифодасини топади. Мисол: “So, you will be able to participate, then.” “Шундай қилиб, сиз иштирок эта оласиз-а?” Инглиз тилидаги “then” ўзбек тилидаги тасдиқ сўровчи юклама “–а”га тўғри келиб, гап хотимасида қўлланилган.

**Сабаб кўрсатиш:** Инглизлар бирор вазият ҳақида ахборот берганларида, илтимос ёки таклиф қилганларида албатта сабаб кўрсатишга одатланганлар. Масалан, шунчаки “Don't wear jeans!” -“Жинси шим кийманг!” эмас, “Oh, there is one thing, though. It's going to be formal. So, no jeans. In fact, well, I invited Miss H. She's going to wear a long dress.”<sup>1</sup> - “Ҳа, айтганча, яна бир нарса. Расмий тадбир бўлар экан. Шунинг учун жинси кийилмайди. Мен Ҳ.хонимни ҳам таклиф қилдим, у узун кўйлақда келар экан.” Тингловчини рози қилишга

<sup>1</sup> Saeko Fukushima and Yuko Iwata. Politeness in English. JALT Journal, Volume 7, no. 1 Japan. 1985. P.5.



уриниш ва сўзловчи томондан босим бўлишига йўл қўймаслик мақсадида сабаб кўрсатилади, деб таъкидлайди япониялик тилшунос С.Фукушима ва Ю.Ивата<sup>1</sup>.

**Тингловчининг ҳолатини инобатга олиш:** Инглиз нутқий этикетида суҳбатни тўсатдан илтимос қилиш ёки бирор нарса сўрашдан бошлаш беҳурматлик саналади. Ҳол-аҳвол сўраш ва "Do you have a minute to talk?" – "Суҳбатлашишга бир дақиқа вақт ажрата оласизми?" каби кириш иборалардан сўнг илтимос ифодаланиши этикет қоидаларига мувофиқ бўлади.

• **ҒТА ни ифодалаган нутқий этикет бирликлари:**

**Сайқаллаш:** нутқнинг императивлигини яшириш, жиддий мазмундаги хабарни юмшатиш. Бунда a bit, kind of, minor, a few каби сўзлардан фойдаланилади. "You have only minor mistakes!" – "Сизда озгина хатолар бор!" (асл маъноси: "Сизда жуда кўп хато бор!"), "I am a bit tired." – "Мен бироз чарчадим." (асл маъноси: "Мен жуда чарчадим."), "Jeans are kind of out." – "Жинси қисман кийилмайди." (асл маъноси: "Жинси умуман мумкин эмас.")

**Мавҳум бўлиш:** Аниқ мақсад тўғридан-тўғри ифодаланмайди. Жумла ҳурматни ифодалаш учун ўтган замонда тузилади ва "wonder if" бирикмаси билан бошланади. Мисол: "I was wondering if you would be free at that time." Сиз шу вақтда бўш бўлармикинсиз? Бунда "wonder" сўзи "ажабланмоқ" асл маъносини йўқотади.

**Сўзловчи ва тингловчи имперсонализацияси:** Бу принцида нутқда 1-шахс бирлик олмоши "мен" ва 2-шахс бирлик ва кўплик олмошлари "сен", "сиз" сўзларини қўлламасликка ҳаракат қилинади. Масалан, "We're thinking of wearing long dresses." – "Биз узун кўйлак киямиз деб ўйлаяпмиз." Бунда биринчи шахс кишилиқ олмоши ўрнига биринчи шахс кўплик олмоши қўлланиб, сўзловчи имперсонализацияси акс этган. "I'm asking people to come at seven o'clock sharp" – "Мен ҳаммадан соат роппа-роса 7да келишларини сўрайман." (Сиз соат роппа-роса еттида келишингизни сўрайман.)

**Хулоса.**

- Нутқий этикет бирликлари атамаси ғарбнинг аксарият илмий манбаларида "Politeness", рус тилида "этикетные формы", "вежливость" тарзида кузатилди. Politeness тушунчаси ҳам вербал, ҳам невербал этикет қоидаларини билдиргани боис, нутқий этикет бирликлари атамасини инглиз тилига таржима қилганда "Verbal Politeness" деб аташ тўғри деб топилди;
- Ғарб маданиятида (АҚШ, Италия, Испания, Франция каби давлатларда нутқ этикети негатив феяс (босим ўтказмаслик), ҳамда сайқаллашларсиз тўғридан тўғри фикрни ифода этиш принциплари етакчи эканлиги аниқланди;
- Рус илмий ва амалий манбаларига кўра инглизларда ва шарқ халқларида нормал қабул қилинувчи носамимий бўлса-да, ҳурмат юзасидан қўлланилувчи бирликларга рус халқи салбий муносабат билдиради ва "иккиюзламачилик", "ёлғончилик" деб қораланади. Нутқий этикет бирликларини чин дилдан ифодалаш муҳим саналади. Самимий муносабатларда позитив феяс, расмий муносабатларда негатив феяс етакчилиги белгиланди;

Британияда нутқий этикет бирликларини қўллашда нутқни сайқаллаш, фикрни аниқ ифода этмаслик (мавҳумлик), босим ўтказмаслик тамойиллари устун келиши позитив ва негатив феяс ифодалари билан кузатилди.



<sup>1</sup> Saeko Fukushima and Yuko Iwata. Politeness in English. JALT Journal, Volume 7, no. 1 Japan. 1985. P.6.

## ЧЕТ ЭЛ ОЛИМЛАРНИНГ ҲАДИСШУНОСЛИК МАСАЛАСИДАГИ БАЪЗИ ТАДҚИҚОТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**КАРИМОВ НОДИР**  
 таянч докторант, ТДШИ

**Аннотация.** Ҳадислар ғарбда XIX асрдан буён кенг муҳокамага сабаб бўлиб келаётган мавзулардан биридир. Аксарият ғарб олимларининг фикрича, ҳадислар тўқиб чиқарилган ва уларнинг ҳеч қандай тарихий аҳамияти йўқ. Ўз ўрнида ушбу қарашларни буткул инкор қилувчи талайгина тадқиқотчилар ҳам топилди. Ушбу мақолада хорижда ҳадис ва ҳадисишунослик масаласида чоп қилинган элликка яқин тадқиқотларни илмий, қиёсий-тарихий, тавсифий таҳлил қилиш мақсад қилинган. Йиғилган адабиётлар ўрганилиб Ғарб олимларининг ҳадис илми масаласидаги қарашлари икки гуруҳга бўлинди. Аксарият тадқиқотчилар, хусусан, Игнац Гольдциер, Шахтлар ҳадисларни бутунлай инкор қилиб, уларнинг тарихий аҳамияти йўқ деб даъво қилган бўлса, бошқа гуруҳ олимлари Жон Буртон, Мотзки, Н.Аббот кабилар эса ҳадисларни Қуръони Каримдан кейинги ўринда турадиган ишончли манбалар сифатида эътироф этган. Ғарб олимлари чиқарган баъзи юзаки хулосалар Ф.Сезгин, Абу Шухба, ал-Марсафий, ал-Аъзамий, Малоуш каби мусулмон тадқиқотчилари томонидан тарихий фактлар асосида рад қилинган. Қуйида Ғарбда ҳадисишунослик илмига қизиқишининг пайдо бўлиши, ҳадис илми тараққиётига оид зиддиятли қарашларнинг тадрижий ўзгариши, олти ишончли саҳиҳ ҳадислар тўплами ва уларга хорижлик олимлар муносабати, ҳадисларнинг тарихий аҳамияти ва ислом дунёсидаги ўрни таҳлил қилинди.

Мақола сўнгида барча фанлар сингари ҳадисишунослик илми ҳам доимий тараққий этиб бораётгани кўринди. Янги манбалар топилиб, нашр қилиниши натижасида айрим ғарблик олимлар чиқарган ноҳолис, ноаниқ хулосалар юзага чиқди. Бу ҳолат ғарбда ҳадисларга нисбатан мўтадил тенденция шаклланишига олиб келди. Жуйнболл, Берг, Шелер каби олимларнинг ҳадисларга оид сўнги тадқиқотлари кўриб чиқилганда мазкур ҳолат аниқ кўринади. Биз ҳам ҳамма ҳадислар саҳиҳ, тўғри бўлган деган фикрдан йироқмиз. Дарҳақиқат, ислом тарихида турли даврларда ҳадис тўқилиш ҳолатлари кўп бўлган. Аммо, баъзи “сохта” ҳадислар туфайли барча ҳадисларни қоралаш Қуръони Каримдан кейин турадиган манбаларни инкор қилишидир. Демак, бугунги кунда ғарбда нашр қилинган аксарият ишлар илмийлик, тарихийлик ва ҳолислик тамоиллари асосида қайта кўриб чиқилиши лозим.

**Таянч сўз ва иборалар:** Имом Бухорий “Саҳиҳи”, ҳадис, И.Гольдциер, Шахт, Н.Аббот, Ф.Сезгин, “сохта” ҳадис.

**Аннотация.** Хадисы являются одной из тем, которые вызывают широкие дискуссии на Западе с 19-го века. Многие западные ученые считают, что хадисы были сфабрикованы и не имеют исторического значения. В то же время есть много исследователей, которые полностью отвергают эти взгляды. Целью данной статьи является научный, сравнительно-исторический, описательный анализ около 50 исследований, опубликованных в зарубежных странах на тему изучения хадисов и ведения. Книги и статьи западных ученых на тему хадисоведения были проанализированы и разделены на две группы. Большинство исследователей, в частности Игнац Гольдциер, Шахт полностью отрицали хадисы и утверждали, что они не имеют исторического значения. По их словам, все правители и юристы сфабриковали хадисы, чтобы укрепить свои правовые взгляды или подтвердить уже существующую практику. Другая группа ученых, таких как Джон Бертон,



Моцци и Н.Аббот, признают хадисы надежными источниками после Корана. Поверхностные выводы западных ученых были опровергнуты мусульманскими исследователями Ф.Сезгиным, Абу Шухбой, аль-Марсафи, аль-Азами, Малушем на основе исторических фактов. Наиболее интересные факты о появлении интересов западных ученых в хадисе, эволюционные изменения в развитии науки хадисов на Западе, коллекция шести надежных сахих-хадисов и отношение иностранных ученых к ним, историческое значение хадисов и их роль в исламском мире будет обсуждаться на следующих страницах. В конце статьи было отмечено, что наука хадисов, как и все другие научные сферы, неуклонно развивается. Новые источники были обнаружены и опубликованы. Это привело к умеренной тенденции к хадисам на Западе. Эта тенденция четко прослеживается в последних работах Джюнболла, Берга и Шелера. Мы тоже не согласны с тем, что все хадисы являются сахихами или подлинными. Действительно, в истории ислама было много поддельных хадисов в разные периоды. Однако мы считаем, что это неправда, говоря, что все хадисы были сфальсифицированы из-за некоторых фальшивых хадисов. Поэтому новые западные книги и статьи о хадисах следует пересматривать сегодня на основе научных, исторических и объективных принципов.

**Опорные слова и выражения:** "Сахих" Имама Бухари, хадис, И.Гольдциер, Шахт, Н. Аббот, Ф. Сезгин, "ложный" хадис.

**Abstract.** Indeed, the hadiths are one of the topics that have been causing extensive discussions in the West since the 19th century. Many western scholars believe that the hadiths were fabricated and they have no historical significance. At the same time, there are many researchers who totally reject these views. This article aims to provide a scientific, comparative-historical, characteristic analysis of about 50 researches which were published in foreign countries on the topic of hadith and hadith studies. The books and articles of Western scholars on the topic of hadith science were analyzed and divided into two groups. Most researchers, in particular, Ignaz Goldziher, Schacht completely denied the hadiths and they claimed that hadiths have no historical significance. According to them, rulers and jurists all fabricated hadiths to reinforce their legal views or to validate already-existing practices. Other groups of scholars, such as John Burton, Motzki, and N.Abbot, admit the hadiths as reliable sources after the Qur'an. The superficial conclusions of Western scholars have been denied by Muslim researchers by F.Sezgin, Abu Shuhba, al-Marsafi, al-A'zami, Maloush on the basis of historical facts. Some of the most interesting facts about the emergence of Western scholars' interests in the hadith, evolutionary changes in the development of hadith science, the collection of six reliable sahih hadiths and foreign scholars' attitudes towards them, the historical significance of the hadiths and their role in the Islamic world will be discussed in the following pages. At the end of the article, it seemed that the science of hadith like all other scientific spheres have been steadily developing. New sources and books have been discovered and published in this field. This led to a moderate tendency towards the hadiths in the West. This tendency can be clearly seen in the latest works of Juynboll, Berg, and Schoeler. We do not agree that all the hadiths are sahih or authentic too. Indeed, in the history of Islam there were many fake hadiths in different periods. However, we think that it is not true saying all hadiths were falsified because of some fake hadiths. Therefore, several new western researches should be reviewed on the basis of scientific, historical and objective principles today.

**Keywords and expressions:** Imam Bukhari's "Sahih", hadith, Goldziher, Schacht, N.Abbot, F.Sezgin, "fake" hadith.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг буюк олимларнинг номи, ёзма мероси ва тарихий сиймосини тиклаш ҳаракатлари бошланди. Яъни, кўп асрлик миллий ва диний кадриятларни асраш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига ҳисса қўшган олимлар меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири деб белгиланди. Сўнгги йилларда эса исломий илмларни ўрганиш ва ўргатиш Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, Ислом цивилизацияси маркази, Ислом академияси, Мир Араб

олий мадрасаси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилди ва мазкур даргоҳларда ислом илмлари тизимли ўргатила бошланди. Шунингдек, 2017-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши белгиланган “Ҳаракатлар стратегияси”га мувофиқ 2018-йил 16-апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги” махсус фармони эълон қилинди. Ушбу фармоннинг тадрижий давоми сифатида 2018-йил 1-ноябрь санасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори орқали ҳадис илмига алоҳида эътибор бериш, муҳаддис олимлар илмий меросини ўрганиш ва уларнинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссани аниқлаш долзарб масала сифатида қайд қилинди. Зеро, тарихдан Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Насаф, Термиз, Шош, Хоразм, Фарғона сингари ҳудудлари ислом илмлари марказлари сифатида эътироф этилгани маълум. Хусусан, Ҳайсом ибн Кулайб аш-Шоший, Иброҳим ибн Маъқил ан-Насафий, Ҳофиз ал-Хоразмий, Жамолуддин ан-Насафий, Абулҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Самарқандий, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ас-Самарқандий каби муҳаддислар айнан ўша шаҳарларда туғилиб камол топган. Уларнинг илмий мероси асрлар давомида илм-фан масканларининг қимматли бойлиги сифатида қадрланиб, уларни ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. XIX асрдан эса Ғарб олимларининг ҳадис илмига бағишланган тадқиқотлари эълон қилина бошланди. Уларнинг барчасида ҳам муҳаддислар ёзма меросига илмийлик ва ҳолислик тамоиллари асосида ёндашилмади. Аксарият ишларда ҳадислар сохта, ўйлаб топилган ва тарихий қиймати йўқлиги ҳақида ёзилди. Муҳаддис алломалар илмий меросига паст баҳо бериш орқали ислом динининг манбавий аҳамияти чуқур эмаслиги кўрсатишга ҳаракат қилинди. Шу сабабли ушбу тадқиқотда ғарбда нашр қилинган ишларни қиёсий-тарихийлик, мантиқийлик, тавсифий, холислик усуллари асосида кўриб чиқиш режалаштирилган.

Ушбу иш ғарб олимларининг ҳадис масаласидаги тадқиқотларини комплекс тарзда ўрганишга йўналтирилган дастлабки ишлардан биридир. Унда ҳадис тушунчаси ва унинг шаклланиш тарихи, ғарб олимларининг ҳадис масаласидаги ўзаро зиддиятли ёндашувлари, ҳадисларга нисбатан шубҳали қарашлар, замонавий ёндашувлар, жаҳон илм-фанида ҳадисларга бўлган муносабатнинг босқичма-босқич ижобий томонга ўзгариши, Марказий осийлик олимларининг саҳиҳ ҳадисларни яратишдаги ўрни ва уларни ўрганишга бағишланган ғарб олимларининг қарашлари тизимли таҳлил қилинган.

**Мақсад ва вазифалар:** ушбу мақолада хорижда ҳадис ва ҳадисшунослик масаласида чоп қилинган элликка яқин тадқиқотларни илмий, қиёсий-тарихий, тавсифий таҳлил қилиш мақсад қилинган. Ғарбда ҳадисшунослик илмига қизиқишнинг пайдо бўлиши, ҳадис илми тараққиётига оид зиддиятли қарашларнинг тадрижий ўзгариши, олти ишончли саҳиҳ ҳадислар тўплами ва уларга хорижлик олимлар муносабати, ҳадисларнинг тарихий аҳамияти ва ислом дунёсидаги ўрни таҳлил қилинди.

**Усуллар:** тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, мантиқийлик, тавсифий, холислик, анализ, чоғиштира, ретроспектив (ўтмиш нуқтаи назаридан қараш) ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган

**Натижалар ва мулоҳаза:** Маълумки, ҳадис<sup>1</sup> илми Пайғамбар алайҳиссалом вафотидан кейин пайдо бўлган. Зеро, Пайғамбар ҳаёт вақтларида унинг сўзларию қилган ишларини аввал бошда фақат эшитиш ва мушоҳада қилиш билан чегараланилган, кейинроқ уларни нақл этиб ривоят қилина бошланган. Пайғамбардан ҳадис эшитган саҳобалар ҳам ҳар хил шароитда бўлгани сабабли кимдир кўпроқ, бошқалари камроқ эшитган. Бу ҳол эса нақл ва ривоятга эҳтиёжнинг ошишига сабаб бўлган. Саҳобалар ҳадисни Пайғамбардан бевосита эшитганлари боис ҳадисларда ёлғон ёки унутиш каби ҳоллар кузатилмаган<sup>2</sup>. М.Аъзамий ёзишича, агар саҳобалар хотирасида қандайдир ноаниқлик бўлса, уни бошқа саҳобадан сўраб, тасдиқлатиб олиш одати бўлган<sup>3</sup>. Ҳадис илми тараққиёт босқичлари ҳақида У.Уватов куйидагича фикр билдирган: **Биринчи бочқич**, Пайғамбар алайҳиссалом давридаги ҳадис илми бўлиб, бу даврда саҳобалар ҳадисларни Пайғамбардан эшитган. Кейин улар бошқаларга ўша ҳадисларни етказган. Шу боисдан ҳам бу дастлабки босқичда ҳадис илми ривоят, ёдда сақлаш (ҳифз) ва ғойибларга етказиш каби хусусиятларга эга бўлган. **Иккинчи давр**, саҳобалар давридаги ҳадис илми ҳисобланади. Бу давр, асосан, Пайғамбар вафотларидан кейин бошланган, чунки шу пайтдан бошлаб ҳадис ривоят қилишга алоҳида талаб пайдо бўлган. Шу мақсад йўлида бошқа шаҳар ва мамлакатларга сафарлар ҳам қилинган. Саҳобалар ривоят қилинадиган ҳадисларга эътибор билан қараган. Зеро, бу хусусда Пайғамбар алайҳиссаломнинг **“агар кимдир қасдан мен айтмаган нарсада менга нисбат берса, ёлғон сўзласа, шубҳасиз у жаҳаннамдан жой олади”** деган маҳсус ҳадислари ҳам бор эди. Ҳадислар тўғрилигини текшириш учун алоҳида услублар ишлаб чиқилган. Ҳадислар тўғрилигини текшириш учун маҳсус тадқиқот соҳаларига асос солинган. Масалан, “илм уд-дироя” номли ривоятларни текшириш илми бўлиб, унда ровийларнинг ривоятлари аниқлиги, улар Пайғамбарни кўрганлари ёки ундан бевосита эшитганлиги сингари масалалар текширилган. “Нақд ал-матн” номли илмда эса ҳадисларнинг матни танқидий ўрганилган. Яъни, ҳадиснинг матни Куръони карим оятлари ёки шу мавзуга оид ҳадисларга асосланиб, етарли далил ва исботларга таянган ҳолда хулоса чиқарилган.

Жамиятдаги турли гуруҳлар ўз манфаатлари йўлида ҳадисларни сохталаштирган. Яъни, ўша даврда сиёсий ихтилофлар, мазҳаблар ўртасидаги зиддиятлар, жоҳил кишиларнинг динга хизмат қиламан деб ноўрин уринишлари, шуҳрат қозониш мақсадидаги қиссачилик ва ваъзхонлик ёки ҳукмдорларга ёкиш мақсадида ҳадис тўқиш, айниқса, зиндиқлик, яъни зимдан исломга қарши курашувчилар томонидан ҳадис тўқиш ҳолатлари пайдо бўлган. Масалан, VII асрда дастлабки уйдирма ва сохта ҳадислар Мадинада яҳудийлар томонидан сиёсий мақсадда тарқатилгани ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек, VII-VIII асрларда муржийлар, қадарийлар, рофизийлар ва бошқа уларга ўхшаш оқимлар ҳадис илмида бидъатга оид хабарлар тарқатган. Бундай ҳолларни олдини олиш мақсадида ҳадисларнинг

<sup>1</sup> “Hadis” so’zi arab tilida “gap-so’z” ma’nosini anglatadi. Demak, “hadis” deganda, lug’atga ko’ra, Nabiy sollallohu alayhi vasallamning aytgan gap-so’zlari ko’zda tutiladi. “Hadis” – ulamolar izohiga ko’ra – Rasululloh sollallohu alayhi vasallamga nisbat berilgan so’z, fe’l, taqrir va sifatlardan iboratdir. Hadis muhaddislar izohida quyidagicha ta’rif qilinadi: “Nabiy sollallohu alayhi vasallamdan meros bo’lib qolgan gap, ish, taqrir, xalqiy (tana tuzilishi), xulqiy sifatlar va tarjimai holga tegishli ma’lumotlar hadis yoki sunnatdir”. Ushbu ta’rif Muhammad sollallohu alayhi vasallamdan meros bo’lib qolgan va ishonchli manba’lar orqali rivoyat qilingan bir necha xil narsani o’z ichiga oladi va o’sha narsalarning to’plami “hadis” deb nomlangan.

<sup>2</sup> Uvatov U., Movarounnahr va Xuroson olimlarining hadis ilmi rivojida tutgan o’rni (al-Buxoriy, Muslim, at-Termiziy). [The role of the Movarounnahr and Khurasan scholars in the development of hadith science (al-Bukhari, Muslim, At-Termizi) Diss. his.sc.] Diss. Toshkent, 2001. pp.43-46.

<sup>3</sup> Al-A’zami M., Studies in hadith methodology and literature, Indianapolis, “American Trust” Publ., 1992. 46 p.

санадларига эҳтиёж туғилган. Ҳатто, битта ҳадисга ҳукм чиқариш учун бошқа мамлакатларга боришга тўғри келган.

Ҳижрий иккинчи асрдан бошлаб, саҳобалар даври тугаб ҳадисларни ҳам матн, ҳам санад жиҳатидан тадқиқ этиш бошланган. Ҳадис ровийларининг тарихлари ва уларнинг тўлик таржимаи ҳолларини ўрганиш билан шуғулланадиган олимлар пайдо бўлиб, бу соҳада алоҳида асарлар яратган. Масалан, ар-Рабийъ ибн Субайх ас-Саъдий (ваф.777), Саъийд ибн Абу Аруба (ваф.773), Муаммар ибн Рошид ал-Азадий (ваф.770), Абдумалик ибн Абдулазиз ибн Журайх (ваф.768) сингари олимлар ҳадисларни бобларга ажратиб тасниф этган. Яъни, мазкур асарлар муайян мавзуга, масалан, тафсир, ахлоқ, шаръий аҳкомлар каби масаларга бағишланиб, улар Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадислари, саҳоба ва тобеъийларнинг сўзларини ўзида жамлаган. Юқоридаги асарлар ҳадислар тўплами бўлиб, уларнинг саҳиҳлиги масаласига унчалик эътибор берилмаган.

Ҳижрий учинчи асрдан бошлаб эса ҳадис хусусидаги изланишлар янада кучайиб, мустақил асар ва таснифлар пайдо бўлган. Ҳадисларни жаъмловчи, муснад ва муъжам шаклдаги йирик асарлар пайдо бўлган. Хусусан, Имом Бухорий (ваф.256/870), Имом Муслим (ваф.261/875), Имом Термизий (ваф. 279/892), Имом Абу Довуд (ваф. 275/888), Имом Насоий (ваф.303/916), Имом Ибн Можа (ваф.273/886) сингари муҳаддис олимларнинг ҳадислар тўплами жаъмловчи (жоми) тўпламлар сирасига киради. Ушбу асарларда турли мавзулар бобларга ажратилган ҳолда тартиб берилган. Муснад тўпламларда мавзуларга аҳамият берилмаган. Маълум бир саҳобанинг ривоятлари бир жойда ёзилиб, ундан сўнг кейинги саҳобанинг ривоятлари келтирилган. Масалан, имом Аҳмад ибн Ҳанбал ўзининг “ал-Муснад” номли асарида аввал тўрт ҳалифанинг ривоятларини келтириб, кейин кетма-кет бошқа саҳобалар ривоятларини қайд этган. Муъжамларда эса муаллиф ўз устозлари ҳадисларини алифбо тартибда келтирган.

Хорижда нашр этилган адабиётлар таҳлил қилинганда ҳадисларнинг шаклланиш тарихи анчайин баҳсли эканлиги кўринди. Масалан, аксарият ғарб<sup>1</sup> ва айрим мусулмон<sup>2</sup> тадқиқотчиларнинг фикрича, III/IX асрда ёзилган аксарият ҳадислар кейинчалик турли манфаатлар йўлида сохталаштирилган. Хусусан, ғарб олимларидан Игнац Гольдциер ва Жозеф Шахтлар ҳадис ва ҳадис илмига шубҳали қарашни илгари сурган<sup>3</sup>. Бироқ, ушбу масалани бутунлай инкор қилувчи олимлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади<sup>4</sup>. Масалан, Ф.Сезгин, Абу Шухба, Ал-Марсафий, Ал-Аъзамий, Малоуш сингари мусулмон олимлари ғарб тадқиқотчиларини ноҳолисликда айблади ва мавзуни чуқур ўрганмаган деб хулоса берган. Мазкур икки гуруҳ олимларнинг ҳадисларга баҳо бериш меъзонлари фарқлидир. Яъни, мусулмон олимлари олти ишончли саҳиҳ ҳадислар тўплами: Имом Бухорийнинг “ал-Жоми’ ас саҳиҳ” ёки қисқача, “Саҳиҳи Бухорий”, Имом Муслимнинг “Саҳиҳи Муслим”, Имом Термизийнинг

<sup>1</sup> Robson J., Ḥadith. In The Encyclopaedia of Islam, 2nd edn, III Leiden, “Brill” publ., 1986, 23-8 p; Juynboll G.H.A., Encyclopaedia of canonical Ḥadith. Leiden, “Brill” publ., 2007. 242 p.; Brown J., The canonization of al-Bukhari and Muslim, The formation and function of the Sunni ḥadith canon. Leiden, “Brill” publ., 2007. 345 p.

<sup>2</sup> Ibn al-Salah., Ulum al-hadis (Muqaddimat Ibn Salah), Nur ad-Din al-Itr (editor), Dimashq, “Dar al-fikr” publ., 1986. 279 p.

<sup>3</sup> Goldziher I., Muhammedanische studien, 2 vols. Halle, ed. by S. M. Stern, trans. by C. R. Barber and S. M. Stern as: Muslim Studies, 2 vols. Chicago, Aldine, 1971. – p.254.; Schacht J., The Origins of Muhammadan jurisprudence, Oxford, Clarendon Press, 1975. 349 p.

<sup>4</sup> Abbott N, Studies in Arabic literary papyri 3 vols. Chicago, “University of Chicago Press” publ., 1957-72. 146 p.; Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. Band I: Qur’ānwissenschaften, ḥadīṭ, Geschichte, Fiqh, Dogmatik, Mystik. Bis ca. 430 H Leiden, “Brill” publ., 1996. 936 p.



“Сунани Термизий”, Имом Абу Довуднинг “Сунани Абу Довуд”, Имом Насоийнинг “Сунани Насоий”, Имом Ибн Можанинг “Сунани Ибн Можа”ларини энг ишончли деб билади ва уларга асосланиб кейинги даврда яратилган ҳадисларга баҳо беради. Зеро, мазкур тўпламлардаги матн<sup>1</sup>, санад ёки иснодлар<sup>2</sup> асосли эканлиги исботланган. Аксарият ғарб олимлари эса ҳадислар кейинчалик сохталаштирилган ва улар ҳеч қандай тарихий асосга эга эмаслигига урғу беради. Ҳатто, олти саҳиҳ ҳадис тўпламларини ҳам ишончсиз деб ҳисоблайди.

Маълумки, ислом динида Қуръон, пайғамбар с.а.в.нинг суннатлари, ҳадислар энг ишончли манбалар сифатида қадрланади. Аммо, Ғарбда XIX асрдан бошлаб ҳадисларнинг тўғрилиги, тарихийлиги ва исботланганлиги сингари масалаларда баҳслар бошланган. Хусусан, европалик Густав Вейл Имом ал-Бухорий “Саҳиҳи”нинг ярмидан кўпи яроксиз, ҳеч қандай тарихий аҳамият касб этмайди деган хулоса чиқарган<sup>3</sup>. Асос Спрингир ва Вилиам Мурлар эса нафақат Имом Бухорий “Саҳиҳи”, балки барча мусулмон ҳадисларининг ишончсизлини қайд этган<sup>4</sup>. Ҳадисларни инкор қилиш анъанасининг кулиминацион даражаси Игнац Гольдциер ва Христиан Сноклар<sup>5</sup> тадқиқотларида кузатилади. Масалан, 1890 йилда чоп қилинган Игназ Годзиҳернинг “Muhammedanische Studien”( Муҳаммадий тадқиқотлар) номли китоби ғарбда ҳадис илми ҳақида “фундаментал” тадқиқот бўлиб келмоқда<sup>6</sup>. У ғарб илмий оламида ҳадисларга нисбатан шубҳали қарашни илгари сурган. Унинг фикрича, ҳадисларни сохталаштириш ва уларни яратилишини пайғамбар билан боғлаш орқали зиддиятли гуруҳлар ўз манфаатларини қонунийлаштирган. Яъни, ҳукмдор ва диндорлар ҳадисларни сохталаштириб, ҳукмронлигини юридик жиҳатдан кучайтирган ва доимий мавжуд бўлган амалларни тасдиқлаган. Айнан шу қарашлар XX асрнинг 30 йилларида нашр қилинган Давид Самуел Марголок<sup>7</sup>, Ҳенри Ламменс<sup>8</sup>, Леоне Каетаниларнинг<sup>9</sup> илмий ишларида яна бир бор маъқулланди. Хусусан, 1972 йил қайта нашр қилинган Д.С.Марголокнинг “Араб тарихчилари ҳақида маърузалар” номли китобда қуйидагича ёзилади: “Мусулмон муҳад-

<sup>1</sup> Matn - “matn” soʻzi arab tilida qattiq va yerdan koʻtarilib turgan narsani anglatadi. Ulamolar izohida esa, kalomning sanadi yetib borgan narsani “matn” deyilgan.

<sup>2</sup> Isnod - “isnod” soʻzining ikki xil maʼnosi bor. 1. Bir soʻzni uning aytuvchisiga nisbat berish, suyab qoʻyish, bu gapning egasi falonchi, deyish “isnod” deyiladi. 2. Matnga ulashtirib olib boradigan odamlarning silsilasini “isnod” deyiladi. Bu maʼnoda “isnod” va “sanad” bir xildir.

<sup>3</sup> Gustav W., Geschichte der Chalifen, vol. 2, Mannheim, “F.Bassermann” publ., 1846-62, 291 p.

<sup>4</sup> Sprenger A., On the Origin and Progress of Writing Down Historical Facts among the Muslims. Journal and Proceeding of the Asiatic Society of Bengal, 1856, vol. 25, pp.303-29, 375-81.; “Die Sunna” in Alois Sprenger, Das Leben und die Lehre des Mohammad, “Berlin” publ., 1861-1865, LXXVII-CIV p.; Muir W., The Life of Mahomet and the History of Islam to the Era of Hegira, 4 vols. London, “Ulan Press” publ., 1988. 186 p.

<sup>5</sup> 1885 yil Kristian Snok Hurgronj Makka shahriga soxta musulmoncha ism bilan borib, haj ibodatini ado etgan. Asl maqsadi esa musulmonlarning yashash tarzi, ularning eʼtiqodi va bajaradigan amallari haqida golland qoʻshinlariga maʼlumot toʻplash boʻlgan. U bir qancha muddat Makka shahrida yashab, Qurʼoni Karimni oʻrgangan. Oʻzining esdaliklarida yozishicha, barchada haqiqiy musulmon sifatida taʼssurot qoldirgan. Toʻplagan maʼlumotlari asosida 1888-1889 yillarda ikki jildan iborat boʻlgan “Makka” nomli kitobni yozgan. Keyinchalik u Indonaziyada olib borilgan bosqinchilik urushlarda harbiy maslahatchi sifatida ishlagan.

<sup>6</sup> Goldziher I., Muhammedanische studien 2 vols. Halle, (English ed. by S. M. Stern, trans. by C. R. Barber and S. M. Stern as: Muslim Studies, 2 vols.) Chicago, Aldine, 1971. 254 p.

<sup>7</sup> Margoliouth D.S., Lectures on Arabic Historians, delivered before the University of Calcutta, February 1929. Byzantine series, 38, New York City, “Burt Franklin” publ., 1972. 180 p.

<sup>8</sup> Lammens H., Qoran et tradition Comment fut composee la vie de Mahomet, Recherches de Science Religieuse, 1910, no.1, pp.27-51.; Islam: Belief and institutions, trans. by E. Denison Ross. London, “Methuen” publ., 2004. 266 p.

Lecker M., al-Zuhri. In The Encyclopaedia of Islam, 2nd edn, 2002, XI (565-6) 180 p.

<sup>9</sup> Leone C., Annali dell’Islam. New York, 1972. 782 p.



дисларнинг ҳам аксарияти ҳадислар сохталаштирилганига ишонади. Ҳадисларда берилган иснадлар чалкаш ва ишончсиз. Чунки, мусулмонларда қайсидир фикр пайғамбарга боғланса, ҳеч ким эътироз билдирмаган. Шу сабабли ҳам ҳукмдорлар уларни сохталаштириш учун ишончли ровийлардан фойдаланган”. Ҳенри Ламменс эса “Islam: Belief and institutions (Ислом дининг ғояси ва унинг жорий этилиши)” сарлавҳали китобининг баъзи ўринларида Имом Бухорий ва Имом Муслим саҳиҳларини иснадларида чалкашликлар борлигини қайд этган бўлсада<sup>1</sup>, мазкур икки китобни ишончли деб эътироф этиб, қолган тўрт суналарга шубҳа кўзи билан қараган<sup>2</sup>.

Игнац Гольдциернинг назарияси эллик йилдан кейин Жозеф Шахт томонидан янада ривожлантирилди<sup>3</sup>. У Гольдциернинг қарашларини исботлаш мақсадида ғарб илмий омма-сига 1950 йилда “Муҳаммадий ҳуқуқшуносликнинг келиб чиқиши” ва 1964 йилда “Ислом ҳуқуқшунослигига кириш” номли тадқиқотларини тақдим қилди. Унинг китоблари ғарбда етакчи олимлар томонидан юқори баҳоланди. Хусусан, Ҳ.А.Р.Гибб “унинг илмий ишлари келажакда яратиладиган ислом цивилизацияси ва ҳуқуқшунослигига оид тадқиқотлар учун асос вазифасини бажаради. Ғарб олимлари энг қўп мурожаат қиладиган китоблар сафида бўлади”<sup>4</sup> дея қайд этган бўлса, Н.Ж.Кулсон эса “Шахт ислом фикҳи келиб чиқишини рад этиб бўлмайдиган даражада аниқ асослаб берди”<sup>5</sup> мазмунидаги фикрга келган. Шахтнинг тадқиқотларидан қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

1. Фикҳ ислом динидан алоҳида ривожланган. Муҳаммад с.а.в.нинг янги ҳуқуқ тизимини яратиш мақсади бўлмаган. Қолаверса, унинг ҳокимияти қонуний асосларга эга эмас эди. Сиёсий гуруҳлар Муҳаммад(с.а.в)ни ўз мақсадлари йўлида қўллаб-қувватлаган.
2. Фикҳ мактаблари ҳижрий иккинчи асрда шаклланган. Аввалдан мавжуд бўлган анаъна-ларни бир тизимга солган. Уларнинг пайғамбар амалларига ҳеч қандай алоқаси йўқ.
3. Фикҳий мактаблар вазифаси муҳолифатдаги кучлар ҳукмронлигининг қонуний асосла-рини топиш бўлган. Шу сабабли улар пайғамбар Муҳаммад с.а.в. ҳақида ёлғон маълу-мотлар ўйлаб топишган.
4. Натижада ҳижрий иккинчи ва учинчи асрларда олимлар ўз фикрларини пайғамбар тилидан айтиш одати пайдо бўлган.
5. Ҳадислар ва уларнинг иснади ўйлаб топилган. Уларнинг умуман тарихий аҳамияти йўқ. Олимлар ўз фикрларини пайғамбар билан боғлаб, ҳадис сифатида оммага таништирган.

Ҳақиқатдан, унинг назарияси ғарбда оммалашди. Аксарият шарқшунос олимлар унинг қарашлари асосида тадқиқот ярата бошлади. Хусусан, Жозеф ван Эсс<sup>6</sup>, Ж.Робсон<sup>7</sup>, Н.Д.Андерсон<sup>8</sup>, С.Э.Босворз<sup>9</sup> каби ғарб олимиларининг тадқиқотлари шулар жумласидан-

<sup>1</sup> Lammens H., o'sha kitob, 80 p.

<sup>2</sup> Lammens, H., o'sha kitob, 78 p.

<sup>3</sup> Schacht J., The Origins of Muhammadan jurisprudence Oxford, “Clarendon Press” publ., 1975. 349 p.

<sup>4</sup> Gibb H.A.R., Journal of Comparative Legislation and International Law, 3rd series, vol. 34, parts 3-4, 1951. 114 p.

<sup>5</sup> Coulson N.J., A History of Islamic Law, Edinburgh, “The New Edinburgh Islamic Surveys” publ., 1964, 4 p.

<sup>6</sup> Joseph van Ess., Zwischen Hadith und Theologie. Studien zum Entstehen pr destinationischer berlieferung, Berlin and New York, “de Gruyter” publ., 1975. 234 p.

<sup>7</sup> Robson J., The Transmission of Tirmidhi's Jami, Bulletin of the School of Oriental and African Studies, no.16(2), pp.258-270.

<sup>8</sup> Anderson J.N.D., Law reform in the Muslim world, London, “Athlone Press” publ., 1976. 235 p.

<sup>9</sup> Bosworth C.E., The Islamic dynasties, a chronological and genealogical handbook, Edinburgh, “University Press” publ., 1967, revised ed.1980. 416 p.

дир. Қолаверса, Шахт фикрлари Фазлур Раҳмон<sup>1</sup>, А.Физий<sup>2</sup> каби мусулмон тадқиқотчиларининг хулосаларига ҳам таъсир қилди. Масалан, Фазлур Раҳмоннинг фикрича, “мусулмон олимлари ҳадислардаги камчиликларни кўра олмайди. Улар “саҳих” деб ёзилган бўлса шундайлигича қабул қилади. Лекин, IX асрда яшаган муҳаддисларнинг ўзлари ҳам ишлари тугал эмаслиги ҳақида ёзиб қолдирган”. Ғарб олимлари ҳадис масаласига танқидий ёндашади ва мавзуни ҳолис таҳлил қилади деган фикр Ф.Раҳмон, А.Физий тадқиқотларида акс этган.

Аммо, ҳадисларнинг туб моҳиятини англаб етган олимлар ғарб тадқиқотчилари қарашларига доимий эътироз билдирган. Гольдциер, Шахт ва унинг тарафдорларига биринчилардан бўлиб қарши чиққан олим Набиа Аббот бўлган<sup>3</sup>. У уммавийлар даврида ёзилган бир қанча манбалар ва бошқа далилларга асосланиб, Гольдциер, Шахт назарияларини танқид қилган. Н.Аббот ёзишича, “ислом динида ҳадис ёзиш анъанаси Пайғамбар алайҳиссалом даврида ҳам мавжуд бўлган. Аммо, иккинчи ҳалифа Умар (ра) Қуръонни ягоналигини сақлаш ва уни бошқа китоблар билан чалкаштирмаслик мақсадида барча ёзма ҳадисларни йўқ қилиш буйруғини берган. Кўпгина саҳобалар очикчасига ҳадислар ҳақида айтмасида уларни йиғишда давом этган. Хусусан, Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ас (ваф.65.684), Абу Хурайра (ваф.58/678), Ибн Аббос (ваф.67-68/686-8) ва Анас ибн Маликлар (ваф.94/712) ҳадисларни доимий тўплаб ўрганишган. Ҳалифа Умар (ра) вафот этиши ва Қуръоннинг “Усмон нусхаси” пайдо бўлиши ҳадислар ҳақидаги қўрқувни йўққа чиқарган. Ҳижрий биринчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳадис илми гуллаб-яшнаган”. Юқоридаги фикрларни тасдиғи сифатида тадқиқотчи Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ас, Анас ибн Маликлар томонидан ёзилган ҳадис наъмуналарини илк бор нашр қилдирган<sup>4</sup>. Демак, ҳадис ёзиш саҳобалар давридан мавжуд бўлган. “Ал-кутуб ас-ситта”га кирган ҳадис тўпламлари узлуксиз давом этиб келаётган жараённинг мевасидир. Гольдциер, Шахт каби олимлар ислом илмлари тарихи, хусусан, ҳадисларга баҳо беришда шошилган ва нотўғри хулоса чиқарган деб Н.Аббот китобида қайд этган.

Фуат Сезгин<sup>5</sup> эса дастлабки матнларни каталоглаштириб, “ҳадисларни сохталаштириш айби ишончли манбаларга асосланмай хулоса қилинган” деган фикрни исбот қилган. Ф.Сезгин китобида Игнац Гольдциер, Шахт назариясига очикча эътироз билдирмаган. У фақат ҳижрий биринчи асрдан бошлаб саҳобалар пайғамбарга оид воқеаларни ёзиб борганлигини ва учинчи асрга келиб эса ўша ёзилган ҳадислар тўпламлар ҳолига келтирилганлигини қайд этган. Яъни, уммавийлар ҳукмдори Умар ибн Абдулазиз (ваф.97/717-101/720) ҳадислар йўқолиб кетмаслиги ва чалкашликлар юзага келмаслиги учун уларни расмий услубда тўплаш буйруғини берган. Ф.Сезгин эътирофи бўйича мазкур вазифани Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Ҳазм (ваф.120/737) ва Ибн Шихаб аз-Зухрилар (ваф.124/742) аъло даражада бажаришни уйдалаган. У фикрини тасдиғи сифатида Ҳанбал ибн Аҳмаднинг “Илал”, Ибн Саъднинг (ваф.230/844-5) “Табақот”, ал-Бухорийнинг (ваф.256/870) “Тарих”,

<sup>1</sup> Fazlur R., *Islamic Methodology in History*, Karachi, “Central Institute of Islamic Research” publ., 1965. pp.10-11. doi: org/10.1163/157005866X00390

<sup>2</sup> Fyze A.A.A., *Outlines of Muhammadan Law*, Third edition, London, “Oxford University Press” publ., 1964. 509 p. doi:org/10.1017/S0041977X00056925

<sup>3</sup> Abbott N., *Studies in Arabic literary papyri*. 3 vols. Chicago, “University of Chicago Press” publ., 1957-72. 146 p.; Abbott N., *Studies in Arabic Literary Papyri II: Qur’anic Commentary and Tradition*. “The University of Chicago Press” publ., 1976. 293 p.

<sup>4</sup> Abbott N. *Studies in Arabic literary papyri*. – pp.43-93

<sup>5</sup> Sezgin F., *Geschichte des arabischen Schrifttums*, Band I: Qur’ānwissenschaften, ḥadīṭ, Geschichte, Fiqh, Dogmatik, Mystik. Bis ca. 430 H Leiden, “Brill” publ., 1996. 936 p.

Термизийнинг “Илал”, Ибн Аби Ҳатимнинг (ваф.327/938) “Тақдима”, ал-Хатиб ал-Бағдодийнинг (ваф.403/1012-3) “Тақйид ал-илм”, Ибн Абд ал-Баррнинг(ваф.463/1070-1) “Жомеъ баян ал-илм”, ал-Рамаҳурмузийнинг (ваф.360/971) “Ал-муҳаддис ал-фасил” ва бошқа манбалардан наъмуналар келтирган<sup>1</sup>. Муаллиф мазкур китобларнинг тарихий аҳамиятига алоҳида муносабат ёзмаган. Ф.Сезгин ҳадислар борасида билдирилган нотўғри фикрларни асл манбалар билан рад этишни афзал кўрган.

Набиа Аббот ва Фуат Сезгин тақдим қилган ишончли далилларга қарамай Жон Вансбро<sup>2</sup>, Патрише Крон<sup>3</sup> ва Майкил Куклар<sup>4</sup> тадқиқотларида ҳадисларнинг “сохталиги” ҳақидаги назариялар давом этган. Ғарб олимларидан Игнац Гольдциер ва Шахт назариясига қарши борган олимлардан яна бири Жон Буртон ҳисобланади<sup>5</sup>. У Игнац Гольдциернинг танқидий методини ижобий баҳолаган ҳолда унинг нотўғри фикрларга келганлигини қуйидагича изоҳлаган: “ислом дини вакиллари ўз динларининг туб моҳиятини яхши англайди ва муқаддас деб билади. Бошқа дин вакилларида бўлган олимлар эса тўлиқ асосланмаган, сохта фикрларга асосланиб, нотўғри хулоса чиқаришга шошилади. Яъни, муайян масаланинг туб моҳиятига етиб боролмайди”. Эҳтимол, шу сабабли Манделанг<sup>6</sup>, Доннер<sup>7</sup>, Мотзки<sup>8</sup>, Шелер<sup>9</sup> сингари олимлар ҳам ҳадислар асл тарихий манба эмас деган қарашларни илгари сургандир. Шунингдек, баъзи олимлар айрим ҳадисларни ўрганиб чиқиб, мусулмонлар ўртасида ҳам кўплаб баҳсларга асос бўлганлигини исботлашга ҳаракат қилган<sup>10</sup>. Аммо, Игнац Гольдциер, Шахт ва бошқа ғарб олимларининг қарашлари Абу Шухба<sup>11</sup>, Ал-Марсафий<sup>12</sup>, Ал-Аъзамий<sup>13</sup>, Малоуш<sup>14</sup> каби мусулмон тадқиқотчилари томонидан тадқи-

<sup>1</sup> Kamaruddin A., Muslim Western Scholarship of Hadith and Western Scholar Reaction: A Study on Fuat Sezgin's Approach to Hadith Scholarship, Indonesia, “State Islamic University (UIN) Alauddin Makassar” publ., Vol 46, No 2, 2008. pp. 254-277. Doi: org/10.14421/ajis.2008.462.253-277

<sup>2</sup> Wansbrough J., The sectarian milieu: Content and composition of Islamic salvation history, London Oriental Series, 34. Oxford, “Oxford University Press” publ., 1978. 200 p.

<sup>3</sup> Crone P., Cook M., Hagarism: The making of the Islamic world. Cambridge, “Cambridge University Press”, 1977. 268 p.

<sup>4</sup> Cook M. Early Muslim dogma: A source-critical study, Cambridge, “Cambridge University Press” publ., 1982. 256 p.

<sup>5</sup> Burton J., An Introduction to Hadith. Edinburgh, “Edinburgh University Press” publ., 1994. 240 p.

<sup>6</sup> Madelung W., The Succession to Muhammad: A study of the early caliphate, Cambridge, “Cambridge University Press” publ., 2001. 432 p.

<sup>7</sup> Donner F., Narratives of Islamic origins: The beginnings of Islamic historical writing, Studies in Late Antiquity and Early Islam. no.14. Princeton, “Darwin Press” publ., 1998. 358 p.

<sup>8</sup> Motzki H., The origins of Islamic jurisprudence: Meccan fiqh before the classical schools, trans. by Marion H. Katz, Islamic History and Civilization: Studies and texts, no.41. Leiden, “Brill” publ., 2002. 326 p.; Motzki H., Hadith: Origins and developments, Aldershot, “Ashgate” publ., 2004. 394 p.

<sup>9</sup> Schoeler G., The Oral and the written in early Islam. ed. by James E. Montgomery, trans. by Uwe Vagelpohl, Routledge Studies in Middle Eastern Literatures, Abingdon, “Routledge” publ., 2006. 247 p.; Schoeler G., The Genesis of literature in Islam: From the aural to the read. trans. by S. M. Toorawa, Edinburgh, “Edinburgh University Press” publ., 2009. 160 p.

<sup>10</sup> Dickinson E., The development of early Sunnite Hadith criticism: The taqdim of Ibn Abi Hatim al-Razi (240/854-327/938), Islamic History and Civilization: Studies and Texts, ed. by Wadad Kadi. Leiden, Boston, “Köln”, “Brill” publ., 2001. 150 p.

<sup>11</sup> Abu Shuhbah M., Difa an al-sunnah wa rad shubah al-mustashriqin wal kuttab almu asirin, Cairo, “Maktabat al-Sunnah” publ., 1989. 342 p.

<sup>12</sup> Al-Marsafi S., Al-mustashriqun wal sunnah silsilat Difa an al-Hadith al-nabawi. Kuwait, “Maktabat al-Manar al-Islamiyya” publ., 1990.

<sup>13</sup> Al-A'zami M., Studies in hadith methodology and literature, Indianapolis, “American Trust” publ., 1992.; Al-A'zami M., On Schacht's ‘Origins of Muhammadan jurisprudence’, Islamic Texts Society, “Chichester” publ., 1996.; John W., Riyadh, “King Saud University” publ., 1985.

<sup>14</sup> Maloush T., Early Hadith literature and the theory of Ignaz Goldziher, Unpublished doctoral thesis, University of Edinburgh, Faculty of Arts, 2000. 412 p.

дий кўриб чиқилган ва ҳадис ҳақида ҳолисона фикрлар билдирилган. Ушбу тадқиқотчилар ғарб олимларини “усул ал-ҳадис” илмидан беҳабарликда айблаган. Яъни, Талал Малоушнинг диссертациясида Игнац Гольдциер, Шахт ҳадисларни санади бўйича ўрганмаганлигини кўрсатиб берган. Унинг фикрича, ғарб олимлари ўзларига керакли ҳадислар матнини даврлар бўйича танлаб олган ва ўша пайтда ҳукмронлик қилган сулоланинг манфаатлари асосида таҳлил қилган. Улар ҳадисларнинг санадига эътибор бермаган. Агар улар ҳадисни санади бўйича ўрганганда аксарият ҳадислар Пайғамбар саҳобаларигача етиб борганлигини кўриши мумкин эди, деб Талал Малоуш қайд этган. Ал-Марсафий Гольдциернинг ҳадислар учинчи асрда ёзма манбалардан эмас оғзаки ўтиб келаётган ривоятлардан тўплам шаклига келтирилган деган фикрини рад қилган. У ҳижрий биринчи ва биринчи асрнинг иккинчи ярмидан кейин ёзилган кўплаб ҳадис саҳифаларини Имом Бухорий “Саҳиҳи” билан таққослаб мазмунан бир хил эканлигини исботлаб берган. Яъни, Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” китобини ёзишда ўзидан олдин яшаган олимларнинг 200дан ортиқ китобларидан фойдаланганлиги кўрсатиб берилган.

Икки йўналиш ўртасидаги зиддиятларни кузатиб Жуйнбол қуйидагича хулоса қилган: “Бугунги ислом тадқиқотларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи тарафда Гольдциер, Шахт ва уларнинг тарафдорлари ҳадисларни сохталлиги исботлашга ҳаракат қилаётган бўлса, бошқа тарафда эса мусулмон олимлари уларни ҳақиқийлигини асослашга уринмоқда”. Жуйнбол ҳам бу баҳсга қўшилган ҳолда Ф.Сезгин ва М.Аъзами эътироф этаётган манбалар кейинчалик турли сабаблар туфайли сохталаштирилган бўлиши мумкинлигига оид юзаки фикрни қайд этган<sup>1</sup>. Зеро, у Ф.Сезгин ёки Н.Аббот тақдим этган манбаларнинг моҳияти билан умуман таниш бўлмаган<sup>2</sup>.

XX асрнинг охирларида ҳадисшуносликка оид янги манбалар топилди. Барча тадқиқотчилар уларни ўрганишга киришди. Холидий таъкидлаганидек, “янги топилган манбаларни ўрганиш, мавжуд назария ва қарашларни ўзгартириш, керак ўринларда рад этиш эҳтиёжи вужудга келди”<sup>3</sup>. Хусусан, 1980 йилда М.Аъзамий ҳижрий иккинчи асрга оид 12та асл ҳадис матнларини топганлигини эълон қилди. Уларнинг кичик қисмини таҳрир қилиб, Суҳайл ибн Абу Солиҳнинг (ваф.138/755) “Саҳифа”си номи остида нашр қилган. Дастлабки даврларда ёзилган ҳадислардан Абу Ҳурайранинг шогирди Абу Ҳаммам ибн Мунаббих (ваф.101/719) қаламига мансуб кўлёмаларнинг қисмлари Берлин, Бейрут ва Дамашқ кутубхоналаридан топилди<sup>4</sup>. Ушбу янги топилмалар Пайғамбар алайҳиссалом даврида ҳам ҳадислар ёзма шаклда бўлганлигини исботлар эди. Зеро, саҳобалар ёзган ривоятлар “саҳифа” деб аталган. Демак, Суҳайл ибн Абу Солиҳ ва Абу Ҳаммам ибн Мунаббих кўлёмаларининг топилиши ҳадис илми Пайғамбар алайҳиссалом давридан узлуксиз тарзда ривожланганини кўрсатади. Абу Ҳаммам ибн Мунаббихнинг ҳадислари ўрганилганда 138 ҳадисдан 98таси Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг саҳиҳ ҳадисларига, 136таси Аҳмад ибн Ҳанбалнинг “Муснад Аҳмад ибн Ҳанбал” номли ҳадислар тўпламига киритилгани аниқланди. Демак, олти ишончли ҳадис китобларига саҳиҳ деб киритилган ҳадислар ҳар томонлама ўрганилиб, ҳақиқийлиги тўлиқ кўриб чиқилганидан кейингина тўпламдан жой

<sup>1</sup> Juynboll G.H.A., Muslim tradition, Cambridge, “Cambridge University Press” publ., 1983. 284 p.

<sup>2</sup> Kamaruddin A., The same book. p.261.

<sup>3</sup> Khalidi T., Arabic historical thought in the classical period. Cambridge, “Cambridge University Press” publ., 1994. 268 p.

<sup>4</sup> Hamidullah M., An introduction to the conservation of Hadith: In the light of the saḥifah of Hammam ibn Munabbih, “Islamic Book trust” publ., 2003.160 p.; Al-Baghdadi K., Taqyid al-‘ilim, ed. by S. A. ‘Ali, Cairo, “Dar al-Istiḳamah” publ., 2008. 321 p.



олган. Тадқиқотчи М.Спейт VII асрнинг ўрталарида яратилган кўплаб ҳадисларни Ибн Ҳанбал, Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий каби олимларнинг III/IX асрда тўплаган ҳадислари билан ўзаро қиёсий таҳлил қилиб, уларнинг аксарияти мазмунан бир хил дея хулоса қилди<sup>1</sup>. Унинг тадқиқотидан кейинги даврда ёзилган ҳадислар сохталаштирилмаган, асл ҳолати қандай бўлса шундайлигича ёзилган деган хулосага келиш мумкин. Дастлаб ҳадислар ҳақидаги салбий фикрлари билан танилган Ҳаралд Мотзки Абд ар-Раззоқ ас-Санъанийнинг (ваф.211/826) мусаннафига дуч келган. Ушбу асар ҳижрий биринчи асрга оидлиги, ундаги иснадлар аниқлиги ва манбанинг тизимли ишланганлиги Мотзки фикрларини ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлган. “Мен Абд ар-Раззоқ ас-Санъанийнинг мусаннафини ўрганиш давомида шу нарсага амин бўлдим Гольдциер, Шахт ва уларнинг тарофдорлари (Мотзки ўзини ҳам қўшган) томонидан ҳадисларнинг сохталлиги, уларнинг тарихий аҳамият касб этмаслиги ҳақидаги фикрлари умуман нотўғри. Ҳозир ҳижрий биринчи асрга оид кўплаб ҳадис парчалари топилди ва улар Ғарбнинг ҳадислар ҳақидаги фикрларини қайта кўриб чиқишга мажбур қилмоқда” - деб Мотзки мақоласида<sup>2</sup> таъкидлаган.

Хусусан, Жуйнболл<sup>3</sup>, Берг<sup>4</sup>, Шелер<sup>5</sup> каби олимларнинг ҳадисларга оид сўнги тадқиқотлари кўриб чиқилганда ғарбда ҳадисларга оид мўтадил тенденция шакллангани кузатилди. Улар ҳадисларни бутунлай инкор ҳам қилмайди ёки ишончли деб ҳам эътироф этмайди.

Юқоридаги каби фикрлар ҳадислар ҳақидаги олдинги қарашларни мўтадиллаштирди ёки бутунлай ижобий томонга ўзгартириб юборди<sup>6</sup>. Хусусан, Жуйнболл<sup>7</sup>, Берг<sup>8</sup>, Ж.Браун<sup>9</sup>, Шелер<sup>10</sup> каби олимларнинг ҳадисларга оид сўнги тадқиқотлари кўриб чиқилганда ғарбда ҳадисларга оид мўтадил тенденция шакллангани кузатилди. Улар ҳадисларни бутунлай инкор қилмайди. Ҳатто, баъзилари ҳадис китобларни асл тарихий манба эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Масалан, 2007 йил чоп қилинган Ж.Брауннинг “ал-Бухорий ва Муслимнинг муҳаддислик фаолияти” номли тадқиқотида ҳадисшуносликка ижобий ёндашган. Ғарб олимлари ичида оммалашган салбий қараш деярли кузатилмайди. Китоб ўн бобдан иборат бўлиб, унда олти ҳадис тўплами ва улар орасида Имом ал-Бухорий ва

<sup>1</sup> Speight M., A look at variant readings in the Ḥadīth, In M. Shah (Ed.), The Ḥadīth: Critical Concepts in Islamic Studies. Abingdon, “Routledge” publ., 2010. pp.79-89.

<sup>2</sup> Motzki H., The Musannaf of Abd al-Razzaq Al-San`ani As A Source of Authentic Ahadith of The First Century A.H, Journal of Near Eastern Studies, 1991. Volume 50, p.21. <http://www.jstor.org/stable/545412> (Accessed: 13/07/2009 07:00)

<sup>3</sup> Juynboll G.H.A., Muslim tradition: Studies in chronology, provenance and authorship of early Ḥadīth, Cambridge, “Cambridge University Press” publ., 1983. 273 p.

<sup>4</sup> Berg H., The development of exegesis in early Islam: The authenticity of Muslim literature from the formative period, Richmond, “Routledge”, 2000. 264 p. ; Brown J., The canonization of al-Bukhari and Muslim: The formation and function of the Sunni ḥadīth canon, Leiden, “Brill” publ., 2007. 331 p.

<sup>5</sup> Schoeler G., The Genesis of literature in Islam: From the aural to the read. trans. by S. M. Toorawa, Edinburgh, “Edinburgh University Press” publ., 2009. 160 p.

<sup>6</sup> Ал-Аъзами. Дирасат фи ал-ҳадис ан-набави ва тарих тадвиних. Бейрут: Ал-мактаб ал-ислами. 1980. – 432 с.

<sup>7</sup> Juynboll G.H.A. Muslim tradition: Studies in chronology, provenance and authorship of early Ḥadīth. Cambridge: Cambridge University Press. 1983. – 273 p.

<sup>8</sup> Berg H. The development of exegesis in early Islam: The authenticity of Muslim literature from the formative period. Richmond: Routledge. 2000. – 264 p.

<sup>9</sup> Brown J. The canonization of al-Bukhari and Muslim: The formation and function of the Sunni ḥadīth canon. Leiden: Brill. 2007. – 331 p.

<sup>10</sup> Schoeler G. The Genesis of literature in Islam: From the aural to the read. trans. by S. M. Toorawa. Edinburgh: Edinburgh University Press. 2009. – 160 p.



Муслим китобларининг ўзига хослиги, ҳадис илмига бағишланган адабиётларнинг қисқача таҳлили, алломаларнинг ҳаёти ва фаолияти, ўрта аср олимларининг “икки саҳиҳ” китоб борасидаги фикрлари, ал-Бухорий ва Муслимнинг фикҳшуносликдаги ўрни, ўрта аср ҳукмдорларнинг саҳиҳ китобларга муносабати, ҳадис ёзиш маданияти, кийинчиликлари сингари масалалар қамраб олинган. “Шубҳасиз, икки саҳиҳ китоблар Қуръондан кейинги машҳур манбалардир ва уларнинг муаллифлари: ал-Бухорий ва Муслим ислом цивилизациясидаги энг йирик шахслардир” деб Ж.Браун китобининг кириш қисмида қайд этган. Китоб таҳлил қилинганда алломалар ҳамда уларнинг илмий меросига юксак баҳо берилганлиги кузатилди.

**Хулоса:** Ҳадисларга оид хорижий нашрлар таҳлил қилинганда қуйидаги натижа ва хулосаларга келинди:

- Ғарбда ҳадис илми XIX асрнинг 90 йилларидан кенг муҳокамага сабаб бўлиб келаётгани кўринди. XX асрда эса ҳадисга оид икки гуруҳ шаклланди: И.Гольдциер ва Ж.Шахт бошчилигидаги ҳадислар бутунлай инкор қилувчилар ва Н.Аббот, Ф.Сезгин, Абу Шухба, Ал-Марсафий, Ал-Аъзамий, Малоуш каби ҳадисларнинг тарихий аҳамиятини кўрсатиб берувчилар;
- Биринчи гуруҳ баъзи ҳадисларнинг фақат матни билан ишлаган ва маълум бир ҳукмдорларнинг манфаатларини ўша ҳадислар билан боғлашга ҳаракат қилган. Улар асосан ҳижрий учинчи асрдан кейинги манбалардан фойдаланган. Зеро, улар учинчи асргача ҳадис ёзилмаган ва айнан шу асрдан оғзаки ўтиб келаётган ривоятлар китоб ҳолига келтирилган деб ишонган;
- Иккинчи тоифа олимлар эса ҳадисларнинг тарихий аҳамиятини уларнинг санади орқали ўрганган ҳамда Пайғамбар алайҳиссалом даврига оид ҳадис саҳифаларини нашр қилдирган. Яъни, ҳижрий биринчи ва иккинчи асрларга оид ҳадисларни кейинги даврда яратилганлари билан қиёсий ўрганиб, уларнинг мазмунан бир хил эканлигини кўрсатиб берган;
- XX асрнинг охирида топилган ҳадисларга оид сўнгги манбалар барча олимлар қарашларини ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлган. Ҳозирда эса ҳадисларнинг тарихий аҳамияти аксарият Ғарб олимлари томонидан тан олинган. Ғарбда уларнинг илмий аҳамиятига оид тадқиқотлар нашр қилинмоқда (масалан, Ж.Браун, Шелер, Мотзки ва б.);
- Адабиётлар таҳлили натижасида Марказий осийлик алломалар ёзма мероси юқоридаги баҳсларнинг марказида бўлганлиги кўринди. Яъни, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доромий сингари алломаларимиз илмий мероси ҳадисларнинг ҳақиқийлигини исботлашда асосий манбалар бўлиб хизмат қилган;

Ҳадис илмига оид тадқиқотлар таҳлили буюк муҳаддис олимларимизнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссаси кўламини белгилашга ёрдам беради. Шунингдек, бугунги ёшларни уларга муносиб авлод бўлишга ҳам ундайди.





## МАХМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ “РОБИЙЪ УЛ-АБРОР” АСАРИ ҚЎЛЁЗМАСИ ВА УНИНГ ТОШКЕНТ НУСХАЛАРИ

**ТЎРАЕВ ЛАЗИЗ**

таянч докторант, ТДШИ

**Аннотация.** Ҳар бир миллатнинг маънавий меросига алломаларнинг қўлёзма-асарларида келтирилган панд-насиҳатлар, ўғитлар, шеърлар ва ҳикоятлар киради. Сўнги йилларда ўрганилиши, тадқиқ қилиниши ва тарғиботи муҳим бўлган илмий ва маънавий меросга, қадимги қўлёзмаларга, асарларга қизиқиши ортиб бормоқда. Ўрта Осиёдаги IX — XII асрларга оид қўлёзмаларни излаб топиши, қаерда сақланиши, уларни тадқиқ қилиши, наир этиши бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ислому мафкураси билан суғорилган, маданият гуллаб-яшнаган, турли соҳаларга аталган машҳур асарларнинг аксарияти айни шу даврга оид бўлиб, шулардан бири кўҳна Хоразм заминида тузилган аллома Махмуд Замахшарийнинг араб тилида ёзилган “Робийъ ул-аброр ва нусус ул-ахбор” (“Яхшилар баҳори ва хабарлар изҳори”) асари қўлёзма асаридир. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқишунослик институти ва Ўзбекистон Мусулмонлар идораси кутубхонасидаги икки нусхаси тўғрисида маълумот берилади ва улар орасидаги фарқлар кўрсатилади. Қўлёзмалардаги мавжуд бобларнинг таркибий қисми юзасидан фарқи аниқланади. Мақолада “Робийъ ул-аброр ва нусус ул-ахбор” асарининг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Бу асар аллома Махмуд Замахшарийнинг бошқа асарларидан тубдан фарқ қилиб, жамиятдаги ҳам табиий, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий, ҳам маънавий ҳодисаларни ўзида қамраб олган йирик асардир. Асарнинг яна бир жиҳати шундаки, аллома мазкур асарни ўзидан олдин ўтган пайғамбарлар, саҳобалар ва замондоши бўлган обидлар, амирлар ва халифаларни айтган сўзларини жамлаган ҳолда тасниф этган.

**Таянч сўз ва иборалар:** қўлёзма, ренессанс Робийъ ул-аброр, Ал-Кашиоф, илмий мерос, фихрист, тасниф.

**Аннотация.** Каждая нация имеет научное и духовное наследие, включающее в себя наставление, назидание, стихи и рассказы, отраженные в рукописях. В последние годы растет интерес к научному и духовному наследию, древним рукописям и произведениям, которые важны для изучения, исследования и продвижения. Поиск, изучение и издание рукописей является одной из самых актуальных проблем сегодня, особенно рукописей, относящихся к IX–XII веками написанных на территории современной Центральной Азии. Многие из популярных произведений разных сфер, пропитанные исламской идеологией, были созданы в это же время. Одним из таких произведений является рукопись «Раби-уль-абрар и нусус-уль-ахбар» («Весна добрых людей и сообщения выражены») древнего хорезмского ученого Махмуда Замахшари. В статье приводятся сведения о двух экземплярах этой рукописи на арабском языке, хранящихся в фондах Института Востоковедения Академии наук Республики Узбекистан и Мусульманского управления Узбекистана а также рассматриваются их отличительные особенности. В статье также обсуждается важность работы «Раби-уль-абрар и нусус-уль-ахбара» на современном этапе этике. Она в корне отличается от других трудов ученого Махмуда Замахшари и представляет собой сборник работ, охватывающих все природные, социальные, политические и духовные события в обществе. Ещё одна особенность работы состоит в том, что ученый классифицировал её, суммируя слова пророков и его сподвижников, халифов, эмиров, монахов.

**Опорные слова и выражения:** рукопись, ренессанс, Раби-уль-абрар, Ал-Кашиоф, научное наследие, фихрист, классификация.

**Abstract.** Each nation has a scientific and spiritual heritage, including their exhortation, edification, verses and stories reflected in manuscripts. In recent years, there has been growing interest in scientific and spiritual heritage, ancient manuscripts and works that are important for study, research and

*promotion. Finding, studying and publishing manuscripts is one of the most actual problems today, especially manuscripts dating back to the IXth-XIIth centuries, written on the territory of today's Central Asia. Many of the popular works of various fields saturated with Islamic ideology were created at the same time. One of these works is the manuscripts "Rabi-ul-abrar and nusul-ul-ahbar" ("Spring of good people and expressed messages") by the ancient Khorezm scholar Mahmoud Zamakhshari. The article provides information and determination of the structural differences between the existing chapters of two copies of this manuscript in Arabic stored in the funds of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan and the Muslim Administration of Uzbekistan. The article also discusses the importance of the work of Rabi-ul-abrar and nusul-ul-ahbara at the present stage of ethics. This work is fundamentally different from other works of the scholar Mahmoud Zamakhshari and is a collection of works covering all natural, social, political and spiritual events in society. Another aspect of the work is that the scholar classified this work by summing up the words of the prophets and his associates, caliphs, emirs, monks and contemporaries.*

**Keywords and expressions:** *manuscript, renaissance, Rabi ul-abrar, Al-Kashshaf, scientific heritage, index, classification.*

**Мақсад ва вазифалар:** Бугунги кунда мамлакатимизда буюк аждодлар, алломалар ва файласуфларнинг бой илмий-мероси, уларнинг асарларига бўлган қизиқиш, уларни тадқиқ қилиш ва кенг жамоатчиликка етказиш долзарб вазифалардан бири бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 24 май куни “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> Қарорининг тасдиқланиши буюк алломаларимизнинг қадимий қўлёзма асарларини чуқур ўрганишга, дунёга танитишга ва уларни тадқиқ қилишга имконият эшикларини янада кенг очиб берди.

Буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий мероси ҳисобланган қўлёзма асарларига бўлган қизиқишларини ошириш, қолаверса тарихдаги ўлмас ва ўчмас илмий меросни келажак авлодга етказиш, улар тўғрисида маълумот бериш, шунингдек уларни тадқиқ қилиш орқали илмий-маънавий меросимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш биз учун муҳим бўлган вазифалардан ҳисобланади.

Ушбу мақолада буюк ватандошимиз, дунёга машҳур олим Махмуд Замахшарийнинг “Робийъ ул-аброр ва нусул ул-ахбор” асарининг Тошкент қўлёзмалари юзасидан фикр юритилади.

**Усуллар:** Қўлёзмаларнинг ёзилган саналарини аниқлаш, атрибуция (асарнинг муаллифи, яратилиш вақти ва ўрнини аниқлаштириш), интерполяция (ҳошия ёзувлари), конъектура, нусхалар таснифини аниқлаш.

**Натижалар ва мулоҳаза:** Махмуд Замахшарий жаҳон тамаддунига муносиб қисса қўшиб, “Фахру Хоразм”, “Жоруллоҳ”, “Устоз ул-араб ва-л-ажам” каби таҳаллусларни олган. Буюк аллома келажак авлод учун бир нечта фан соҳаларига оид кўплаб асарлар, девонлар, тафсирилар ёзиб қолдирган. Ироқлик машҳур олим профессор Фозил Солиҳ ас-Самарийнинг Махмуд Замахшарий фаннинг турли соҳаларига оид эллик олти<sup>2</sup> асарларини нома-ном санаб ўтган. Алломанинг Қуръон Каримнинг тафсирига, илоҳиётга, грамматикага, фалсафага, адабиётга, ахлоққа, географияга оид асарлари шулар жумласидандир.

<sup>1</sup> <http://lex.uz/docs/3211987>

<sup>2</sup> Fozil Solih As-Samariy *الدراسات النحوية واللغوية عند الزمخشري*. Bag'dod. 1971 yil. [Fazil Saleh Al-Samari. “الدراسات النحوية” - Baghdad. 1971.]

Хозирга қадар бир қанча ўзбек олимлари томонидан алломанинг ҳаёт ижодига, илмий меросига оид айниқса унинг тилшуносликка оид асарлари юзасидан докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган, бундан ташқари монографиялар, илмий мақолалар, рисолалар нашр эттирилган. Шу боис биз алломанинг ҳали тўлалигича ўрганилмаган, фақатгина умумий маълумот бериш билан қифояланган “Робийъ ул-аброр ва нусус ул-ахбор” асари ва унинг Тошкентдаги қўлёзмалари тўғрисида маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

Мазкур асарнинг Тошкент қўлёзмаларидан ташқари хориж мамлакатларида ҳам сақланаётган нусхалари мавжуд бўлиб, улар Боғдод, Лейдин, Берлин, Истанбул, Париж, Лейпцик, Лондон, Манчестир, Машҳад, Ромбур каби шаҳарлар кутубхоналарида сақланади. Ўзбекистонда Бухоро нусхаси ҳам мавжуд бўлиб, у Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро вилояти Ахборот-кутубхона марказининг шарқ фондида сақланади.

“Робийъ ул-аброр” асарини ироқлик доктор Салим ан-Набийий томонидан 1976 йил Бағдодда танкидий нашрини тўлиқ тўрт жилдда чиқарган. Айни мазкур нашр бугунги кунда Халқаро Ислом Академияси манбалар хазинасида мавжуд<sup>1</sup>. Асарни яна бир ливанлик олим Абдул Амир Муҳанна 1992 йили Байрутда танкидий нашрини тайёрлаган.

Бу асар ҳозирги шароитда ўрганилиши долзар бўлган асарларидан бири ҳисобланади. Чунки асарда шиддат билан ўзгариб бораётган жамиятимиздаги барча соҳаларни қамраб олган ижтимоий, сиёсий, маънавий ва ахлоқий қарашлар баён қилинган. Махмуд Замахшарий ҳижрий 528 йил (милодий 1134) ўзининг машҳур “Ал-кашшоф ан ҳақоқиқ ат-танзил” *الكشاف عن حقائق التنزيل* асарини ёзиб тугаллагандан сўнг “Робийъ ул-аброр” асарини ёзади. Мазкур асарнинг тўлиқ номи “Робийъ ул-аброр ва нусус ул-ахбор” *ربيع الأبرار ونصوص الأخبار* (“Яхшилар баҳори ва хабарлар изҳори”) дир.

Асар таркибий жиҳатдан бешта қисмдан иборат. Биринчи қисм дастлабки ўн беш бобни ўз ичига олади. Иккинчи қисм эса ўн олтинчи бобдан ўттиз иккинчи бобгача, учинчи қисм ўттиз учинчи бобдан эллик саккинзинчи бобгача, тўртинчи қисм эллик тўққизинчи бобдан етмиш бешинчи бобгача ва сўнгги бешинчи қисм етмиш олтинчи бобдан тўқсон саккинзинчи бобгача бўлган бобларни ўз ичига олади. Асарда берилган ҳар бир боб алломанинг ўз замонасининг долзарб бўлган масалаларига бағишланади, жумладан дунёнинг яратилиши, табиат ҳодисалари, борлиқдаги мавжуд нарсалар, давлат бошқаруви, сиёсат, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, охираат каби хабарлар, ҳикоялар, ибратли ҳикматлар ўрин олган.

Асарнинг боблари тўғрисида турли олимлар томонидан ҳар хил маълумотлар берилган, баъзи олимлар 98 боб деса, баъзилари эса 92 бобдан иборатлигини таъкидлайдилар. Лекин сўнгги маълумотлар ва Тошкентдаги мавжуд қўлёзмаларни ўрганиш натижасида бу асар 98 бобдан иборат эканлиги аниқланди. Мазкур асарнинг Тошкент шаҳрида икки нусхаси мавжуд бўлиб, бири Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Асосий фондида 2384-инвентарь рақами<sup>2</sup> остида сақланади.

Қўлёзманинг инвентарь рақами қўлёзма муқовасининг тепасига ёпиштирилган. Бугунги кунда айни ушбу қўлёзма бир неча йиллардан буён сақланаётганлиги ҳамда аксарият варақларини қурт тешганлиги учун унинг устида таъмирлаш (реставрация) ишлари олиб

<sup>1</sup> Xalqaro Islom Akademiyasi manbalar xazinasi. 180-I, 180-II, 180-III, 180-IV tartib raqami. [ International Islamic Academy Treasury of Sources. 180-I, 180-II, 180-III, 180-IV serial number]

<sup>2</sup> Abu-l-Qosim Mahmud az-Zamakhshariy. “ربيع الأبرار ونصوص الأخبار” Robiy’ ul-abror va nususus ul-axbor. Qo’lyozma. O’zbekiston Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik institute asosiy fondi. inventar № 2384. [ Abul-Qasim Makhmud az-Zamakhshari. Rabī 'ul-abrār va nususus ul-akhbor. Manuscript. The main fund of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan. inventory No. 2384]

борилмоқда. Мазкур нусха жами 371 ыарак (1b-371a, яъни 742 бет) дан иборат. Асар матни 25 сатрдан иборат бўлиб, тўк сиёх рангда “насх” хатида ёзилган. Унинг ўлчови 28x18 сантиметрни ташкил этади. Қўлёзманинг муқоваси жигаррангли теридан ишланган. Мазкур асар аслида 98 бобдан иборат, лекин Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институтидаги нусхадан бизгача фақат 77 бобигина етиб келган. Қўлёзма бошида котиб томонидан берилган феҳрист (мундарижа) мавжуд. Шундан сўнг асосий матн бошланади. “Робийъ ул-аброр” асарида ҳар бир бобга алоҳида ном берилган. Бу қўлёзманинг биринчи боби *الأوقات وذكر الدنيا والآخرة* “Вақтлар, дунё ва охираат ҳақида зикрлар” номи билан бошланиб, охириги етмиш еттинчи боби *والعلاء، والعاهات والطب، والدواء، والعيادة، ونحو ذلك* “Касаллик келтирувчилар, дардлар, ўсимликларнинг касалланиши (бузилиши), табиблар, даволар, шифохоналар ва ҳоказолар” номи билан тугаган.

Бу асар тўғрисида Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Шарқ қўлёзмалари тўпламининг II томида 1783 рақам<sup>1</sup> остида қисқача маълумотлар берилади. Унда айтилишича тарихда ўтган буюк шахсларнинг ижтимоий ҳаётда муҳим бўлган сўзлари, ўғитлари, насихатлари ёритилган бир тарихий дидактикага оид асар бўлиб, фақат 77 боби сақланганлиги таъкидланади. Тўпламда қўлёзма тўк сиёхрангда ҳинд ялтироқ қоғозида кўчирилганлиги, матнда фақат боблар ва ажратиб кўрсатилиш лозим бўлган сўзлар қизил рангли минералда (киноварь) ёзилганлиги, ибораларнинг бошланғич сўзлари таги чизилганлиги, қўлёзма хижрий 997 йил сафар оyi (1588 йилнинг декабрь оyi) да Ахмадобод ҳукмронлиги салтанатида кўчирилганлиги ва бошқалар тўғрисида маълумотлар берилган.

Қўлёзма феҳристида жумладан шундай маълумотлар мавжуд. Бу Робийъ ул-аброр китоби “Ал-Кашшоф” муаллифи бўлган имом, аллома, Хоразм фаҳри, ислом шайхи, Жоруллоҳ Абул Қосим Махмуд ибн Умар Аз-Замахшарийнинг асари ҳамда мазкур асар 81 бобдан иборат эканлиги тўғрисидаги битиклар мавжуд. Лекин Асосий фонддаги қўлёзмадаги асосий матн етмиш еттинчи *والعلاء، والعاهات والطب، والدواء، والعيادة، ونحو ذلك* “Касаллик келтирувчилар, дардлар, ўсимликларнинг касалланиши (бузилиши), табиблар, даволар, шифохоналар ва ҳоказолар” боби билан якунланган. Бу боб қўлёзманнинг 367 саҳифасида берилган.

“Робийъ ул-аброр”нинг яна бир нусхаси Ўзбекистон Мусулмонлари идораси кутубхонасида 1490-инвентарь рақам<sup>2</sup> остида сақланади. Мазкур қўлёзманинг нусхаси бизгача тўлиқ ҳолда етиб келган. Яъни 1-боб *الأوقات وذكر الدنيا والآخرة* “Вақтлар, дунё ва охираат ҳақида эслатмалар” номи билан бошланиб, 98-боб *الحشرات والهوام ونحوها من دواب الأرض* “Ердаги ҳашаротлар, паррандалар ва бошқалар ҳақида” номли боб билан якунланган.

Бу нусха 402 ыарак (1b-402a, яъни 804 бет) дан иборат, бу нусха настаълик хатида, араб тилида ёзилган. Ўлчови 26x17 смни ташкил этади. Бу қўлёзманинг муқоваси қора рангли картондан ясалган. Қўлёзманинг биринчи бетида олти бўрчакли белги ичида 356 рақам

<sup>1</sup> O'zbekiston SSR Fanlar Akademiyasining Sharq qo'lyozmalari to'plami. II tom. Akademik Aleksandr Aleksandrovich Semyonov tahriri ostida. 398-402 betlar. O'zbekiston SSR Fanlar Akademiyasining nasgriyoti. T.: 1954 yil. [Collection of Oriental Manuscripts of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR. Volume II. Edited by Academician Alexander Alexandrovich Semyonov. Pages 398-402. Publishing house of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR. T.: 1954.]

<sup>2</sup> Abu-l-Qosim Mahmud az-Zamakhshariy. “ربيع الأبرار ونصوص الأخبار” Robiy' ul-abror va nusus ul-axbor. Qo'lyozma. O'zbekiston Musulmonlari idorasi. inventar № 1490. [Abul-Qasim Makhmud az-Zamakhshari. Rabī 'ul-abrār va nusus ul-akhbor. Manuscript. Muslim Office of Uzbekistan. inventory No. 1490.]



билан ربيع الابرار Робийъ ул-аброр деб кўрсатилган ва унинг тагида араб тилида “Бу китоб Ал-Кашшоф соҳиби аллома Махмуд Замахшарийнинг асарларидандир, номи Робийъ ул-аброр” деб ёзилган. Мазкур қўлёманинг иккинчи бетида ҳам шу маънодаги жумлалар бўлиб, эски туркий тилда лекин араб ёзувида “Бу китоб аллома Махмуд Замахшарий Кашшоф тафсирини этган зотни асарларидан биридур, исми Робийъ ул-абрордир” деган маълумотлар берилган. Бу маълумотлардан кейин Котиб Чалабийнинг «Кашфу-з-зунун ʻан асомий алкутуб вал-фунун» номли машҳур қомусий асарининг (Ро) бўлимидан (832-833 бетлар) баъзи маълумотлар келтирилади. Унда ҳижрий 538 йилда вафот этган Махмуд Замахшарийнинг 92 бобдан иборат “Робийъ ул-аброр ва нусус ул-ахбор” асари ва бу асарнинг ўз муқаддимасида Махмуд Замахшарий “Ал-Кашшоф” асаридан (ҳижрий 528) кейин ёзганлиги ва Қуръон Каримнинг тафсирига бағишланган “Ал-Кашшоф” ни ўқиган ўқувчиларнинг чарчаган қалбларига ором беришда, ўз фикрларини баён қила олишларида, инсонлар ҳаётдан зерикканларида ёки чарчаганларида уларга ҳаётга бўлган қизиқишларини ортишида, инсонларнинг маънавиятини оширишда айна шу асарда берилган ҳикматлар муҳим ўрин эгаллаши ҳақида маълумот берилади. Шундан сўнг асарда асосий боблар ва матнлар кетади.

Мазкур қўлёманда ҳам Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институтидаги сингари боб номлари ва сўзлар орасидаги боғланишлар барчаси қизил сиёҳда ажратилган ҳолда кўчирилган. Асар матни 22 сатрдан иборат. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қўлёмна бошида Кашфуз-зунунда берилиши бўйича тўқсон икки боб дейилсада, қўлёмани ўзида қолган олти боб ҳам мавжуд ва асар الحشرات والهوام ونحوها من دواب الأرض “Ердаги ҳашаротлар, паррандалар ва бошқалар ҳақида” номли тўқсон саккизинчи боб билан яқунланган.

Шундай қилиб турли мавзуларни ўз ичига олган, тўқсон саккиз бобдан иборат мазкур асарда аллома Махмуд Замахшарий аввал ҳар бир мавзуга Расулуллоҳ (с.а.в) нинг ҳадисларини, сўнг саҳобаларнинг сўзларини, кейин тобеъинлар ҳамда араб ва форслардан бўлган обидлар, зоҳидлар, художўйлар, донишмандларнинг ҳикматли гапларини ва шу маънода бўлса шоирларнинг шеърларини келтирган эди. Шунингдек, Бани Исроил қавмидан чиққан набийларнинг ва уларга эргашганларнинг сўзларини ҳам келтирган. Бундан ташқари арабларнинг тарихи, уларнинг подшоҳлари, халифалари, амирлари, бошлиқлари, муғаннийлари ва шоирлари билан боғлиқ хабарлар ва ҳикоялар ҳам учрайди. Бу сараланган хабарлар ва ҳикояларда инсонларнинг яхши хулқли, тарбияли ва маърифатли бўлишлари ҳақида сўз юритилади.

**Хулоса:** Изланиш жараёнида биз олимнинг Тошкентдаги икки қўлёмасидан бирида асарнинг 77 боби мавжудлиги ва иккинчисида мукамал қисмида 98 боб мавжуд эканлигини аниқладик. Бу асар Махмуд Замахшарийнинг бошқа асарларидан фарқи шундаки, муаллиф бу асарни ўзи ёзган эмас, балки ўздан олдин ўтган шахсларнинг ва замондошларининг сўзларини жамлаган ҳолда тасниф этиб, бир асар кўринишига олиб келган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, аллома Махмуд Замахшарийнинг “Робийъ ул аброр ва нусус ул-ахбор” асари олимнинг улкан илмий меросида ўзига хос ўрин тутиши билан бирга ундаги кўтарилган мавзулар, келтирилган хабарлар, фикр-мулоҳазалар ҳозирги кунда инсоният олдида турган маънавий-маърифий бўшлиқларни тўлдириш, такомиллаштиришга ҳам хизмат қилади.





## САЙФИДДИН БОХАРЗИЙ ФАОЛИЯТИ ЧЕТ ЭЛЛИК ОЛИМЛАР ТАДҚИҚОТЛАРИДА

**НАЗИРОВА ХУРШИДА**

таянч докторант, ЎзР ФАШИ

**Аннотация.** Марказий Осиё тасаввуф тарихишунослигида аксарият муаммолар нақибандия ва яссавий тариқатлари контекстида тадқиқ этилган. Ушбу икки тариқат тарихи ва тарихишунослиги бўйича ҳам хорижий ҳам маҳаллий ишларни кўплаб кўрсатиши мумкин. Лекин бу мулоҳазани минтақа ижтимоий-сиёсий ҳаётида чуқур из қолдирган бошиқа тариқатлар, хусусан кубровия тариқати борасида айтолмаймиз. Масалан, ушбу тариқатнинг минтақада кенг тарқалишида муҳим рол ўйнаган Сайфиддин Бохарзий (ваф. 659/1260), Камол Жандий (ваф. 672/1273), Ҳусайн Хоразмий (ваф. 836/1433) каби маишур кубровийларнинг шахсияти ва маънавий мероси ҳақидаги илмий қарашларни умумлаштирувчи, таҳлилий хулоса берувчи ишлар бармоқ билан санарли. Муаммонинг ана шу жиҳатини эътиборга олган ҳолда тақдим этилаётган мақолада Сайфиддин Бохарзий шахсияти билан боғлиқ айрим муаммоларнинг тарихишунослик таҳлилини амалга оширишга ҳаракат қилдик. Бохарзий шахсиятини ўрганиш мустақилликдан кейин ҳам давом этаяпти. Лекин уни чуқур ўрганиб таҳлил этиши ва ҳужжатлар асосида холи ўрганиши, тасавуф тариқатчисининг бир издошлари сифатида таҳлил этиши бугунги давр талаби десак муболага бўлмайди. Ушбу шахс кўпчилик мутахассисларга О.Д.Чеховичнинг тадқиқотлари орқали таниши. Бугунги кунда ҳам Сайфиддин Бохарзий Ўзбекистонда қабри Бухоро шаҳрида жойлашган тасавуф намояндаси, ўтмишида йирик вақф мулкларига эгаллик қилган хонақоҳи сабаб хотирланади. Аслида ҳам шундайми? Сайфиддин Бохарзий ва унинг фаолияти ҳақида яна нималар маълум? Мақола хорижлик тадқиқотчиларнинг илмий изланишларининг тарихишунослик таҳлили орқали Сайфиддин Бохарзий ва Нажмиддин Кубро муносабатлари, Сайфиддин Бохарзийнинг шахсий ҳаёти, авлодлари ва издошлари, Бохарзий ва Олтин Ўрда хони Беркахон муносабатлари ҳамда унинг ёзма меросининг айрим жиҳатларини очиб беришга бағишланган. Келгусида ҳам Бохарзий шахсига кенгроқ эътибор берилиб, унинг ёрқин шахси ва манавий мероси кенг оммага хавола этилади деб умид билдирамыз.

**Таянч сўз ва иборалар:** Бохарзий, Нажмиддин Кубро, Беркахон, Фатхобод, Фирдавсия, Аврад ал-аҳбоб.

**Аннотация.** В суфийской историографии Центральной Азии большинство проблем изучены в контексте тариқатов Нақибанди и Яссави. Можно привести зарубежные и отечественные исследования по истории этих двух дисциплин духовного усовершенствования. Однако, другие суфийские учения, например тариқат Кубравия, который оставил глубокий след в социально-духовной и политической жизни региона, не достаточно изучены. В том числе очень мало научных работ которые дают аналитические выводы и обобщают научные взгляды о личности и духовном наследии знаменитых последователей Нажмиддина Кубро Сайфиддина Бохарзи (1190–1262), Камоле Жанди (672/1273) и Хусеине Харазми (836/1433), которые сыграли важную роль в распространении этой дисциплины в регионе. Рассматривая именно этот аспект проблемы в представленной статье, мы попытались осуществить историографический анализ особенных проблем, связанных с личностью Сайфиддина Бохарзи. Изучение личности Бохарзи продолжается и в настоящее время. Не будет преувеличением если скажем, что проведение анализа после глубокого его изучения и свободное изучение на основе документов, анализ в качестве одного из последователей суфизма, требование настоящего времени.

Эта личность известна отечественным специалистам по исследованиям О.Д.Чехович, посвященным вақфному имуществу в Бухаре. На сегодняшний день Сайфиддина Бохарзи, могила которого находится в Бухаре, в Узбекистане вспоминают как представителя суфизма, религиозного деятеля владевшего вақфным имуществом в прошлом. Это действительно так? Что еще мы знаем о Сайфиддине Бохарзи и его деятельности? Эта статья посвящена именно раскрытию особенных аспектов отношений Сайфиддина Бохарзи и его наставника Нажмиддина Кубро, личной жизни, потомков и последователей, отношений Сайфиддина Бохарзи с ханом Золотой Орды Берка-

ханом а также его письменного наследия на основе историографического анализа научных изданий зарубежных исследователей. Надеемся, что и в будущем будет уделено широкое внимание на личности Бохарзи, а его яркая личность и духовное наследие получат широкое признание.

**Опорные слова и выражения:** Бохарзи, Наджмиддин Кубра, Беркахан, Фатхабад, Фирдавсия, Аврад ал-аҳбаб.

**Abstract.** In the Sufi historiography of Central Asia, most of the problems are studied in the context of the teachings of Naqshbandiya and Yassaviya orders. According to the history and historiography of these two teachings of spiritual improvement, the works of both foreign and local researchers can be shown. However, we cannot say that these reflections have left a strong sense in the socio-spiritual life of the region like other teachings, including the Kubraviya order. For example, there are very few scientific works that give analytical conclusions and summarize the scientific views on the personality and spiritual heritage of Najmiddin Kubra's famous followers as Sayfiddin Bokharzi (1190-1262), Kamal Zhandi (672/1273) and Husayn Khorezmi (836/1433) who played an important role in the dissemination of this discipline in the region. Considering this aspect of the problem in the present article, we tried to carry out a historiographical analysis of the particular problems associated with the personality of Sayfiddin Bokharzi. The study of the identity of the Bokharzy also continues after independence. It would not be an exaggeration if we say that conducting an analysis after in-depth study of it and free examination on the basis of documents, analysis as one of the followers of Sufism, is a requirement of the present.

This person is known to many local specialists by O.D.Chekhovic's researches, which devoted to waqf properties in Bukhara. Today, Sayfiddin Bokharzi, whose grave is in Bukhara, is remembered in Uzbekistan as a representative of Sufism, a religious leader who owns pious endowments in the past. Is it really so? What else do we know about Sayfiddin Bokharzi and his activities? This article is devoted especially to the disclosure of Sayfiddin Bokharzi's relation with the his preceptor Najmiddin Kubro, the personal life, generations and disciples of Sayfiddin Bokharzi, the relations of Bokharzi with the Berka Khan the ruler of Golden Horde and his written heritage in the base of published works of foreign researchers. We hope that in the future wide attention will be paid to the personality of Bokharzy, and his bright personality and spiritual legacy will receive wide recognition.

**Keywords and expressions:** Bakharzi, Najmiddin Kubra, Berkekhan, Fathabad, Firdawsii, Awrad al ahhbab.

**Кириш.** Кубровия тариқати ва унинг тасаввуф тарихида тутган ўрни ҳақида қатор тадқиқотлар эълон қилинган. Шунга қарамай, ушбу тариқатнинг йирик вакили Сайфиддин Бохарзийнинг (586/1190-659/1260) Мовароуннаҳрда мўғуллар истилосидан кейинги энг оғир даврдаги маданий-маънавий ҳаётдаги фаолияти батафсил очиб берилмаган. Тасаввуфга оид асарларда Сайфиддин Бохарзийнинг Бухорога келиши ва у ердаги фаолияти, издошлари ҳақида берилган маълумотлар тарқоқ ва уларда қарама-қарши фикрлар учрайди. Биз Бохарзийни Нажмиддин Кубронинг таълимотини Ўрта Осиёда тарғиб қилган муриди ва мўғуллар орасида шайх ул-олам номи билан шуҳрат топган мутасаввиф сифатида биламиз. Бохарзий шахсиятига оид Ўзбекистондаги илмий муҳит ва аҳоли орасидаги маълумотлар кам, борлари ҳам бир ёқламадир. Хусусан, совет тарихшунослигида Ўрта асршунос О.Д.Чеховичнинг ишларида асосий эътибор Бохарзийнинг Фатхободдаги хонақоҳи ва унинг набираси Абулмуфаҳҳар Яҳё Бохарзий томонидан бошқарилган вақф мулкларига қаратилган. Шунингдек, Бохарзийнинг мўғуллар даврида Олтин Ўрда хони Беркахонинг мусулмон бўлишида унинг ўрни катта аҳамиятга эга бўлгани ҳақида ҳам ўзининг айрим мулоҳазаларини билдириб ўтган. Бохарзий Нажмиддин Кубронинг издоши, Бухорода мақбараси жойлашган бир мутасаввиф сифатида танилди. Бохарзий деганда яна унинг набираси Абулмуфаҳҳар Яҳё асос солган йирик хонақо ва унинг Бироқ хорижий тадқиқотчиларнинг ишларида Бохарзий шахсияти янада кенг қиррали, ўз даври учун биз англаганимиздан-да таниқлироқ сиймо эканлиги маълум бўлади. Ушбу мақолада биз Бохарзий ҳаёти ва фаолиятига оид хорижий тадқиқотчиларни таҳлили асосида унинг шахсиятини яқинроқ очиб беришни мақсад қилиб олдик.

**Мақсад ва вазифалари.** Сайфиддин Бохарзий ва унинг фаолияти ҳақида яна нималар маълум? Мақола хорижлик тадқиқотчиларнинг илмий изланишларининг тарихшунослик таҳлили орқали Сайфиддин Бохарзий ва Нажмиддин Кубро муносабатлари, Сайфиддин Бохарзийнинг шахсий ҳаёти, авлодлари ва издошлари, Бохарзий ва Олтин Ўрда хони Беркахон муносабатлари ҳамда унинг ёзма меросининг айрим жиҳатларини очиб беришга бағишланган.

**Тадқиқот усуллари.** Ушбу мақолада тарихшунослик усуллари ва таҳлилларидан кенг фойдаланилди.

Сайфиддин Бохарзийнинг тўлиқ исми Абу-л-Маолий Сайид ибн Мутаҳҳар ибн Сайид ибн Али ал-Бохарзий бўлиб, Нишопур билан Ҳирот орасидаги Бохарз мавзесида туғилган<sup>1</sup>.

Турк тарихчиси С.Кўкбулут Нажмиддин Кубро ва Бохарзий муносабатларига кенг тўхталган тадқиқотчилардан биридир. Унинг “Avârifü'l-Maârif” асарига таяниб ёзишича, Бохарзий авваллари сўфий ва авлиёларни менсимайдиган ўқимишли бир ўспирин бўлган. Бир мажлисда буни ўз кўзи билан кўрган ва эшитган Нажмиддин Кубро “Алҳамдуллилаҳ, бу ёш нақадар жуда қобилиятли” деб мажлисни тарк этган. Бундай таърифни эшитган Бохарзий мажлисдан сўнг Нажмиддин Куброни қидириб, ортидан боради. Ана шу тариқа Бохарзий ва Нажмиддин Кубро ўртасида илиқ муносабатлар бошланган<sup>2</sup>. Бохарзийни Нажмиддин Кубронинг ишончли ва яқин муридларидан бири бўлишини қуйидаги маълумотдан билиб олишимиз мумкин. Бир куни Нажмиддин Куброга Хитойдан жориялар келтиришади ва Кубро муридларига бу кеча барчангиз роҳат олиб дам олинг деб изн беради. Лекин Бохарзий кечани уйқу дам олиш билан эмас қўлида бир даста кўза сув билан Нажмиддин Куброни остонасида тонг оттиради. Нажмиддин Кубро бу ҳолатни гувоҳи бўлгандан сўнг унга нима сабабдан унинг остонасида тонг оттирганини сўрайди. Шунда Бохарзий унга устозини кутишдан ортиқ лаззатлироқ нарса йўқлигини айтади. Нажмиддин Кубро, унга кўрсатган ҳурматидан мамнун бўлиб, Бохарзийга унинг ортидан султонлар юришини башорат қилган<sup>3</sup>. Хусусан Мангу хоннинг вазири мўғуллар даврида мовароуннаҳр бошқарувчиси Бурхониддин Маъсуд ибн Маҳмуд Яловоч РРшайхга чексиз ҳурмат кўрсатган<sup>4</sup>.

Д.Девизнинг ёзишича, Бохарзий Нажмиддин Кубронинг ҳузурига келишидан аввал бошқа бир мутасаввиф Шайх Тожиддин Маҳмуд Ал-Ушнуҳийдан хирқа кийган<sup>5</sup>. Лекин кейинроқ Хивага келиб Нажмиддин Кубро хизматига кирган. Мўғуллар истилосидан олдинроқ пирининг кўрсатмаси билан Бухорога келиб, қирқ йил давомида кубравия тариқатини тарғиб қилган<sup>6</sup>. Бохарзий умрининг охиригача Бухорода яшаган. Фатҳободда 658/1259 ёки 659/1260 йилда вафот этган ва ўша ерда дафн этилган<sup>7</sup>.

Манбаларда Бохарзийнинг уч ўғли бўлгани қайд этилган. Катта ўғли Жалолиддин Муҳаммад (в. 661/1263) бўлиб, отасининг вафотидан сўнг Бухорода унинг ишларини давом эттирган. У XIII асрнинг 1260 йилларида Олтин Ўрда ва Чигатой хонлари ўртасидаги ўзаро жанглар пайтида ўлдирилган<sup>8</sup>. Иккинчи ўғли Сайид исми билан танилган Бурхониддин

<sup>1</sup> Algar H. *Nad̲jm al-Dīn Kubrā* // *Enciklopedia of Islam*. Vol. V. – P. 300-301.

<sup>2</sup> Gökbulut S. *Necmeddīn Kübrā ve Kübrevilik*. Dokuz Eylül Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü. – İzmir, 2009 P. 148

<sup>3</sup> Algar H. *Nad̲jm al-Dīn Kubrā* // *Enciklopedia of Islam*. Vol. V. – P. 300-301

<sup>4</sup> İslām Ansiklopedisi. 4. Cildi. TDV.- İstanbul 1991. –S. 474-475

<sup>5</sup> D.Deweese *The Kashf al-Huda of Kamal ad-Din Husayn Khorezmi: A fifteenth-century Sufi commentary on the Qasidat al-Burdah in Khorezmian Turkic*. - Indiana University. PhD. 1985. –P.29

<sup>6</sup> Djomi A. «Nfoxat al-uns». – Tashkent 1915. – Str. 412

<sup>7</sup> Algar H. *Nad̲jm al-Dīn Kubrā* // *Enciklopedia of Islam*. Vol. V. – P. 300-301

<sup>8</sup> Bartold V.V. *Sochineniya II ch.1*. Izdatelstvo Vostochnoy literaturi. Moskva 1963.– Str 120



Аҳмад (в. 696/1297). Хулагулар маликаси Теркен Хотун таклифи билан Кермонга келиб, жануби–шарқий Эронда кубровийликнинг тарқалишига сабабчи бўлган. Унинг ўғли Абулмуфаҳҳар Яҳё Бохарзий (в. 736/1335) эса амакиси Жалолиддин Муҳаммад вафотидан сўнг бобосиниг ишларини давом эттириш учун Кермондан Бухорога келган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, унинг Кермондан кетиши кубровийликнинг заифлашувига сабаб бўлган. Бохарзийнинг кичик ўғли Мазҳаруддин Мутаҳҳар бўлиб, у отасининг кўрсатмаси билан Мавлоно Румийни зиёрат қилиш мақсадида Куния шаҳрида бўлган. Отаси Жалолиддин Румийнинг рубоийларини ўқиб унга ғойибона мухлис бўлганини ва ул зотни топиш учун темирдан чориқ кўлига асо олиб бўлса ҳам Мавлонони топишни буюради. У буюк зотни суҳбатида бўлишни фарз амалини бажариш билан баробар деб билган<sup>1</sup>. Лекин унинг Мавлоно Румий билан кўришган ёки кўришмаганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Абулмуфаҳҳар Яҳё Фатхободда Бохарзийнинг макбараси ва ҳонақосининг асосчиси сифатида тарихда қолди. Араб саёҳатчиси Ибн Баттута ўз кундаликларида Фатхободдаги Бохарзий хонақоҳида меҳмон бўлгани, бу ерда шаҳарнинг энг обрўли кишилари билан йиғилиб суҳбатда бўлганини эслаб ўтган<sup>2</sup>. Абулмуфаҳҳар Яҳё ўзининг “Аврад-ал-Аҳбаб” номли асарида Бохарзийнинг маноқибни ҳақида ёзиб қолдирган. У асос солган Бохарзий мозори вақф мулклари XX аср бошига қадар фаолият юритди<sup>3</sup>. Яна шуни таъкидлаш лозим Бухоро амирлари тахтга ўтиришдан аввал шайхнинг қабрини зиёрат қилишган<sup>4</sup>. Бохарзий вақфи ва Фатхободдаги хонақоси XVIII асргача мавжуд бўлганини кубровий шайхлардан бири бўлган Абд ал- Қаюм Хўжа (1255/1839) бўлиб, у Фатхободда яшаб ижод қилгани маълум<sup>5</sup>. Шундан кўришимиз мумкинки Бохарзий авлодлари ва унинг издошлари Ўрта Осиёда анча вақтгача ўз ўрнини ушлаб турган.

Бохарзий муридлари бир қанча бўлиб бизгача етиб келганлари учта.

Улардан дастлабкиси Саъиддин Хоразмий бўлиб, унинг номи “Аврад ал-Аҳбаб” да ҳам номи зикр қилинган. Иккинчиси Бурҳониддин Бухорий бўлиб, у ҳақидаги маълумотларни Рашиддин (1247/1318) асарларида учратамиз. Бурҳониддин Бухорий насронийлар тарафидан бўхтонга дучор бўлиб Манзига ( Жанубий Хитой) сургун қилиниб ва ўша ерда вафот этган. Гиёсиддин Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” асарида ҳам учратамиз, унга кўра Бурҳониддин Бухорий пойтахт Хонбалиқда яшаган ва у ернинг ҳавосидан заҳарланиб ўлганини ёзиб қолдирган. Шубҳасиз кубровийлик Хитойда маълум муддат яшаганида бу шахсни ўрни бўлган<sup>6</sup>.

Яна кўзга кўринган ва кубровийликни Хиндистонда анча муддат бўлишига сабабчи бўлган муриди Бадриддин Самарқандий (в.1316) бўлиб, силсила ундан машҳур Шарофиддин Аҳмад ибн Яҳё Манирийга, ундан шайх Рухиддин Фирдавсийга ўтган. Рухиддин Фирдавсий ва унинг акаси Низомиддинлар оталари тарафидан Бадриддин Самарқандийга илм олишга топширилади<sup>7</sup>. Ана шу тариқа Кашмир ва Делида кубровийлик тариқати кенг ёйилади.

Яна қизиқарли маълумотлардан бири бу Али Сафийнинг (1461-1532) асари “Рашахот айн ал-хаёт” да Бохарзийнинг нақшбандия тариқатига мансуб бўлган икки шайх билан танишуви ва учрашганидир. Хожа Ғариб ва шайх Ҳасан Булғорийлар билан суҳбатда бўлган<sup>8</sup>.

<sup>1</sup> Gökbulut S. Necmeddin Kübrâ ve Kübrevilik. Dokuz Eylül Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü. – İzmir, 2009

<sup>2</sup> Chexovich O.D. Buxarskie dokumenti XIV veka. T.: Fan, 1965– S. 8

<sup>3</sup> Ўша асар. – Б. 9

<sup>4</sup> N.B. Nemtsova Xanaka Sayf ad-dina Baxarzi v Buxare. Buxoro.2003. – Str. 14

<sup>5</sup> D.DeWeese The Kashf al-Huda of Kamal ad-Din Husayn Khorezmi–P.37

<sup>6</sup> Ўша асар. – Б. 37

<sup>7</sup> Origin delopment Firdausi order and its expansionin India/ chapter II. – P.55

<sup>8</sup> DeWeese.D The Kashf al-Huda of Kamal ad-Din Husayn Khorezmi – P.32. Яна қаранг: ...



Бохарзий шахси тадқиқотларнинг энг қизиқарли ва баҳсли нуқта бу Бохарзий ва Олтин Ўрда хони Беркахоннинг муносабатларидир. Бохарзий фаолияти ҳақидаги ҳикояларнинг кулминацион нуқтаси бу Олтин Ўрда хони Беркахоннинг Бухорога келиши ва Бохарзий кўлида исломни қабул қилишидир. Жамол Қарший Беркахоннинг мусулмон бўлганини ва Бухорога шайхдан дуо-фотиҳа олиш учун келганини ёзиб қолдирган.<sup>1</sup> Замоनावий эрон тарихчилари И.Афшар ва С.Нафисийлар Беркахоннинг мусулмон бўлишида Бохарзийнинг ролини инкор қилшади<sup>2</sup>. Жумладан Жузжоний Беркехонни шайхни кўл остида исломни қабул қилган деб кўрсатган. Жузжоний фақатгина Беркахонни болалигида Хўжанд уламолари тарафидан Қуръон каримдан таҳсил олганини қайд қилган. Ибн Холдун ва Қошақандийлар фикрига кўра Беркахон ислом динини қабул қилишида айнан Бохарзийни ўрни бўлганини тасдиқлашган.<sup>3</sup>

Заҳабийнинг қайд қилишича, Беркахон Шайх Бохарзийни зиёрат қилиш учун Саксиндан (Волга яқинидаги тарихий шаҳар) Бухорога келади<sup>4</sup>. Ундан ташқари Бохарзийни намоз вақтида мўғуллар тарафидан олиб қочиб кетилгани ва уни Бухоро шаҳри ташқарисидаги мўғулларга тегишли бўлган лагерда маълум муддат ушлаб турилган. Хулагунинг вазири ва маслаҳатчиси Насриддин Тусийнинг (1201/1274) Бохарзий шахсиятига қарши рубоий ёзгани ҳақида ҳам қарашлар бор<sup>5</sup>. Беркахон мусулмонларни ҳимоя қилиш мақсадида Хулагунинг ички сиёсатларига аралашган<sup>6</sup>. Шундан сўнг Олтин Ўрдада Ислом дини жадаллик билан ёйилади. Бохарзий ва Беркахон муносабатлари нафақат маҳаллий агиографиялар учун муҳим мавзу бўлди. Балки мўғул задогонларининг Бохарзий шахсиятига мойилигини ҳам оширди. Бундан ташқари, Бохарзий маълум даражада сиёсатга таъсир кўрсата оладиган шахслардан эди. Сайфиддин Бохарзий вазири Қутбиддин Ҳабаш Амидга (в. 658/1260) шеърӣ тарзда ёзилган қуйидаги мисраларни юборади. “Сарой минбарга айланиб бораётганда, минбарнинг умуман бўлмагани яхши”<sup>7</sup>. Вазирни қаттиқ танқид қилган ва фаолиятига аралашмасликга чақирган<sup>8</sup>. Бохарзий Ҳабаш Амидни Юсуф Саккокий ва Бехаддинларнинг ўлимида айблаган<sup>9</sup>. Юқоридаги тадқиқотларни ўрганиш натижасида шуни кўришимиз мумкинки Беркахон болалигидан ислом илмидан таҳсил олган. Бироқ айнан Бохарзийнинг дуосини олиш учун Саксиндан келган ва бу унинг шайхга бўлган чексиз хурматини кўрсатади. Беркехон расман ислом динини давлат дини даражасига кўтарган. Д.Девиз Бохарзийни Беркахонни ислом динини қабул қилишидаги ўрнини икки гуруҳга ажратиб ёзган.

1. Беркахонни мусулмон бўлишида Бохарзийнинг ўрни;
2. Беркахоннинг болалик чоғларидан ислом муҳитида вояга етгани<sup>10</sup>.

Лекин Ж.Ричард илмий тадқиқотида Беркехонинг ислом динини қабул қилишида Бохарзийнинг ўрни бўлган ёки бўлмаганлигини катта эътибор бермаган. Унинг асосий мақсади илмий ишида Беркахонинг болалигидан ислом муҳитида ва отаси Жучининг буйруғи билан Қуръон илмидан таҳсил олгани, Бохарзийнинг таъсири мавжуд эмаслигини,

<sup>1</sup> Abuseitova M.X. Istoriya Kazaxstana v persidskix istochnikax. Djamal al-Karshi. Tom 1. Dayk-Press, 2005. –Str. 120

<sup>2</sup> DeWeese.D.The Kashf al-Huda of Kamal ad-Din Husayn Khorezmi. – P.26

<sup>3</sup> Ўша асар. – Б.28

<sup>4</sup> Zehebî, Târihu’Islâm, XLV. – s.191.

<sup>5</sup> D.DeWeese The Kashf al-Huda of Kamal ad-Din Husayn Khorezmi: –P.31

<sup>6</sup> Shpuler B.Zolotaya Orda mongoli v Rossii 1223-1502 gg. –Kazan, 2006. – S. 66.

<sup>7</sup> Bartold V.V. Sochineniya II ch.1. Izdatelstvo Vostochnoy literaturi. Moskva 1963. – Str 62

<sup>8</sup> Chexovich O.D. Buxarskie dokumenti XIV veka. T.: Fan, 1965-S.18

<sup>9</sup> Bartold V.V. Sochineniya II ch.1. Izdatelstvo Vostochnoy literaturi. Moskva 1963. – Str 148

<sup>10</sup> D.DeWeese The Kashf al-Huda of Kamal ad-Din Husayn Khorezmi. –P.27

лекин кейинчалик Ж.Ричард қисман бўлса ҳам ўрни борлигини тасдиқлайди. Бунга Жузжонийнинг ёзма манбаъси “Табоқоти Насир”да Хулагу амакси бўлмиш Беркахонинг Бохарзий бошчилигида ислом динини қабул қилганини айтган. Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг тарихчиси Насавийнинг маълумотларига ҳам таяниб билдирган мазмундаги фикрларни илгари суради<sup>1</sup>. Эронлик тадқиқотчилар Беркахонинг мусулмон бўлишида Бохарзийни ролини инкор қилади. Бохарзий ҳақида даставвалги ёзма маълумот Жувайнинг 1250 йилда ёзилган “Тарихи жаҳонгушой”да, Чингизхонинг тўртинчи ўғли Тўлайнинг аёли Сўрқоктаний (в. 649/1252) насроний бўлишига қарамай, 1000 болиш кумуш сарфлаб, мадраса ва ҳонақолар қурдирган. Мадрасаларни бошқариш эса Сайфиддин Бохарзийга топширган.<sup>2</sup> Ундан кейинги маълумотни ўрта аср таиҳчиси Жузжоний Абу Умар Минхожиддин Усмон ибн Сирожиддиннинг (1193-1262) “Табақоти Носирий” (“Носир туркумлари”) тарихий асарида кўрамиз. Жузжоний асарида Олтин Ўрда хони Беркахонинг мусулмон бўлишида Бохарзийнинг сабабчи бўлганини кўрсатган.

Бохарзий фақатгина мутасаввиф зоҳид эмас балки форс тасаввуфий адабиётида ҳам кўзга кўринган шахс бўлгани ва ўз даврининг етук ижодкор шахс сиймосида кўришимиз мумкин. Бугунги кунгача тасаввуфшунос олимлар Бохарзий қаламига мансуб бир қанча асарларини аниқлашга муваффақ бўлганлар. Улар қуйидагилардир.

1. Шарҳ ал-асмо ал-хусно (Аллоҳнинг гўзал исмлари шарҳи)
2. Рисола дар Ишқ (Ишқ ҳақида рисола)
3. Воқеаи хилват (Хилватдаги воқеа)
4. Рубоиёт
5. Рўзнома
6. Васиятнома<sup>3</sup>.

Шарҳ ал-асмо ал-хусно ва Васиятнома асарлари сақланиб қолмаган, лекин Аврад ал-аҳбобда номи зикр қилинган. Воқеаи хилват (Хилватдаги воқеа) араб тилида ёзилган кўлёмаси бўлиб, у “Leiden” университетиде сақланади. Ф.Майер томонидан ўрганилиб чоп этилган. Ушбу асарда Бохарзийнинг Нажмиддин Кубро томонидан олган тажрибалари ва илк сўфийлик ҳаёти ҳақида ёзилган. Рисола дар Ишқ (Ишқ ҳақида рисола) форс тилида бўлиб Эронлик олим И.Афшар томонидан тадқиқотлар олиб борилиб Техронда чоп этилган. Рубоиёт асарида тўртликлар ва тасаввуфий шеърлар битилган. Яна иккита асари бўлиб, афсуски бизгача етиб келмаган. Улардан бири “Сирли кундалик” номли асари бўлиб ундан набираси Абулмуфаҳҳар Яҳё бобосини маноқибини ёзишда кенг фойдаланган. Иккинчиси “Бутхана” бўлиб Қутбиддин Хабаш Амидга номига ёзилган хатларидан иборат бўлган.<sup>4</sup> Бохарзийнинг ижоди билан биз унинг набираси Абулмуфаҳҳар Яҳёнинг асари “Аврад ал-Аҳбоб” асари орқали ҳам яқиндан танишимиз мумкин. Хуросонда мутасаввуф уламолар минбарларда туриб ваъз ўқишган. Уламоларнинг ваъзларини қайд қилиб ёзиб боришган ва шу бунинг натижасида ҳар бир уламоларнинг муридлари бўлган. Бохарзий ҳам ўша даврда вазиятга қараб хонларнинг топшириғи билан масжид минбарларида ваъз маърузалар қилган. Аммо унинг маърузаларини биронта муриди ёзиб олмаган. Биз унинг ёзганларини набираси ёзиб қолдирган асардан топамиз. Абулмуфаҳҳар Яҳё китобида алоҳида бўлим ажратиб,

<sup>1</sup> J.Richard. Berke han'in islam'a giriři ve altınordu hanlığında islamiyetin yayılıřı. (Tercüme: Dr. Abdulkadir Yuvalı) /Türk kültürü. -. Ekim 1988. Sayı 306. -S

<sup>2</sup> J.A.Boyle. The history of the world-conqueror. Manchester university press. PhD. vol II. 1985. -P.552

<sup>3</sup> D.DeWeese The Kashf al-Huda of Kamal ad-Din Husayn Khorezmi –P.32

<sup>4</sup> Ўша асар.– Б. 33



ахлоқ нормаларига алоҳида урғу берган. Бохарзий хусусан ночор-бечораларга ва сўфийларга ҳалим муносабатда бўлиш кераклигини, хаттоки душманлар билан ҳам ахлоқ нормасидан четга чиқмаган ҳолда муомила қилиш зарурлигини уқтирган. “Аврад ал-Аҳбоб”да Бохарзийнинг шеърлари асосан куръон оятларини ўқигандан сўнг ёзилган дейилади.

Бохарзийнинг ижоди ва маърузаларини айрим муридлари ёзиб қолдиришган, биз уларни учта манбадан билиб олишимиз мумкин<sup>1</sup>.

1. Яхё Бохарзийнинг “Аврад ал-Аҳбоб”.

2. Абу-л-Мажда Муҳаммад ибн Маъсуд ибн Музаффар Табризийнинг “Сафинаи Табризий” асари (721-723/1321-1323)<sup>2</sup>.

3. Джунг-и Маҳдави<sup>3</sup>

Ушбу асарлар орқали Бохарзийни шеърятини ва маърузалари билан қисман бўлса ҳам яқиндан танишимиз мумкин. Бохарзий ўзи шеър ёзгани билан, ўзини ижод маҳсули деб айтолмаймиз. Чунки Хуросон мистика муҳаббат “тасаввуф ошиқона мазҳаби” мактабига мансуб бўлган. Милодий V аср ва VI аср бошларида Шарқий Хуросон, Нишопур, Тус, Хирот ва унинг атрофидаги шаҳарларда вужудга келди. Қитъа, рубои ва ғазаллардан иборат бўлиб бошқа заминларга етиб борди. Айнан Бохарзий мазкур ишқ мактабининг Бухорода кенг ёйилишига сабабчи бўлди. Бохарзий ишқ-муҳаббат нафақат Аллоҳ билан одамлар ўртасида, балки инсонлар ўртасидаги муҳаббатни ҳам тараннум этган. Бохарзий ҳақиқий муҳаббатга мурожат қилмоқчи бўлганда, яъни инсоннинг Аллоҳга бўлган муносабти. У куръонга юзланган. Унинг фикрича куръон бу – ўз ичидаги яширин китобдир. Шайх ул-олам инсонлар ҳайвонларни севолмаса улар ҳақиқий ишқ таъмини унутганлардир деб таърифлаган. Ишқсиз муҳаббатсиз инсонларни эшак билан қиёслаган<sup>4</sup>. Бохарзий тасаввуф ишқ

**Хулоса.** Бохарзий ўз даврининг кўп қиррали шахсларидан эди. Кубровийлик тариқатининг XIX асргача яшаб келишига ҳисса қўшган кубровий шайхларидандир. Мўғуллар истилоси даврида маълум даражада сиёсатга ҳам ижтимоий ҳаётга ўз таъсирини ўткази олган мутасаввуфлардандир. Хорижий тадқиқотчиларнинг ишларини ўрганганимизда Олтин Ўрда хони Беркахонинг мусулмон бўлишида Бохарзийнинг таъсирини инкор қилишган. Аммо буткул инкор қилишолмаган. Чунки Бохарзий ҳақиқатан ҳам мўғул хонларига ва вазирларига ўз сўзини ўткази олган шайхлардан бири бўлган. Тадқиқотларга таянган ҳолда қисман бўлса ҳам Беркахон болалигидан ислом муҳитида вояга етган бўлиши мумкин, лекин айнан Бохарзийни қўлидан ислом динини қабул қилиб мўғуллар ўртасида ислом динини давлат дини даражасига кўтаргани ойдек равшан. Беркахонинг ислом динига ўтиши мусулмон бўлишига сабабчи бўлган шайхлардан деб ва мўғуллар ўртасида шайх ул-олам даражасига етиши таҳсинга лойиқ. Бохарзий Марказий Осиёдаги таниқли мутасаввуфлардан бири. Унинг асарлари, аниқроғи адабий мероси Эрон, Туркия ва Ҳиндистонда бир мунча ўрганилган. Лекин кубровий шайхи сифатида Мовароуннаҳрдаги фаолияти чуқур ўрганилмаган. Бу йўналишдаги тадқиқотлар Кубровия тариқати тарихи ҳақидаги тасаввуфларимизни бойитишга хизмат қилади.



<sup>1</sup> Purdjavadi N. Koranicheskie izyashstva na sobraniyax Sayf ad-dina Baxarzi (per. na russ. yaz. A.A.Xismatulin) / Sufizm v Tsentralnoy Azii. – Sankt-Peterburg. 2001. – S.83.

<sup>2</sup> Ўша асар. -Б. 86.

<sup>3</sup> Ўша асар. -Б. 317.

<sup>4</sup> Ўша асар. -Б.89.

## ПЕРСОНАЖЛАР НУТҚИ ТАРЖИМАСИДА ҚЎЛЛАНГАН ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР

**НАЗРУЛЛАЕВА ГУЛНОЗА**

ўқитувчи, ТДШИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада таржимашунослик соҳасидаги мураккабликлар ва қийинчиликлар ечими ҳақида сўз юритилган. Булар таржимага оид назарий материаллар, илмий адабиётлар ва таржима тўпламлари асосида ёритиб берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, мамлакатимизнинг изчил ривожланиб бораётган иқтисодиётини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, барча ҳудудлар ва тармоқларни стратегик жиҳатдан комплекс ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш борасида олий таълим тизими иштирокини кенгайтириш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир.

Мақолада персонажлар нутқидаги фразеологизмларнинг сўз таржимаси ўрнида қўлланилиши, ибораларни таржима қилиш қоидалари, таржимонларнинг сўз танлашидаги маҳорат назарий материаллар, илмий адабиётлар ва таржима тўпламларидан олинган маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Бунда таржимашунослар, жумладан, *Ғ.Саломов, А.Иброҳимов, А.Файзуллаев, Ж.Шарипов, Н.Комилов, Қ.Мусаев, З.Исомиддинов, Э.Очилов* каби олимларнинг бу соҳада тўплаган тажрибаларига асосланган. Ибораларни ўзга тилга таржима қилишда, аввало, уларнинг эквивалент ёки муқобилларини тўғри танлай билиш, шу билан бирга, у ёки бу иборанинг таржима тилида мавжуд бўлган вариантларини қўллаш керак. Таржимон сўз танлашида синонимлардан тўғри фойдаланиши, таржимага қўл урган таржимоннинг сўз бойлиги етарли бўлиши, она тилидаги синонимларни бир-биридан эҳтиёткорлик билан фарқлай олиши, уларнинг маъно даражаси, стилистик таъсирчанлиги, контекстда бажараётган вазифасига кўра маъқулини танлаб, ўз ўрнида ишлата билиши керак. Шундагина ибораларда акс этган миллий руҳ таржимада ўз ифодасини тўлақонли топishi мумкин.

**Таянч сўз ва иборалар:** таржима, персонаж нутқи, фразеологизм, эквивалент, муқобил, ибора, миллий колорит, синоним, контекст.

**Аннотация.** Статья посвящена трудностям и решению проблем переводоведения. Проблема освещена на основе теоретических материалов, научной литературы и сборников, посвященных переводоведению. Постановление Президента Республики Узбекистан: “О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях” и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформ, повышению качества подготовки специалистов с высшим образованием.

В данной статье проанализировано использование фразеологизмов в речи персонажей, правила перевода таких выражений, теоретические материалы, умелый подход при выборе слов, сведения из научной литературы и сборников посвященных переводоведению. Также проанализирован накопленный опыт известных специалистов сферы переводоведения в частности: *Г.Саломова, А.Иброҳимова, А.Файзуллаева* и др. При переводе слов на иностранный язык, в первую очередь, необходимо использовать их эквивалент или синоним. Переводчик должен умело выбирать синонимы, обладать богатым словарным запасом, с осторожностью выбирать синонимы на родном языке, понять значение слова, влияние стилистики, уметь выбрать необходимое слова, исходя их контекста.

**Опорные слова и выражения:** перевод, речь персонажа, фразеологизм, эквивалент, фраза, национальный колорит, синоним, контекст

**Abstract.** *The article is devoted to the hardships and solution of the problems in sphere of translation studies. The problem takes up on basis of theoretical materials, scientific literature and collections, which devoted to translation studies. The decree of the President of the Republic of Uzbekistan about additional measures of rising the quality of education at the universities and backing of their active participation in realization in the country of full-scale reforms, improving the training of the personnel with university-level education.*

*In this scientific article we analyzed of using of phraseologies instead of translation of the words, the rule of translation of expressions, theoretical materials, skillful approach in choosing of the word, information from scientific literature and collections, which devoted to translation studies. Also it was analyzed know-how of well-known specialists in sphere of translation studies in particular: G.Salomov, A.Ibrohimov, A.Fayzulayev, J.Sharipov, N.Komilov, Q.Musaev, Z.Isomiddinov, E.Ochilov. It should be used its equivalent or antonym in translation of the term. Translator should skillfully chose the synonyms in native language, to understand the meaning of the word, the influence of the stylistic, ability to chose necessary word on the basis of context of the sentences. Only in this case translation of the word fully reflects the folk spirit.*

**Keywords and expressions:** *translation, character's speech, fraseologism, equivalentus phrase, National Accents, synonym, context.*

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, мамлакатимизнинг изчил ривожланиб бораётган иқтисодиётини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, барча ҳудудлар ва тармоқларни стратегик жиҳатдан комплекс ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш борасида олий таълим тизими иштирокини кенгайтириш йўлидаги яна бир муҳим кадамдир<sup>1</sup>.

Фарзандларимизни мустақил фикрлари, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мустаҳкам ҳаётий позитсияга эга, чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш биз учун долзарб аҳамиятга эга бўлган масала ҳисобланади<sup>2</sup>.

**Мақсад ва вазифа.** Ҳар бир ижодкор ўз асарлари орқали унинг ўзигагина хос бўлган бадиий тафаккурни намоён этади. Ижодкор бадиий тафаккурини таржимада сақлаб қолиш, унинг услуби қонуниятларини англаб етиш, миллий руҳиятини сақлаш ва таржимада персонаж нутқини ўзига хос хусусиятларини бериш мақсадида тадқиқотда персонажлар нутқидаги қўлланилган фразеологизмларни таржима қилиш қоидалари, сўз танлашдаги маҳоратларни ечиш борасида амалга оширилаётган тадқиқотлардан олинган маълумотлар асосида таҳлил қилиш, Ғ.Саломов, А.Иброҳимов, А.Файзуллаев, Ж.Шарипов, Н.Комилов, Қ.Мусаев, З.Исомиддинов, Э.Очилов каби таниқли олимларнинг бу борада тўплаган тажрибалари ўрганиш асосида таклиф ва тавсиялар беришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйгандик.

**Усуллар.** Илмий мақолани ёзишда назарий-методологик, тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, чоғиштириш ва лингвوماданий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди

**Натижалар ва мулоҳаза.** “Фраза, фразеология, фразеологизм терминларининг барчаси юнонча бўлиб, фраза – ибора, жумла; қанотли сўз, ҳикматли барқарор бирикма, фразеология – ана шу барқарор сўз бирикмалари – иборалар мажмуи, фразеологизмлар – турғун сўз бирикмалари маъноларини билдиради.

<sup>1</sup> О‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 20 apreldagi “Oliy ta’lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-2909-sonli Qarori [The decree of the President of the Republic of Uzbekistan about additional measures of rising the quality of education at the universities ПҚ -2909]

<sup>2</sup> Mirziyoyev Sh. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz [Sh.Mirziyoyev Our great future we will built together with brave and noble nation] O‘zbekiston, 2017. 157-158 b.



Тузилишига кўра гапга ва сўз бирикмасига тенглиги, бир бутун маъно англатиши, нутққа тайёр ҳолда олиб кирилишини жиҳатида фақат идиома – ибораларгина эмас, мақол ва маталлар ҳам фразеологизмларга киритилади<sup>1</sup>.”

Фразеологизм – турғун бирикмаларнинг образли, кўчма маънога эга тури бўлиб, тил эгасининг дунёни, ҳодисаларни ўзига хос кўришини намоён этади. Фразеологизмлар ҳар доим халқ дунёқараши, жамият тузилиши ва ўз даврининг мафкурасини билвосита акс эттиради. Ҳар бир тилнинг фразеологизмларида халқ ҳаётига мансуб ижтимоий-тарихий воқеа-ҳодисалар, ахлоқий ва маънавий-маданий меъёрлар, диний тасаввурлар, миллий анъана ва урф-одатлар, маданий стереотиплар ва архитеплар ўз аксини топган бўлиб, улар авлоддан-авлодга узатилади<sup>2</sup>.

Фразеологизмлар миллийликка асослангани учун уларни таржима қилиш ҳамиша қийинчилик туғдириб, кўпинча муайян муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлади. Одатда, бошқа тилга уларнинг шакли эмас, мазмуни кўчади. Лекин ана шу мазмунни тўғри ифодалаш, у ёки бу фразеологизмнинг бошқа тилдаги мувофиқ муқобилини топпиш учун баъзида бир неча авлод таржимонлар изланишлар олиб борганлар. Атоқли таржимашунос Ғ.Саломовнинг кузатишича, биргина говорить русским языком матали ўзбек тилига дастлаб рус тилида гапирмоқ, кейин очик-ойдин айтмоқ, лўнда қилиб гапирмоқ, она тилида гапирмоқ, ўзбек тилида гапирмоқ шаклларида таржима қилинган. Улар орасида контекстга энг мувофиғи лўнда қилиб гапирмоқ, дейди олим, чунки бу маталдан мақсад сода ва тушунарли қилиб гапиришдир<sup>3</sup>.

Таржиманинг аслиятдан узоқлашиб кетиши ҳоллари хусусида таржимашунос олим Қ.Мусаев шундай ёзади: “Фразеологик бирликлар маъно ва услубий вазифа жиҳатларидан уйғун бирликлар орқали эмас, балки эркин маънодаги лексик бирликлар орқали ўгирилганда, лексик бирликлар аксарият кўп маъноли бўлганликлари учун асарни ўгираётган таржимон бирикни керакли маъносида эмас, балки бошқа маънода тушуниб, ўз тилига ўгириши, натижада таржима аслиятдан бутунлай узоқлашиб кетиши ҳоллари ҳам содир бўлади”<sup>4</sup>.

Бир тилдаги фразеологик ибораларни иккинчи тилга эквивалент ёрдамида таржима қилишнинг иложи бўлмаганда, яъни таржима тилида аслиятдаги иборага мос эквивалент топилмаганда, таржимон муқобил вариантларга мурожаат қилади. Чунки, кўпинча ибораларнинг бошқа тилде эквиваленти бўлмаса ҳам, у бирон-бир муқобил вариантларга эга бўлиши мумкин. Муқобил вариантлар ёрдамида таржима қилинганда эквивалент ёрдамида таржима қилгандагига нисбатан ҳам кўпроқ эҳтиёт бўлиш зарур. Чунки икки тил иборалари юзаки қараганда баъзан бир-бирига муқобилдай кўринса-да, аслида улар маъно ва стилистик функция жиҳатларидан бир-биридан фарқ қилиши, яъни бир-бирига сохта муқобил вариантлар ташкил этиши мумкин. Бу, албатта, кўпроқ уларнинг бир-биридан лексик таркиб жиҳатдан фарқ қилиши билан боғлиқ. Бундан ташқари, ҳар тилде қатор синонимик ибораларни учратамизки, улар ҳам маъно ёки услубий вазифаси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Бинобарин, аслият ва таржима тилидаги ибораларнинг маъноларини чуқур билмасдан туриб, уларни таржима қилиш кўп ҳолларда аслиятда мужассамлашган маънонинг таржимада акс этмай қолишига олиб келиши мумкин. Мутаржим аслиятдаги иборани

<sup>1</sup>Ochilov E. Tarjima nazariyasi [Ochilov E. Translation theory] Tashkent, TSUOS.Pp. 65

<sup>2</sup>Usmanova Sh. Tarjimonlik faoliyatining lingvomadaniy aspektlari [Usmanova Sh. Linguistic aspects of interpreting] Tashkent, TSUOS.Pp. 98

<sup>3</sup>Salomov G'.Til va tarjima [Salomov G. Language and translation] Tashkent, “Fan” publ., Pp. 240-243.

<sup>4</sup>MusayevQ. Tarjima nazariyasi asoslari [Fundamentals of translation theory] Tashkent, “Fan” Publ., 2005, pp. 11.

тўғри таржима қилиш учун таржима тилидаги мавжуд синонимик иборалардан энг мосини танлаб олиши керак. Баъзан ҳатто бир-бирига жуда яқин қардош тилларда ҳам бир хил маънода ишлатилган ибораларнинг тузилиши, шакли ва образли асослари бутунлай бошқача бўлиши мумкин. Ғ.Саломов фақат маънолари контекст ичидагина бир-бирининг ўрнини қоплай оладиган ибораларни муқобил бирикма деб ҳисоблайди. “Баъзан, деб таъкидлайди Ғ.Саломов, бир бирикмага айна контекст ичида бир эмас, бир неча бирикма мувофиқ келиши мумкин. Бирикманинг муқобиллари ёки муқобил вариантлари фақат контекст ичидагина бир-бирини алмаштира олар экан, бунда уларнинг маъноси тўғри келса ҳам, кўпинча шакллари ва, айниқса, объектлари мувофиқ тушмайди”<sup>1</sup>.

Фразеологизмлар англатган маъно тушунмай, уларни нотўғри талқин этиш, бузиб таржима қилиш асар мазмунини бузибгина қолмай бадий қимматига ҳам путур еткази<sup>2</sup>.

Мақол, матал ва идиомалар таржимасида уч принцип ҳукм суради: 1) асл нусхадаги фразеологизмга таржима тилидан тенг қийматли эквивалент қидириб топиш; 2) асар ўгирилаётган тилдан монанд муқобил вариант топиб қўйиш; 3) фразеологизмни айнан, сўзма-сўз таржима қилиш. Ҳар учала ҳол ҳам учрамаган тақдирда таржимон уларнинг умумий маъносини акс эттириш билан кифояланишга мажбур бўлади<sup>3</sup>.

Таржимада йўл қўйилган айрим хато ва ноаниқликларнинг йўқлиги таржима сифатининг юксаклигидан далолат бера олмаганидек, уларнинг мавжудлиги ҳам таржиманинг сифатсиз, талабга жавоб бера олмайдиган эканини билдирмайди. Бирон таржимани тадқиқ этмоқчи бўлган тадқиқотчининг диққат марказида таржимада оригиналга хос бўлган таъсир кучи, оригиналнинг ғоявий ва бадий қиммати тўла сақланганми ёки йўқми деган масала туриши керак.

Биз мазкур илмий мақоламизда бадий таржиманинг баъзи умумий масалаларини баҳоли қудрат кўриб чиқишга ҳаракат қилинди. Мавзу билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда ҳинд ёзувчиси Кришан Чандарнинг “Дадар кўпригидаги болалар” ва “Бир қизга минг ошиқ” каби асарларнинг таржимасини асосий материал қилиб олинди. Шуни таъкидлаш керакки, “Дадар кўпригидаги болалар” ҳикояси ўзбек тилига серқирра ва моҳир таржимон Ансориддин Иброҳимов таржима қилган. Асарда берилган фразеологик бирликлар мутаржим томонидан катта маҳорат билан ўзбек тилига ўгирилган. “Бир қизга минг ошиқ” романи таниқли таржимон Амир Файзуллаев томонидан ўзбек тилига ўгирилган.

Фразеологик бирликларни сўзма-сўз таржима қилиш уларнинг таржима қилинаётган тилда мавжуд бўлган муқобилини топишга ёки масалага ижодий ёндашиб, аслиятдаги иборага мувофиқ келадиган ва унинг маъносини тўлиқ ифодалайдиган янги ибора яратишга нисбатан анча енгил. Аммо асл нусхадаги у ёки бу иборанинг аниқ, бадийлик ва маъно жиҳатдан пишиқ муқобили асар таржима қилинаётган тилде бўлса-ю, таржимон буни эътиборга олмаса, бу камчилик ҳисобланади. Гап ўша иборанинг муқобилини топа билиш ва ўз ўрнида қўллай олишдадир.

Асарларда қўлланилган иборалар устида олиб борилган илмий иш жараёнида иборалар сифатида ҳар қандай фразеологик бирикма, яъни мақол, ҳикматли сўз ёки афоризмларни эмас, фақат турғун бирикмаларни олишга ҳаракат қилдик ва уларнинг аслиятдаги маъноси, шакли, бадий таржимада берилган муқобилларини қиёслаб, уларни уч гуруҳга бўлиб таҳлил қилишга уриндик.

<sup>1</sup>Salomov G'. Til va tarjima [Salomov G. Language and translation] Tashkent, “Fan” Publ., 1966. Pp. 267.

<sup>2</sup>Ochilov E. Tarjimashunoslikning nazariy masalalari [Ochilov.E. Theoretical problems of translation studies] Tashkent, TSUOS, 2014. Pp. 35

<sup>3</sup>Salomov G'. Tarjima nazariyasi asoslari [Salomov G. Fundamental of translation theory] Tashkent, “Fan” publ., pp. 163.



“और तुम जो यह जुआ<sup>1</sup> खेल रहे हो, यह दाखू पी रहे हो, यह मच्छी खा रहे हो, यह किसकी मेहनत की कमाई है?” यकायक कोली गुस्से से अपने पति की ओर देखकर बोली ।

- Сен бу ерда қимор ўйнаб ўтирибсан, захрингга бўза ичаяпсан, балиқ еяпсан – булар бари кимнинг меҳнатига келган? – бирданга Кўлий жаҳл билан эрига ташланиб қолди-ку.

Таржимон “Захрингга бўза ичаяпсан” иборасини ишлатган. Аслиятда эса “Бу ичимликни ичаяпсан” деб оддий гап билан берилган. Таржимон ушбу жумла маъносини кесатув йўли билан кучайтириб берган. Аслиятда эса бундай эмас.

“धत् तेरे की! आज अपनी किस्मत ही ख़राब है!” हमीदा टैक्सीवाले ने रेल की पटरी पर पान की पीक ज़ोर से थूकते हुए कहा ।

- Падарига лаънат! Бугун ўзи чап ёним билан турган эканман, - деди Ҳамид таксичи темир йўл изига оғзидаги понни қаттиқ туфлаб ташларкан.

Бу жумлада таржимон оддий гапни ибора тарзида таржима қилган. *आज अपनी किस्मत ही ख़राब है!* Жумлани мутаржим *Бугун ўзи чап ёним билан турган эканман* қуйидаги ибора билан ўзбек тилига ўгирган. Кейинги гапда аслиятдаги *पान* сўзи ҳинд миллатига тегишли миллий хос сўздир. Миллий хос сўзлар таржима қилинмайди, қандай бўлса шундайлигича берилади. Аммо таржимон ушбу *पान* (пан) сўзини *пон* дея ўзбекчалаштириб берган.

कुली, पानवाले, फलवाले, टैक्सीवाले और प्राइवेट गाड़ीवाले सब-के-सब निराश होकर अपना-सा मुँह लेकर रह गए ।

Ҳамма - понфурушлар, мевафурушлар, таксичилар ва киракаш ҳайдовчилар – барчаларнинг тарвузлари қўлтиғидан тушиб, мунғайиб қолишди.

Мутаржим таржима қилиш жараёнида аслиятдаги *निराश होकर* (хафа бўлиб) гапни *Тарвузи қўлтиғидан тушиб* ибораси билан ўзбек тилига моҳирона ўгирган. Таржимон аслиятдаги гапнинг бўёқдорлигини оширмоқчи бўлган ҳамда, ўзбек ўқувчисига ўқиш жараёнида таржима асардан завқ олишлари учун шундай таржима қилган десак муболаға бўлмайди.

शर्म नहीं आती। मुसटण्डी। जवान-जहान<sup>2</sup> लाढ़ा-सी होकर भीख माँगती है। जा कोई घर कर ले ।"

- Уялмайсанми! Ярамас! Тўрт мучаси соппа-соғ, ёш бўла туриб, садақа тиланади-я! Бор, эрга тегиб ол.

*जवान-जहान लाढ़ा-सी होकर भीख माँगती है* гапни таржимон “*Тўрт мучаси соппа-соғ, ёш бўла туриб, садақа тиланади-я!*” дея ўзбек тилига ўгирган. Бу ерда таржимон қисқа гапни узунроқ қилиб, ҳамда фраза қўшиб таржима қилган. Таржимон “*Тўрт мучаси соппа-соғ*” фразасини контекстан келиб чиққан ҳолда ўзидан қўшади. *जा कोई घर कर ले!* (*Бор биронта уйга жойлашвол.*) жумласини таржимон контекстан келиб чиққан ҳолда *Бор, эрга тегиб ол* дея ўзбек тилига таржима қилган.

कोई दीवार नहीं है और कोई जेल नहीं है – मैं तो कहीं भी जा सकती हूँ। बुजदिल मैं नहीं हूँ ।

Менга деворлари ҳам, қамоқхонаси ҳам бир пул – тўрт томони қибла.

2. Аслият ва таржима матнида шаклан фарқли, лекин маъно жиҳатдан муқобил иборалар. Асарнинг ҳиндча ва ўзбекча матнлари устида ишлаш давомида баъзи ибораларнинг айнан таржимаси ҳеч қандай фразеологик маъно касб этмаслиги, таржимоннинг бундай ибораларнинг маъно муқобилларини аниқ топиб қўя олганининг гувоҳи бўлинди.

<sup>1</sup>Barxudarov A. S., Beskrovniy V. M. Xindi-Russkiy slovar [ Barxudarov A. S., Beskrovniy V. M. Hindi-russian dictionary] Moscow, Encyclopedia., 1972, pp. 615.

<sup>2</sup> Ўша асар. Б. 595.

" साली बलोची ने दाँत पीसकर कहा, "तुझ पर कुत्ते न छुड़वा दूँ तो अहमद यार खाँ नाम नहीं"।

- Лаънати! – деди балужий ғижиниб. – Бошингга ит кунини солмасам, Аҳмад Ёр Хон отимни бошқа қўяман!

Таржимон аслиятдаги “Сенга итлар озод бўлмаслиги керак, Аҳмад Яр Хон номи эмас” иборасини ўзбек тилига куйидаги фраза билан беради “Бошингга ит кунини солмасам, Аҳмад Ёр Хон отимни бошқа қўяман”.

आज उसे क्या हो गया? यकायक लाची के मन में खयाल आया-यह कमबख्त मेरे आने से पहले ही दुकान बन्द करके भाग जाना चाहता है। ठीक हुआ मैंने इस भागने से पहले पकड़ लिया।

Бугун унга нима бўлди экан? Бирдан Лаъчийнинг кўнглига бир гап келди: бу жувонмарг мен келишимдан олдинроқ қуённинг расмини чизиб қолмоқчи бўлган. Ҳа, мендан қочиб қаёққа борардинг, шоввоз!

Бу жумлада Лачи дўконга етиб келганида, Мадхў дўконини беркитмоқда эди. Лачи сал нарида туриб, унинг дўконни беркитишига қараб турди ва шунда у Мадхў қочиб кетяпти деб ўйлади. Таржимон қочиб кетиш саҳнасини “қуённинг расмини чизиб қолмоқчи” ибораси билан қўллаган. Аслиятда ҳеч қандай ибора берилмаган. Мутаржим контекстдан келиб чиққан ҳолда тўғри ибора ишлатган десак бўлади. Ушбу гапга таржимон ўзидан “шоввоз” сўзини киритади. Шоввоз дегани ҳар қандай ишни эплай оладиган, қойил қиладиган; азамат инсонга айтилади. Бу ерда таржимон кесату оҳангида қўшган десак бўлади.

" शर्म नहीं आती। मुसटण्डी। जवान-जहान लाढ़ा-सी होकर भीख माँगती है। जा कोई घर कर ले।"

- Уялмайсанми! Ярама! Тўрт мучаси соппа-соғ, ёш бўла туриб, садақа тиланади-я! Бор, эрга тегиб ол.

जवान-जहान लाढ़ा-सी होकर भीख माँगती है гапини таржимон “Тўрт мучаси соппа-соғ, ёш бўла туриб, садақа тиланади-я!” дея ўзбек тилига ўгирган. Бу ерда таржимон қисқа гапни узунроқ қилиб, ҳамда фраза қўшиб таржима қилган. Таржимон “Тўрт мучаси соппа-соғ” фразасини контекстдан келиб чиққан ҳолда ўзидан қўшади. *जा कोई घर कर ले!* (Бор биронта уйга жойлашвол.) жумласини таржимон контекстдан келиб чиққан ҳолда *Бор, эрга тегиб ол* дея ўзбек тилига таржима қилган.

Фразеологизмларнинг маъноси ва объекти мазмун ва шакл масаласи ҳисобланади. Икки тилда бирикманинг барча шакл ва объектлари мувофиқ келса ҳам, аммо асосий нарса – маъно монандлиги бўлмаса, бу бирикмалар бир-бирига муқобил бўла олмаслиги яхши маълум.

Маълумки, асар бадииятини яққол кўрсатиб берувчи воситалардан бири фразеологизмлар бўлиб, улар ифоданинг таъсирчанлигини ошириб, асарга ўзига хос жозиба бахш этади. Уни ўз ўрнида қўллай билиш эса ёзувчининг маҳоратидан далолатдир. Фразеологизмларнинг маъноси контекст ичида очилади. Бинобарин, муайян иборанинг маъносини очиш учун уни контекст ичида олиб қараш лозим. Икки ёки бир нечта тилде ҳам шаклан, ҳам мазмун нуатки назаридан айнан мувофиқ келадиган мутлақ эквивалентлар ҳам топилади.

Таржимада шундай жиҳатларни ҳам кўриш мумкинки, таржимон эркин бирикмани ибора шаклида, иборани эса, баъзан эркин бирикма ёки сўз шаклида ўгирган, лекин аслиятга путур етмаган. Бадиий таржимада ибораларнинг берилиши муҳим аҳамият касб этади.

Бундай тил бирикларининг таржимада қайта яратилиши таржимашунослик фанининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келган. Зеро, бир халқнинг тафаккури, маданияти, менталитети ўз ифодасини топган турғун иборалар миллий ўзига хослиги билан таржимани бойитувчи, айни замонда уни қийинлаштирувчи омиллардан саналади.

Бир иборанинг етарсиз талқин қилиниши, бир томондан таржимоннинг камчилиги ҳисобланса, иккинчи томондан, бадий асардаги фикрнинг нотўғри талқин этилишига олиб келади. Таржимоннинг маҳорати айнан унинг керакли сўз ёки бирикмани топиб қўллашида намоён бўлади. Бунинг учун нозик дид, ўткир фаросат талаб қилинади. Ўрнида топиб қўлланган биргина сўз таржиманинг ҳуснини очиб юборса, ўйланмай қўлланган, ўз ўрнига тушмаган сўз, аксинча, маънони бузади, мавҳумлик келтириб чиқаради, матнга ёпишмай турган сўзлар таъбни ҳам хира қилади.

और हम खानाबदोश विभिन्न रास्तों पर चलकर विभिन्न मंजिलों से घूमते हुए किस घर को जाते हैं?-ऐसा क्यों है?-ऐ चुपचाप नंगे थके ऊंगठते आकाश!

Биз кўчманчилар эса ит ётиш, мирза туриш, бедананинг уйи йўқ, қайга борса питбилдик қабилида сарсон-саргардон юрамиз-нега шунақа? Эй безабон, белибос, беҳолд, мудроқ осмон!

Таржимон “Ит ётиш, мирза туриш” иборасини ишлатган. Яъни яшаш аҳволининг яхши эмаслиги, борар жойи йўқлиги, еб ичишидан ҳеч қим хабар олмаслиги, ухлашига, овқатланишига уйи йўқлиги деганидир. Аслиятда эса “विभिन्न रास्तों पर चलकर” (Ҳар хил йўлларда юриб) жумласи билан берилган. Таржимон аслиятдаги оддий гаплардан қочиб, ушбу гапнинг маъносини билдирадиган ибора топиб китобхонга моҳирона етказиб берган.

लाची खफ़ा होकर राशी के पास से पलट आई और राशी देर तक लाची को जाते हुए देखती रही ।

Лаъчий тарвузи қўлтиғидан тушиб, изига қайтди, Раъший анчагача унинг орқасидан қараб қолди.

Аслиятдаги “खफ़ा होकर” (хафа бўлиб) гапи “тарвузи қўлтиғидан тушиб” фразеологизми билан таржима қилинган. Юқоридаги фразеологизм хафа бўлиш, хафсаласи пир бўлиш, иши юришмаслиги, кутган иши натижасиз чиқиши деган маъноларни беради. Таржимон ушбу жумлани маромига етказиб, таъсирчанлигини ошириб китобхонга етказиб берган десак муболаға бўлмайди. Чунки аслиятдаги гапни сўзма-сўз таржима қилганда жумлам маъносининг таъсирчанлиги ортмас эди. Ўзбек китобхонига тушунарли бўлган фразеологизмни бергани ўқувчиларни янада қизиқиб ўқишига олиб келади.

“Таржимада йўл қўйилган айрим хато ва ноаниқликларнинг йўқлиги таржима сифатининг юксаклигидан далолат бера олмаганидек, уларнинг мавжудлиги ҳам таржиманинг сифатсиз, талабга жавоб бера олмайдиган эканини билдирмайди. Бирон таржимани тадқиқ этмоқчи бўлган тадқиқотчининг диққат марказида таржимада оригиналга хос бўлган таъсир кучи, оригиналнинг ғоявий ва бадий қиммати тўла сақланганми ёки йўқми деган масала туриши кераклигини унутмаслик лозим.

Бирон асарнинг таржимаси устида иш олиб борар экан, таржимон оригиналга эҳтиётлик билан ёндошиши, ундаги ҳар бир жумла ва ҳатто ҳар бир сўзнинг эмотсионал салмоғини ҳисобга олиб иш тутиши лозим”<sup>1</sup>.

Бадий асарларда тилнинг образли воситалар: мақол, матал ва фразеологик бирликлар муҳим ўрин тутади. Фразеологик бирликларнинг бадий таржимада берилиши эса таржимашуносликнинг энг мураккаб ва айни пайтда ўта долзарб муаммолардан бири саналади. Зеро, бир халқнинг бадий тафаккури, миллийлик ўз ифодасини топган фразеологик бирликлар ўзига хослиги билан таржимани қийинлаштирувчи омиллардан бири саналади.

Бадий таржимада бир фразеологик бирликнинг етарсиз талқин қилиниши, таржимоннинг камчилиги ҳисобланиб, бадий асардаги фикрнинг таржимада нотўғри талқин этилишига сабаб бўлади. тадқиқот жараёнида биз персонажлар нутқидаги ибораларнинг таржимада берилишига асосий диққатни қаратдик.

<sup>1</sup> Salimova Z. Badiiy tarjimada frazeologizmlarning berilishi (O‘zbek va turk tillaridan qilingan tarjimalar misolida). [The frazeologisms in the superstitious translation] Master thesis, Tashkent, 2013. 49 p.



Таҳлил жараёнида шундай мисолларга ҳам дуч келдикки, таржимон бутун бир жумлани битта ибора билан берган. Бу ҳам таржимоннинг маҳоратидан, изланганлигидан далолат беради. Масалан:

परन्तु अब दिन पर दिन उसके लिए यार्ड से कोयला चुराना कठिन होता जा रहा था और मुर्गियाँ हर रोज़ तो पकड़ी नहीं जा सकतीं।

Аммо кўза кунда эмас, кунида синади.

Мазкур гапда таржимон узун гапни бир фразеологизм билан берган. Контекстдан кўриш мумкин Лачи тиланчилик ва ўғрилиқ қила-қила Думарунинг етмиш рупия пулидан қутулган эди. Ўғрилиққа ўрганиб қолган Лачи эндиликда омборхонадан кўмир ўғирлаш кундан-кун қийинлашиб бораётганини.

Хулоса қилиб айтганда, бадий асарларда мақол, матал ва иборалар муҳим ўрин тутди. Бундай бирликларнинг бадий таржимада берилиши эса таржимашуносликнинг энг мураккаб ва айти пайтда ўта долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Таржимашунос Ғ.Саломов ўзининг “Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир” номли рисоласида шундай ёзган эди: “Кўчма маъноли бирикмаларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилганда ҳар қандай ҳолларда ҳам уларнинг образли асослари айнан мувофиқ келадиган бир вариант билангина таржима қилиш баъзан сунъийликка олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, ҳар қандай шароитда ҳам муқаррар равишда бундай бирикмаларни асар таржима қилинаётган тилдаги бошқа муқобил вариантлар билан кўр-кўрона алмаштиравериш ҳам услуб чалқашлигига, таржима тилининг чегараланиб, қашшоқ бўлиб қолишига, бир хил қолипдаги сийқаси чиққан мақол ва идиомаларнинг узлуксиз тақрорланишига олиб келади”<sup>1</sup>. Шу туфайли халқ қўлланадиган ихчам, пишиқ ва чуқур мазмунни ифодалайдиган ибораларни таржима тилида бериш таржимон учун анча қийинчилик туғдиради.

Бадий таржима жараёнида дуч келинадиган қийинчиликлардан бири асл нусханинг миллийлигини акс эттириш масаласи бўлиб, уни таржиманинг муваффақиятли чиқиши гарови сифатида баҳолаш мумкин. Шу ўринда асосий эътибор тилда мавжуд турғун бирикмалар миллийликни ифода этувчи муҳим воситалардан бири бўлган ибораларга қаратилади. Ғ.Саломов: “Миллий колоритни ифода этувчи муҳим унсурлар сирасига фразеологизмлар, мақол ва маталлар, турғун бирикмаларни киритиш мумкин” – деб ёзади<sup>2</sup>. Ушбу тил бирликларини таржимада бериш мураккаб вазифалардан саналиб, асарда акс этувчи миллийликни таржимада ифодалашда муҳим рол ўйнайди.

Таржимашунос олим Х.Ҳамроев: “Башарти фразеологик бириклар, мақол ва маталларда миллий спесифика акс этган бўлса, уларни чет тилидаги муқобили билан алмаштириб бўлмайди, зотан, бу вазиятда колорит ҳам ўзгаради”<sup>3</sup> – деб ёзади. Бу гап бир оилага мансуб бўлмаган тиллардан қилинган таржималарга нисбатан тўғри. Бир оилага мансуб қардош тилларда айти маънони ифодалайдиган ибора, мақол ва маталлар мавжудлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

<sup>1</sup>Salomov G'. Rus tilidan o'zbekchaga maqol, matal va idiomalarni tarjima qilish masalasiga doir [Salomov G. Translation from Russian to English, translation of myths and idioms] Tashkent, "Fan" publ., 1961, pp. 38

<sup>2</sup>Xamrayev X. Vossozdaniye natsionalnovo kolorita proizvedeniy uzbekskiy prozi vo fransuzskiy perevodax [Recreation of national color production of uzbek prose in French translations] Abstract Candidate of philology, pp. 14.

<sup>3</sup>Barxudarov A. S., Beskrovniy V. M. Xindi-Russkiy slovar [ Barxudarov A. S., Beskrovniy V. M. Hindi-russian dictionary] Moscow, Encyclopedia., 1972, pp. 15.

Фразеологик бирликлар, мақол, матал, иборалар ёзма ва оғзаки нутққа образлилик ва ҳиссиёт бахш этиб, унда айтилаётган воқеа, ҳодиса, нарсаларнинг жонли, табиий бўлишини таъминлайди. Улар билан бадий асар тили бой, ифода кучли, таъсирчан бўлади.

Фразеологик бирликларни тўғри таржима қилишнинг таржимонлар учун энг мураккаб томонларидан бири шундан иборатки, кўпчилик фразеологизмлар муайян бир халқ урф-одати, маданияти, психологияси, диний қарашлари билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун таржимон бирон асарни таржима қилар экан, ўша халқ ҳаётини, урф-одатларини, миллий маданияти ва аслиятдаги тилнинг фразеологик бойлигининг табиатини яхши ҳис этиши, билиши, кейин ўз тили фразеологик бойлиги билан яхши таниш бўлгани ҳолда, икки тил ибораларини бир-бири билан таққослаши, улар ўртасидаги ўхшаш ва бир-биридан фарқли томонларини яхши ўзлаштириб олиши керак.

"आश्चर्य है साहब !" भगवान् ने बड़ी निराशा से कहा, "मेरा विचार था, बच्चों के माता-पिता अपने बच्चों के लिए सुन्दर कहानियों की ये सुन्दर पुस्तकें फौरन खरीद ले जाएंगे। किन्तु....."

- Жуда ҳайронман, тақсир! – деди маъбуд Нараян охири ҳафсаласи пир бўлиб. – Мен ўйловдимки, бир-биридан чиройли бу қизиқ-қизиқ эртақ китобларни кўрган заҳоти ота-оналар ҳеч ўйлаб-нетиб ўтирмай сотиб олади, девдим. Лекин.....

Таржимон *बड़ी निराशा से* (жууда ҳафа бўлиб) гапини *ҳафсаласи пир бўлиб* ибораси билан ўзбек тилига ўгирган. Ҳафсаласи пир бўлмоқ дегани бирон-бир ишдан яхши натижа кутаётганда иш кутгандагидай бўлмаганда куйидаги ибора қўлланади. Мазкур ибора тўғри қўлланилган. Чунки контекстдан келиб чиқсак, маъбуд Нараян китоблари тезда сотилиб кетади деб ўйлаган. Аммо ўйлаганидай бўлмади. Таржимон ўзбек китобхонига тушунарли қилиб таржима қила олган. Энг аввало ўзбек тили бойликларидан оқилона фойдаланган. Мутаржим юқоридаги иборани қўлламай тўғридан-тўғри таржима қилиб қўйса ҳам бўлар эди. Аммо таржимон гапни бўёқдорлигини оширмоқчи бўлган ва бунга эришган.

**Хулоса.** Ушбу иш доирасидаги кузатишларимиз натижасида шундай хулосага келдик: Ибораларнинг ташқи кўринишларига қараб, агар уларнинг компонентлари бир-бириникига яқин бўлса, уларни эквивалент ёки муқобил иборалар деган хулосага келавермаслик керак. Акс ҳолда хулосалар нотўғри бўлиб чиқиши, уларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилганда жиддий хатога йўл қўйилиши мумкин. Демак, ибораларни ўзга тилга таржима қилишда, аввало, уларнинг эквивалент ёки муқобилларини тўғри танлай билиш, шу билан бирга, у ёки бу иборанинг ҳинд тилида мавжуд бўлган эквивалент ёки муқобил вариантларини қўллаш керак. Ундан ташқари, таржимон сўз танлашда синонимлардан тўғри фойдаланиши, таржимага қўл урган ҳар таржимоннинг сўз бойлиги етарли бўлиши, она тилидаги синонимларни бир-биридан эҳтиёткорлик билан фарқлай олиши, уларнинг маъно даражаси, стилистик таъсирчанлиги, контекстда бажараётган вазифасига кўра маъқулини танлаб, ўз ўрнида ишлата билиши керак. Шундагина ибораларда акс этган миллий руҳ таржимада ўз ифодасини тўлақонли топиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, таржима асарларида ўзбек мақолларини умуман ишлатмаслик мумкин эмас. Бу нарса, шубҳасиз, ўзбек тили бойликларидан кенг фойдаланишга чек қўйиши табиий. Ўзбек ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган мақоллар, ўзбек ҳаётидаги предметлар асосида яратилган мақоллар бошқа миллатларнинг мақолларини беришда ҳамма вақт эквивалент бўла олмайди. Чунки улар оригиналдаги мақол ва ибораларга уларга хос бўлмаган миллий ранг берадилар. Демак аслиятдаги мақол ва ибораларни шундай таржима қилиш керакки, улар ўзларининг миллий тусини таржимада ҳам сақлаб қолсин.

## ВОБКЕНТ ТУМАНИНИНГ МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ (XIX–XX АСР БОШЛАРИ)

**АБДУВАХОБОВА МАҲФУЗА**

таянч докторант, ЎзР ФА ШИ

***Аннотация.** XVIII асрнинг иккинчи ярмида юзага келган Бухоро амирлигининг маъмурий тузилиши ва ижтимоий-иқтисодий тарихи ўтган асрдан буён хорижлик сайёҳларни ва ўртаосиёшунос мутахассисларнинг эътиборини тортиб келган. Аксарият тадқиқотчилар муаммони ўрганишида европалик элчилар ва Россия империяси маъмурларининг кундаликлари ҳамда расмий ахборотларига таянганлар. Бундай ёндашувнинг таъсири бугунги кундаги тадқиқотларда ҳам сезилади. Албатта маҳаллий нарратив ва тарихий манбаларга асосланган фикр-мулоҳазалар ҳам кам эмас. Умуман олганда, амалга оширилган тадқиқотларда Бухоро амирлигининг маъмурий ҳудудий тузилиши ҳақида асосий тушунча ва хулосалар шаклланиб бўлган. Масалан, тадқиқотларда билдирилган хулосаларни умумлаштирганда амирликнинг вилоят ва туман мақомидаги маъмурий бирликлардан, қишлоқлардаги амлок ва оқсақоллик бошқарув тизими каби муаммолар яхши ёритилган. Лекин билдирилган фикрлар умумий бўлиб, яхлит бир микроҳудуд бўйича махсус таҳлилий тадқиқот амалга оширилмаган. Тақдим этилаётган мақолада амирликнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши, бошқарув ва ундаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни Вобкент тумани мисолида очиб беришга ҳаракат қилинган. Бухоро амирлиги туманлари ҳақида гап кетганда, энг аввало туман мақомига эга бўлган ҳудудларни ўзига оид мажбуриятлари ва ўлчов бирликларига қараб номланиши, масалани долзарб томонларидан биридир. Маъмурий-ҳудудлар қория , туман, ҳазора, обхўрларга бўлиниши мақоладаги асосий этиборга олинган жиҳатларини биридир. Албатта бу бежиз эмас. Биринчидан, Вобкент ёки Комот номи билан юритилган ушбу маъмурий бирлик мамлакатдаги тўққизта тумандан бири, минтақадаги қадимий аҳоли масканларини ўз ичига олган қишлоқ хўжалиги ривожланган муҳим иқтисодий ҳудуд эди. Иккинчидан, муаммони конкрет бир ҳудуд мисолидаги таҳлилни амалга ошириши амирликнинг маъмурий-ҳудудий бошқарувининг минтақавий хусусиятлари, қуйи тизимдаги муаммолари, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти асослари билан боғлиқ хос жиҳатларини кўриши имконини беради. Шунингдек туманнинг вақф мулклари акс этган ҳужжатлар ҳам талайгина бўлиб, уларга ҳам тўхтаб ўтилган. Туманда ирригация соҳасининг ривожлангани ушбу ҳудуднинг деҳқончиликда илғор бўлиб, амирлик ҳаётида алоҳида ўрин тутган.*

***Таянч сўз ва иборалар:** Бухоро амирлиги, Вобкент, Комот, амлок, оқсақоллик, қишлоқ, вилоят, туман, мавзе, гузар.*

***Аннотация.** Административная структура и социально-экономическая история Бухарского эмирата, возникшего во второй половине XVIII в. с прошлого века привлекают внимание иностранных путешественников и специалистов по Средней Азии. Большинство исследователей при изучении проблемы опирались на дневники и официальную информацию европейских послов и администраторов Российской империи. Влияние такого подхода также очевидно и в исследованиях проводимых в настоящее время. Конечно, и немало мнений и размышлений, основанных на местных нарративных и документальных источниках. В целом, в осуществленных исследованиях были сформированы основные понятия и выводы об административно-территориальном устройстве Бухарского эмирата. Например, при обобщении выводов, сделанных в ходе исследований, из административных единиц эмирата в провинциальном (вилоят) и районном (туман) статусе, хорошо проиллюстрированы такие проблемы, как, административные единицы в сельской местности – амляки и система управления старейшин. Однако, были выказанны только общие мнения, и*

конкретные аналитические исследования не были проведены на специальном микрорегионе. В данной статье мы попытались раскрыть административно-территориальное устройство эмирата, его управление и социально-экономические проблемы на примере Вобкентского тумана. Районы Бухарского эмирата, прежде всего административных территории, имеющее статус района (туман), в зависимости от своих обязательств и единиц измерения, являются одним из наиболее актуальных аспектов задачи. Административно-территориальные деления “кория”, “туман”, “хазора” и “обхур” являются одним из важных аспектов, которым уделяется основное внимание в статье.

И конечно, это не случайно. Во-первых, эта административная единица, называемая Вобкент или Комот, была одним из девяти районов страны с важной экономической территорией с развитым сельским хозяйством, включая древние поселения в этом регионе. Во-вторых, осуществление анализа проблемы на примере одной конкретной территории позволяет увидеть конкретные аспекты, связанные с основами социально-экономического развития, проблемами с территориальными особенностями административно-территориального управления Бухарского эмирата. А также, упоминается немало документов, где отражены вакуфные имущества района. Территории района с развитым ирригационным сектором были передовыми в сельском хозяйстве и занимали особое место в жизни эмирата.

**Опорные слова и выражения:** Бухарский эмират, Вобкент, Комот, амяк, старейшины (оқсоқоллик), село, регион (вилоят), район (туман), окрестности(мавзе), гузар.

**Abstract.** The administrative structure and socio-economic history of the Bukhara emirate, which arose in the second half of the 18th century, has attracted the attention of foreign travelers and specialists on Central Asia since the last century. At the problem study, the majority of researchers relied on diaries and official information from European ambassadors and administrators of the Russian Empire. The effect of this approach is also evident in studies conducted at this time. Of course, there are a lot of thoughts and reflections based on local narrative and historical sources. In general, in the research carried out, the basic concepts and conclusions about the administrative-territorial structure of the Bukhara emirate were formed. For example, when summarizing the findings of the research, from the administrative units of the emirate in the provincial (wilayat) and district (tuman) status, problems such as the administrative units in rural areas – amlak and the system of governance of eldership – are well illustrated. Speaking about the district (tuman) of the Bukhara Emirate, first of all, the name of the territories that have the status of a district (tuman) depending on their obligations and units of measure, is one of the most relevant aspects of the task. The administrative-territorial divisions of “koriya”, “tuman”, “hazor” and “obhur” are one of the important aspects that will be focused on in the article.

However, only general opinions were expressed, and specific analytical studies were not conducted on the same micro district. The article presents an attempt to disclose the administrative-territorial structure of the emirate, its management and socio-economic problems on the example of the Wobkent district. And of course, this is not an accident. Firstly, this administrative unit, called Wobkent or Komot, was one of nine regions of the country with an important economic territory with developed agriculture, including ancient settlements in this region. Secondly, the analysis of the problem on the example of a single territory allows you to see specific aspects related to the basics of socio-economic development, problems in the subsystems and the territorial characteristics of the administrative and territorial administration of the emirates. And also, a lot of documents are mentioned, which reflect the district’s (tuman) waqf facilities. The territories of the district (tuman) with a developed irrigation sector were advanced in agriculture and occupied a special place in the life of the emirate.

**Keywords and expressions:** Bukhara emirate, Wobkent, Komot, amlak, eldership, village, province (wiloyat), district (tuman), suburbs, guzar.

**Кириш.** Бухоро амирлигининг маъмурий-худудий тузилиши ва иқтисодий тарихи хонликлар даври тарихида долзарб муаммолардан саналади. Ушбу муаммолар ҳам советлар даврида тадқиқот қилган бўлиб, Б.И.Искандаров, М.Абдураимов, А.Р.Муҳаммаджонов,



Г. Астановаларнинг илмий ишларида Бухоро амирлигининг маъмурий тузилиши, ижтимоий-иқтисодий-ижтимоий ҳаётига оид бир қанча масалалар ёритиб берилган. Мустақиллик йилларида яратилаётган тадқиқотларда ҳам мазкур мавзунини ўрганишда Бухоро амирлиги вилоят ва туманлари ҳолатини имкон қадар холис ёритишга ҳаракат қилинмоқда. Хусусан Г. Астанова ва Ҳ. Тўраевнинг<sup>1</sup> илмий тадқиқотларида Бухоро амирлигининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва ер муносабатларига оид баъзи масалалар ёритилган. Ушбу мақола эса амирликдаги туманларнинг маъмурий-худудий тузилиши Вобкент тумани мисолида очиб беришга қаратилган бўлиб, Вобкент туманининг XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлиги маъмурий – бошқарув тизимида анъанавий хусусиятларини ва аҳоли манзилларини ва сонига аниқлик киритишдан иборат.

**Мақсад ва вазифалари.** Тақдим этилаётган мақолада амирликнинг маъмурий-худудий тузилиши, бошқарув ва ундаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни Вобкент тумани мисолида очиб беришга ҳаракат қилинган. Бухоро амирлиги туманлари ҳақида гап кетганда, энг аввало туман мақомига эга бўлган худудларни ўзига оид мажбуриятлари ва ўлчов бирликларига қараб номланиши, масалани долзарб томонларидан биридир. Маъмурий-худудлар қория, туман, ҳазора, обхўрларга бўлиниши мақоладаги асосий этиборга олинган жихатларини биридир.

Бунинг учун қуйидаги ва вазифалар белгилаб олинди:

- Вобкент туманининг маъмурий-худудий тузилишига аниқлик киритиш;
- Туманнинг ҳамда унинг таркибидаги қуйи бирликлар тузилишини ёритиш;
- Туманнинг ирригация тузилишини ўрганиш;
- Тумандаги аҳоли манзилгоҳлари руйҳатини шакиллантириш;
- Топонимларнинг тарихий таҳлилини амалга ошириш;

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот асосини манбашунослик таҳлиллари: Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондларидаги тарихий ҳужжатлар ташкил этади<sup>2</sup>.

XX аср бошида Вобкент (Комот) тумани Бухоро амирлиги таркибидаги туманлардан бири бўлиб, у Бухородан 25 қақирим шимоли-шарқда жойлашган. Унинг худуди амирликдаги қичик туманлардан бири бўлиб, майдони–58285 танобни ташкил этган<sup>3</sup>. Вобкент ўғуз шеваларидаги *воб* ёки *ваҳобкент* сўзларидан олинган бўлиб, “бўздаги, қўриқдаги қишлоқ” маъносини билдиради<sup>4</sup>. Бухоро амирлигининг асосий худуди Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган мамлакат бўлиб, XIX асрда у маъмурий жихатдан 27 вилоят ва 11 тумандан ташкил топган. Масалан, Зарафшон дарёси бўйлаб рус истикосидан кейин Кармана, Хатирчи, Зиёддин каби вилоятлар эса Нурота тизмасининг икки тармоғи – Оқтов, Қоратов ўртасида жойлашган эди. Нурота вилояти; Қашқадарё водийси бўйлаб Қарши,

<sup>1</sup> Iskandarov B.I. Sotsialno-ekonomicheskii i politicheskii stroy Vostochnoy Buxari Pamira nakanune prisoedineniya Sredney Azii i Rossiya – Stalinabad, 1960. - 214 s.; Abduraimov M. Voprosi feodalnogo zemlevladieniya i feodalnoy renti v pismax Emira Xaydara (Opit kratkogo issledovaniya istochnika). – Tashkent, 1961. – 110 s.; Muhammadjonov A.R. Quyí Zarafshon vodiysining sug'orilish tarixi (qadimdan to XX asr boshlarigacha). – Toshkent, 1972. – 375 b.; Astanova G.Yu. Zemlevladieniye i agrarniye otnosheniya v Zapadnoy Buxare vo vtoroy polovine XIX – nachale XIX v. (po dokumentalnim istochnikam). Dissertatsiya na soiskaniye uchonoý stepeni kandidata istoricheskix nauk. – T., 1981. – 194 s.

<sup>2</sup> «Muboraknomajoti Amir Muzaffar. O'zRFASHI qo'lyozma № 407» B .105,178, 213.

<sup>3</sup> Astanova G.Yu. Zemlevladieniye i agrarniye otnosheniya v Zapadnoy Buxare vo vtoroy polovine XIX – nachale XIX v. (po dokumentalnim istochnikam). Dissertatsiya na soiskaniye uchonoý stepeni kandidata istoricheskix nauk. – T., 1981. – S 23.

<sup>4</sup> To'raev H. Vobkent- tarixiy manbalarda // Sharqshunoslik № 3 – T., 1992. – B. 17-21.



Хузор, Яккабоғ, Чирокчи, Китоб, Шахрисабз вилоятлари; Сурхондарё бўйлаб Шеробод, Бойсун, Дехинав, Сарижўй вилоятлари, Амударё бўйлаб; Чоржуй, Устий, Карки, Келиф, Бурдалиқ, Кабодиён, Қўрғонтепа, Ҳисор, Қоратегин, Кўлоб, (айрим вақтларда бу икки туман Қўқон таркибида бўлган) Балжувон, Дарвоз ва Шуғнон вилоятлари мавжуд эди.

Бухоро амирлигининг муҳим иқтисодий, маъмурий йирик маъмурий бирликларидан бири бу туманлардир. Уларнинг номланишига сабаб бўлган омиллар бўйича кўйидаги манзарани кузатиш мумкин. Уларнинг аксарияти анҳор (каналлар) номи билан боғлиқ. Булар қуйидагилар: Жанубий Руд (руд-дарё, анҳор); Комот(ком) ариқ, канал, Коми Абу Муслим (“Абу Муслим канали”), Қора кўл (кўл сув ҳавзаси), Харқон руд (катта қазилма ариқ), Шофурком (Шопур канали), Шимолий руд (шимол томонда жойлашган анҳор, ёки анҳорнинг шимолидаги худуди). Демак амирликнинг туманларидан 7 таси шу худудлар учун зарур сув манбалари номлари билан боғлиқ ҳолда аталган. Туманлар худудига кўра кичик бўлса-да, уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти амирлик ҳаётида муҳим рол ўйнаган. Туман мақомига эга бўлган маъмурий бирликлар асосан Бухоро атрофида жойлашган. Шулардан 2 та туман Абдурахмон Тамкин Бухорийнинг «Матали ал-Фахира ва маталиб ат-Ториха» асарида келтирилган<sup>1</sup> бўлиб, улар 1915 йилда ташкил этилган, Шимолий-и Руд ва Жанубий-и Руд туманлари эди. Вобкент ҳам бошқа вилоят ва туманлар каби ўз навбатида амлоқликларга бўлинган. Уларнинг бошқарувчилари амлоқдор деб аталган. Амирликнинг пойтахти Бухоро ва унинг атрофидаги туманлар эса амир томонидан бошқарилган. Вобкент тумани қадимдан шаклланиб келган аҳоли манзилгоҳлари–қишлоқ ёки деҳлардан иборат бўлган. Амирлик маъмурий тизимига кўра бошқа туманлардагидек турли катталиқдаги амлоқларга бўлинган. Амлоқ арабчада мулк сўзининг кўплик шакли бўлиб, “эғалиқ қилиш”, “мулк” маъноларида қўлланилган. Ўрта асрлар Бухоро хонлигида асосий ер эғалиқлари давлатга тегишли бўлиб, қишлоқ хўжалигида бу ерларда ёлланма мардикор ишлаганда, хирож солиғини тўлаган. Амлоқ ерлари бирор бир ер эгасига тегишли бўлмаган, бу ерлар амир бошчилигидаги мансабдорларга қарашли бўлган. Амлоқ ерлари қишлоқ хўжалигига тегишли ерлар бўлиб, шунингдек чўллар ва қаровсиз ётган ерлар ҳам кирган. Ерларни қайд қилиш ҳужжатларида бундай ерлар “амлоқ ерлари” ёки “мамлака-йи подшохи” деб аталган.<sup>2</sup> Бу ерлар вилоят худуд бирлигига кирган. Хусусан қишлоқ худудига қарашли ерлар 400 таноб ерни суғорса бундай қишлоқларни арабчада қария деб аталган. Катта суғориладиган ерлари дарё ёки наҳрларга эга бўлиб, у 100 минг таноб ерни суғорганда туман мақомига эга бўлган. Агар катта суғориладиган ерлар битта катта магистрал каналдан иборат бўлиб, 50 минг таноб ерни суғорса бундай ерларни ҳазора деб аталган. Ариқлар 25 минг таноб ерни суғорса бу худудларни нимҳазора деб номланган. Шунингдек бирор бир ариқлар, 10 минг ёки 15 минг таноб ерни суғорса, бундай ерларга обхўр дейилган.<sup>3</sup> Бундай тартибда бўлинишлар хирож, закот ва бошқа турдаги солиқларни йиғиб олиш учун қўлланилган.

Вобкент Бухоро амирлигининг расмий ҳужжатларида Комот деб ҳам юритилган. Комот қўлланилганда маъмурий территориал бирлик, яъни туман назарда тутилган. Тумандаги аҳоли сони 1914 йил 20.030 кишини, 1924 йилда 271.530 кишидан (аёллар ва эркаклар бирга) иборат бўлган<sup>4</sup>. Кейинги 10 йил давомида аҳоли 22,2%, яъни 60,425 кишига кўпайган.

<sup>1</sup> Muhamedjanov A.R. Nasellenniye punkti Buxarskogo emirata. – Т.: Universtitet, 2001. – В. 4.

<sup>2</sup> Astanova G, Mannonov B. i Kamoliddinov Sh Proekt reform v Buxare.– Saarbrucken; LAPLAMBERT Academic Publishing, 2015. – В. 11.

<sup>3</sup> Semenov A.A Buxarskiy Traktat o chinax i zvaniyax i ob obyazannotyax nositeley ix v srednevekovoy Buxare. – М., 1948 – С. 152.

<sup>4</sup> Sovremenniy kishlak sredney azii vabkentskaya volost' (pod redaktsiye B.B Karp i I.E Suelova. –Т., 1926. – С.

Туман маъмурий жихатдан Ком-и akka, Ком-и Қасаба, Ком-и Кумушкент, Ком-и Найокан ва Поён-и Ком-қасаба каби) амлоқлардан иборат бўлган. Баъзи хужжатларда уларнинг номи тўлиқ ёки айрим ўзгаришлар билан ҳам берилган. (Ком-и Чарх-и Кумушкент, Поёни Ком-и Қасаба каби). *Ком* атамаси ушбу ҳудудни сув билан таъминловчи ариқ ва анҳорларнинг номлари билан боғлиқ ҳолда қўлланган. *Ком* сўзи луғавий жихатдан қазилган ариқ (анҳор) деган маънони билдиради. Вобкент туманида шундай комлардан тўрттаси мавжуд эди. Жумладан, Вобкент дарё ҳавзасида Ком-и Акка номли йирик сув магистрали бўлиб, у Вобкентдан қуйи томонда жойлашган ерларни суғориб турган. Бу ҳолат тумандаги ерлар деҳқончиликка яроқли бўлганини англатади. Вобкент туманининг суғориладиган ерлари 1050 қўшни<sup>1</sup> ташкил этган. Бу тумандан Зарафшон дарёсининг ўзи оқади. У халифа Худойберди қишлоғидан оқиб ўтиб иккига бўлинган. Ғиждувон туманига яқинроқ (Бухородан 48 км узоқликдаги) ерда кўприк бўлиб, Зарафшон дарёси шу ерда иккига бўлинади. Биринчи бўлаги Бухорога, иккинчи бўлаги эса ғарбий Бухоро туманига яни Комотга қараб оқади.<sup>2</sup> Ҳозирги Вобкентдарё қуриб қолган Моҳондарё, Гурдуш, Ружайли ва бошқалар Зарафшоннинг тошқинлар ҳосил қилган дельта характеридаги қадимги шаҳобларидир. Зарафшоннинг қуйи оқимида унинг қадимги энг йирик табиий тармоқларидан биринчиси ҳозирги Вобкентдарё каналидир. Тарихий манбаларда у Говхитфар, Хитфар номи билан аталиб ҳозирги вақтда Бухоро вилоятининг Вобкент, Ромитан туманларида 40 минг гектардан ошиқроқ майдонни суғоради. Вобкентдарё суви билан таъминланган қадимги суғорилган ерларда олиб борилган археологик текширишлар қадимги даврларда у ҳеч қандай сунъий иншоотсиз табиий равишда оқганини кўрсатади. Кейинчалик унинг ҳозирги бош қисми маҳсус тўғон билан кўтарилганлигини тақозо қилади. Наршаҳий ҳам Бухоро воҳасида X асрда мавжуд йирик ирригация тармоқларини қайд қилганида, Вобкентдарёни Зарафшоннинг табиий ирмоғи деб ҳисоблайди. Академик Я. Ғуломов ҳам Хоразмнинг қадимги йирик суғориш артерияси Говхўра канали номининг этимологиясига эътибор бериб, Говхўра ва Говхитфар номлари ҳам дарё шаҳоби оққан томонлардаги жой ёки туманлари номи билан боғлиқ бўлган ирмоқларни англатади деб қайд қилган. Қадимги Говхитфарнинг кейинги номи “Вобкентдарё ёки Вобкентга томон оқадиган дарё” деб бекорга айтилмаган. Шундай қилиб, археологик текширишлар билан бир қаторда, Вобкентдарё тўғрисидаги тарихий манбалардаги мавжуд маълумотлар ва унинг топонимлари этимологияси ҳам ҳозирги Вобкент канали Зарафшоннинг қадимги ирмоғи эканини тасдиқламоқда.<sup>3</sup> Хужжатлар шундан дарак берадики, Вобкент туманининг маъмурий бўлинишида *Ком* атамаси Вобкентнинг маъмурий ҳудудий тузилишида бежиз қўлланилмаган, бу ҳудуддан оқиб ўтувчи ариқлар эса туманни қамраб олган бўлиб, тумандаги сув иншоотлари бошқа туманлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлган. Бундай маълумотларни бошқа манбалардан ҳам учратиш мумкин.

<sup>1</sup> Qo'sh yoki jufti gov, O'rta Osiyodagi mahalliy er o'lchov birligi, XVI-XIX asrlarda 1qo'sh (jufti gov) 50 tanobga teng bo'lgan. Davidovich O. A. 1970, S. 122-123.

<sup>2</sup> Sobelev L.N. Geograficheskaya i statisticheskaya svedeniya o Zeravshanskom Okruga s prilozheniem spiska naselennix mest Okruga / Zapiski Imperatorskago Russkago Geograficheskago Obshestva. Po otdeleniyu Statistiki. Tom chetvertiy. – Sanktpeterburg, 1874. – S. 96.

<sup>3</sup> Muhammadjonov A.R. Quyi Zarafshon vodiysining sug'orilish tarixi (qadimdan to XX asr boshlarigacha). – Toshkent, 1972. – B. 375 ; Muxammedjanov A.R. Nasellyonniye punkti Buxarskogo emirata. – T: Universtitet, 2001. – B. 289-296.

Бухоро амирлиги маъмурий-худудий тузилмалари ўртасида бўлинишлар, қўшилиб кетишлар, бирдан иккинчисига мавзеларни ёки амлокларни ўтказиш ҳодисалари рўй бериб турган<sup>1</sup>. Тадқиқотлар натижаларига кўра, маҳаллий маъмурият намоёндалари **мавзени** қишлоқ ва масжидлардан каттароқ худудий бўлинма деб таърифланганлар. Мисол учун, Карки вилояти **мавзеларга** бўлинса ҳам улар ўз навбатида **бекчаларга** бўлинган, бекча **қишлоқлардан** иборат бўлган. Помир вилоятларидаги Рўшон ва Шуғнон маъмурий туманлари **оқсоқоллик** дейилган. Аҳоли яшайдиган манзиллар манбаларда учта атама - **қишлоқ, мавзе, даҳа** номлари орқали қайд этилган.<sup>2</sup>

Шунингдек, туманинг гузар номлари ва марказий ҳудудга яқин жой номлари Дорун-и Вобконт атамаси билан бирга келган. Коми Акка Вобконт туманининг энг катта худудий бирлиги бўлганлиги манбаларда учратиш мумкин. Жумладан, вақф ҳужжатларида машҳур сўфий шайхлардан бири Сайфиддин Бохарзийнинг набираси шайх Абдулмафаххир Яҳё 1333 йил Вобконтнинг Вобконтдарё канали бўйлаб жойлашган Коми Акка худудида иккита вақф ер сотиб олгани ҳақидаги маълумот келтирилган<sup>3</sup>. Бундан шундай хулосага келишимиз мумкинки, Вобконт тумани XIVасрларда ҳам Комларга бўлинганлиги жуда муҳимдир. Туманда қадимдан ариқ ва анҳорларнинг мажудлиги эса худуднинг қишлоқ хўжалиги юқори бўлганидан далолатдир. 1914 йил (Қушбеги архиви), амирликдаги аҳоли манзиллари номланишида маъмурий жиҳатдан қишлоқ (туркий), мавзе (арабча), дех/деҳа (форсча) учта атама маъмурий бирликлар сифатида ифодаланган. Араблар яшаган қишлоқлар қория деб аталган. Қария араб тилида қишлоқ маъносини англатади. Марказий Осиёда эса, бу атама аслида (араб босқинчилигидан кейин) маълум бир ер тушунчаларини ифодалаган. Мисол учун Афғонистоннинг шимолий қисмида қория сўзи “қишлоқ” тушунчаларини ифодалаш учун маъмурий манода кенг қўлланилади, шунинг учун қишлоқ мухторига қориядор деб аталади.<sup>4</sup> Ҳужжатлардаги рўйхатларда Дехати вилояти Чароқчи, Қишоқони тумани шаҳри Яккабоғ ёки мавзехои вилояти Кармана каби тафсилотлар ишлатилган. Бу атамалардан бири деха, кўпинча турли фонетик вариантларда учрайди. Жумладан, 60 аҳоли манзилига нисбатан Болжуан вилояти буйича Дий, Дих, Деха, Дехот каби шакллар қўлланган. Қоратегин вилоятининг 30 аҳоли манзилига нисбатан ҳам ушбу вариантлар қўлланган. Қоратегин вилоятида 22 та, Кўлоб вилоятида 46 та қишлоқлар Дий, Дей, Деха каби топоформентлар қўлланган. Лекин уларнинг иккиси ҳам кейинги маъмурий бирлик амлокларга бўлинган<sup>5</sup>.

Куйида Вобконт тумани таркибидаги амлоклар ва уларга қарашли қишлоқларнинг номлари жадвалда шакиллантирилди<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Abdvaxobova M.R Qushbegi arxivida tarixiy toponimlar va Buxoro amirligining ma'muriy-hududiy tizimi. -T. , – 2006. B. 8.

<sup>2</sup> Xoliqova R. Rossiya-Buxoro tarix chorrahasida. –T., 2005. B - 60.

<sup>3</sup> Kazakov B. A Dokumentalniye pamyatniki Sredniy Azii. – T ., 1987 – S. 73.

<sup>4</sup> Semenov A.A. Buxarskiy Traktat ochinax i zvaniyax i ob obyazannotyax nositeley ix v sradnevekovoy Buxare. – M., 1948 – S. 152.

<sup>5</sup> Abdvaxobova . M.R Qushbegi arxivida tarixiy toponimlar va Buxoro amirligining ma'muriy-hududiy tizimi. – T. , – 2006. B. 8.

<sup>6</sup> Muxammedjanov A.R. Nasellyonniye punkti Buxarskogo emirata. – T: Universtitet, 2001. – S. 185.

**Вобкент туманининг аҳоли масканлари жадвали**

Амлоклик номлари	Аҳоли масканлари		
Ком-и Акка	1.Авурдувон	15. Кашвон,	29. СўфиДехкон
	2.Оқ работ,	16. Қипчоқ	30.Ҳажвон
	3.Арабон	17. Қўқон	31. Хожа Порсо
	4.Арабхона	18. Қўнғирот	32 Чаҳоргарон
	5. Бобо-йиТодари	19.Кушк-иОсиё	33.Чангарон
	6.Бахринча	20.Мир Сулаймон	34.Читгарон
	7.Беш работ	21.Талл-и Гандум	35.Чори Калон
	8.Бурқўт	22.Мўминабод	36. Чаҳорбоғ
	9. Бузундувон	23.Найман	37.Чаҳар Як корон
	10. Варғонзиак	24. Работ-иОхунд	38. Чихил бачча
	11.Гавуздавон	25. Работ-и Мири	39. ШакарРавон
		26. Роғкент	40. Ширин
	13. Косари Боло	27. Розгир	41.Шўристан
	14. Касари Поён	28.Сарун	
Ком-и Касаба	1. Арабон	17. Коргарон ёки (Равон)	33. Наршах-и Болова Наршах-и Пойон
	2.Оғри	18. Қор ёғди	34. Ниёзхўжа
	3.Беглар (1915 Дарун-и Вобкент)	19. Қатагон	35. Работ-и Боло
	4.Мир-и Калон Дорун-и Вобканд	20. Қум бости	36. Работ-и Сариф
	5.Гузар-и кози Абдуллоҳ	21. Қумрийон	37. Работча
	6. Гузар-и қассоби,Дарун-и Вобканд	22.Қоза	38. Роми
	7.Пул-и мусича Дарун-и Вабканд	23.Уба	39.Работ-и сариф
	8. Гузар-и Лаб-и Осиё, Дарун-и Вобканд (Сар-и Осиё-и Вобкент)	24. Масжид-и Қассоби, Дарун-и Вобкент	40. Сарой-и Рўдахўр
	9. Гузар-и Пахса, Даруни Вобканд	25. Масжид-и Пахса	41. ТаллиПушмон
	10.Қобиз Дорун-и Вобкент	26.Бозор-и Алача(янги)	42.Чармгарон

	11. Гузар-и Хур	27. Махзумҳо	43. Ўба
	12. Диха-йи Дароз	28. Лаб-и Дарё	44. Ҳозандори
	13. Калта Работ	29. Лўка	45. Халаж
	14. Қалмоқон	30. Латиф Сонбўгар	46. Хошимхўжа
	15. Қобиз	31. Муғийон	47. Хожалик
	16. Кимухтгарон	32. Мўйтоб	48. Шакаркент
Ком-и Кумушкент Ком-и Чарх-и Кумушкент	1. Асбоб-и Алус	15. Исом	29. ОқСамон
	2. Боғ-шайх.	16. Қатағон	30. Найманча
	3. Бадой	17. Кўбос	31. Розмоз
	4. Баққолон	18. Кўл-и Хатиб	32. Сари Осиё-и Давлат-бой
	5. Бобо-шайх	19. Кумушкент	33. Токидўз
	6. Болтабек	20. Кўпас	34. Тош масжид
	7. Бадриддин	21. Туркон	35. Тешик тепа
	8. Бой қозон	22. Кўрагон	36. Ҳолвогарон
	9. Буёни Турўк	23. Қирғизон	37. Хутфариш
	10. Бахрин	24. Қум работ	38. Хожа Работ
	11. Гаучохўр	25. Работча	39. Воший
	12. Жар Работ	26. Мингон	40. Тераклик
	13. Зарбофон	27. Муқаввим	41. Талли Гандум <sup>1</sup>
	14. Йилож-Халож	28. Муштак	
Ком-и Найокан	1. Гадойхона	6. Понджўса	11. Работ-и Хоса
	2. Карроқон	7. Қалмоқон	12. Работ-и Шайх
	3. Қўржўк	8. Работак	13. Нигор
	4. Лаб-и Сиёб	9. Шаш моҳа	14. Ғариб-шоҳ
	5. Найокан	10. Работ-и Ишон	
Жами : 143 та қишлоқ номи қайд этилган			

Жадвал 1914 йилги ҳужжат маълумотларини ўз ичига олиб, юздан ортиқ аҳоли масканлари шакиллантирилган. Маълумки, Бухоро амирлиги ағдарилгандан сўнг 1924 йил БХСР таркибидаги Вобкент волости ташкил топган бўлиб, унда 74 қишлоқ номи қайд этилган<sup>2</sup>. Кейинги ўн йил ичида қишлоқларнинг қисқаришига баъзи қишлоқларнинг қўшилиб кетиши сабаб бўлган. Ком-и Касабада 29 та қишлоқ, Ком-и Аккада 22 та қишлоқ ва Ком-и Кумушкентда 23 та қишлоқлар қайд этилган.

Юқоридаги маъмурий бирликларнинг баъзиларида мавзе, деҳ, қишлоқ ва гузарларнинг номлари фарқлар бўлган. Қишлоқ ва деҳлар номлари орасида сўғдий (Варғонзийак, Роғкент, Ғовуздавон, Муғийон), туркий (Оқ Саман, Жарработ, Қалмоқ) ва форсий (Лаби Сиёб, Ҳолвагарон, Токидуз) номларидан иборат бўлган.

<sup>1</sup> Muboraknomajoti Amir Muzaffar. O'zRFASHI qo'lyozma № 407" B. 110.

<sup>2</sup> Sovremenniy kishlak Sredney Azii Vabkentskaya volost'. (pod redaksiyey B.B Karp, I.E Suelova. – T., 1926. – S. 9.



Аҳоли манзиллари орасида шахс номлари (Хожа Порсо, гузари қози Абдуллох, Мир Сулаймон, Болтабек, Ниёзхўжа, Ҳошимхўжа), этнонимлар (Қалмоқон - қалмоқлар, Арабон - араблар, Бахрин, Найман, Қипчоқ, Қатағон, Халаж, Буркут), табиий-ландшафт номларидан (Талли Пушмон, Талл-и Зукон) келиб чиқган. Бундай номларни чуққуроқ таҳлил қилиш, қишлоқ ва деҳларнинг шаклланиш тарихини ҳам ўрганишга имкон беради. Айрим қишлоқлар йирик бўлгани сабаб Арабхона-йи боло ва Арабхона-йи пойон, Наршахи боло ва Наршахи пойон каби икки қисмдан иборат бўлган. Работлар атрофида шаклланган аҳоли масканларида Работ номли қишлоқ/деҳлар шаклланган. X асрда яшаган Наршахийнинг асарларида работ (йўловчилар, савдогарлар тунайдиған маскан) бўлиб, улар карвон-саройлар яқинида жойлашган. Кейинчалик ўрта асрларнинг сўнгги чорагида работлар номи билан келган ҳудудлар тамоман бошқа вазифани бажарган.<sup>1</sup> Вобкент туманида ҳам кўплаб Работлар бўлган, Жар Работ, Работ-и Шайх, Работ-и Хосса, Работ-и Ишон ва бошқалар. Ширин қишлоғида Работи хосса Ширин бўлиб, унинг атрофи баланд деворлар билан ўралган ва у қалъа вазифасини бажарган.<sup>2</sup> Гузарлар ва масжидлар номи билан аталадиган жой номлари ҳам кўплаб учраган. Масалан, Гузари Кассоби, Гузари Лаби Осиё, Даруни Вобкент ушбу ҳудуд Дарун-и Вобкент жой номи билан бирга келган. Гузарлар шаҳар марказида асосан аҳоли зич жойлашган ҳудудларга қурилган. Шаҳардаги гузарлар ўзини-ўзи бошқариб, марказга бўйсунган ва бевосита Вобкентнинг ўзига қарашли бўлган.

XX аср бошларида мавзе ва қишлоқ тушунчалари, баъзан бир ҳил маънода ишлатилган. Бу даврда қишлоқ оқсоқолларининг ҳокимияти, диний-руҳоний назоратдан кўра устун бўлган. Ўз навбатида, бу амирлик хазинасига тушадиган солиқ йиғимларининг бўлинмаслигини таъминлашдан келиб чиқади. Чунки руҳоний бошқаруви солиқ тизимига аралашган тақдирда диний муассасалар ўз манфаатини таъминлашга ҳаракат қилиши табиий эди. Туманларда амлоқликлар ўз ҳудудларидаги мавзелар, аҳоли жамоаларининг масжидлари томонидан ҳам назорат қилинган. Ҳар бир мавзе аҳолиси жамоаларининг жойлашган тартибига кўра қишлоқлар ва уларнинг масжидлари бўйича ҳисобга олинган. Манбаларда Чағдари мавзеси Вобкент тумани амлоқлик ҳужжатларида қайд этилган бўлиб,<sup>3</sup> баъзи мавзеларда 5 дан ортиқ масжидлар бўлган.

**Хулоса.** XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлиги маъмурий –бошқарув тизимида анъанавий хусусиятларини асосан сақлаган, лекин маъмурий тизимда бир қатор ички ўзгаришлар ҳам содир бўлган. Масалан, аҳоли рўйхатларида 1914 ва 1926 йиллардагини солиштирганда қишлоқларнинг қисқаришини кўришимиз мумкин. Бунга сабаб қишлоқларнинг кўшилиб кетиш ҳолатларини сабаб бўлган. Лекин аҳоли сон жиҳатдан юқоридаги йиллар давомида демографик ўсиш кузатилган. Ўн йил ичида 22%2 га кўпайган. Аҳоли манзиллари шакллантирилиб, уларни чуққур ўрганилиб тасниф этишлишибиринчи галда туманнинг маъмурий тизимининг аниқ манзарасини беради. Қолаверса, бу рўйхатдаги юздан ортиқ жой номлари туман аҳолиси, этник таркиби, хўжалик хусусиятлари, ижтимоий-маданий ҳаёт, хунармандчилик, касб - қор турлари, ижтимоий –маънавий тасаввурлар, эътиқод ва ишонч ақидалари каби кўплаб соҳалар ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Бухоро амирлиги аҳоли манзилларининг маъмурий тобелик тизими кўпроқ давлат хазинасини тўлдириш мақсадларини кўзлаган ҳолда уюштирилган. Шу туфайли маъмурий –

<sup>1</sup> Suxareva O.A. Buxara XIX-nachalo XXv. – M., 1966. – S. 52.

<sup>2</sup> O'sha asar B. 40.

<sup>3</sup> Muboraknomajoti Amir Muzaffar. O'zRFASHI qo'lyozma № 407" B.148.



худудий бирликлар ўртасида мавзе ва қишлоқларнинг тақсимланишида баъзи жузъий ўзгаришларга имконият қолдирган. Вилоят ва туман бирликлари ўз атрофларида мавзе ва қишлоқларни, уларнинг масжидларини бирлаштириб, асосан шу манзилларни сув билан таъминловчи ариқ ва анҳорлар бўйлаб жойлашган. Аҳоли манзилларининг атамаларидаги ўзаро фарқлар кўпинча маҳаллий анъаналарга боғлиқ бўлган.



## АҲМАД ДОНИШ АСАРЛАРИДА ТАБИЙ ФАНЛАРГА ОИД ҚАРАШЛАР

**КАРИЕВА НИГОРА**

таянч докторант, ЎзР ФАТИ

**Аннотация.** XIX иккинчи ярми – XX бошларида Марказий Осиёнинг табиий фанларига оид минглаб илмий тадқиқотлар, асарлар, рисоалар яратилди. Улар ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг қўлёзма фондлари ва кутубхоналарида сақланмоқда. Шу жумладан, таниқли мутафаккир Аҳмад Донишнинг бой илмий-маънавий мероси Тошкент Давлат Шарқишунослик институтининг Шарқ қўлёзмалар фондида сақланади.

Мақолада унинг асарлари ва рисоаларининг фонд рўхатидаги тартиб рақамлари кўрсатилган. Унинг фаолиятида табиий фанларга оид қарашлари таҳлил қилинган. Муаллиф унинг табиий фанларга оид қарашлари акс этган асарларини ўрганишга катта эътибор қаратади. Булар қаторига Аҳмад Донишнинг “Наводир ул вақоеъ”, “Глобус ва ундан фойдаланиш рисоласи”, “Глобус ва ундан фойдаланиш рисоласи” каби асар ва рисоалари киради. Бундан ташқари Табиатишунослик, Ернинг вужудга келиши ва ҳолати, сайёралар ҳаракати, Ой ва Кўёш тутилиши каби ҳодисаларга нисбатан Аҳмад Донишнинг илмий ёндашуви баён этилган. У ўзининг табиий фанларга оид асарларининг барчасини илмий ҳулосаларга асосланган ҳолда ёритган. Илмий мақола мавзусини ёритишида тарихийлик, тизимли таҳлил ва тушунтириш усулларидан фойдаланилди.

Қайд этиш лозимки, XIX иккинчи ярми – XX бошларига келиб Марказий Осиё рус ва хорижий тадқиқотчиларининг фаол изланишларининг объектига айланди. Бунинг натижасида эса Марказий Осиёнинг табиий шароитларига бағишланган юзлаб тадқиқотлар яратилди. Бу эса бевосита география фанининг юқори даражада тараққий этганлигидан далолат беради. Бу даврдаги Россияда табиий фанлар соҳасидаги ўзгаришлар Марказий Осиё мутафаккирлари, маърифатпарварларининг фаолиятида ҳам сезиларли даражада акс этди. XIX охири – XX бошларида ўлкада кенг ривожлана бошлаган маърифатпарварлик ҳаракати доирасида жамиятнинг илгор фикрли вакиллари билан бири Аҳмад Дониш дунёвий илм-фанни ривожлантириш заруриятини тобора чуқур англаб, анъанавий фан ва таълимни жаҳон ютуқлари даражасига кўтариш лозимлиги ҳақидаги таъвиқотни ўз асарларида кучайтирди.

Аҳмад Донишнинг асарлари Марказий Осиё халқларининг XIX асрдаги тарихи ва маданияти, балки табиий фанлар – топография, хариташунослик, астрономия, географияга оид билимлар бўйича маълумотларни бера олади. Унинг илмий-маънавий мероси халқимизнинг кейинги илмий тараққиётига асос бўлиб хизмат қила олади. Зеро, сўнги асрларда, ҳусусан, XIX охири - XX аср бошларида аждодларимиз ҳам ўзларидан аввалги яратилган интеллектуал салоҳиятдан унумли фойдаланиб келган эди.

**Таянч сўз ва иборалар:** мутафаккир, табиий фанлар, картография, глобус, сайёралар, Ер қобиғи, география, минераллар, астрономия, топография, календарь, хайвонот олами, ўсимлик олами.

**Аннотация.** Во второй половине XIX – начале XX вв. в Центральной Азии были созданы тысячи научных исследований, работ и произведений по естественным наукам. Данные работы на сегодняшний день находятся в фондах рукописей и библиотеках Узбекистана. В частности, богатое научно-духовное наследие известного мыслителя Ахмада Даниша имеет своё место среди источников фонда восточных рукописей Института Востоковедения.

В статье указываются регистрационные номера его произведений и очерков. Дается анализ взглядов Ахмада Даниша по естествознанию на материале в произведений. Автор статьи большое внимание уделяет изучению его произведений и работ, где уделяется место описанию естественных явлений. В статье, а также изложены научные мысли Ахмада Даниша о природе, возникновении и структуре Земли, о существовании и движении планет, затмениях Солнца и Луны. В произведениях, посвященных естественным наукам, он излагает природные явления, основываясь на научных доводах. В освещении темы научной статьи автором использованы такие научные методы как историчность, анализ явлений в конкретном историческом контексте и объяснение.

Следует отметить, что Центральная Азия во второй половине XIX – начале XX вв. стала объектом активных изысканий русских и иностранных исследователей. В результате этого появились сотни новых исследований. Это обосновывает уровень наивысшего развития науки географии во конца XIX – начале XX вв. Нововведения в области естественных наук оказали непосредственное влияние и на деятельность просветителей Центральной Азии. Ввиду развивающегося просветительского движения в конце XIX – начале XX вв один из видных его деятелей Ахмад Даниш, понимая необходимость в обществе развития науки, укрепил в своих произведениях пропаганду развития традиционной науки и образования.

Произведения Ахмада Даниша могут дать сведения не только по истории и культуре народов Центральной Азии в XIX веке, но и в сфере естественных наук, таких как: топография, картография, астрономия и география. Его научно-духовное наследие и в последующем может служить для развития науки нашего народа. Ибо и наши предки в позднее средневековье, в частности, во второй половине XIX – начале XX вв перспективно использовали интеллектуальный потенциал, созданный в прежние периоды.

**Опорные слова и выражения:** мыслитель, естественные науки, картография, глобус, планеты, слой Земли, география, минералы, астрономия, топография, календарь, флора, фауна.

**Abstract.** In the second half of the XIX - early XX centuries Thousands of scientific studies, works, and works on the natural sciences were created in Central Asia. These works are currently in preservation in the collections of manuscripts and libraries of Uzbekistan. In particular, the rich scientific and spiritual heritage of the famous thinker Ahmad Danish has its place among the sources of the manuscript fund of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Biruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

The article indicates the registration numbers of his works and essays. The analysis of the views of Ahmad Donish on science, in the works. The author of the article pays great attention to the study of his works and works, where a place is given to the description of natural phenomena. The article also presents the scientific thoughts of Ahmad Donish about nature, about the origin and structure of the Earth, about the existence and movement of the planets, about the eclipses of the Sun and the Moon. In the works devoted to the natural sciences, he presents natural phenomena, based on scientific arguments. In covering the topic of a scientific article, the author used such scientific methods as historicity, analysis of phenomena in a particular historical context and explanation.

It should be noted that Central Asia in the second half of the XIX - early XX centuries. became the object of active research of Russian and foreign researchers. As a result, hundreds of new studies have emerged. This justifies the level of the highest development of the science of geography in the second end of the XIX - beginning of the XX centuries. Innovations in the field of natural sciences directly influenced the work of the enlighteners of Central Asia. In view of the developing educational movement at the end of the

*19th and the beginning of the 20th centuries, one of his prominent figures, Ahmad Danish, realizing the need for a society in the development of science, strengthened the propaganda of the development of traditional science and education with his works. The works of Ahmad Danish can provide information not only on the history and culture of the peoples of Central Asia in the 19th century, but also on areas of the natural sciences, such as topography, cartography, astronomy and geography. His scientific and spiritual heritage and in the future can serve in the development of science of our people. For even our ancestors in the late Middle Ages, in particular, in the second half of the XIX - early XX centuries, used the intellectual potential created in previous periods.*

**Keywords and expressions:** *thinker, natural sciences, cartography, globe, planets, layer of the Earth, geography, minerals, astronomy, topography, calendar, flora, fauna.*

**Кириш.** Илмий мақоланинг асосий мақсади таниқли мутафаккир Аҳмад Донишнинг асарлари, рисолаларида табиий фанларга оид қарашларининг таҳлили. Мазкур муаммо совет даври илмий нашрларида қисман ёритилган бўлиб, Аҳмад Донишнинг асарларининг умумий тафсилоти берилган, хариташуносликка оид изланишлари таҳлил қилинган эди. Мақолада муаллифнинг XIX асрнинг охирига оид тараққийпарвар ғоялари асосида табиатшунослик фанига нисбатан ёндашуви, унинг изланишлари баён этилган.

**Мақсад ва вазифалар.** Илмий мақоланинг асосий мақсади XIX асрнинг иккинчи ярмида ўз илмий фаолиятини олиб борган тараққийпарвар мутафаккир Аҳмад Донишнинг асарларида табиий фанларга оид ғоялар борасидаги қарашларини аниқ материалларга асосланган ҳолда таҳлил этиш.

Илмий мақоланинг асосий вазифаси XIX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда табиий фанлар тарақиётида Аҳмад Дониш илмий фаолиятининг аҳамиятини қайд этишдан иборат.

**Усуллар.** Аҳмад Донишнинг табиий фанларга оид изланишларини холис ёритиш мақсадида ҳаққонийлик, илмийлик, тарихийлик тамойиллари танланди. Шу билан бирга, мазкур муаммо ечимини топишда с тизимли ёндошувга асосланган ҳолда, Аҳмад Донишнинг яратган асарлари, рисолаларида табиий фанларга қарашларини таҳлил қилиш мақсадида тарихий-таққослаш, ретроспектив, мантқиқийлик услубларидан фойдаланилди.

**Натижалар ва мулоҳаза.** Табиий фанларнинг ривожланишини ўрганишда ушбу даврнинг муҳим жиҳати - XIX асрнинг 60-йилларига келиб, Россия империясининг чегаралари Сирдарёнинг қўйи оқимиғача ўрнатилиши бевосита Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётга таъсир кўрсатди. Бундай тарихий жараёнлар шубҳасиз Марказий Осиё ҳудудида яшаган ўша давр изланувчилари ва мутафаккирларининг фаолиятида кузатиш мумкин. Аҳмад Донишнинг илмий фаолияти, унинг тараққийпарвар қарашлари бунга яққол мисол бўла олади.

XIX асрнинг иккинчи ярми Марказий Осиё халқлари, хусусан Ўзбекистон тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган даврдир. Ушбу даврда Россия империяси ҳукумати ташаббуси билан Марказий Осиёни ҳар томонлама ўрганилиши, минтақанинг маданий, маънавий ва интеллектуал ҳаётида кескин ўзгаришларга олиб келди. Мазкур жараёнга ҳолис баҳо беришда мутахассислар чуқур таҳлил қилинган аниқ тарихий материалларга таянган ҳолда ўрганмоғи лозим.

Буюк мутафаккирлардан қолган илмий мерос ва улкан тажриба ҳар қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиётининг пойдевори ҳисобланади. Бундай тарихий материалларга замондошлар томонидан яратилган маҳаллий манбалар ва ҳужжатлар киради. Охириги йилларда мутахассислар томонидан XIX асрнинг иккинчи ярмига оид қўлёзма манбалар каталогини таҳлил қилиниши ва тизимлаштирилиши натижасида бу даврда халқимизнинг



интеллектуал салоҳиятини аниқлашга имконият вужудга келди<sup>1</sup>. Ўз навбатида, эътироф этиш лозимки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухорода яшаб ижод қилган Аҳмад Дониш фаолиятининг ушбу давр илм-фан тараққиётига кўшган хиссаси ўзига хос аҳамиятга эгадир. Зеро, унинг илмий қарашлари ва фаолияти ҳозирги кунда ҳам изланувчилар учун долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Маълумки, Аҳмад Донишнинг илмий фаолиятида табиий фанларни ўрганишга алоҳида ўрин ажратилган.

Аҳмад ибн Мир Носир ибн Юсуф Ал Ханифий ал Сиддиқий ал Бухорий – ўз замонасининг етук мутаффакир зиёлиларидан бири бўлган. Ноёб зехнга эгаси бўлган Аҳмад халқ орасида ўз даврида “Аҳмад калла”, “Дониш”, “Маҳдум” номлари билан машҳур бўлган. Ўз даврида етук шоир, ёзувчи, тарихчи, файласуф сифатида танилган Аҳмад Дониш табиий ва аниқ фанлар бўйича ҳам чуқур билимларга эга бўлганлиги боис замондошлари томонидан унга “муҳандис”<sup>2</sup> номи ҳам берилган.

Аҳмад Дониш 1827 (хижрий 1242) йилда Бухоро шаҳридаги масжидарнинг бирида хизмат қилган ўртаҳол имомнинг оиласида дунёга келган. Сўғд қишлоғида оддий деҳқон оиласига мансуб бўлган унинг отаси таҳсил олиш мақсадида Бухорога кўчиб келган. Аҳмад Донишга бошланғич таълимни онаси берган, келажакда ўғлини етук қори бўлишини орзу қилган отаси эса уни Бухородаги мактаблардан бирига берган. Ёшлиқ давридан қизиқувчан бўлган Аҳмад, ўқишдан бўш пайтларда Бухоро кўчаларида юриб, одамлардан турли ҳикояларни эшитишни хуш кўрган. Мадрасада олиб борилаётган фанлардан қаноатланмага у ўзи мустақил равишда адабиёт, астрономия, геометрия, тиббиёт, мусиқа ва хаттотлик сирларини ўрганган<sup>3</sup>.

50-йилларнинг бошларида Аҳмад Дониш амир Насруллонинг саройига хаттот лавозимига ишга қабул қилинади. Саройда янги китобларнинг хошияларини безаш билан шуғулланган Аҳмад устозининг вафотидан сўнг, унинг ўрнига саройнинг бош рассоми этиб тайинланади, бироқ 1869-1870 йилларда Аҳмад ўз хошияга кўра ўз лавозимидан бўшайди. Ўз хотираларидабу воқеага нисбатан: “...хукмдорларга хизмат қилиш энг бесамара ишлардан бири...”<sup>4</sup> дея изоҳ беради.

Бухоро амирлари амир Насрулло ҳамда амир Музаффар Аҳмад Донишни 1857, 1869 ва 1874 йилларда элчилар таркибида Россияга юборган. Ушбу саёҳат таасуротларини у “Наводир ул воқеи” ва “Таржимаи аҳволи амирани Бухорои Шариф” асарларига киритган<sup>5</sup>.

70-йилларда Аҳмад Дониш амир томонидан Нарпай вилоятининг бош қозиси этиб тайинланади. Амир Музаффарнинг вафотидан сўнг эса Бухорога қайтади. У ўз хонадонидан тез-тез мушоиралар ташкил қилар, яқин дўстлари билан бирга у янги тадқиқотлар, асарлар ва рисолалари муҳокама қилар эди.

Аҳмад Маҳдумнинг бой илмий-маънавий мероси ЎзРФААбу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондидасакланади. Унинг қаламига мансуб бир неча қўлёзмалар рўйхати мавжуд бўлиб<sup>1</sup>, улардан қўйидаги асарлари табиий фанларга оид:

<sup>1</sup> Sources on the history of the intellectual heritage of Uzbekistan. [Editor-in-Chief D.Kh.Ziyaeva] Tashkent.: - “ADAB PLYUS”, 2018, p-4.

<sup>2</sup> Epifanova L.M. Handwritten sources of the IW of the Academy of Sciences of the UzSSR for the period of accession to Russia. Tashkent. : Nauka, 1965, p -9.

<sup>3</sup> Ahmad Donish. (Quick Reference) // History of the Peoples of Uzbekistan, Tashkent, 1947,- Vol. 4. - pp .201, 411-412

<sup>4</sup> Epifanova L.M. Handwritten sources of the IW of the Academy of Sciences of the UzSSR for the period of accession to Russia. Tashkent.: Nauka 1965. page-10

<sup>5</sup> Epifanova L.M. Handwritten sources of the IW of the Academy of Sciences of the UzSSR for the period of accession to Russia. Tashkent.: Nauka 1965. page -10



1. “Глобус ва ундан фойдаланиш рисоласи”<sup>2</sup>;
2. 1878-1879 йилларда тузилган астрономик жадваллар<sup>3</sup>
3. Астрономик жадваллар (1880-1885 йй)<sup>4</sup>;
4. “Осмон жисмлари ажойиботлари”<sup>5</sup>

“Глобус ва ундан фойдаланиш рисоласи”да глобус ва Ер шари ҳақида тушунчалар берилди. Рисола 1870-1871 йиллар оралиғида яратилган бўлиб, унда астрономик жадвалларда осмон жисмлари турларива уларнинг жойлашуви бўйича маълумотларни келтирилган. 1909 йилда астрономик жадваллар мударрис Саид Жунайдуллоҳ хўжа томонидан тўлдирилган.

Аҳмад Донишнинг “Осмон жисмлари ажойиботлари” асари астрономик календарь, унинг тузилиши, буржларни ўрганишга бағишланади.

1964 йилда Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг шарқшунослар архивида шарқшунос-олим П.И.Лерхнинг шахсий фондидан ноёб тарихий хужжат – Аҳмад Дониш томонидан яратилган Бухоронинг топографик харитаси топилган<sup>6</sup>. Харита турли рангдаги сиеҳлар ва акварель буёғи билан 52x44 см ўлчамга эга бўлган Самарқанд қоғозига туширилган. Ушбу тарихий хужжатни 3 қисмга ажратиш мумкин:

1. Шаҳарнинг тузилиши;
2. Шаҳар ташқарисидаги даҳа ва қишлоқлар;
3. Бухоро шаҳрининг умумий кўриниши

Бухоронинг топографияси ёрқин қизил ва жигарранг тусда хаританинг марказидан жойлаштирилган. Топография Бухоро арки бўлган марказ ва 12 маҳаллани ўз ичига олган 13 қисмдан иборат. Харитада деярли ҳар бир кўча ва маҳаллаларнинг ўша даврдаги номлари берилган. Шаҳар атрофидаги даҳа ва қишлоқлар оч яшил, экинзорлар тўқ яшил рангларда, уйлар эса қизил чизик билан тасвирланган. Бухоронинг умумий панорамасида оч жигарранг билан шаҳар дарвозалари ва деворлари ифодаланган. Бундан ташқари, хаританинг бу қисмида бир қанча мақбаралар, Калон ва Говкушон миноралари, Мир Араб мадрасаси ва Калон масжиди мавжуд. Бухоронинг асосий сув манбаи бўлган Шохруд канали 11 майда каналларга бўлинган ҳолда қалин кўк чизик сифатида ифодаланган.

Ушбу харита содда схематик усулда яратилган бўлишига қарамай чизилиш усули ва шакли бўйича Европа хариташунослигига мос равишда ишланган. Хусусан хаританинг четларида шимол, жануб, шарқ ва ғарб томонлари аниқ кўрсатилган, бу эса шаҳар харитасини ўрганишда мутахассислар учун қулайликларни яратади. Харитадаги ҳар битта топографик пункт муайян белгилар - масжидлар жигарранг “х” белгилар билан, ховузлар мовий рангдаги тўртбурчак ёки горизонтал “Е” шакли билан, карвонсаройлар “П” шакли, хаммомлар жигарранг думалоқ ёки тўртбурчак, шаҳар деворларининг миноралари жигарранг ярим-

<sup>1</sup> Sources on the history of the intellectual heritage of Uzbekistan. [Editor-in-Chief D.Kh.Ziyaeva] Tashkent.: - “ADAB PLYUS”. 2018. page-41

<sup>2</sup> Ahmad Danish. Handbook on the use of the globe. The fund of handwritten sources at the Tashkent State Institute of Oriental Studies, Source number No. 2247/I (volume 104 pages) 1871

<sup>3</sup> Ahmad Danish. Astronomical tables compiled in 1878-1879. The fund of handwritten sources at the Tashkent State Institute of Oriental Studies, Source number No.5095/I. 1878-1879

<sup>4</sup> Ahmad . Danish. Astronomical tables.(1880-1885).The fund of handwritten sources at the Tashkent State Institute of Oriental Studies. Source number No. 2362I (volume 227 pages) 1881-1885

<sup>5</sup> Ahmad Danish. Miracles of the heavenly bodies.The fund of handwritten sources at the Tashkent State Institute of Oriental Studies. Source number No.459/I;2144;234I (volume 104 pages) 1871

<sup>6</sup> Muhammadzhonov A.R. Historical and topographical plan of Bukhara Ahmad Danish // Gamnitarian sciences in Uzbekistan, Fan. №5,1965 p-32

доира, зиндон марказдаги жигаранг доира, чорбоғлар (хукмдорнинг ёзги қароргоҳлари) йирик тўртбурчак шакллари билан тасвирланган. Юқоридагиларнинг барчаси муаллифнинг нафақат тасвирий санъат, балки чизмачилик соҳасида ҳам муайян қобилиятга эга бўлганлигидан далолат беради<sup>1</sup>.

Бухоро харитасига 300 топографик жойлар ва тарихий ёдгорликлар, 31 маҳалла, 11 дарвоза, 4 чорбоғ (ёзги боғлар), 4 чорсу, 7 хаммом, 78 ховуз, 79 масжид, 79 мадраса, 38 мазор ва алоҳида қабрлар, 12 қарвонсарой, 7 бозор, 2 минора, 1 зиндон, 11 булоқ, 1 йирик канал, 11 майда канал, 11 йирик йўлнинг тузилиши киритилган. Бундан ташқари, 150 топографик жой номлари берилган: “Кулолгарон”, “Бозорхўжа”, “Жуйбора”, “Сўфиён”, “Хиёбон”, “Адрасбофон” маҳаллалари шаҳар ичида жойлашган. Шаҳар атрофидаги маҳаллалар “Файзобод”, “Дилкушо”, “Фатхобод”, “Арабобод”, “Хаккамозор”, “Ўтрор”, “Ширгирон”, “Зерилобод”, “Қаландархона”, “Тотормаҳалла” номлари билан маълум бўлган. Шаҳар дарвозалари “Имом дарвоза”, “Самарқанд дарвоза”, “Файзобод дарвоза”, “Баховуддин дарвоза”, “Қарши дарвоза”, “Қаволаи Маҳмуд дарвозаси”, “Салоххона дарвозаси”, “Қорақўл дарвозаси”, “Ширгирон дарвозаси”, “Толипош дарвозаси”, “Ўғлон дарвозаси” номлари билан кўрсатилган<sup>2</sup>. Бундан ташқари, шаҳардаги 7 хаммом – “Хаммоми Палондузон” – супургичилар хаммоми, “Хаммоми Кафшгарон” – этикдўзлар хаммоми, “Хаммоми Заргарон” – заргарлар хаммоми, “Хаммоми Саррафон” – саррофлар хаммоми, “Хаммоми Мисгарон” – мисгарлар хаммоми, “Хаммом” – умумий хаммом, “Хаммоми Говкушон” – қассоблар хаммоми каби машҳур хаммомларнинг аниқ жойлари қайд этилган<sup>3</sup>.

Харитада кўрсатилган 78 ховуздан фақат учтасини номи берилган, булар: “Хавузи Лиса”, “Хавузи Девонбеги”, “Хавузи Чашмаи Аюб” ховузлири. Бухорода 38 мазор бўлганлиги маълум бўлиб, харитада уларнинг ўнтасини номи берилган: “Қабристон Имоми Қози”, “Қабристон Турк хўжанди”, “Қабри шейхони Файзободи”, “Қабри Ноиб”, “Қабри амири Хайдар”, “Қабри Амири Саид”, “Қабри Турк хўжанди”, “Қабристон Сарбозон”, “Қабри Писари Подишохи Хито”, “Қабри Сўфиёни Саври”<sup>4</sup>.

“Қарвонсаройи Ражаббек”, “Қарвонсаройи Девонбеги”, Қарвонсаройи Ҳинду”, “Саройи Барра”, “Саройи Бой”, “Саройи Абришим”, “Саройи Хўжа”, “Қарвонсаройи Амир”, “Саройи Қушбеги”, “Саройи Аълам”, “Саройи Мирзагул”, “Саройи Ниёз” – харитада берилган қарвонсарой номлари.

Ўша даврда Бухородаги 7 бозор мавжуд бўлиб, Аҳмад Дониш харитасида улар – “Бозори Кўза” (сопол буюмлар бозори), “Бозори Карбос” (карбос матоси сотиладиган бозор, “Бозори Чилбир” (арқонлар сотиладиган бозор), “Бозори Панба” (пахта маҳсулотлари), “Бозори Ард” (ун маҳсулотлари), “Бозори Шира” (ширинликлар), “Бозори Намак” (туз бозори) номлари билан ифодаланади<sup>5</sup>.

Ушбу топографик харитада Бухоро шаҳрининг аниқ суратидан ташқари бир қанча матн ҳам мавжуд. Ушбу изоҳлар нафақат харитадаги муайян белгиларни тушунишга ёрдам бера олиши, балки Бухоронинг топографиясига оид бўлган ўзига хос маълумотлари билан

<sup>1</sup> Muhammadzhonov A.R. Historical and topographical plan of Bukhara Ahmad Danish // Gamnitarian sciences in Uzbekistan. Fan. №5,1965,p-33

<sup>2</sup> Muhammadzhonov A.R. Historical and topographical plan of Bukhara Ahmad Danish // Gamnitarian sciences in Uzbekistan. Fan. №5,1965,page-33

<sup>3</sup> Ibid

<sup>4</sup> Ibid

<sup>5</sup> Ibid

муҳим аҳамият касб этади. Мазкур харитада Бухоронинг XIX асрдаги муҳим аҳамиятга эга бўлган топографик ҳолати тасвирланган.

Аҳмад Дониш ўзининг табиий фанларга оид қарашларини илмий асослашга уринган. Унинг илғор қарашлари ўша даврдаги тараққийпарварлик ғояларнинг кенг ёйилишига туртки бўла олган десак муболаға бўлмайди. Аҳмад Дониш Марказий Осиёнинг XIX асрнинг иккинчи ярмида фаолият олиб борган энг етук энциклопедист олимлар қаторидан жой олганлиги бежиз эмас. Унинг қуйидаги нашр этилган асарлари ҳозирги кунда ўз долзарблигини йўқотмаган. Улар қаторига тожик тилида «Парчаҳо аз «Наводир ул-вақоеъ» (Душанбе, 1957г.), «Асарҳои мунтахаб» (Душанбе, 1959г.), рус тилида «Путешествие из Бухары в Петербург» (Душанбе, 1960г.), ўзбек тилида «Наводир ул-вақоеъ» (Ташкент, 1964г.) нашр этилган асарларини киритиш мумкин.

Аҳмад Донишнинг ижодида табиий фанларни ўрганиш ҳам ўзига хос ўринга эга. Табиий фанлар борасидаги изланишларда у асосан илмий омилларга асосланганлигини кузатиш мумкин. «Наводир ул-вақоеъ» асарининг катта қисми космографик тафсилотларга бағишланган<sup>1</sup>. Астрономияга оид асарларида табиий фанларга илмий ёндашган ҳолда у: «Бизнинг изланишларимиз юнон мутафаккирларининг назариялари билан уйғунликда олиб борилган. Барча мутафаккирлар Ернинг думалоқ шаклда эканлиги, фалакда бошқа космик воситалар билан бир қаторда ҳеч нарсага ҳалақит бермаган ва ҳеч нарсага таянмаган ҳолда муаллақ ҳолатда турганлигини таъкидлаган»<sup>2</sup>.

Ўз асарларида Аҳмад Дониш Ернинг думалоқ шаклдалиги, қолган сайёраларнинг доимий ҳаракат ҳолатида бўлганлиги, Қуёш ва Ой тутилишлари, зилзилалар ҳақидаги фикрларни баён этган. Унинг фикрича ҳар битта табиий ҳодиса бири бири билан ўзаро боғлиқ, ва бу уларни чуқур ўрганган ҳолда табиатда рўй берадиган ҳолатлар – Қуёш ва Ой тутилишлари, дарё тошқинлари ва зилзилаларни олдиндан билиш мумкин. Мисол учун, у зилзилаларни Ер қуррасида жойлашган иссиқ парларнинг силжиши натижасида юз беради деб таъкилдайд<sup>3</sup>.

Табиий фанларга оид қарашларида Аҳмад Дониш дунёдаги барча мавжудотларни 2 турга – мукамал ва содда мавжудотларга ажратган. Содда мавжудотлар - бу самовий ва ер мавжудотлари, мукамал мавжудотлар қаторига эса хайвонот ва ўсимлик оламига кирувчи мавжудотлар ва турли минераллар киради деб ҳисоблайди. «Хайвонот, ўсимлик олами ва минералларнинг вужудга келиши яралиш ва таназзул қонуниятларига асосланади. Яралишга инъикоси иссиқлик ва намлик, таназзулга эса совуқлик ва куруқлик таъсир кўрсатади»<sup>4</sup>.

Табиий фанларга оид фикрларини баён этаркан, Ернинг хусусиятлари хусусида у: «Ернинг туби 3 қаватдан иборат – биринчи қават – куруқ қум, иккинчи қават – қоришқоқ лой, учинчи қават – тошдан ташкил топган. Бироқ Ернинг маркази ичи бўш тарвузга ўхшайди, бўшлиғи эса оловли тутун билан тўлдирилган» – деб ёзади<sup>5</sup>.

Аҳмад Донишнинг табиий фанларга оид илғор қарашларига Россияга амалга оширилган саёҳати ҳам бевосита таъсир кўрсатган. Маълумки, ушбу саёҳатларнинг бирида рус зодағони М.Стремоухов унга Ер ва Ой глобусинисовға қилган. Бундан таъсирланган Дониш: «У менга Еру Осмонни совға қилди» – деган эди<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Ahmad Danish. Navodirulvakoe. Tashkent: Fan, 1964

<sup>2</sup> Ibid, p-103

<sup>3</sup> Ibid, p-101

<sup>4</sup> Ibid, p-97

<sup>5</sup> Ibid, p-99

<sup>6</sup> Subhon I. Seven stars of Bukhara. Samarkand, 1991, p-53



XIX асрнинг бошида география фани Ер шарининг контурлари, ундаги қитъалар ва уларнинг харитадаги ўрнини аниқлаб бўлган эди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россия империяси ҳукумати томондан ўлкани ўрганиш учун янада янги имкониятлар яратилди. Бу эса Марказий Осиёни мустамлакага айланиши жараёнини янада тезлаштирди. Аини даврда рус тадқиқотчилари томонидан Ўзбекистон ҳудуди синчковлик билан ўрганилган ҳолда табиий фанларга оид янги тадқиқотлар яратила бошлади.

Табиий фанларнинг ривожланишини ўрганишда ушбу даврнинг муҳим жиҳати шундаки, XIX асрнинг 60-йилларига келиб, Россия империяси чегаралари Сирдарёнинг қўйи оқими-гача ўрнатилди. Бундай тарихий жараёнлар шубҳасиз Марказий Осиё ҳудудида яшаган ўша давр изланувчилари ва мутафаккирларининг фаолиятида ўз таъсирини кўрсатган. Аҳмад Донишнинг илмий фаолияти эса бунга яққол мисол бўла олади.

**Хулоса.** Аҳмад Донишнинг илмий фаолияти ҳозирги кунга қадар ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Унинг асарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларига оид нафақат тарихий жараёнларни, балки табиий фанларнинг ҳолатини ўрганиш учун ҳам муҳим манба ҳисобланади. Мутафаккир томонидан ўз даврида яратилган “Глобус ва ундан фойдаланиш рисоласи”, 1878-1879 йилларда тузилган астрономик жадваллар, “Астрономик жадваллар (1880-1885 йй)”, “Осмон жисмлари ажойиботлари”, “Наводир ул вақоеъ” каби рисола ва асарлари бунга яққол мисол бўла олади.



## ON SOME MANAGEMENT CONCEPTS IN WORLD POLITICS

**JUMAEV RUSTAM**

*doctor of political science, professor, TSIOS*

**AKHUNOV TIMUR**

*master's student, TSIOS*

**Abstract.** *The article examines the main features of political transformation in political institutes and processes in the light of new paradigm of "New world order" management; reveals a doctrinal role of so called. "The theory of chaos control" in the formation and realization of modern political strategies in XXI century. First of all, a number of authors propose specialized monitoring of strategic planning and current governance practices, taking into account the inadequacies and uncertainties of current international processes. Such monitoring is based on the goals of universal international organizations (UN), regional alliances (EI), international economic and financial institutions (IMF) can be compared. The recording of such processes requires the adjustment of the relevant legal framework regulating the areas of international cooperation. For example, global markets may be self-organized or "thoroughly penalized" with international penalties. So far, the possibility of a fully centralized and effective international management system is far from likely. In addition, globalization seems to be the most powerful in sophisticated dynamic systems in the synergetic literature. The "multiple vector inequalities" have been replaced by the equality dynamics during the Cold War era. Instead of a single major conflict (East-West, North-South), local conflicts can be brought to the global catastrophe (ex. Middle East, Syria, Ukraine). The balance of deviance equates to the imbalance of instability. According to some authors, the aspiration for the position of a "world governor" in globalizing conditions is extremely dangerous: no state can manage the coordinating functions in complex dynamic systems, such as planetary globalization.*

*Finally, some authors link the global instability of the modern world with the phenomenon of the US-led Center for Forces. Researchers write about "chaos forces", "crisis management crises" strategies and "executive chaos." Perhaps it is possible to use the concept of non-tolerance and the concept of chaos in the interests of the customer's controlled chaos, i.e., to strengthen the dominant position of a single powerful state. One of the most serious threats of globalization is the instability of the financial markets in the self-regulating process. The global financial crisis can lead to a series of breaks in the regional market. That's why the strategy of the "managed crisis" in the economy (for example, powerful states like the US or Russia) is to weaken the most dangerous potential competitors without endangering the global economy.*

**Keywords and expressions:** *Political transformation, order and chaos, system and systematization, political administration, new world order.*

**Аннотация.** *Мақолада XXI аср сиёсий тизимларнинг ва жараёнларнинг ўзгаришида замонавий сиёсий стратегияларни белгиловчи ва доктринал хусусиятга эга "бошқариладиган хаос" назариясининг ўрни ва аҳамияти таҳлил этилади. Биринчи навбатда қатор муаллифлар стратегик режаслаштириши ва бошқарув амалиёти жорий халқаро жараёнларнинг ночизиқчилиги ва нобарқарорлигини ҳисобга олган ҳолда ихтисослашган мониторингини киритишни таклиф қиладилар. Бу каби мониторингни универсал халқаро ташиқлотлар (БМТ), минтақавий иттифоқлар (ЕИ), халқаро иқтисодий молия институтлари (ХВФ), мақсадларига нисбатан қўллаш мумкин. Бундай жараёнларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш халқаро ўзаро ҳамкорликнинг кўрсатилган нормаларидан келиб чиққан ҳолда танқидий амалга оширилиши лозим. Масалан, жаҳон бозорлари ўз-ўзини аниқ "мўлжал" билан ташиқллаштириши ёки халқаро куч ишлатиши билан боғлиқ жазоларни*



(интервенцияларни) пухта ўйлаб қўлаш. Ҳозирча яқин келажакда халқаро бошқарувнинг тўлиқ марказлаштирилган ва самарали тизими яратилиши эҳтимоли ҳақиқатдан анча йироқ. Бундан ташқари, глобаллашув синергетика адабиётларида мураккаб динамик тизимлар ичида энг қудратлиси сифатида намоён бўлади. Юзага келган "кўп векторли тенгсизлик" "совуқ уруш" давридаги тенглик динамикаси ўрнини эгаллади. Ягона асосий конфликт (Шарқ-Ғарб, Шимол-Жануб) ўрнини қўплаб маҳаллий можаролар, улар глобал фалокатга олиб келишлари мумкин (масалан, Яқин Шарқ, Сурия, Ливия, Украина). Дахшат мувозанат ўрнини мувозанатсизлик дахшати эгаллайди. Қатор муаллифлар фикрига кўра, глобаллашув шароитларида бирор-бир алоҳида "бутун жаҳонни бошқарувчи давлат" мавқеига интилиши ўта ҳавфли: биронта ҳам давла тпланетар глобаллашув каби мураккаб динамик тизимда мувофиқлаштириши функцияларини якка ўзи бошқара олмайди.

Ниҳоят, баъзи муаллифлар замонавий оламнинг глобал нобарқарорлигини АҚШнинг етакчилигидаги кучлар маркази феномени билан боғлайдилар. Тадқиқотчилар "хаос кучлари", "бошқариладиган кризислар" стратегияси ва "бошқарувчилик хаоси" тўғрисида ёзадилар. Балки ночизиклилик динамикаси ва хаос назариясининг концепцияларини "бўйртмачининг бошқариладиган хаос"га бўлган бўйртмаси манфаатларида ишлатиши, яъни ягона ўта қудратли давлатнинг устувор ҳолатини кучайтириши мумкин бўлар. Глобаллашувнинг энг жиддий хавф-хатарларидан бири – молия бозорларининг ўз-ўзини ташкиллаштириши жараёнидаги беқарорлиги. Глобал молиявий кризис минтақалар бозорида кетма-кет синишлар, хонавайрон бўлишларни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли иқтисодиёт соҳасидаги "бошқариладиган кризислар" стратегияси (масалан, АҚШ ёки Россия каби қудратли давлатлар учун) бутун жаҳон иқтисодиёти учун хавф тугдирмаган ҳолда энг хавфли потенциал рақобатчиларни кучсизлантиришдан иборат.

**Таянч сўз ва иборалар:** Сиёсий трансформация, тартиб, хаос, тизим, тизимлилик, дунёнинг янги тартиби.

**Аннотация.** В статье рассматриваются особенности политической трансформации политических институтов и процессов в свете новых парадигм "управления Новым мировым порядком", раскрывается доктринальная роль т.н. "теории управляемого хаоса" в формировании и реализации современных политических стратегий XXI века. В первую очередь, ряд авторов предлагают внедрить в практику стратегического планирования и текущего управления специализированный мониторинг с учетом нелинейности и нестабильности международных процессов. Такой мониторинг можно использовать в отношении целей универсальных международных организаций (ООН), региональных союзов (ЕС), международных экономических финансовых институтов (МВФ). Учет особенностей таких процессов требует адаптации соответствующих правовых баз, регулирующих указанные сферы международного сотрудничества. Например, мировые рынки должны организовывать себя с определенной "целью" или тщательно продумывать наказания (интервенции), связанные с применением международной силы. Пока что вероятность создания в ближайшем будущем полностью централизованной и эффективной международной системы управления далека от действительности. Кроме того, в синергетической литературе глобализация проявляется как самая мощная в сложных динамических системах. Возникшее "многовекторное неравенство" заменило динамику равенства в эпоху "холодной войны". Вместо единственного крупного конфликта (Восток-Запад, Север-Юг) могут возникнуть многочисленные локальные конфликты, которые могут привести к глобальной катастрофе (например, Ближний Восток, Сирия, Украина). Место равновесия ужаса займет ужас нестабильности. По мнению ряда авторов, в условиях глобализации стремление занять место «правителя мира» крайне опасно: ни одно государство не сможет самостоятельно управлять координирующими функциями в такой сложной динамической системе, как планетарная глобализация.

Наконец, некоторые авторы связывают глобальную нестабильность современного мира с феноменом центра сил, возглавляемого США. Исследователи пишут о "силах хаоса", стратегии "управляемых кризисов" и "исполнительном хаосе". Возможно, можно будет использовать динамику нелинейности и концепцию хаоса в интересах "заказчика управляемого хаоса", то есть для укрепления доминирующего положения единого могущественного государства. Одной из самых

*серьезных угроз глобализации является нестабильность финансовых рынков в процессе саморегулирования. Мировой финансовый кризис может привести к последовательным переломам, опустошению на региональном рынке. Вот почему стратегия «управляемого кризиса» в сфере экономики (например, для таких могущественных государств, как США или Россия) заключается в ослаблении наиболее опасных потенциальных конкурентов, не подвергая опасности мировую экономику.*

**Опорные слова и выражения:** *Политическая трансформация, порядок хаос, система, системность, миропорядок.*

The 21st century, undoubtedly, is already entering the history of human civilization by unprecedented acceleration, dynamism and unpredictability of political processes all over the world. The seemingly settled political relations, values, management systems, traditions, and simply the categories themselves, if they do not lose their original essence, they are filled with new, sometimes quite unexpected content. On the other hand, seemingly forgotten, at first glance, categories are being actualized.

"Everything new is well forgotten old", this truth emerges in the system of international relations. What is it about? So, almost all, even the lazy, "politicians", "spreading their thoughts along the tree," talk about the "color resolutions" of the end of the twentieth century – the beginning of the 21st century as a kind of "new phenomenon"... But if you look at the beginning of the 20th century, the October revolution in 1917 was a vivid example of this...

Events in Eastern European countries characterized by different shades of "color revolutions", on the one hand, the processes in Iraq, Libya, Syria, Egypt, Tunisia, Yemen ("Arab Spring") made many experts and politicians talk about "global chaos" and very nearly "apocalyptic" occurring in the first quarter of the XXI century. Afghanistan stands apart over the problems of which not only politicians and experts, but also all sensible people have been puzzling for several decades...

Many conspiracy theories have appeared, the "dynamic" paradigms, "Controlled" chaos, "cyber warfare", "third world information war", "fake attacks", etc.... In addition to disappointing forecasts about the upcoming new phase of the global economic crisis, aggravation of the geopolitical confrontation of the world power centers, there is a feeling that not only individuals, but also countries, continents, and all humanity themselves are pushing for the expected global chaos.

But this is hardly so, as various kinds of apocalyptic "forecasts" -alas, the cultural tradition of the "intelligentsia" at the break of eras, centuries, fundamental changes!?...

In ancient Greek mythology, chaos acts as the original state of the world, a kind of "opened abyss", from which the first deities that created the world, in the ancient and medieval historical-philosophical tradition an invisible and incomprehensible chaos is perceived as all generating and embracing beginning that has a formative force and means the primary formless state of matter, the "primary material", the primary devotion of the world<sup>1</sup>. In the 19-20 century's scientific attempts to understand the concepts "order" and "chaos" formed theories of directional disorder, extensive classifications and typologies of chaos. Gradually, approaches have evolved to understand "that complex systems are highly dependent on initial conditions, and small changes in the environment can lead to unpredictable consequences"<sup>2</sup>.

Thus, chaos – almost biblical, the most ancient philosophical, mythological category, reflecting itself in established order of elements, phases, periods of disorder, death of the established, or, as we now say, destruction of the system<sup>3</sup> and etc.

---

<sup>1</sup> Politobrazovaniye/lawinrussia.ru/content.-29 October 2016 y.

<sup>2</sup> Ibid

<sup>3</sup> Ashby W.R. Principles of the Selforganizing Dynamic System// Journal General Psychology. 1947. №37.P. 125-128.

In the 19-20 centuries this category was supplemented by a natural scientific understanding of statistical (thermal) chaos. Particular attention of twentieth-century scientists (first of all, physicists, mathematicians I. Prigogine, H. Haken, M. Feigenbaum, E. Laszlo, E. Topolsky and others) was also occupied the problem of dynamic chaos in deterministic systems and cognitive chaos in complexity theory, the theory of linear equations<sup>1</sup>.

The increasingly complex processes of integration and differentiation of sciences have also affected the field of socio-political disciplines. Thus, the use of "dynamic chaos" paradigm since the mid-twentieth began to be used in the analysis of transforming societies, rebuilt political systems and processes. Complex, often paradoxical transformations of political courses, systems, processes, social development itself have increasingly begun to be interpreted through the prism of chaos as a systemic structuring of non-linear changes and bifurcations. This has undoubtedly enriched the methodology for analyzing the entire system of political institutions and processes.

Moreover, the formalized representations began to act as one of the main tools of methodological support for political formation of the new world order. In closed laboratories and the former "socialist bloc" and in the walls of the giant factories of thought "Rand-corporation", "Honduel-corporation", Santa Fe Institute, meetings of the ideologues of Rome and the Bilderberg club was developed not only new methods of analysis, modeling and forecasting political processes, but also principles, strategies for the formation of new world order. The developed recommendations were concretized in the activities of, say, the IMF, the World Bank, the WTO, in the process of formation and development of the EU, the elaboration of global strategies of the World power centers<sup>2</sup>. What stands out, in our opinion, is the unhealthy approach to this concept of George Soros and his web of "Open society institutions" (remember the recent conflicts of this "Institute" in Hungary in October-December 2018 and the subsequent disorders, meetings of protests in January this year; not to mention about the "traces" of Soros in other regions of the world)...

At the end of the twentieth century, the theory of "chaos management" becomes almost the main geopolitical doctrine in the implementation of the national interests of the world's leading political actors.

One of the key figures in the development of this doctrine can be called Stephen Mann (born in 1951). In the expert and military-political community a great resonance was caused by his article in the main professional journal of the Pentagon "Parameters" under the name "Chaos Theory and Strategic Thought" (1992).

The main refrain of S. Mann's "chaos- new order" is stated in his following judgments: "We can learn a lot if we consider chaos and regrouping as opportunities, and not rush to stability as an illusory goal... The international environment is an excellent example of a chaotic system, and "self-organized criticality..." corresponds to it as an analysis. The world is doomed to be chaotic because the diverse actors of human politics in a dynamic environment have different goals and values"<sup>3</sup>. He believes that "Every actor in politically critical systems produces the energy of conflict, which provokes a change in the status quo, thus participating in the creation of a critical state and any course leads to the state of Affairs to the inevitable cataclysmic reorganization"<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Jumaev R.Z. «Sinergetikada ijtimoiy-siyosiy va tarixiy jarayonlar taxlili» – «Falsafa xuquq». 2014. №1. – 161-163 bb.

<sup>2</sup> Jumayev R.Z. «XXI asr siyosiy jarayonlarini tushunishda «haos» nazariyas»i// «XXI asrda jahon siyosati va Uzabekiston tajribasi: siyosiy, xuquqiy va ijtimoiy jihatlari» /Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallar tuplami. – T.: TDSHI, 2017. –135-140 bb.

<sup>3</sup> Mann S.R. Chaos Theory and Strategic Thought//Parameters (US Army War College Quarterly), Vol. XXII, Autumn 1992, 54-68 pp.

<sup>4</sup> Ibid.

Further, this system, under certain internal and external influences, as opposed to the ideas of D. Easton, according to Mann, will plunge itself into the abyss of conflicts, chaos, transformation. Here this approach is considered not only as a tool of positive or negative (it is point of view of whose national interests to consider!) but also as an important means of geopolitical manipulation.

This is evident from the following passage: With American advantages in communications and increasing opportunities for global movement, the virus of "ideological infection" will be self-replicating and will spread in a chaotic way. Therefore, our security will have the best results. That is the only way to build a long-term world order. If we fail to achieve such a change worldwide, we will have sporadic periods of calm between catastrophic readjustments.

It is obvious what "world order" the American researcher means... After all, to create a "world order" by "creating chaos" it is necessary, according to Mann, to further promote liberal democracy and market reforms, economic living standards and resource needs of the population, especially the elites, the displacement of traditional values and ideology through this. According to apologists of the theory of "controlled chaos", purposeful development and phased implementation of the "strategy" are necessary for the dismantling of a political system, system, national traditions, culture" for example, "the world of protection of the rights and freedoms of man", "pluralism" limitless "expansion of democracy", the breakdown of traditions and values, like unnecessary ballast, and freedom of activities of all organizations, the layers of the "legacy of statehood, opening domestic markets and resources to foreign investment, and in the end -the destruction of subjectivity development.

The destruction of the subjectivity of development and the state itself (Yugoslavia, Iraq, Afghanistan, Libya, Ukraine) under the imposition of an understanding of the need for democratic reforms, the liberal imperative of "non-interference" of the state in the social construction and the lives of citizens, should, according to the chaos strategists, first of all, crush this or that economy, make it even more vulnerable and dependent from outside. Within the framework of civilized principles of mutually beneficial cooperation, "non-subjectivity" implies, for example, recommendations for the use of the achievements of a particular "model", the policy of "open doors" for penetration into the economy of the leading financial and industrial groups, behind which criminal groups and structures can rarely stand. This should be accompanied by the engagement of individual leaders of the local government system to govern the country from the outside. The announcement of the fight against corruption should destroy the old layers and create new ones in the entire system of governance.

Particular attention in the implementation of the strategy of "Chaos" is paid to the "humanitarian" component-the transformation of mass consciousness, the introduction of "mass culture", rethinking their own history, historical memory, the entire system of traditional values and worldview. The erosion of the ideals of goodness and justice, of tolerance, of the entire spiritual sphere should be done through scientifically-developed political-technological methods "soft propaganda of the cult of money, power, erosion of the culture of solidarity and social partnership". The main "acting" directions should be the media, the education system, and the whole sphere of formation and management of public opinion. The entire Arsenal of information, socio-cultural and political technologies should be used to most effectively dilute the ability of the masses to organize themselves and bring them to the stage of elementary self-realization.

The strategy is characterized by two features:

- the form of recommendations and proposals should clearly be undeniably attractive;
- according to the content of the strategy implicitly, latent should be direct to control over the possibilities of development, neutralization of its purpose, control of communication, blocking



reflection, control over the freedom of influence on events, interference in internal Affairs," diplomatic" war intelligence, etc.

So under control opportunities development and the neutralization of its determination involves the appeals of the government to modernize and transform the country to an innovative way without developing systemic strategies of development and formation of entities for their implementation. At the same time, all possible opposition to the country's import dependence should be blocked, and its export policy should be controlled from the outside. The "open" market of the country should not prevent the growing credit dependence on international financial groups and organizations and look "through the fingers, gritting his teeth "on the export of capital from countries to regulate its growing foreign debt (Ukraine).The gradual ,unspoken erosion of the existing and working system of government, the involvement of "Chicago boys" and their lobbying ,under the flag of modernization of public administration, its further bureaucratization, support for the "right" elites and the scrapping of the old, the removal of the scientific community and critical intellectuals from the levers of government, "oligarchization" of state power ,its segmentation neutralizes purposefulness.

Much more obvious is the "effectiveness" of this strategy in the social sphere, expressed in the blocking of reflection, the erosion of communication links and the restriction of freedom of influence on events. The expansion of the boundaries of mass culture, its planting, commercialization of the media, "show" analysis of significant political technologies in electoral campaigns, the growth of populists in electoral choice, the formation of the cult of consumerism and money in all spheres of society – the integral results of the above strategy

In the social, primarily spiritual and moral sphere, the implementation of neoliberalism in the context of "controlled chaos" turns into more and more tangible individualism, consumerism, the planting of primitive values, the erosion of traditional community, group, family ties and relations, the generation gap, and, ultimately, the atomization of society

As a result of the creation of communication barriers, the stratification of society into rich and poor is increasing, rising inflation and prices are also "managed", which leads to a decrease in the quality of life of the less affluent part of the population and an increase in discontent. Chaotically managed leadership begins to look for internal and external enemies that hinder the great transformation, thus creating fertile ground for socio-cultural, political and economic, ethnic and religious contradictions.

Thus, despite the differences between countries, the common features of non-subject development are the fruit of the strategies of "controlled chaos" are more or less obvious. In our view, this is a manifestation of new forms of Post-neocolonialism, manifested in the interception of governance in a country or region, blocking the potential and real ability of States to genuine innovative development. Events in Venezuela confirm this idea. Understanding this "soft", invisible weapon as one of the main challenges and threats of the 21st century.







## ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧДА ЯПОНИЯ ТАШҚИ СИЁСАТИДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

**МУҲАММАДСИДИҚОВ МУҲАММАДОЛИМ**

сиёсий фанлар доктори, ЎХИА

**Аннотация.** Мақолада Япониянинг жаҳон ҳамжамияти давлатлари орасида тараққиёт моделининг афзалликлари намоён қилинади. Аҳолисининг турмуш фаровонлиги даражаси ниҳоятда юксалди. Бинобарин, Япония ҳозирги кунда нафақат минтақада, балки бутун дунёда автомобилсозлик, янги ишлаб чиқариш технологиялари, илмий-техникавий тадқиқотлар, электрон - ҳисоблаш машиналари, компьютерлар, электр жиҳозлари ишлаб чиқариш бўйича етакчилик қилмоқда. Бугунги кунда Япония ташқи сиёсатида АҚШ таъсиридан чиқиб, нисбатан эркин сиёсат юритиш имкониятига эга бўлди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Япония ташқи сиёсатининг бир мунча жонланиш даври бошланди. ХХР билан иқтисодий алоқаларнинг ўсиши, “совуқ уруш” якунининг яқинлашаётганлиги, Япония раҳбариятининг иқтисодий куч билан сиёсий йўлни мувофиқлаштиришга интилиши янги интилишларнинг асосий сабаби бўлди.

Япония БМТ раҳбарлигидаги тинчликпарвар ҳаракатларда иштирок эта бошлади, хусусан, 1992 йил октябрда тинчлик сақлаш бўйича БМТ ҳарбий ҳаракатлари доирасида Камбоджага илк маротаба ўз мамлакатининг муҳандислик батальонини юбориб, Камбоджадаги можарони ҳал қилишда қатор сиёсий ташаббуслар билан чиқди.

Япония ташқи сиёсатининг “уч устуни” а) бутун дунёда барқарорлик ва тинчликни таъминлашга; б) ривожланаётган давлатларни ривожлантиришга; в) глобал жамиятнинг ҳар бир фуқароси фаровонлигига ёрдам бериш керак.

Япония иқтисодий қудратига таянган ҳолда ва БМТ доирасида фаол қатнашаётганидан фойдаланиб, ўзининг БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоллигига киритилиши тўғрисидаги масалани кун тартибига қўйиши эҳтимоли мавжуд.

Япониянинг БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлишига интилишининг яна бир сабаби, агарда имконият берилса, ўзининг милитаристик ўтмишига алоқадор масалани ижобий ҳал қилишдан иборатдир.

**Таянч сўз ва иборалар:** совуқ уруш, шимолий ҳудудлар, Евросиё дипломатияси, Тинчликни таъминлаш, ўз ўзини ҳимоя кучлари, Япония модели, иқтисодий ҳамкорлик, молиявий ёрдамлар.

**Аннотация.** В статье освещаются преимущества модели развития Японии среди мирового сообщества. Уровень жизни населения значительно вырос. Япония в настоящее время является лидером в автомобильной промышленности, новых производственных технологиях, научно-технических исследованиях и компьютерном, электротехническом оборудовании не только в регионе, но и во всем мире.

Сегодня у Японии была возможность проводить относительно свободную от влияния США внешнюю политику.

В 1980-х годах начался период возрождения внешней политики Японии. Основной причиной новых устремлений стал рост экономических связей с КНР, окончание холодной войны и стремление японского руководства согласовать политический путь с экономической властью.

Япония начала участвовать в миротворческих операциях под руководством ООН, и в октябре 1992 года впервые в миротворческой операции ООН развернула инженерный батальон своей страны в Камбодже и выступила с рядом политических инициатив по урегулированию камбоджийского конфликта.

Три столпа внешней политики Японии: содействие стабильности и миру во всем мире; развивающиеся страны; благосостояние каждого гражданина мирового сообщества.

Воспользовавшись экономической мощью активным участием в Организации Объединенных Наций, Япония может поставить вопрос о своем членстве в Совете Безопасности ООН.

Еще одна причина, по которой Япония стремится стать членом Совета Безопасности ООН, заключается в возможности, позитивно рассмотреть вопрос о своем милитаристском прошлом.

**Опорные слова и выражения:** холодная война, северные территории, евразийская дипломатия, миротворчество, силы самообороны, японская модель, экономическое сотрудничество, финансовая помощь.

**Abstract.** The article highlights the benefits of Japan's development model among the global community. The standard of living of the population has grown significantly. Building, Japan is currently a leader in the automotive industry, new manufacturing technologies, scientific and technical research and computer, electrical equipment, not only in the region, but throughout the world.

Today, Japan had the opportunity to pursue a relatively free policy in US foreign policy outside the influence of the United States.

In the 1980s, a period of revival of Japanese foreign policy began. The main reason for the new aspirations was the growth of economic ties with the PRC, the end of the Cold War and the desire of the Japanese leadership to coordinate the political path with economic power.

Japan began to participate in UN-led peacekeeping operations, and in October 1992, for the first time in a UN peacekeeping operation, launched its country's engineering battalion in Cambodia and launched several political initiatives to resolve the Cambodian conflict.

Three pillars of Japanese foreign policy: a) promoting stability and world peace; b) developing countries; (c) the welfare of every citizen of the world community.

Taking advantage of the economic power of Japan and its active participation in the United Nations, it can raise the issue of its membership in the UN Security Council.

Another reason Japan aspires to become a member of the UN Security Council is that, if it had the opportunity, to positively consider the issue of its militaristic past.

**Keywords and expressions:** cold war, northern territories, Eurasian diplomacy, peacekeeping, self-defense forces, Japanese model, economic cooperation, financial assistance.

**Кириш.** Ҳозирги кунда Япония тарихида чуқур из қолдирадиган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар давом этмоқда. Япония жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг тараққиёт модели афзалликларини намён қилди, мавжуд муаммоларни ўзидаги ресурслар ёрдамида ҳал қила олишини исботлади. Аҳолисининг турмуш фаровонлиги даражаси ниҳоятда юксалди.

Япониянинг собиқ Бош вазири Я.Накосонэ 1986 йилда шундай деган эди: “Япония халқаро ҳамжамиятда фахрлироқ ўрин эгаллашга даъвогарлик қилади”<sup>1</sup>. Бош вазир ўз давлатининг қудратига шубҳа қилмаган. Бинобарин, Япония ҳозирги кунда нафақат минтақада, балки бутун дунёда автомобилсозлик, янги ишлаб чиқариш технологиялари, илмий-техникавий тадқиқотлар, электрон - ҳисоблаш машиналари, компьютерлар, электр жиҳозлари ишлаб чиқариш бўйича етакчилик қилмоқда.

**Мақсад ва вазифа.** Бугунги кунда Япония раҳбарияти олдида мустақил ташқи сиёсат юритиш ва ташқи сиёсатда устувор йўналишни белгилаш имконияти туғилди. Бунинг учун қуйидаги омиллар мавжуд:

а) Дунё миқёсидаги сабаблар: Совет Иттифоқининг парчаланиб кетиши ва шу билан боғлиқ қарама-қаршиликлар ҳамда “совуқ уруш” мафқурасининг тугаши.

б) Минтақа миқёсидаги сабаблар: Шимолий Атлантика блоки (НАТО)нинг Шарққа қараб кенгайиши ва минтақанинг йирик давлати бўлган ХХР ҳарбий-сиёсий мавқеининг

<sup>1</sup> Шарапов А.А. Осиё-Тинч Океани минтақаси давлатлари ва Ўзбекистон Республикаси муносабатлари. Монография. – Т.: ТошДШИ, 2014. – Б.34.



ни ҳал қилишда фаол иштирок этиш ва бу мамлакатга кўрсатган молиявий ёрдам дунёда Япониянинг роли ўзгараётганлигини кўрсатиши лозим эди.

Ташқи сиёсатнинг ўзгариши, энг мақбул тўхтамга келиш ҳозирги пайтда ҳам тугалланмаган узокқа чўзиладиган жараён дир. Япония раҳбарлари ва мутахассислари томонидан тақдим этилаётган ташқи сиёсат ривожининг турли вариантлари Япониянинг минтақавий ва дунё микёсидаги ташаббусларининг ўзгарганлиги ифодаси ҳисобланади.

Масалан, 1997 йилда Япония бош вазири томонидан “Евросиё димломатияси” гоёси овоза қилинди. “Евросиё димломатияси” концепцияси Япония ҳамкорлигининг (АҚШ билан АРФ, АТЕС ва умуман АТР доирасида) анъанавий йўналишлари билан бир қаторда Евросиё, биринчи навбатда “Буюк Ипак Йўли” бўйида жойлашган мамлакатлар билан алоқаларни жонлантиришга қаратилган.

Япония БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши таркибига доимий аъзоларни киритиш мақсадини кўйиб, уни ислоҳ қилиш ташаббуси билан чиқди. Ушбу масала БМТнинг аҳамияти жиҳатидан иккинчи молиявий ҳомийси бўлган Япониянинг ташқи сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди.

Мамлакат ташқи сиёсатида ХХР билан алоқалар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Иқтисодий соҳа бирламчи аҳамиятга эга. Ядро қуролига эга йирик давлат билан яхши ва олдиндан айтиб бериш мумкин бўлган алоқалари ҳам хавфсизликнинг кўшимча кафолати ҳисобланади.

Денгиз чегараси, тарихий ўтмиш, ХХРнинг Россия билан яқинлашуви масалалари бўйича мамлакатлар ўртасидаги келишмовчиликлар сиёсий алоқаларнинг ривожидида жиддий тўсиқ дир. Япониянинг тинчликпарварлик ҳаракатларида иштироки ва Япония Конституциясининг тегишли моддаларининг қайтадан кўриб чиқилиши сабабли ХХР Япония ташқи сиёсатининг жонланишидан ва ҳарбий хавфсизлик соҳасидаги ҳаракатларидан хавотирга тушган.

Япон-рус алоқалари “шимолий ҳудудлар” муаммолари билан хиралашган. Россия ва Япония гарчи дипломатик алоқалар тикланиб ва муайян ютуқлар билан ривожланса ҳам ҳанузгача тинчлик битимини имзолашмаган. Ҳудудий муаммолар билан тинчлик битимини ҳаддан ташқари боғланиши мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг яхшиланишини ниҳоятда оғирлаштирмоқда<sup>1</sup>.

Охирги пайтларда Япония бир неча бор ўзи учун позитив тўхтамга келиш имкониятига эга эди. Мисол учун, 1956 йилда ўз позициясини енгиллаштиришда Япония раҳбариятининг шайлиги муаммонинг ҳал этилишига олиб келмади. 1980-йиллар иккинчи ярмида Япониянинг молиявий механизмлар воситасида вазиятни ҳал этишга уруниши муваффақиятга эришмади. Ниҳоят, 1993 йилда, Россия президентининг ташрифи давомида, белгиланган имкониятлар Япониянинг муросасизлиги сабабли амалга оширилмади.

XXI аср бошида Россиянинг кучайиши Япониянинг “шимолий ҳудудлар” масаласини бир томонлама муросасиз ҳал этишга бўлган ишончини пучга чиқармоқда.

Таъкидлаш жоизки, Япония ўзи учун бошқа муҳим масалани – БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси статусини олишда Россиянинг қўллаб-қувватлашига муҳтож.

Корея муаммосининг ҳал этилиши Япония ташқи сиёсатининг биринчи галда ечилиши лозим бўлган масалаларидан биридир. КХДР ва Корея Республикаси билан алоқалар Корея ярим оролининг узок давом этган Япония истилоси изини қолдирган.

---

<sup>1</sup> <http://www.dissercat.com/content/rossiisko-yaponskie-otnosheniya-na-sovremennom-etape-politologicheskii-analiz>.





1987 йили Япония ташқи сиёсатига бағишланган “Ташқи сиёсат бўйича Мовий китоб”да мазкур мамлакатнинг янги дунё тартиботи шаклланишидаги ўрни ортиб бораётгани қайд қилинади. Бутун ер юзида тинчлик ва тараққиётни таъминламасдан, Япониянинг хавфсизлиги ва гуллаб-яшнашини кафолатлаб бўлмайди. Агар Япония ташқи сиёсатини доира деб олсак, ички доира бу-япон давлати нуқтаи назарича, ғоят муҳим бўлган иқтисод, хавфсизлик ва бошқа турли соҳаларда вазифаларнинг бажарилишини таъминловчи минтақавий сиёсат, ташқи доира эса, ушбу минтақавий сиёсатни амалга оширишда етарли шарт-шароитлар яратувчи дунё миқёсидаги сиёсатдир<sup>1</sup>.

Албатта, ҳар икки омил ўртасида ўзаро боқлиқлик мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда Япония ташқи сиёсатида минтақавийлик тенденцияси устуворлик қилмоқда<sup>2</sup>.

Япония ташқи сиёсатида минтақавий тенденция мавжудлигини собиқ бош вазир Р.Хасимото сўзларида ҳам кўриш мумкин: “совет-америка қарама-қаршиликлари тугагандан сўнг, дунё иқтисодиёт, сиёсат соҳасида ҳам ягона бўлиб қолди. Аммо минтақавий низолар хавфи мавжуд”. Ф.Фукуяма фикрича, Жанубий Корея, Япония ва Хитой ўртасидаги низолар, тушунмовчиликлар яқин йилларда сақланиб қолади. Аммо бу хавфнинг кескинлигини пасайтиришда халқаро мулоқотнинг мавжуд имкониятларидан фойдаланиш лозим<sup>3</sup>.

Бундай шароитда Япония ташқи сиёсатининг асосий вазифаси мамлакат хавфсизлигини, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўлади<sup>4</sup>.

Япония ташқи сиёсатининг “уч устуни” а) бутун дунёда барқарорлик ва тинчликни таъминлашга; б) ривожланаётган давлатларни ривожлантиришга; в) глобал жамиятнинг ҳар бир фуқароси фаровонлигига ёрдам бериш керак.

Япония ташқи сиёсатининг тамойиллари қуйидагилардан иборат: ядросизлик бўйича уч тамойил; Япония ҳеч қачон ҳарбий давлат бўлмайди; ҳамкорлик, ўзаро алоқаларни кучайтириши керак; ОТОМ билан ҳамкорлик бошқалар учун очиқ бўлиши керак.

Япония ҳарбий давлат бўлмайди, деб номланган тамойил кўпроқ япон жамоатчилиги учун қаратилган, негаки, Япония ҳарбий харажатлари катта миқдорни ташкил қилиши халқаро ҳамжамятга маълум. 1990 йиллар охиридаги маълумотлар бўйича Япония ҳарбий салоҳиятига кўра, дунёнинг олтига ҳарбийлашган давлатлари қаторига кирган<sup>5</sup>. 2012 йил декабрида ҳокимият тепасига келган С.Абэ маъмурияти “мудофаа армияси”ни тузишга интилиши билан юқоридаги тенденция мантиқан ниҳоясига етди. 2013 йилда Миллий хавфсизлик кенгаши тузилди. 2014 молия йилида мамлакатнинг ҳарбий бюджети 2,2% ошди (бу сўнгги 18 йил ичидаги рекорд кўрсаткич)<sup>6</sup>. Бунга албатта, минтақадаги мавжуд геосиёсий вазият таъсир қилгани аён.

Япониянинг терроризмга қарши курашида асосий омил - 2001 йил 29 октябрда терроризм билан курашиш тўғрисида Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун мамлакатнинг «ўз-ўзини мудофаа кучларини» давлат ҳудудидан ташқаридаги аксилтеррор ҳаракатларда фойдаланишига ҳуқуқий асос бўлиб, улардан фронт орти ва гуманитар соҳаларда фойдаланиш қайд этилган. Қонун ушбу кучларнинг жанговар ҳаракатларнинг барча кўринишларидаги

<sup>1</sup> Япония 90-х: кризис системы или временные сбои. –М., 1998. – С.234.

<sup>2</sup> The Daily Yomiury. 20.05.1997.

<sup>3</sup> Чугров С. Почему обостряются антияпонские настроения в Китае и Южной Кореи? // Мировая экономика и международные отношения, 2005. – №11. – С.32.

<sup>4</sup> Асахи симбун. 29.06.1997 (веч. вып.).

<sup>5</sup> Арин О. АТР: мифы, иллюзии и реальность. –М.: Флинта, 1997. – С.273.

<sup>6</sup> Стрельцов Д. Япония: новая политика национальной безопасности //Russian council.ru 13/02/2014



доирасида ҳамда халқаро муносабатларда низоларни ҳал қилишда қатнашиш орқали фойдаланмоқда<sup>1</sup>.

Япониянинг Афғонистонга 2002 йил учун берган ёрдами ҳажми 282 млн. АҚШ доллари етиб, бу билан Япония Токио конференциясида биринчи йилда ваъда қилинган 250 млн. долларни (500 млн. дан) бажарди. Япония грантининг катта қисми мактаб, касалхона инфратузилмаларини тиклашга сарфланади. Шунингдек, 48,8 млн. АҚШ доллари Афғонистон ҳукуматининг ихтиёрига берилади<sup>2</sup>. 2012 йил Токиода бўлиб ўтган конференцияда 70 та мамлакатдан делегациялар иштирок этиб, улар 2015 йилгача Афғонистонга биргаликда 16 млрд. АҚШ доллари миқдорида ёрдам пули ажратишга қарор қилишди. Япония 2016 йилгача бунга қўшимча қилиб 3 млрд. АҚШ долларига тенг маблағ ажратишини эълон қилди<sup>3</sup>.

Япония иқтисодий қудратига таянган ҳолда ва БМТ доирасида фаол қатнашаётганидан фойдаланиб, ўзининг БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоллигига киритилиши тўғрисидаги масалани кун тартибига қўйиши эҳтимоли мавжуд. 1997 йилда БМТ собиқ Бош қотиби Кофи Аннан Япониянинг БМТнинг Исроил томонидан босиб олинган Жўлан тепаликлари ҳудуди, Камбоджа ва Мозамбикда тинчликни таъминлашга қаратилган операцияларида фаол иштирок этганини таъкидлаб, Япониянинг Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлишига имкони борлигини айтиб ўтгани ҳам бу фикрнинг исботи сифатида баҳоланади<sup>4</sup>.

Япониянинг БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлишга интилишининг яна бир сабаби, агарда имконият берилса, ўзининг милитаристик ўтмишига алоқадор масалани ижобий ҳал қилишдан иборатдир<sup>5</sup>.

Япониянинг бу борадаги саъй-ҳаракатини АҚШ ҳам қўллаб-қувватлаган. Чунончи, бу тўғрида собиқ бош вазир Т.Фукуда АҚШ собиқ президенти Ж.Картер билан 1977 йили Вашингтонда келишган эди<sup>6</sup>.

Баён этилган натижаларида Япония ташқи сиёсатининг воситалари ниҳоятда хилма-хиллиги ҳамда кўп қирраллилиги намоён бўлади. Бу эса Япония дунёнинг сиёсий етакчи мамлакатларидан бири бўлишига эришишни кўзлаганини кўрсатади.

Бу мақсадга етишнинг яна бир воситаси бу – “Тараққиётга расмий ёрдам” дастуридир. Зеро, Япония ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш борасида дунёда етакчи мавқега эга<sup>7</sup>.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, ривожланаётган давлатларга ёрдам бериш учун Япония Ташқи ишлар вазирлиги зарур маблағ билан таъминланган<sup>8</sup>.

Япония ташқи сиёсатида ёрдам олаётган (реципиент) мамлакатлар билан муносабатини ривожлантиришда маълум меъёрий талаблар шаклланган.

Буни Япониянинг қайси мамлакат билан қандай муносабатда бўлиши ойдинлаштиради. Одатда, бундай муносабатларга анъанавий омилларнинг қуйидаги уч гуруҳи таъсир қилади:

<sup>1</sup> Япония 90-х: кризис системы или временные сбои. – М., 1998. – С.243.

<sup>2</sup> Николаев Н. Дружеское участие или геополитическая игра? // Азия и Африка сегодня, 2002. – С.12.

<sup>3</sup> Морозов Ю.В. Афганистан после 2014 года: стабильность для государств ШОС или новый виток напряженности в Центрально-Азиатском регионе ?//Проблемы Дальнего Востока, 2013. – №2. – С.100.

<sup>4</sup> The Daily Yomiury. 13.05.1997.

<sup>5</sup> Шарапов А.А. Осиё-Тинч Океани минтақаси давлатлари ва Ўзбекистон Республикаси муносабатлари. Монография. – Т.: ТошДШИ, 2014. – Б.42.

<sup>6</sup> Японская дипломатическая служба. – М., 1988. – С.92.

<sup>7</sup> Takashi Inoguchi. The Political Economy of Japan. Vol.2. The changing international context (Stanford University Press, Stanbord California). – P.27.

<sup>8</sup> Японская дипломатическая служба. – М., 1988. – С.39.



Мудофаа масалаларининг АҚШ ихтиёрига топширилишига яна бир сабаб шуки, Япониянинг урушдан кейин 1947 йил 3 майда кучга кирган Конституциянинг 9-моддасида қуролли кучлар тузилиши тақиқланган эди. Лекин реал воқелик мазкур Конституцияга ўзгартиришлар киритиш зарурлигини тақозо этди. Чунки халқаро муносабатларда «совуқ уруш» тенденциясининг пайдо бўлиши тинчликсевар япон Конституцияси муаллифлари олдига бир қанча долзарб вазифаларни кўндаланг қўйди (Асосий қонунни тайёрлашда америкалик мутахассислар иштирок этишган). Булар қуйидагилардан иборат:

а) Япония Осиёда АҚШнинг «чўкмас авиаташувчиси» вазифасини бажариши керак бўлди;

б) Япония ўзини СССР, ХХР, КХДР каби кучли ва хавфли қўшнилар халқасида деб ҳисоблагани учун ҳам ўз хавфсизлигини таъминлашни ўйлай бошлади.

1950 йил май ойида бошланган Корея ярим оролидаги уруш сабаб бўлиб, япон ҳукмрон доиралари оккупациявий қўшинлар штабидан «75 минг нафар кишилик резерв полиция корпуси»ни тузишга рухсатнома олди. Бу корпус икки йилдан сўнг «хавфсизлик корпуси»га айлантирилиб, штатлар сони 1,5 баробарга кўпайтирилди. 1954 йил июлида парламент «хавфсизлик корпусини» «ўз-ўзини ҳимоя кучлари»га ўзгартириш тўғрисидаги қонунни тасдиқлади. «ўз-ўзини ҳимоя кучлари»га қуруқликдаги, шунингдек, ҳарбий-ҳаво, ҳарбий-денгиз кучлари қиради. Япония АҚШ кўмагида минтақада замонавий армия тузди.

Япониянинг 1976 йилда қабул қилинган Мудофаа доктринасига биноан «ўз-ўзини ҳимоя кучлари» давлат суверенитетига ташқаридан бўладиган кичик кўламдаги тажовузга қарши жавоб бериши керак. Ушбу кучларнинг давлат чегарасидан ташқарида ҳаракат қилиши конституциявий жиҳатдан ноқонуний ҳисобланар эди.

Япония ҳукмрон доираларининг конституцияни қайта кўриб чиқишга интилиши 2001 йил 24 апрелда Ж.Коидзуми бошчилигида тузилган вазирлар маҳкамаси фаолиятида кўзга ташланди. Ж.Коидзуми «ўз-ўзини ҳимоя кучлари»ни қонундан ташқарида бўлиб қолган «кулгили» вазият деб изоҳлади.

Мудофаа масалалари бўйича ҳукмрон ЛДП кўмитаси 2001 йил мартда конституцияни қайта кўриб чиқиш муаммолари юзасидан парламент комиссияси ва ҳукуматга «Япония миллий хавфсизлигини таъминлаш бўйича асосий қонун» бўйича ишлаб чиқилган таклифларини тақдим этди<sup>1</sup>. Унда коллектив мудофаа ҳуқуқини ишлатиш соҳалари ва шартлари аниқ белгиланган бўлиши таъкидланади.

Мавжуд чекланишларни юмшатиш заруриятини ЛДП биринчи навбатда, халқаро вазият ўзгариши туфайли мамлакатнинг АҚШ билан биргаликда Осиё-Тинч океани минтақасида, умуман, бутун дунёда барқарорликни таъминлашдаги ҳиссасини кўпайтириш зарурияти билан асослади.

Конституцияни қайта кўриб чиқиш бўйича парламент комиссияларини тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин муҳолифатда ўзгаришлар юз берди. Япония демократик партияси, муаммони ўрганиш жараёнида Конституцияда коллектив мудофаа ҳуқуқининг аниқ баён этилиши зарурлигини таъкидлади. Либерал партия (кейинроқ Демократик партияга қўшилади) 9-модданинг тинчликпарварлик ғояларига содиқлиги муҳимлигини эътироф этган ҳолда, асосий қонунда «ўз-ўзини ҳимоя кучлари»нинг вако-

---

<sup>1</sup> Самсонов В. Законодательство Японии в сфере обороны и перспективы его совершенствования // Зарубежное военное обозрение, 2003. –№2. – С.5.







таъкидлашича, Япония, АҚШ ва Шарқий Осиё ўртасидаги уч томонлама муносабатлар минтақадаги глобаллашув табиатининг тимсоли бўлиб, Вашингтон ва Япониянинг Осиёда глобаллашувини ўз ичига олади<sup>1</sup>.

Япония ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, Осиё ва Ғарб дунёси ўртасида восита-чилик ролини ўйнамоқда. Бунга мисол тариқасида Токионинг 1994 йил Богорда (Индонезия) минтақа етакчилари учрашувида фаоллигини айтиш мумкин. Маълумки, ўшанда расмий Вашингтон эркин савдо тамойили ва институционал ёндашув, Осиё мамлакатлари эса ўзларига хос анъанавий консенсус тарафдори эди. Токионинг вазифаси иккала позицияни яқинлаштириш эди. Натижада Япония Индонезия ёрдамида индустриал давлатлар учун 2010 йил, ривожланаётган давлатлар учун 2020 йилга келиб эркин иқтисодга эришиш концепциясини қабул қилди<sup>2</sup>.

Япония ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, шаклланаётган Шарқий Осиё ҳамжамиятида ўз ролини ўйнашга ҳаракат қилмоқда. 2002 йилда Япония бош вазири Ж.Коидзуми Сингапурдаги маърузасида “Кенгайтирилган Шарқий Осиё ҳамжамияти” ғоясини илгари сурди ва бу “Коидзуми доктринаси” номини олди, бунга кўра ҳамжамият марказида Япония, АСЕАН мамлакатлари, ХХР, Жанубий Корея, Австралия ва Янги Зеландия туради<sup>3</sup>. Япония томонидан илгари сурилган бундай ташаббуслар – ХХР таъсирини камайтиришга ёрдам берувчи мамлакатларни ҳамжамиятга жалб этиш мақсадини кўзлайди.

Осиё масалалари бўйича америкалик тадқиқотчи К.Б.Пайл фикрича, яқин келажакда ОТОМ ривожига Япония Хитойдан кам таъсир ўтказмайди. Буни тасдиғи сифатида Япониянинг Шимолий Атлантика иттифоқи билан муносабатларининг фаоллашганини айтиш мумкин: 2007 йилда бош вазир С.Абэ Брюсселда иттифокнинг штаб-квартирасига ташрифи чоғида Япония икки томонлама муносабатларни кенгайтиришга тайёр эканлигини таъкидлади. Бу эса Японияни Иттифокнинг Шарқий шериги сифатида эътироф этиш демакдир. С.Абэ томонидан 2007 йилда қабул қилинган “Тўрт томонлама ташаббуслар” дастури ОТОМ вазиятга жиддий таъсир ўтказди. Бундай ташаббуслар АҚШ, Япония, Австралия ва Ҳиндистоннинг турли соҳалардаги фаолиятларида ҳамкорлигини кенгайтиришни назарда тутди. С.Абэ фикрича, Япония ўз иштироки орқали “озодлик ва фаровонлик”нинг Осиё ёйини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Ушбу ёй эса Япония учун углеводородлар келтириладиган йўналишларга тўғри келади<sup>4</sup>.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ташқи сиёсатнинг фаоллигига қарамай, Япония олдида қўйган мақсадларнинг энг муҳимларига – БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолиги статусига ва “шимолий худудлар” муаммосини ҳал қилишга ҳозирча эриша олмади.

Шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакат ташқи сиёсий йўлининг ўзгариш жараёни ҳалигача давом этмоқда. Япония келажакда Осиё –Тинч Океани минтақаси ва дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаши кутилмоқда.



<sup>1</sup> The Political Economy of Japanese Globalization. –N.Y.L., 2001. – P.5.

<sup>2</sup> Чугров С. Япония в поисках идентичности? //Мировая экономика и международные отношения, 2003. – №12. – С.79.

<sup>3</sup> Стрельцов Д.В. Япония и «Восточноазиатское сообщество»: взгляд со стороны//Мировая экономика и международные отношения, 2007. – №2. – С.58.

<sup>4</sup> Терехов В. Военно-политическое становление Японии//Азия и Африка сегодня, 2008. – №7. – С.3.



## ХАЛҚАРО СИЁСАТДА ГЕОМАФКУРА ФЕНОМЕНИ

**ХЎЖАНОВ БАҲРОМ**

сиёсий фанлар номзоди, доцент, ЖИДУ

**Аннотация.** Дунёни гоялар бошқаради. Фақат бу гоялар бутун бир мафкура сифатида шакллансагина амалиёт юзини кўриши мумкин. Мафкура қайси кўринишида бўлмасин, унинг амалий ҳаракатлари асосида бошқа мафкураларга қарама-қаршилик туради. Мафкуравий бўшлиқ бўлган жойда янги мафкура яратиши ёки ташиқи кучлар томонидан ўзга мафкура олиб киритилиши мумкин. Аммо бирор мафкуранинг ичида унга монанд бўлмаган янги бир мафкурани яратиш бўлмайди. Бундай бўлади деган сўз ижтимоий гуруҳлар ўртасида бўлинишининг юзага келганлигини англатади ва мафкуралар ўртасида сиёсий сепаратизмни юзага келтиради.

Халқаро сиёсат "status quo"сида геомафкура омили биринчи навбатда мафкуравий хавфсизлик таҳдиди тарзида намоён бўлиб, таҳдидлар ижтимоий ҳаётнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик, маданий ва ахборот соҳаларини ўзига тўлиқ қамраб олмақда. Жамиятда мафкура полигонлари шаклланиб, тобора мустаҳкамланиб бормоқда ва бугун "мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эгаллигини" намоён этмоқда. Геомафкуравий куч марказлари – жамиятдаги сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар ўртасида муайян манфаатларни кўзлаб гоявий жиҳатдан юзага келган геосиёсий куч марказидир. Геосиёсий куч маркази битта давлат, давлатлар уюшмаси ёки гуруҳ, давлатчилиги ҳар хил бўлсада, гоявий маслакдошлиги бир хил бўлган сиёсий гуруҳлар бўлиши мумкин. Геомафкуравий куч маркази билан геосиёсий куч марказини илмий жиҳатдан қиёсий таҳлил этганда "геосиёсий куч марказ" жумласидаги "куч" сўзини тушириб қолмаслик лозим. Чунки "геосиёсий марказ" тушунчаси халқаро муносабатлар назариясида бошқачароқ маънода талқин қилинади. Геосиёсий марказ тушунчаси аввало бир давлатга нисбатан ишлатилади ва биринчи ўринда давлатнинг "куч сифатида шаклланганлигини эмас, балки ҳаракатдаги кучлар учун геостратегик аҳамиятдаги географик кенгликда жойлашганлигини назарда тутуди". Геомафкуравий куч марказлари кўламага қараб геосиёсий куч марказлари сингари глобал ёки минтақавий бўлади. Бироқ, геосиёсий куч марказлари географик майдон билан биргалликда давлатнинг қудрати ва сиёсий мотивига қараб таснифланса, геомафкуравий куч марказлари илгари сураётган гояларининг тарқалиши доираси (географик эмас)га қараб тавсифланади.

Мақолада мафкуравий жараёнларнинг тадрижий тараққиёти, геомафкуравий таҳдидларнинг юзага келиши ва уларнинг шаклланишида куч марказларининг тутган ўрни ва роли билан боғлиқ долзарб масалалар таҳлил қилинган.

**Таянч сўз ва иборалар:** халқаро муносабатлар, халқаро сиёсат, мафкура, мафкуравий таҳдид, куч маркази, геомафкура, мафкуравий куч марказлари.

**Аннотация.** В мире господствуют идеи, и только когда эти идеи сформулированы как единая идеология, их можно рассматривать на практике. Какая бы она была идеология основана на практичности и может противоречить другим идеологиям. Там, где существует идеологический вакуум, можно создать новую идеологию или принести другую идеологию извне. Но невозможно создать новую идеологию, несовместимую с другой. Это то, что означает разделение социальных групп и создание политической сепаратизма между идеологиями.

В «статусе-кво» международной политики геополитический фактор проявляется в первую очередь как угроза идеологической безопасности, а угрозы охватывают политическую, экономическую, военную, экологическую, культурную и информационную сферы общественной жизни. Полигоны идеологии были сформированы и укреплены в обществе, и сегодня они показывают, что «идеологические полигоны более могущественны, чем ядерные полигоны». Геоидеологические центры силы – это центры геополитической власти, которые были созданы для определенной цели между политическими институтами и социальными группами в обществе. Центром геополитической власти может быть одно государство, объединение государств или групп, политических групп с

одинаковым уровнем политической приверженности. В научном сравнительном анализе геополитического центра силы и центра геополитической власти слово «сила» во фразе «центр геополитической власти» не следует исключать. Это связано с тем, что понятие «геополитический центр» по-разному трактуется в теории международных отношений. Понятие геополитического центра используется главным образом по отношению к одному государству и предполагает, что государство не географически сформировано, а скорее географически важно для сил, действующих на него. Геополитические центры силы являются глобальными или региональными, как и центры геополитической власти. Однако, если центры геополитической власти классифицируются вместе с географической областью на основе власти и политических мотивов государства, центры геополитической власти характеризуются диапазоном идей, которые они ищут.

В настоящей статье анализируются такие актуальные вопросы, как эволюция идеологических процессов, появление геоидеологических угроз, роль и место центров сил в формировании этих угроз.

**Опорные слова и выражения:** международные отношения, мировая политика, идеология, идеологические угрозы, центр силы, геоидеология, идеологические центры сил.

**Annotation.** *The world is dominated by ideas. Only when these ideas are formulated as a whole ideology can be seen as a practice. Whatever the ideology may be, it is based on the practicality of the ideology, and it is opposed to other ideologies. Where there is an ideological vacuum, it is possible to create a new ideology or to bring another ideology from outside. But it is impossible to create a new ideology that is not compatible with one ideology. It means that there has been a split between social groups and political ideologies that create divisive ideologies.*

*In the "status quo" of international politics, the geopolitical factor appears primarily as a threat to ideological security, and the threats cover the political, economic, military, environmental, cultural and information spheres of public life. Polygons of ideology have been formed and strengthened in society, and today they are showing that "ideological polygons are more powerful than nuclear polygons". Centers of geoideological power are the centers of geopolitical power that have been created for a particular purpose between political institutions and social groups in society. The center of geopolitical power may be a single state, an association of states or groups, political groups with the same level of political commitment. In the scientific comparative analysis of the geoideological power center and the center of geopolitical power, the word "power" in the phrase "center of geopolitical power" should not be omitted. This is because the concept of "geopolitical center" is interpreted differently in international relations theory. The notion of a geopolitical center is primarily used for a single state and, first of all, assumes that the state is "not geographically formed, but geographically important for the movement forces". Geoideological centers of power are global or regional, as are the centers of geopolitical power. However, when geopolitical power centers are classified together with the geographical area by the power and political motives of the state, the centers of geopolitical power are characterized by the range of ideas that they seek.*

*The current article analyzes the issues of evolution of ideological processes as well geoideological threats and the role of power centers in formation of these threats in the contemporary world.*

**Keywords and expressions:** international relations, world policy, ideology, ideological threats, power center, geoideology, ideological power centers.

Ер юзида одам пайдо бўлиши билан мафкура ҳам пайдо бўлган, десак хато бўлар. Қабилалар бирлигини дастлаб урф-одатлар бирлаштирган. Тарихан миллатлар бирлашувининг шаклланишида диний муносабатлар (асосий омиллардан бири сифатида) туради. Халқлар эса бир-бири билан давлат воситачилигида бирлашишган. Вақт ўтиши билан давлатларда, унинг аҳолиси турмушида дин ва миллий анъаналар уйғунлашган. Мафкуранинг пайдо бўлиши жамиятда миллатларнинг шаклланиши билан ҳамоханг. "Шунинг учун ҳам "миллий генезис" ҳар қандай мафкура моҳиятида акс этади"<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Pastukhov V.B. «Noviye russkie»: poyavlenie ideologii [«New Russians»: appearance of ideology]. Journal «Polis», 1993, no.3, pp.54-57



"Мафкура" иборасини француз олими Дестют де Траси Уйғониш даврига бағишланган "Мафкура элементлари" номли асарида (1801 йил) илк бор қўллаган. Унингча, мафкура ғояларнинг шаклланиш жараёнларини ўрганиш демакдир. Шунинг учун де Траси ва унинг издошлари мафкурага "ғоялар ҳақидаги фан" сифатида қараганлар.

Мафкурага жамиятни ўзгартиришга қодир куч сифатида дастлаб марксизм вакиллари ёндашишган. Улар мафкуранинг "ғоялар ҳақидаги фан"лигини инкор этиб, уни жамиятдаги у ёки бу ижтимоий гуруҳ фаолиятининг онгдаги инъикоси деб қарашган<sup>1</sup>. Марксизм мафкураси синфий характер касб этганлиги боис қаршиликка учраганлиги ва охир оқибат XX аср ниҳоясида инқирозга юз тутганлиги барчага маълум.

Халқаро муносабатлар назариясида сиёсий идеализм (Р.Кларк, Л.Сон), сиёсий реализм (Г.Моргентау, Р.Арон, Г.Киссинжер), модернизм (К.Райт, К.Дойч), транснационализм (Р.Коохейн, Ж.Най) ва неомарксизм (П.Барон, П.Суизи) мактаби вакилларининг давлат, давлатлараро муносабатлардаги миллий манфаатлар ёки ҳамкорликнинг янги шакллари борасидаги мулоҳазалари бир томондан мафкурага нисбатан янгича ёндашувларни шакллантирган бўлса, иккинчи томондан, таълимотлар мазмунан бир-бирига қарши ғояларни ўзида акс эттирган<sup>2</sup>.

Г.Моргентау идеализм оқими вакилларининг жаҳон урушлари хавфи ва ҳарбий конфликтларни давлатлар ўртасида ҳуқуқий келишув ва халқаро муносабатларни демократлаштириш ҳисобига бартараф этиш керак деган фикрларини утопия деб, ўрнига "халқаро муносабатлар давлатларнинг кураш майдонидир. Чунки давлат бор экан, миллий манфаат ҳам мавжуд. Миллий манфаат эса ҳокимиятни мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлади", - деган ғояни ўртага ташлайди<sup>3</sup>.

Р.Арон фикрича, халқаро муносабатларда давлат ташқи сиёсий фаолияти - мақсад ва йўналишларни аниқлашда, унга эришишда давлат етакчисининг ҳаракатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда етакчининг сиёсий темпераментидан ташқари, мафкураси ҳам ғоявий жиҳатдан мустаҳкам бўлмоғи лозим<sup>4</sup>.

Бугунги кунда мутахассислар геосиёсий қарашлари ҳар хил бўлсада, бироқ классик геосиёсатчилар томонидан илгари сурилган фикрлар билан ўрталикда услубий яқинликни кўриш мумкин. Аммо уларнинг мафкура борасидаги мулоҳазаларида эса "хурфикрлик" ҳукмрон. Шунинг учун ҳам ижтимоий-сиёсий фанларда "мафкура" тушунчасига нисбатан кўплаб таърифлар, унинг тузилиши ва жамиятдаги функциясига доир ўнлаб концепциялар мавжуд.

Мафкуранинг генезиси, тадрижий тараққиёти ва унинг ижтимоий табиатига эътибор беринг. Ҳар қандай мафкура аввало назарий кўринишда юзага келиб, жамият феномени сифатида қачонки ижтимоий кураш майдонларидаги синовларни енгиб ўтсагина шакл-

<sup>1</sup> Marks K. i Engels F. Sochinenie [Essays]. Т. no.3. pp.12-56

<sup>2</sup> Модернистлар XX аср 60-йилларида шаклланган. Улар ўзларидан олдинги мафкуравий оқимларни "анъаначилар" деб, халқаро муносабатларга нисбатан уларнинг қарашларини "классик ёндашув" деб баҳолайди ва жамиятдаги ўзгаришларни янгича мушоҳадаларсиз ўрганиб бўлмаслигини айтиб, халқаро алоқаларни моделлаштириш ва тизимли ёндашув орқали таҳлил этмоқ керак, дейди. Транснационализм намояндалари фикрича, халқаро алоқалар фақат давлатлараро муносабатларни назарда тутмаслиги керак. Жамиятда индивидлар ва нодавлат бирлашмаларнинг ўрни сезиларли равишда ошаётганлигини ҳам эътиборга олмақ керак. Улар транскоммуникациявий алоқалар воситасида халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришдан баҳс этади. Неомарксизм оқими эса, аксинча ривожланмаган давлатларнинг иқтисодий ривожланган давлатларга тобе бўлиб қолишига эътиборни қаратишади – муал.

<sup>3</sup> Tzigankov P.A. Mejdunarodniye otnosheniya [International relations]. Moscow, «Novaya shkola», 1996, p.21

<sup>4</sup> o'sha manba / ibid. p.193



ланади. Мафкуранинг шаклланиши ва ривожланиши унинг субъектлари - жамиятдаги муайян ижтимоий гуруҳларнинг жамиятда тутган ўрнига, умумий мақсад сари амалий ҳаракатларининг муштараклигига ҳам боғлиқ. Бундай жиҳатларга эга бўлмаслик жамиятда мафкуранинг йўқлигини билдирмайди. Чунки инсон, давлат ва жамият мавжуд экан ижтимоий жиҳатдан мафкура улар билан ҳамнафас. Қолаверса, инсон томонидан мафкураларни инкор этиш ёки давлат ва жамиятнинг мафкурасиз дея эълон қилиниши ҳам ўзига хос бир мафкурадир.

Мафкура қайси кўринишда бўлмасин, унинг амалий ҳаракатлари асосида бошқа мафкураларга қарама-қаршилик туради. Мафкуравий бўшлиқ бўлган жойда янги мафкура яратиш ёки ташқи кучлар томонидан ўзга мафкура олиб киритилиши мумкин. Аммо бирор мафкуранинг ичида унга монанд бўлмаган янги бир мафкурани яратиб бўлмайди. Бундай бўлади деган сўз ижтимоий гуруҳлар ўртасида бўлинишнинг юзага келганлигини англатади ва мафкуралар ўртасида сиёсий сепаратизмни юзага келтиради.

Мафкураларни моҳиятан қандай тамойилларга асосланишига қараб таснифлаш мумкин, яъни: диний, диний фундаменталистик, миллий, миллатчилик, либерал, анъанавийчилик, гегемонлик, инсонпарварлик ва бошқ.. Қандай тамойилларга асосланмасин, мафкура амалиётда давлатнинг миллий манфаатлари билан уйғунлашган бўлсагина эволюцион ривожланишини давом эттиради.

Унутмаслик керакки, назарий жиҳатдан жамики ижтимоий гуруҳлар давлат ва жамиятда ягона мафкуранинг барҳақ бўлишидан баҳс этиши мумкин, аммо биргина қуруқ фикрларнинг ўзи унинг амалиётда акс этишини парадоксга айлантиради. Бундай мафкура қачонки давлатдаги мавжуд ижтимоий гуруҳлар, сиёсий институтлар у ҳақидаги субъектив қарашларини умумдавлат манфаатлари билан уйғунлаштирсагина, яъни умумий манфаатдорлик орқасида миллий мафкура тарзида шаклланиши мумкин.

Шу ўринда бундай жараёнларга давлатда ягона мафкуранинг ҳукмронлиги тариқасида қарашнинг нотўғрилигини айтиб ўтмоғимиз жоиз. Шу йўсиндаги консенсус орқасида ҳокимиятга нисбатан мафкуравий жиҳатдан бир хил бўлмаган кучларнинг давлатчиликни мустаҳкамлаш йўлидаги умумий манфаатларининг муштараклиги туради. Шунинг учун ҳам бундай мафкурага миллий сўзи кўшиб айтилади<sup>1</sup>.

"Миллий мафкура халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди. У инсонга фақат моддий бойликлар ва неъматлар учун эмас, ... юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини англатадиган, бу мураккаб ва таҳликали дунёда унинг тараккиёт йўлини ёритадиган маёқдир"<sup>2</sup>. Ҳозирги кунда нафақат маълум бир гуруҳ, бутун давлат манфаатлари йўлида мафкуралар ўртасидаги консенсусни мафкуранинг янгича бир услубияти сифатида қараш мумкин.

Бундан ташқари, "совуқ уруш"дан кейин маълум бир модел асосида (марксизм сингари аниқ бир синфлар манфаати асосида эмас) жамият (бу ерда "жамият" сўзи кенг маънода ишлатилиб минтақалар ва давлатларни назарда тутмоқда)да радикал ўзгаришларни юзага келтиришни кўзлаган мақсадлар мафкуранинг асосий тамойилларидан бири сифатида

<sup>1</sup> "Миллий" сўзи икки хил маънога эга: 1) муайян минтақада яшовчи бир миллатга нисбатан; 2) миллий келиб чиқишидан қатъий назар, маълум бир давлатда истиқомат қилиувчи халқларга нисбатан. Бу жиҳатдан "миллий" атамаси "давлат", "давлатчилик" сўзларига синоним – *муал.*

<sup>2</sup> Milliy istiqloql g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. Tashkent, «O'zbekiston», 2000, p.6



- а) жамиятдаги устувор ғоялар ва уларнинг халқаро ҳамжамиятга таъсири;
- б) геомафкуравий куч марказларининг шаклланганлиги ва уларнинг жаҳон сиёсий тизимидаги ўрни;
- в) давлатлараро мафкуравий муносабатларнинг бугунги кўриниши;
- г) халқаро хавфсизликни таъминлашга геомафкуравий чақириқ ва таҳдидларнинг таъсир этаётганлиги;
- д) геомафкуравий зиддиятлар кўламининг ўсиб бораётганлиги.

Тўғри, бугун халқаро муносабатларда икки қутб – собиқ СССР ва АҚШ ўртасидаги глобал мафкуравий кураш барҳам топган. Қолаверса, жаҳонда кўплаб мустақил давлатлар юзага келиб демократик ғоялари ва кадриятлари билан жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш учун интилмоқда ёки олдин фақат халқаро ташкилотлар, давлатлар халқаро ҳуқуқнинг субъекти саналган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг қаторига ўз мустақиллиги учун курашаётган миллат ва халқлар ҳам қўшилди<sup>1</sup>. Бундай ижобий жараёнларга яна кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Аммо булар халқаро ҳуқуқ субъектлари ичида, субъектлараро муносабатларда мафкуравий тўқнашувлар барҳам топиб, консенсуснинг юзага келганидан баҳс этишимизга етарли асос бўлмайди.

"Ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши қутб барҳам топган бўлсада, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ", балки "бугунги кунда турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда. Ранг-баранг, баъзан бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқда<sup>2</sup>.

Реал воқелик бундай жараёнларга нисбий кўз билан қарашимизни тақоза этади. Чунки юқорида қайд қилинган замонавий мафкура параметрларининг ботиний оламига назар ташласангиз халқаро алоқаларда "Фарб ва Шарқ" ўртасида "Шимол ва Жануб" масаласи бўйича "янги совуқ уруш" таҳдидининг сақланиб турганлигига, социалистик лагерни инкирозга учратган либерализм мафкураси ўрнига тадрижий жиҳатдан гегемонизм мафкурасининг кенг қулоч ёзаётганлигига; урушлар табиатининг тўлиқ мафкуравий тус олганлигига; минтақавий можароларнинг умумбашарий аҳамиятга эга бўлаётганлигига; геосиёсий куч марказлари ва бошқа етакчи хорижий давлатлар ички ҳаётида умуммиллий ғояларнинг бошбошдоқлиги оқибатида давлат мафкурасининг шаклланиши қийин бўлаётганлигига (масалан Россия, Покистон, Туркия) амин бўласиз.

Халқаро сиёсат "status quo"сида геомафкура омили биринчи навбатда мафкуравий хавфсизлик таҳдиди тарзида намоён бўлиб, таҳдидлар ижтимоий ҳаётнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик, маданий ва инфорацион соҳаларини ўзига тўлиқ қамраб олмоқда<sup>3</sup>. Жамиятда мафкура полигонлари шаклланиб, тобора мустаҳкамланиб бормоқда. "Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга"<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Mejdunarodniye pravo [International law]. Uchebnik pod redakziye prof. G.I.Tunkina. Moscow, «Yuridicheskaya literatura», 1994, pp.85-93

<sup>2</sup> Karimov I.A. Jamiyatimiz mafkurasi xalqni - xalq, millatni - millat qilishga xizmat etsin. Tashkent, «O'zbekiston», 1998, p.5

<sup>3</sup> Shaposhnikov E. O konzeptzii bezopasnosti Rossii [Russian security conception]. Journal «Mejdunarodnaya jizn», 1993, no.9, pp.10-11

<sup>4</sup> Karimov I.A. Jamiyatimiz mafkurasi xalqni - xalq, millatni - millat qilishga xizmat etsin. Tashkent, «O'zbekiston», 1998, p.6

Геомафкуравий таҳдидлар мундарижасининг бундай хусусиятларни ўзида жо қилганлиги уларга нисбатан назарий жиҳатдан таърифлар бериш имкониятини чегаралаб кўймоқда ёки қийинлаштирмоқда. Чунки, юқорида қайд қилинганлардан ташқари, таҳдидлар амалиёти одамлар, халқлар ва давлатларнинг ҳаётий манфаатларига нисбатан суийқасд қилишнинг ва ҳарбий реакцион кучлар экспанцион фаолиятларининг ҳар хил восита ва шакллари ҳам ўзида намоён қилмоқда.

Бундан ташқари, геомафкуравий таҳдидлар жамиятдаги ҳарбий-сиёсий мақсадларнинг амалий ҳаракатлантирувчи кучига айланиб қолмоқда. Бунга халқаро террористик ташкилотлар номини олган “Ислоҳ давлати” (Сурия, Ироқ), “Ал-Қоида”, Тамил Иламани озод қилиш йўлбарслари (Шри-Ланка) ва бошқа жинойий уюшмалар томонидан илгари сурилатётган босқинчилик, эгоистик манфаат ва мақсадлар учунгина кураш кўринишидаги ғоявий кўпоровчилик ҳаракатлари мисол бўлиши мумкин. Бундай кучлар мафкураси муросага келишдан кўра масалани фақат агрессив ҳарбий ҳаракатлар билан ўз фойдасига ҳал этишгагина (имкониятлари даражасининг кичиклигига ҳам эътибор бермасдан) мойил<sup>1</sup>.

Геомафкуравий таҳдидларнинг яна бир хусусияти шундаки, улар жамиятдаги жамики таҳдидларни ғоявий жиҳатдан бир-бирига боғлашдан ташқари, ўзининг мустақил манбаларига ҳам эга. Эҳтимол, америкалик неоконсерватизм оқими вакиллари “бугун озод дунёга нафақат қуролланган армиялар, балки мавжуд ғоялар тизими ҳам хавф солмоқда. Бундай мафкураларга бугун қарши курашилмаса, вақти келиб иродамизда унга қарши туғилган туйғуларни ҳам йўқ қилиши ҳеч гап эмас”, - деганда ўша манбаларни назарда тутган бўлса ажаб эмас<sup>2</sup>. Ҳозирги кунда ҳам дунёда ана шундай ғоялар янгича ниқоб ва механизмлар - “янгича шарпалар” билан кезиб юрибди. “Шарпалар” орқасида турган ҳаракатлантирувчи кучларни мафкуравий куч марказларининг «ташвиқотчи»лари деб аташ мумкин.

Геомафкуравий куч марказлари - жамиятдаги сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар ўртасида муайян манфаатларни кўзлаб ғоявий жиҳатдан юзага келган геосиёсий куч марказидир. Геосиёсий куч маркази битта давлат, давлатлар уюшмаси ёки гуруҳ, давлатчилиги ҳар хил бўлсада, ғоявий маслакдошлиги бир хил бўлган сиёсий гуруҳлар бўлиши мумкин. Геомафкуравий куч маркази билан геосиёсий куч марказини илмий жиҳатдан қиёсий таҳлил этганда “геосиёсий куч марказ” жумласидаги “куч” сўзини тушириб қолмаслик лозим. Чунки “геосиёсий марказ” тушунчаси халқаро муносабатлар назариясида бошқачароқ маънода талқин қилинади. Геосиёсий марказ тушунчаси аввало бир давлатга нисбатан ишлатилади ва биринчи ўринда давлатнинг “куч сифатида шаклланганлигини эмас, балки ҳаракатдаги кучлар учун геостратегик аҳамиятдаги географик кенгликда жойлашганлигини назарда тутлади”<sup>3</sup>.

Геомафкуравий куч марказлари кўламига қараб геосиёсий куч марказлари сингари глобал ёки минтақавий бўлади. Бироқ, геосиёсий куч марказлари географик майдон билан биргаликда давлатнинг қудрати ва сиёсий мотивига қараб таснифланса, геомафкуравий куч марказлари илгари сураётган ғояларининг тарқалиш доираси (географик эмас)га қараб тавсифланади.

Мафкуранинг замонавий талқини ва геосиёсий жараёнларни таҳлил этишда (бизнинг қарашларимиз ва манфаатларимизга қанчалик даражада мос келмасин!) мондиализм

<sup>1</sup> Karasev I.F. Voyennaya ugroza i opasnost [Military threat and hazard]. Journal «Mejdunarodnaya jizn», 1990, no.4, p.144

<sup>2</sup> National Review. 1981. vol.29. №5. p.1188

<sup>3</sup> Bjizinskiy Zb. Velikaya shaxmatnaya doska [Great chess board. published]. Moscow, «International relations», 1999, p.55

намояндалари фикрларини эътиборга олмасдан илож йўқ. "Мондиализм" термини келажакда Ғарб дунёси бошқонлигида «ягона жаҳон давлати ва ҳукумати»ни барпо этишга йўналтирилган интеграцион жараёнларнинг тадрижий таракқиётини назарда тутуди<sup>1</sup>. Шу билан биргаликда мондиализм бир қатор мафқуравий асосларга эга.

Мондиализмнинг геосиёсий мафқураси Ғарб билан Шарқнинг геосиёсий имкониятларини қиёслаб, тарихан ва географик жиҳатдан Ғарбнинг имкониятлари Шарқдан устун бўлиб келганлигини илгари сурса, мондиализмнинг этник мафқураси дунёдаги йирик шаҳарлар аҳолиси ўртасида космополитизмнинг қандайдир кўринишлари сақланиб ва ривожланиб келаётганлигига ишора қилиб, жамиятда миллий-этник, ирқий ва маданий жиҳатдан халқларнинг яқинлашуви кераклигидан баҳс этади.

Мондиализмнинг иқтисодий мафқураси эса халқаро иқтисодий муносабатларда босқичма-босқич либерал-капиталистик бозор иқтисодиётини яратишга интилишни тарғиб этиб, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тизимидаги "социализм", "ижтимоий" ва "миллий" томондан ҳаққонийлик, "ижтимоий ҳимояланиш" ва шу сингари омилларни "мутлоқ эркин бозор" жамиятидан сиқиб чиқариш кераклигини илгари суради<sup>2</sup>.

Мондиализм мафқуравий жиҳатдан икки йўналишга - "сўллар" ва "ўнгла"га бўлинади<sup>3</sup>. Агар "сўл мондиализм" намояндалари (Ф.Фукуяма, Ж.Аттали) қарашларида жаҳон интеграциясининг муқаррарлиги; "евросиёчилар" (Шарқ) устидан "атлантичилар" (Ғарб) ғалабаси билан миллий ва этник муносабатларда чегаранинг ҳам йўқолганлиги ва шу каби омиллар анъанавийчилик асосида таҳлил этилса<sup>4</sup>, "ўнг мондиализм" намояндалари (С.Хантингтон, Зб.Бжезинский) замонавий жамиятда миллат ёки давлатлар эмас, балки "цивилизациялар уруши"дан баҳс этади.

Айтиш керакки, мафқуранинг энг хавфли янгича талқини жамиятдаги цивилизациялараро муносабатлар, улар ўртасидаги мафқуравий конфликтлар билан боғлиқ. Ўнг мондиалистлар фикрларини жаҳон иқтисодиётида давлатлар эмас, давлатлардаги йирик монополиялашган компаниялар ўрнининг сезиларли равишда ошиши билан, келажакда конфликтлар миллий давлатлар ўртасида эмас, цивилизациялар ўртасида бўлиб, жаҳон сиёсатида цивилизациялараро тафовутлар ҳукм суриши ҳақидаги башоратлар билан боғлашади.

Цивилизация ҳақидаги фикрлар тизимида С.Хантингтоннинг қарашлари ўзига хос бўлиш билан биргаликда, илмий доирада қизғин муҳоҷасаларнинг юзага келишига сабаб бўлган ва бўлмоқда. У сўл мондиалист Ф.Фукуяманинг XX асрда фашизм ва коммунизм мафқуралари устидан либерализм ғалаба қозонди ва шу билан тарих тугади - деган мулоҳазасига қарши жаҳон тарихи тугамасдан, балки янги босқичга кўтарилганлигини таъкидлайди<sup>5</sup>. Тадқиқотчининг фикрича, XXI асрда жаҳон сиёсатида маданий омил биринчи ўринга чиқади ва жамиятдаги ҳар қандай ҳамкорлик ва қарама - қаршилиқлар давлатлараро эмас, мавжуд маданий цивилизациялар ўртасида бўлади. Унингча, цивилизация

---

<sup>1</sup> Slavohotov A., Gusher A. Strategiya nazionalnoy bezopasnosti Rossii na yuge [Russian national security in south]. Journal «Aziya i Afrika segodniya», 1997, no.1, p.29

<sup>2</sup> Ibid

<sup>3</sup> Ibid

<sup>4</sup> Dugin A. Vozvrashayak k «Velikoy voyne kontinentov» [Return to «Great war of continents»]. Journal «Elementi», 1993, no.1, p.43

<sup>5</sup> Yurlov F. Konez istorii ili poisk novogo puti?. [The end of history or searching new way]. Journal «Aziya i Afrika segodniya», 1997, no.1, pp.2-4



тушунчаси бутун борликни, шу жумладан, давлатларни ҳам ўзида мужассамлаштирган маданий мулоқотларнинг амалий натижасидир<sup>1</sup>.

Дунёдаги "оловли нуқталар" мавжуд цивилизациялар туташган чегара - майдонларда бўлиб келган ва яна бўлади. Ўша конфликтларни маълум бир вақт олдини олиш ёки бартараф этиш мумкин, ammo вақт ўтиши билан қарама - қаршилиқлар янгича тусда такрорий юзага келаверади. Олим "маданиятлар чегара"лари деганда Болқон, Кавказорти, Яқин Шарқ сингари минтақаларни назарда тутди<sup>2</sup>.

Воқеликда кечаётган жараёнларни бундай қонуниятга солиш муаммога бир томонлама ёндашиш эмасмикин?! Назаримизда, "оловли нуқталар"нинг барҳам топмаётганлигини ўша минтақаларнинг "цивилизациялар чегарасида" жойлашганлиги билан изоҳлаш нафақат ҳақиқатдан узоқроқ, балки онгли равишда билдирилган мантиқсиз хулосадир.

Фикримизча, Ер юзидаги "оловли нуқталар" юзага келишининг асосий сабабларини билиш учун, аввало конфликтлар майдони атрофида "айланиб юрган" кучларнинг минтақадаги мақсад ва манфаатларини ўрганиш муҳимроқ. Қолаверса, С.Хантингтон конфликтлар табиатининг мафкуравий тус олишини тарихга - XX асрга оид омил сифатида шарҳласада, бугун XXI аср иккинчи ўн йиллигида жаҳонда кечаётган минтақавий ихтилофлар таҳлили олимнинг мафкурага нисбатан бундай хулосага келишга шошганлигини кўрсатмоқда.

С.Хантингтон назарида цивилизация ва маданият замоннинг ўзгариши билан ўта сиёсийлашиб бораётган ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаларидир. Шунинг учун у уларни жаҳон сиёсати билан боғлашга уринган ва халқаро муносабатларда цивилизациялараро тўқнашувларни (келажакда) табиий жараён сифатида башорат қилади.

Бизнингча, маданият қандай кўринишда бўлмасин у одамлар ўртасидаги алоқадир. Цивилизация эса борлиқдаги нарсаларга хос куч. Бошқачароқ айтадиган бўлсак, маданият муайян қадриятларга интилиш натижасида шаклланиб ва ривожланиб борса, цивилизация жамиятда маданиятнинг моддий шаклида юзага келади. Цивилизация ҳам, маданият ҳам ўз доирасидан чиқиши, инқирозга учраши мумкин, фақат уларга четдан у ёки бу мафкуранинг таъсири бўлса.

Шундай экан биз XXI асрда жаҳон сиёсатида цивилизациялар тўқнашуви ёки етакчи давлатлар ўртасида умумбашарий биринчилик учун кураш ва жамиятда гегемонизм мафкурасининг сезиларли ўрни бўлишидан эмас, балки цивилизациялараро мулоқотдан, улар ўртасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўл-йўриқларидан баҳс этсак, мулоҳаза юритсак мақсадга мувофиқ бўларди. Шундагина, жамиятда геомафкуравий ўзгаришлар орқасида юзага келиши мумкин бўлган таҳдидлар билан боғлиқ муҳит - ҳар қандай даражадаги кучлар мувозанати шаклланишининг олди олинади. Мафкуравий кучлар мувозанати ўрнига мавжуд кучлар муносабатлари, дўстона мулоқоти учун шарт-шароитлар юзага келади. Натижада жамиятда ижтимоий мураса – мувозанат концепцияси амалий жиҳатдан намоён бўлади.



<sup>1</sup> Jumayev R., Ubaydullayev U., Xo'janov B. Konfliktologiya asoslari [Essentials of conflictology]. Tashkent, «Akademiya», 2000, pp.87-91

<sup>2</sup> Ibid



## ШХТ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КЎП ТОМОНЛАМА МАДАНИЙ ДИПЛОМАТИЯСИ

**САЙФУЛЛАЕВ ДУРБЕК**

докторант, PhD, доцент, ТДШИ

**Аннотация.** Дипломатия фаолиятида замонавий моделнинг ривожланиши учун кенг қамровлилик етакчи ўрин тутади. Халқаро муносабатлар тизимида уни ҳаракатга келтирувчи куч эса, кўп томонлама келишувлар орқали мувозанатни сақлаш бўлган. Ушбу модель шаклланишининг ёрқин мисоли сифатида 1648 йилдаги Вестфал тинчлик шартномасини кўрсатиши мумкин.

Мувозанат тамойили доимо ҳаракатдаги фаолият сифатида талқин қилинган. Бунда гап, бир тарафдан, бузилган кучлар мувозанатини кўп томонлама дипломатик форумлар чақириб, мувозанатга эришиши йўллари тўғрисида тадбирлар ташиқил қилиши назарда тутилса, бошқа тарафдан, эришилган мувозанатни сақлаб қолиши тўғрисидаги масала муҳим ўрин эгаллайди. Мавжуд ёки кучли таҳдиднинг бир давлат ёки давлатлар гуруҳи томонидан қайтарилиши турли кўп томонлама дипломатиянинг вазифаси бўлган. Масъулият ва давлатлар тенглигига таянадиган халқаро муносабатлар мувозанатлашган тизимининг ташиқил қилиниши бугунги кунда ҳам кўп томонлама дипломатиянинг энг долзарб вазифаси ҳисобланади. Бугунги кўп томонлама дипломатия халқаро муаммолар ечимида бир қанча давлатлар ёки давлатлар фуқаролари гуруҳларининг манфаатларини илгари сурадиган қўшма инструментлар ҳисобланган халқаро институтлар фаолиятида акс этмоқда. Мазкур мақолада Ўзбекистон ва ШХТ маданий-гуманитар ҳамкорлиги, бу борадаги кўп томонлама дипломатия, Ўзбекистоннинг ташиқилот доирасида мазкур соҳа ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** ШХТ, Ипак йўли, халқ дипломатияси, маданий ҳамкорлик, кўп томонлама дипломатия, маданий дипломатия, цивилизациялараро мулоқот, Шанхай руҳи.

**Аннотация.** Считается, что именно многосторонняя дипломатия стала основой развития современной модели дипломатии. Движущим фактором ее формирования стал поиск и сохранение равновесия в системе международных отношений через многосторонние договоренности. Наиболее ярким примером формирования данной модели можно считать Вестфальский мир 1648 г. Принцип равновесия всегда интерпретировался как в динамичном, так и статичном ключе. В первом случае речь шла о восстановлении однажды нарушенного равновесия сил, что не могло не стимулировать созыва многосторонних дипломатических форумов, цель которых — договориться о путях достижения равновесия. Во втором случае во главе угла стоит вопрос о сохранении уже достигнутого равновесия. Отражение существующей или потенциальной угрозы со стороны одного государства или группы государств было прямой задачей различных форм многосторонней дипломатии. Создание сбалансированной системы международных отношений, опирающейся на ответственность и равенство государств, и сегодня является актуальнейшей задачей многосторонней дипломатии.

Современная многосторонняя дипломатия выражается в деятельности соответствующих международных институтов – инструментов совместного решения международных проблем, затрагивающих интересы нескольких государств или групп их граждан. В этой статье описывается культурное сотрудничество между Узбекистаном и ШОС, многосторонняя дипломатия в этой области и вклад Узбекистана в развитие этого сектора в рамках организации.

**Опорные слова и выражения:** ШОС, Шелковый путь, публичная дипломатия, культурное и гуманитарное сотрудничество, многосторонняя дипломатия, культурная дипломатия, межкультурный диалог, шанхайский дух.

**Abstract.** It is believed that it was multilateral diplomacy that became the basis for the development of the modern model of diplomacy. The driving factor in its formation was the search for and maintaining

*equilibrium in the system of international relations through multilateral agreements. The Westphalian world of 1648 can be considered the most striking example of the formation of this model. The principle of equilibrium has always been interpreted in both a dynamic and a static manner. In the first case, it was a question of restoring a once disturbed balance of power, which could not but stimulate the convening of multilateral diplomatic forums whose purpose was to agree on ways to achieve equilibrium. In the second case, the cornerstone is the question of maintaining the already achieved equilibrium. Reflecting an existing or potential threat from one state or group of states was a direct task of various forms of multilateral diplomacy. The creation of a balanced system of international relations, based on the responsibility and equality of states, is today the most urgent task of multilateral diplomacy.*

*Modern multilateral diplomacy is expressed in the activities of relevant international institutions - instruments for jointly solving international problems affecting the interests of several states or groups of their citizens. This article describes the cultural cooperation between Uzbekistan and the SCO, multilateral diplomacy in this area and the contribution of Uzbekistan to the development of this sector within the organization.*

**Keywords and expressions:** *SCO, Silk Road, Public Diplomacy, Cultural and Humanitarian Cooperation, Multilateral Diplomacy, Cultural Diplomacy, Intercultural Dialogue, Shanghai Spirit.*

XXI асрнинг бошларида вужудга келган ва бугунги кунда халқаро майдонда жудда катта обрўга ва мақомга бўлган халқаро ташкилот - Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам Ўзбекистон кўптомонлама дипломатик муносабатларни ривожлантириб келаётганлигини алоҳида қайд этишимиз лозим. Нафақат маълум бир минтақани қамраб олган, балки сиёсий ва иқтисодий, маданий-гуманитар миқёси билан бутун бир ҳамжамиятга айланган, юқори суръатлар билан ривожланиб бораётган ушбу ташкилот маданий алоқаларни ривожлантиришнинг энг мақбул форматига айланганлиги, унинг нафақат жўғрофий, балки, барча соҳалардаги салоҳияти ўта юксаклиги намоян бўлаётган даврга гувоҳ бўлмоқдамиз.

Хавфсизлик, иқтисодий, сиёсий соҳаларда ташкилот катта ютуқларни бугунги кунга қадар қўлга киритганлиги, ушбу соҳаларда давлатлараро ўзаро ишонч ва ҳурмат, тенгхуққилик асосида тобора нуфузи ортиб бораётганлиги эса Ўзбекистонга ҳам бу борада жуда катта имкониятларни тақдим қилмоқда. Айниқса, мамлакатимизнинг ташкилот салоҳиятидан аъзо давлатлар билан маданий, туризм, экология, фан ва таълим, спорт соҳаларда жадал интеграцияга киришаётганлигини алоҳида қайд этишимиз лозим.

Ташкилот доирасида кўп томонлама маданий муносабатларнинг ривожланаётганлигини, аъзо давлатлар, кузатувчи мақомидаги, шунингдек, ҳамкор давлатлар ўртасидаги маданий алоқаларни ўрнатиш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш ва доимий такомиллаштириб бориш жараёнларини илмий тадқиқ қилиш баробарида ташкилотнинг вужудга келиши ва ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши борасида амалга оширган ишларини ҳам илмий таҳлил қилиш лозим.

Дастлаб, ўз олдига фақатгина гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти 1996 йилда ташкил топган “Шанхай бешлиги” ворислигида 2001 йилда дунёга келган. Унинг дастлабки аъзолари бўлиб, Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари ташкилот таркибига кирган эдилар. Дастлабки, алоқаларини ривожлантириш, гуманитар соҳани янада тараққий эттириш учун давлатлар томонидан асос бўладиган ҳужжат, яъни Хартия тасдиқланди ва унда асосий устувор вазифалар белгилаб олинган эди. Шу билан бир қаторда, аъзо давлатлар ўртасидаги маданий ва бошқа соҳадаги алоқаларни ривожлантириш ва уларни такомиллаштириш вазифалари эса улар ўртасидаги ҳукуматлараро келишувларда ўз аксини топган эди.

Тасдиқланган Хартияга мувофиқ, интеграция жараёнларини кенгайтириш, ривожлантириш ва чуқурлаштириш минтақа мамлакатлари ўртасидаги барча соҳалардаги муносабатларни чуқурлаштиришга замин яратилади. Айниқса, мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг ривожланиши бошқа соҳалардаги алоқалар ривожининг асоси бўлиши мумкинлиги англаб етилган эди. Ҳамкорликни ривожлантиришнинг энг катта асоси сифатида нафақат аъзо давлатларнинг раҳбарлари, балки Маданият вазирларининг ҳар йилги учрашувини ҳам асосий алоқалар формати сифатида таъкидлашимиз мумкин. Кўпинча эса ушбу учрашувлар алоҳида Форумлар сифатида ҳам ташкил қилиниб келинмоқда. Ўтган даврда ташкилот доирасида аъзо давлатлар томонидан 1 минг 400 атрофида ҳужжатлар имзолаган.

Бу йил Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил топганининг 18 йиллиги нишонланди. Хитой, Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатлари ШХТнинг илк олти аъзоси ҳисобланади. Кейинги босқичда, 2017 йили яна икки мамлакат – Ҳиндистон ва Покистон ушбу ташкилот сафига қўшилди ва ташкилотнинг нуфузи, обрўси олдингиданда салмоқли бўлди. Бугунги кунда ўз ичига аъзо давлатлар сифатида 8 та давлатни, 4 та кузатувчи ва 6 та мулоқот учун ҳамкор-давлатни ўз ичига олган ушбу ташкилот дунё аҳолисининг ярмини қамраб олаётганлиги (аҳолининг сони 3,2 млрд. атрофида), тез суръатлар билан ривожланиб бораётган давлатлардан иборатлиги сингари омилар билан дунё сиёсатида, миқёсида жуда катта аҳамиятга эга ташкилот сифатида майдонга чиқмоқда.

Мазкур минтақавий ташкилот барқарор ва соғлом руҳда ривожланмоқда. Бугунги кунда Хитой билан ШХТга аъзо бошқа давлатлар ўртасидаги савдо айланмаси 20 баробар ортган. Бу кўрсаткич 2018 йил якунлари бўйича 12 миллиард АҚШ долларидан 255 миллиард долларга етди. Жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 20 фоиздан зиёди ШХТга аъзо давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ҳозирги даврга келиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўз тараққиётининг алоҳида бир даврини бошдан кечирмоқда. Дастлабки даврларда аъзо давлатлар томонидан асосий эътибор чегара муаммолари, хавфсизлик ва барқарорлик, иқтисодий тараққиётга эришиш, сепаратизм ва бошқа муаммоларнинг ечимини устувор йўналишлар сифатида кўрган бўлсалар, бугун эса улар томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар ва тараққиёт омиллари ҳам бутунлай ўзгача қиёфа касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ташкилот доирасидаги маданий дипломатиясининг яна бир устувор йўналиши сифатида Президентимиз шавкат Мирзиёев томонидан “ШХТни ривожлантириш концепцияси”ни ишлаб чиқиш ғояси илгари сурилганлигидир. Бунда, бешта устувор мезонга таянган ҳолда, ШХТ доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ эканига эътибор қаратилди.

Айниқса, Президент Ш.М.Мирзиёев Марказий Осиё бундан кейин ҳам ШХТнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолиши зарурлигини таъкидлагани мамлакатимиз ташқи сиёсати ва маданий дипломатиясида ташкилотнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлигини англатади. Президентимиз томонидан илгари сурилган яна бир мезон – бу яшил” технологиялар ва агроинновацияларни татбиқ этиш масалаларини ҳам худди шу мезон ўзида қамрайди. Бу ҳам аслида маданиятнинг, аъзо давлатлар экологик маданиятини юксалтиришнинг энг асосий мезонларидан бири эканлигини сифатида ҳам талқин қилиш мумкин.

Маълумки, дунё миқёсида туризм соҳаси ҳам маданий ҳаётнинг, соҳанинг ажралмас қисми ҳисобланади ва Президентимиз томонидан илгари сурилган яна бир муҳим концептуал ташаббус сифатида ШХТ доирасида ўзаро гуманитар ҳамкорлик масаласи илгари сурилди.



Сайёҳлик ва маданият соҳаларида ранг-баранг ва серкамров дастурларни амалга ошириш, “халқ дипломатияси имкониятларидан янада кенг фойдаланиш ҳам шу жумлага киради.

Ўзбекистон Президенти яна бир яхши анъанага асос солиш таклифи билан чиқди. Бу – ҳар йили ташкилотда раислик қилувчи мамлакатдаги шаҳарлардан бирини “ШХТнинг сайёҳлик ва маданият пойтахти”, деб эълон қилиш ташаббуси. Президентимиз таъбири билан айтганда, “ШХТ шаҳар ва минтақаларининг тарихий-маданий меросини оммалаштириш ва туристик салоҳиятини янада тўлиқ намоён этиш муҳим”.

Аъзо давлатлар ўртасидаги маданий алоқалар ташкилотнинг энг асосий йўналишлари, устувор вазифаларидан бири бўлиб, халқларнинг, миллатларнинг ранг-баранг маданият, санъат ва унинг соҳалари бўйича муносабатлари тобора чуқурлашиши, ривожланишига замин бўлмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг ҳар бири жуда қадимий тарихга, дунёни лол қолдирадиган маданий меъросга (моддий ва номоддий), анъаналарга, урф-одатларга эга бўлиб, бу бир томондан улар ўртасидаги маданий алоқаларнинг неча минг йилликларга бориб тақалишини англатса, иккинчи томондан, бемалол бир бирлари билан маданий соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантириши учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида халқар ва миллатларни маданий жиҳатдан бир-бирларига яқинлашишлари, ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш учун кенг имкониятларни тақдим қилади. Айнан давлатлар ўртасидаги маданий яқинлик улар ўртасидаги турли қарашларнинг, позицияларнинг ҳам яқинлашишига асос бўлади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги форумларнинг, Маданият вазирлари учрашувларининг тарихий аҳамияти, ташкилот доирасидаги муносабатларнинг динамик ривожланиши борасида давлат ва ҳукумат раҳбарларининг, аъзо мамлакатлар расмий ва дипломатик вакилларининг, парламентарийларининг чиқишларида билдирилган фикрларни, баёлотларни, чиқишлар ва маърузаларни келтириш мумкин.

Энг муҳими, ушбу чиқишлар ва қарашларнинг, баёлотларнинг барчасида ўзаро муносабатларни ривожлантиришдан, айниқса, маданий алоқаларни янада ривожлантиришдан барча томонларнинг манфаатдорлиги ўз аксини топган. Маданий алмашинувлар, музейлар ва театрлар, санъат намоёндаларининг давлатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга қўшадиган ҳиссаси ниҳоятда беқиёслиги таъкидланган. Шу билан бир қаторда, айнан маданий дипломатиянинг самараси ҳам алоҳида қайд этилган.

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раҳбари Ли Кэцян 2013 йилдаги ўз чиқишларидан бирида ШХТ доирасида амалга оширилиши лозим бўлган 27 устувор йўналишнинг 6-чиси сифатида маданий ҳамкорликни ва гуманитар соҳада алмашинувларни белгилаганлиги ҳам бежиз эмас.

Ташкилотга аъзо давлатлар Маданият вазирларининг учрашувлари ва йиғилишлари бу алоқаларнинг энг муҳим ва катта салоҳиятга эга бўлган формати сифатида 2002 йилда Хитой халқ республикасининг Пекин шаҳрида ўз ишини бошлаган ва 2005 йилдан бошлаб эса ҳар йили ўтказилиб келинмоқда. Ушбу йиғилишлар доирасида аъзо давлатлар Маданият вазирлари халқлар ва давлатларнинг маданий ранг-баранглигини хурмат қилиш, турли маданиятларнинг биргаликда тинч яшаши лозимлиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосида бир-бирларини ўзаро бойитишга хизмат қилиши лозимлигини таъкидлаб келаётганлиги эса айнан ташкилотнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳам айнан маданий муносабатлар эканлигини яна бир бор исботлайди.





Кейинги муҳим қадамлар, яъни 2005-2006 йилларда ШХТ доирасида аъзо давлатларнинг кўптомонлама дипломатик муносабатларнинг режасини амалга ошириш Қозоғистон Республикасининг Остона (ҳозирда Нур Султон) шаҳрида бўлиб ўтган аъзо давлатлар Маданият вазирларининг йиғилишида халқлар ва миллатларнинг анъаналари ва урф-одатлари ҳақидаги билимларни кенг ёйиш ва улар ўртасидаги маданий алмашинувларни янада жадаллаштиришга келишиб олинди.

